



*pedia.org/wiki/Амударьинская\_военная\_флотилия [turojaat qilingan sana: 01.02.2022]*

Dissertatsiya va avtoreferatning berilishi:  
Qobulov E.A. XVIII asrning ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida Surxon vohasi xo'jaligi. Tarix fanlari doktori (DSc) ... diss. – Toshkent, 2019. – 284 b.

Юсуфи Шодипур. История путей сообщения и транспорта Таджикистана во второй половине XIX – начале XX в. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Душанбе, 1992. – 21 с.

**Jadvallar:** maqolada jadval nomlari uning yuqori qismida, chizma yoki rasm nomlari esa ularning quyi qismida yozilishi hamda ularning manbasi aniq ko'rsatilishi lozim. Jadvallar raqamlanadi va maxsus nomlanadi. Jadvaldagi har bir ustun qisqa nomga ega bo'lishi kerak (qisqartma so'zlardan foydalanish mumkin). Har bir jadval matnda izohlanadi. Chizmalarining elektron versiyalari alohida fayllarda taqdim etiladi. Tasvirning tavsiya etilgan kengligi 14 smdan oshmasligi kerak, balandligi 18 smdan oshmasligi tavsiya etiladi. Skanerlash materiallari kamida 300 dpi bo'lishi kerak.

O'zbek tilidagi o', g', q, h kabi harflar ilmiy maqola matnida gaplar tarkibida to'liq yozilishi shart.

Ilmiy maqola tahririyat tomonidan ko'rib chiqiladi. Tahririyat a'zolarining jurnal ruknlariga mos kelmagan, ko'rsatilgan talablarga mos bo'lmagan maqolalarni qabul qilmaslik huquqi bor.

Yuborilgan maqolalarning barchasi "Anti-plagiat" tizimida tekshiriladi.

Jurnal bosma shaklda chop etiladi. Jurnalning elektron shakli– Termiz iqtisodiyot va servis universitetining rasmiy web saytiga joylashtiriladi (<http://www.tisu.uz/>). Maqolalar bosqichma-bosqich google scholar da indekslanadi.

**Tasvirning tavsiya etilgan kengligi 14 smdan oshmasligi kerak, balandligi 18 smdan oshmasligi tavsiya etiladi. Skanerlash materiallari kamida 300 dpi bo'lishi kerak**

Tahririyat joylashgan manzil (pochta manzili):  
Termiz shahri, Bog'ishamol MFY, Faravon massivi 4b-uy.  
Tahririyat to'g'risidagi boshqa ma'lumotlar:  
Pochta indeksi: 190101.  
E-mail: [eshbolta.kabulov@mail.ru](mailto:eshbolta.kabulov@mail.ru) [allamuratovs@tersu.uz](mailto:allamuratovs@tersu.uz)  
Tel.: 91-966-00-44, 91-518-66-88.

**Muassis:**  
TERMIZ IQTISODIYOTVA SERVIS  
UNIVERSITETI

**TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi**  
**Ilmiy-uslubiy jurnal**

**Bosh muharrir:**  
Sattorov Abdusamat Umurqulovich  
**Bosh muharrir o'rinbosari:**  
Qobulov Eshbolta Atamuratovich  
**Mas'ul kotib:**  
Allamuratov Shuxrat Ashurovich  
**Dizayner:**  
Meyliqulov Shahboz Xolmamatovich

**Jurnal har chorakda bir marotaba**  
**chop etiladi**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi  
Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi  
Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar  
agentligining 2023-yil 1-martdagi  
№ 066379- raqamli guvohnomasi bilan  
ro'yxatga olingan.*

*Jurnal "PRINTWELL" MCHJ  
bosmaxonasida chop etildi.  
Manzil: Toshkent shahri  
Muqimiy ko'chasi, 170/14*

*Bosishga ruxsat etildi:  
03.05. 2023.  
Qog'oz bichimi: 60x84 1/8  
"Times New Roman" garnituruasi.  
Ofset bosma.  
Ofset bosma usulida bosildi.  
Shartli bosma tabog'i: 11.  
Adadi 1000 nusxa.  
Bahosi kelishilgan narxda.  
Buyurtma № 1.*

*Jurnalning elektron shakli bilan  
<https://tisu.uz/>  
web saytida tanishish mumkin.*

**Tahririyat manzili:**  
Surxondaryo viloyati,  
Termiz sh., "Bog'ishamol" MFY,  
"Farovon" massivi 4b-uy.

## TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

Ixtisham Ul-Haq – i.f.d., prof. (Pokiston)  
L. Narrada Gamage – i.f.d., prof. (Shri Lanka)  
Vohidov Sh.X. – t.f.d., prof. (Tojikiston)  
Xudoyqulov S.K. – i.f.d., prof.  
Jo'rayev A.S. – i.f.d., prof.  
Hatamov O.Q. – i.f.d., prof.  
Tursunov S.N. – t.f.d., prof.  
Xoliqova R.E. – t.f.d., prof.  
Eshov B.J. – t.f.d., prof.  
Mirsabirov M. – f.-m.f.d., prof.  
Allakov I. – f.-m.f.d., prof.  
Turayev E.Yu. – f.-m.f.d., prof.  
Turayev X.X. – k.f.d., prof.  
Qulmamatov D. – f.f.d., prof.  
Bakirov P.U. – f.f.d., prof.  
Raximov G'.X. – f.f.d., prof.  
Umurqulov B. – f.f.d., prof.  
Mahmudov Yu.G'. – p.f.d., prof.  
Qodirov U.D. – psix.f.d., prof.  
Otamurodov F.A. – tib.f.d., dots.  
Shaydullayev Sh.B. – t.f.d., dots.  
Otamurodov Sh.N. – i.f.d., dots.  
Eshqurbonov F.B. – k.f.d., dots.  
Tursunov N.N. – t.f.d., dots.  
Xayrullayev I.N. – f.-m.f.n., dots.  
Rasulov H.M. – s.f.n., dots.  
Yormatov F.J. – t.f.n., dots.  
Mamadjanova T.A. – i.f.f.d. (PhD), dots.  
Eshkarayev S.Ch. – k.f.f.d. (PhD)  
Bazarov S.B. – f.f.f.d. (PhD)  
Sattorova Ye.A. – f.f.f.d. (PhD)  
Eshkurbanov S.B. – t.f.f.d. (PhD)  
Saloxitdinova N.M. – p.f.f.d. (PhD)

# MUNDARIJA

## KIRISH

**J. PARDAYEV**

“Termiz iqtisodiyot va servis universiteti ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi” Yangi O‘zbekistonning ilm-fan taraqqiyoti uchun xizmat qiladi.....3

## GEOGRAFIYA FANLARI

**A.U. SATTOROV**

O‘zbekiston Respublikasi qishloq aholisining o‘shishi va joylashishining ba’zi masalalari.....8

## TARIX FANLARI

**E.A. QOBULOV**

Amir Temur - ilm ma’rifat homiysi.....18

**A.M. HASANOV**

Amir Temurva Temuriylar davrida shaharsozlik an’analari tarixidan.....24

**N.N. TURSUNOV, K.E. QOBILOV**

Sharqiy Buxoro bekliklarida savdo munosabatlarining rivojlanishida hunarmandchilik mahsulotlarining o‘rni.....28

**T.D. XUDOYQULOV**

Xiva xonligida mansab va unvonlar (Munisning “Firdavs-ul iqbol” asari misolida).....35

**F.J. YORMATOV**

O‘zbekistonda nuroniylarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash tizimi tarixidan.....47

**SH.A. ALLAMURATOV**

Surxon vohasining tashqi savdo munosabatlari (Amudaryo suv yo‘li misolida).....58

**F.E. TILOVOV**

Surxondaryo viloyatida sanoat korxonalarini tashkil etilishining ahamiyati.....69

## IQTISODIYOT FANLARI

**A.S. JURAYEV**

Dehqonchilik -farovonlikning muhim bo‘g‘ini.....82

**SH.N. OTAMURODOV, M.N. FARMONOVA**

Hudud iqtisodiyotining barqaror rivojlanishida sanoat korxonalarining o‘rni.....88

**H.A. JURAYEV**

Mintaqani kompleks rivojlantirishda ishbiarmonlik muhitini faollashtirishning ahamiyati.....100

**L.F. PARDAYEV**

O‘zbekiston va mintaqa mamlakatlari o‘zaro savdo aloqalarining hozirgi holati (MDH mamlakatlari misolida).....105

## FILOLOGIYA FANLARI

**S.B. BAZAROV**

Normurod Norqobilov hikoyalari xarakter va milliy ruh.....112

**E.A. CATTAROVA**

Измерение и объем типологии эвфемистического смысла русского и узбекского языков.....119

**R.O‘. ERGASHEVA**

Surxondaryo dialektlarida fors-tojikcha etnografik leksikaning etimologik-onomasiologik tavsifi.....125

**A.B. ESHQURBONOVA**

Dialogik nutq tadqiqiga funksional yondashuv.....135

**G.S. AKABIROVA**

Лингвистические аспекты названий русских народных музыкальных инструментов.....139

## PEDAGOGIKA FANLARI

**B.B. IMONOV**

Ta’lim sifatiga ta’sir qilayotgan salbiy omillar va ularni bartaraf qilish yo‘llari.....146

**N.M. SALOXITDINOVA**

Raqamli dunyo sharoitida boshlang‘ich ta’limda aniq va tabiiy fanlar integratsiyasining rivojlanish istiqbollari.....150

**A.S. ABDUSAMATOV**

Matnli masalalarni yechish usullari.....157

**YU.A. XAKKULOV**

Algebradan fizikaning “Kinematika” bo‘limiga doir masalalar yechish metodikasi.....161

**K.R. BADALOV**

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining ijodiy, mustaqil va mantiqiy fikrlashga o‘rgatishda geometriya elementlarining o‘rni.....164

## TIBBIYOT FANLARI

**Ф.А. ОТАМУРАДОВ**

Частота, нозологическая структура и анатомические особенности аноректальных аномалий у девочек.....169

## KIMYO FANLARI

**S.CH. ESHKARAYEV**

“Qur’oni Karim”dagi kimyoviy mo‘jizalar.....177

## FIZIKA-MATEMATIKA FANLARI

**SH.X.MEYLIQULOV**

Ta’limda bulutli texnologiyalar.....183

## PSIXOLOGIYA FANLARI

**U.D. QODIROV, J.M. QARSHIYEV**

Ta’lim sifatini oshirishda sun’iy intellekt tizimlaridan foydalanishning o‘ziga xos jihatlari.....188

**O.S. QODIROV, SH.A. KUCHIBOYEV, H.N. SHUKRULLAYEV**

Oilalarda deviant xulq-atvor bilan bog‘liq ijtimoiy-psixologik muammolarni bartaraf etish shart-sharoitlari.....198

**R.N. ALIMARDANOVA**

Yosh kelin-kuyovlar o‘rtasidagi munosabatlar tizimining o‘ziga xos jihatlari Sharq mutafakkirlari tomonidan talqin etilishi.....204

**AJO‘RAYEV**

Etnik munosabatlar va shaxsning individual psixologik xususiyatlari.....210

## “Termiz iqtisodiyot va servis universiteti ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi” Yangi O‘zbekistonning ilmiy taraqqiyoti uchun xizmat qiladi

**М**амлакатимизнинг hozirgi rivojlanish yo‘li “Xarakatlar strategiyasidan – Taraqqiyot strategiyasi sari” tamoyili asosida inson qadri yuksaldirish va erkin fuqarolik jamiyatini rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish, adolat va qonun ustuvorligini taraqqiyotning eng asosiy va zarur shartiga aylantirish, milliy (raqamli) iqtisodiyotni rivojlantirish, ushbu sur’atini zamon talablari darajasida ta’minlash, yurt xavfsizligi va mudofaa salohiyatini kuchaytirish, ochiq va pragmatik, faol tashqi siyosat yuritishga qaratilgan ustuvor masalalarni qamrab oladi.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида алоҳида тўхталиб, “Албатта, эришадиган барча ютуқларимиз, инсон қадри улуг бўлган диёр – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бунёдкор халқимиз

билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимизга қўйган катта-катта марраларга албатта эришамиз” дея алоҳида қайд этди. 2023 йилда илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мурожаатномада таъкидланганидек, “Нажот–таълимда, нажот–тарбияда, нажот–билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”.

Маълумки, кейинги йилларда олий таълимда қамровнинг ошиб бораётганига эътибор қаратсак, 2015 йилда 9 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда қабул қамрови 45-50 фоизни ташкил этмоқда. Барчамиз яхши биламизки, бошқа соҳалар каби олий таълим тизимида ҳам аниқ дастурлар асосида ислохотлар амалга оширилмоқда. “Олий таълим тизимини 2030 йилгача рivojлантириш концепцияси” қабул қилинган. Мазкур концепцияда олий таълим тизимининг рivojланиши белгиланган ва аниқ мақсадлар қўйилган. Олий

таълим фақатгина меҳнат бозоридаги имконият эмас. Бутун дунёда олий таълим “ижтимоий лифт” вазифасини бажаради. Айниқса, халқимизнинг 70 фоиздан кўпрогини ёшлар ташкил қилади, шунинг учун ҳам таълим масаласи муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда 209 та олий таълим муассасалари бўлса, уларда бир миллиондан ортиқ талабалар ўқишмоқда. Бундан аввал эса бор-йўғи 250 минг талаба бўлган.

2017 йилда республикамизда 77 та олий таълим муассасалари бўлган ва булар ичида деярли нодавлат ОТМ бўлмаган. Мамлакатимизда 209 та ОТМ дан 114 таси давлат олий таълим муассасалари бўлса, 65 таси нодавлат ва қолган 30 таси хорижий ОТМ филиалларига тўғри келади. Бунда энг катта ўсиш нодавлат олий таълим муассасалари ҳисобланади.

Хусусий олий таълим муассасаларида таълимнинг мажбурий равишда дунёвий характерда бўлиши шарт қилиб қўйилмоқда. Унда урушни, зўравонликни тарғиб қилишдан фойдаланишга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлиги камситилишига, мамлакатдаги хавфсизлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари, фуқаролик осойишталигига, миллатлараро ва динлараро тотувликка раҳна солинишига, Ўзбекистон Республикаси тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилишига ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятлари бузиб кўрсатилишига йўл қўймаслиги таъкидланган.

Маълумки, мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳалардаги кенг қўламли ислохотлар халқ билан мулоқот принципига уйғун ва ҳамоҳангликда амалга оширилаёпти. Таълим тизимидаги стратегик ўзгаришлар ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бинобарин, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш, соҳага давлат-хусусий шерикчиликнинг самарали механизмларини жорий этиш, бу борада илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш бўйича қатор янгиликларга эътибор берилмоқда. Бу бежизга эмас, бунинг сабаби яқин-яқингача ҳам тадбиркорларга нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш учун лицензия беришнинг марказлашиб кетгани энг долзарб ва ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири бўлиб келаётган эди. Масалан, узоқ ҳудудларда яшовчи бирор ишбилармон хусусий боғча ёки

мактаб очмоқчи бўлса, албатта Тошкент шаҳрига бир неча маротаба борибкелишига тўғри келарди. Бундан ташқари, лицензия натижаларини ойлаб кутарди.

Зеро, давлатимиз раҳбари ҳам қатор чиқишларида мазкур масалага алоҳида тўхталиб, танқидий фикрлар билдирди ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга аниқ топшириқлар берди. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастурил амалга айланди.

## Бугунги кунда университетнинг илмий салоҳияти 52 фоизни ташкил қилади.

Юртбошимиз томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай ислохотлардан бирини биз бевосита хурсандчилик билан айтишимиз мумкин, вилоятимиз ёшларини олий таълимга қамраб олиш ва етук мутахассис бўлиб етишишлари учун 2017 йилдан 2023 йилга қадар 6 та давлат олий таълим муассасалари ва филиаллари ҳамда 1 та хусусий университет фаолият олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Термиз иқтисодиёт ва сервис университети ташкил этилиши воҳамизда юксак интеллектуал салоҳиятга эга, жаҳон меҳнат бозори, илм-фан ва технологиялар оламида рақобатбардош, замонавий билим ва кўникмаларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакали, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар кадрларни тайёрлаш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларни амалга ошириш жараёнида жаҳон андозалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрларга эҳтиёж сезади.

Мамлакатимиздаги ҳар бир олий таълим муассасасининг жаҳондаги етакчи илмий тадқиқот ва таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологияларни жорий қилиши, юртимизда етакчи хорижий университетлар филиаллари ташкил этилиши ҳамда хусусий олий таълим муассасаларини ташкил этилишини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бундан мақсад – рақобатни ривожлантириш. Хусусий секторларнинг жалб қилиниши янгича ёндашувларнинг ҳам кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Муҳтарам Президентимиз томонидан ҳар бир вилоятда камида биттадан нодавлат ОТМ ташкил этиш вазифаси қўйилгани ва жараён жадал

## Университетимиз 34-та йўналиш бўйича талабаларни қабул қилиш имкониятига эга

давом этаётганини эътироф этиб ўтмоқчиманки, бугунги кунда вилоятимиз ёшларининг ҳам олий таълимга қамровини ошириш учун Термиз иқтисодиёт ва сервис университетини очилиши ва бугунги илк қадамни ташлаши ҳам олий таълим тизимидаги муҳим қадамдир. Таъкидлаш лозимки, нодавлат олий таълим ташкилотлари ҳужжатларни қабул қилиш муддати ва талабаларни ўқишга қабул қилиш тартибини ўзи мустақил белгилайди. Шундай экан, воҳамиз ёшларини илмга бўлган қизиқишлари ва бугунги кун талабаларидан келиб чиқиб, университетнинг йўналишлари белгилаб олинди.

Бугунги кунда биз фаолият олиб бораётган хусусий олий таълим муассасаси, яъни “Термиз иқтисодиёт ва сервис университети” Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан лицензияга эга бўлиб, асосий фаолият тури олий таълим хизматларини амалга оширади. Яъни, 2023 йилдан университетимиз 34 та йўналиш бўйича талабаларни қабул қилиш имкониятига эга хусусий олийгоҳ бўлиб, иш фаолиятини бошлади.

Бир хабарни қувонч билан айтманки, университетимиз 2023 йил январидан иккинчи мутахассислик учун 1 та йўналишга (Иқтисодиёт (тармоқлар ва

соҳалар бўйича), магистратура учун 4 та (Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича), Таълим-тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим), Хорижий тил ва адабиёти (тиллار бўйича) ҳамда Давлат молияси ва халқаро молия йўналишлари бўйича қабулни амалга оширди.

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети келгусида ватанимизни ижтимоий тараққиётига ўз хиссасини қўшадиган нуфузли даргоҳлардан бирига айланади. Бунинг сабаби, бугунги кунда университетнинг илмий салоҳияти 52 фоизни ташкил қилади.

Модомики, мамлакатимизда нодавлат олий таълим муассасаларини очилиши хизматлар экспортини ривожлантиришга олиб келади. Диёримизга келган ҳар бир хорижий талаба шартнома тўловини амалга оширишдан ташқари, у ўз эҳтиёжларини қондириш учун йилига ўртача 10 миллион сўм сарф-харажат қилади. Бу ҳам, ўз ўрнида, иқтисодиётимизни ривожлантиришга ўзининг хиссасини қўшади.

Нодавлат олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши Республикамизда янги иш ўринларини яратилиши, нодавлат ва давлат таълим сектори ўртасида соғлом рақобат муҳитини пайдо бўлиши, ёшларимизни ўзлари хоҳлаган йўналишлар бўйича таълим олиши, таълим ва саноатни чамбарчас боғланиши, таълим ва кадрлар сифатини ошиши, давлат бюджетига тушумларнинг кўпайиши, бюджетдан қопланадиган сарф-харажатларнинг камайиши каби кўп масалаларга ижобий ечим бўла олади.

Рақобат бор жойда эса ўсиш бўлади, ўсиш бор жойда сифат бўлади, сифат бор жойда эса натижа бўлади. Энг муҳими, миллий кадриятлар ва замонавий ютуқларни ўзида жамлаган илм масканларидан буюк аждодларга муносиб, Ватан равнақига улкан ҳисса қўша оладиган авлодлар етишиб чиқади.

Дарҳақиқат Янги Ўзбекистонда илм-фан тараққиёти учун сезиларли даражада эътибор берилиши ҳамданодавлат олий таълим муассасаларининг ҳам фаолиятига кенг шарт-шароит яратилиши шубҳасиз ҳаммамизни қувонтиради. Дунё тажрибасида нодавлат олий

таълим муассасаларининг фаолияти ўзини оқлаганлиги ва экспертлар томонидан юқори баҳоланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз деб ўйлайман. Ана шундай ўз олдига катта ва эзгу мақсадларни қўйган нодавлат олий таълим муассасаларидан бири Термиз иқтисодиёт ва сервис университетиدير. Университетда “Термиз иқтисодиёт ва сервис университети илмий тадқиқотлари хабарномаси” илмий журналининг ташкил этилиши муҳим янгилик бўлиб, янги Ўзбекистоннинг илм-фан тараққиёти учун хизмат қилади.

Журналда турли фан соҳалари бўйича тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот иши мавзулари бўйича долзарб ва илмий жиҳатдан батафсил таҳлил қилинган мақолалар эълон қилиниб борилиши назарда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, журналнинг ташкил этилиши нафақат вилоятимиздаги мавжуд олий таълим муассасалари билан балки, республика ва дунёнинг кўплаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари билан илмий ҳамкорликни ривожлантиришда ва илм-фаннинг янги қирраларини кашф этишда муҳим ўрин тутуди деган умиддамиз.

“Термиз иқтисодиёт ва сервис университети илмий тадқиқотлари хабарномаси” илмий журнали энг нуфузли ва салоҳияти юқори бўлган журналлардан бирига айланишига тўлиқ ишонч билдириб, журнал муҳарририятига ва унинг жамоатчилик кенгаши аъзоларига омад тилайман

**Термиз иқтисодиёт ва сервис университети таъсисчиси Ж.Пардаев**



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Sattorov Abdusamad Umurqulovich,**  
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti rektori,  
geografiya fanlari nomzodi, dotsent  
E-mail: [info@tesu.uz](mailto:info@tesu.uz)

### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ AHOISINING O'SISHI VA JOYLASHISHINING BA'ZI MASALALARI

**Annotatsiya.** Maqolada O'zbekiston Respublikasi qishloq joylar aholisining o'sishi bilan bog'liq masalalar, shuningdek, viloyatlar umumiy aholisi sonida qishloq aholisi ulushi, qishloq joylar aholisi soniga ta'sir qiluvchi omillar tahlil qilingan. Aholishunoslik fanining boshqa fanlar, hususan ijtimoiy-geografik fanlar bilan bo'lgan aloqasi alohida tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** Aholi, qishloq, fan, migratsiya, shahar, tuman, qaror, aholining tabiiy ko'payishi, migratsiya qoldig'i, demografiya.

### НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАЗМЕЩЕНИЯ И РОСТА СЕЛЬСКОГО НАСЕЛЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация.** В статье анализируются вопросы, связанные с ростом сельского населения в Республике Узбекистан, а также удельный вес сельского населения в общей численности населения регионов, факторы, влияющие на сельское население. Отдельно анализируется связь демографической науки с другими науками, особенно с географическими.

**Ключевые слова:** Население, село, наука, миграция, город, район, решение, естественный прирост населения, сальдо миграции, демография.

### SOME ISSUES OF THE LOCATION AND THE GROWTH OF THE RURAL POPULATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Annotation.** The article analyzes issues related to the growth of the rural population in the Republic of Uzbekistan, as well as the share of the rural population in the total population of the regions, factors affecting the rural population. Separately, the connection of demographic science with other sciences, especially with geographical ones, is analyzed.

**Key words:** Population, village, science, migration, city, region, solution, natural population growth, migration balance, demography.

## Kirish.

Aholi ishlab chiqarish va iste'mol jarayonining subyekti va obyektini hisoblanadi. U kishilarning hududiy birligi, ya'ni o'ziga xos sotsiumi sifatida jamiyatni hududiy tashkil etishning asosi bo'lib xizmat qiladi [1]. Aholining bunday murakkab xususiyatlari uni turli fan vakillari (demografiya, iqtisodiyot, psixologiya, sotsiologiya, tibbiyot va b.) qatorida geograflar tomonidan o'rganishni ham taqozo etadi [2].

Ammo ta'kidlash lozimki, mavjud tadqiqotlarda aholi qo'proq ishchi kuchi, mehnat resursi, ishlab chiqarish tarmoqlarini joylashtirish va rivojlantirishning muhim omili darajasida o'rganilgan. So'nggi yillarda esa aholi asosan sotsial (ijtimoiy)

## Qishloq aholisining o'zi esa asosan uch omil asosida o'zgarib boradi

kategoriya sifatida qaralib, uning yashash sharoiti va tarzi, takror barpo etilishi, salomatligi kabi noishlab chiqarish jihatlarini tadqiq qilish ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Aynan shu holat ham an'anaviy iqtisodiy geografiya fanini iqtisodiy va ijtimoiy geografiyaga aylanishiga sabab bo'ldi.

## Tahlil va natijalar.

O'zbekiston Respublikasi qishloq aholisining demografik vaziyatida tug'ilishning darajasi yuqoriligi, o'limning nisbatan kichik ko'rsatkichni tashkil etishi va mexanik harakatchanlikning sustligi uning yuqori sur'atda o'sish xususiyatini ta'minlashga xizmat qilmoqda. Qishloq aholisining o'zi esa asosan uch omil asosida o'zgarib boradi. Bular aholining tabiiy ko'payishi, migratsiya qoldig'i va ma'muriy-hududiy o'zgarishlar, ya'ni qishloqlarga shahar maqomini berish yoki aksincha, shaharlarni qishloqlar darajasiga tushirishdan iborat [8, b.15].

Respublika qishloq aholisi o'sishi va joylashishi aholi tabiiy ko'payishning yuqoriligi, urbanizatsiya darajasining pastligi, qishloq aholisining jami aholi tarkibidagi salmog'ini yildan-yilga oshib borishida o'z aksini topmoqda.

1.1-rasmda O'zbekiston Respublikasi mintaqalarida shahar va qishloq aholisining o'sishi ko'rsatilgan. Keltirilgan ma'lumotlarga ko'ra, 2009 – 2021-yillarda Surxondaryo, Farg'ona va Andijon viloyatlari qishloq aholisi tez ko'payib borgan. Shahar aholisi o'sishi bo'yicha esa bu davrda Qashqadaryo, Samarqand, Namangan va Sirdaryo viloyatlari ajralib turadi.

O'zbekiston Respublikasi qishloq aholisi umumiy aholining 49,5 foizini tashkil qilgan holda, 1989-yilga nisbatan bu ko'rsatkich 11,0 foizga kamaygan. Qishloq aholisining mutloq ko'payib borishi qishloqlar chegarasining tobora kengayishiga va undagi aholi manzilgohlarining yiriklashuviga olib kelmoqda.

Qishloq aholi manzilgohlarining yiriklashib borishi ijobiy jarayon hisoblanib, bu ularda zamonaviy ijtimoiy infratuzilma muassasalarini (masalan, ta'lim, sog'liqni saqlash, servis xizmati va b.) rivojlantirishga qulay imkoniyatlar yaratadi. Aynan shu muammolarga «Obod qishloq»

## 150-200 ming kishi va undan yuqori guruhga mansub tumanlar soni keskin ortgan

dasturini 2021-yilda amalga oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»-gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 20-fevraldagi PQ-4201-sonli Qarorida asosiy urg'u berilgan.

Qishloq joylardagi mavjud muammolar ko'proq ijtimoiy-iqtisodiy xarakterga ega bo'lib, ularning yechimi asosan mahalliy (munitsipial) organlar, xususan, qishloq ma'muriy tumanlari va qishloq fuqarolar yig'inlari zimmasiga tushadi. Chunki aynan shu birlamchi boshqaruv sub'ektlari xalqqa yaqin turadi, uning kundalik hayot – ehtiyojini yaxshiroq sezadi. Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotiga ko'ra, respublikamizda 2021-yilda 11831 ta qishloq 1479 ta qishloq fuqarolar yig'inlari va 159 ta qishloq tumanlari mavjud bo'lgan. Ushbu raqamlarni oxirgi aholi ro'yxati ma'lumoti bilan solishtiradigan bo'lsak, qishloq fuqarolar yig'inlari soni 247 taga, tumanlar esa 10 taga oshganligini ko'rish mumkin. Qishloq joylar ma'muriy-hududiy birliklarining bunday o'zgarishida aholining ko'payishi bilan bog'liq geografik va demografik omillarning ham roli yuqoridir.


Qishloq tumanlarining dinamikasi va geografiyasi mamlakatimiz bo'yicha turlicha ko'rinishga egaligini ta'kidlash o'rinlidir. Jumladan, Toshkent va Farg'ona viloyatlarida 15 tadan qishloq ma'muriy tumanlari mavjud bo'lsa, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Surxondaryo va Andijon viloyatlarida ularning soni 14 tani tashkil etadi.

Ayni vaqtda bunday ma'muriy birliklarning eng kam Navoiy va Sirdaryo viloyatlariga to'g'ri keladi [8]. 1989-2021-yillar mobaynida qishloq tumanlarining soni Jizzax, Farg'ona, Surxondaryo viloyatlarida ikkitadanga, Andijon, Buxoro, Samarqand va Navoiy viloyatlarida bittadanga ko'paygan bo'lsa, qolganlarida esa ularning soni o'zgarimasdan qolgan.

Qishloq tumanlarini aholi soni bo'yicha guruhlash respublikadagi 159 ta tumaning 16 tasida aholi soni har birida 50 ming kishidan oz va ularning soni 1989-yildagi 31 tadan 15 taga kamayganligidan dalolat beradi. Aholi soni 50-100 ming bo'lgan qishloq tumanlari soni ham xuddi shu davrda qisqargan, ya'ni 37 taga tushib qolgan. Shu bilan birga 150-200 ming kishi va undan yuqori guruhga mansub tumanlar soni keskin ortgan (1.1-jadval).

Aholi soni 50 ming kishidan kam bo'lgan qishloq tumanlarining 37,5 foizi Qoraqalpog'iston Respublikasiga, 25 foizi Jizzax viloyatiga to'g'ri keladi. O'rta miqyosdagi qishloq tumanlari Namangan, Samarqand, Xorazm va Andijon viloyatlarida 1-2 tadan, xolos.


Aholisi 100 ming va undan ortiq bo'lgan



## Respublika qishloq tumanlarida aholi sonining o'sishi hududiy tafovutlarga ega

qishloq tumanlari Buxoro, Samarqand va Toshkent viloyatlarining har birida 6-7 tadan mavjud. Shu bilan birga 150-200 ming va undan yuqori aholiga ega bo'lgan tumanlar sonining ortishi Qoraqalpog'iston Respublikasi, Namangan, Farg'ona, Toshkent va Surxondaryo viloyatlarida yaqqol kuzatiladi. Natijada, bu guruhga mansub tumanlar soni respublikamizda 1989-2021-yillarda 6 tadan 58 taga yetdi.

Qishloq tumanlarining demografik salohiyati quyidagi ma'muriy birliklarda katta: Urgut (369,9 ming), Denov (304, 2 ming), Chiroqchi (301,4 ming), Shahrisabz (289,3 ming), Samarqand (274,0 ming kishi), Pstdarg'om (267,1 ming), Kattaqo'rg'on (211,2 ming) va b. Ayni chog'da Bandixonida 42,7 ming, Qanliqo'l tumanida 42,2 ming, Shumanayda 40,3



1.1-rasm. O'zbekiston Respublikasi shahar va qishloq aholisi o'sishi (2009-2021- yy., % hisobida)<sup>1</sup>

### Qishloq tumanlarining qishloq aholi soni bo'yicha guruhlanishi

(1989- 2021-yy., ming kishi)<sup>2</sup>

1.1-jadval

Guruhlar	Viloyatlar:													
	O'zbekiston Respublikasi	Qoraqalpog'iston Respublikasi	Andijon	Buxoro	Jizzax	Navoiy	Namangan	Samarqand	Sirdaryo	Surxondaryo	Toshkent	Farg'ona	Xorazm	Qashqadaryo
Jami	149 159	14 14	13 14	10 11	10 12	7 8	11 11	13 14	8 8	12 14	15 15	13 15	10 10	13 13
50.0 ming kishiga	31 16	9 6	2 1	2 1	5 4	4 3	- -	- -	4 -	- 1	1 -	1 -	1 -	2 -
50.1-100.0 ming kishi	83 37	5 2	5 2	7 3	4 4	2 3	9 1	8 1	4 6	10 4	11 4	4 3	8 2	6 2
100.1-150.0 ming kishi	29 45	- 3	6 5	1 6	1 3	1 1	2 2	2 6	- 2	1 4	3 7	7 1	1 5	4 3
150.1-200.0 ming kishi	5 43	- 3	- 4	- -	- 1	- 1	- 7	2 3	- -	1 4	- 4	1 11	- 3	1 2
200.0 ming kishi va undan yuqori	1 15	- -	- 2	- 1	- -	- -	- 1	1 4	- -	- 1	- -	- -	- -	- 6

Izoh: kasr sur'atida 1989-yil, maxrajida - 2018-yil ma'lumotlari.

ming, Mo'ynoqda 28,5 ming, Yangiobodda 23,5 ming, Tomdi tumanida 22,7 ming va Qorovulbozorda 13,6 ming aholi yashaydi. Bu ma'muriy birliklar asosan kam o'zlashtirilgan, ko'pchiligi ekstensiv yo'nalishda rivojlanayotgan hududlarga to'g'ri keladi. Respublika qishloq tumanlarida aholi sonining o'sishi hududiy tafovutlarga ega. Binobarin, ular aholisining ko'payishini quyidagicha guruhlashtirish mumkin. Birinchi guruhga tadqiqot davrida (12 ta) aholi soni kamaygan tumanlar kiritildi, ya'ni, Nukus, Kegayli, Zomin, Karmana, Tomdi, Uchquduq, Samarqand, Sariosiyo, Xovos, Romiton, Chimboy va Xo'jaobod tumanlari. Ikkinchi guruhga aholi soni nisbatan sust o'sgan tumanlar (100-120 foiz) mansub bo'lib, ularga jami 17

ta tuman kiradi va uchinchi guruhga ko'riylayotgan davrda aholi soni o'rtacha sur'atda ko'paygan tumanlar (54 ta) to'g'ri kelgan. Qolgan barcha tumanlar to'rtinchi guruhga tegishli bo'lib, ularning har birida aholi soni 140 va undan ortiq foizga o'sgan [8].

Qishloq tumanlari aholisining ko'payib yoki kamayishi uning tabiiy va mexanik harakatidan tashqari, ma'muriy-hududiy o'zgarishlar, ya'ni tumanlar chegaralarining o'zgarishi yoki ulardan yangi tumanlarning ajralib chiqishi, qishloq maqomidagi ma'muriy markazlarning shahar toifasiga o'tkazilishi, shahar atrofidagi qishloqlarning shahar chegarasiga kiritilishi bilan ham bog'liq [88]. 1989 - 2019-yillarda O'zbekiston qishloq aholisi 123,6 foizga o'sgan.

Bu borada Surxondaryo, Farg'ona va Andijon viloyatlari ajralib turadi. Mazkur hududiy birliklar so'nggi yillarda respublika demografik rivojlanishidagi mintaqaviy xususiyatlarni belgilab beradi. Shuningdek, 2009-yilda 966 ta qishloqlarga shaharcha maqomining berilishi ham qishloq aholisi hududiy tarkibiga jiddiy ta'sir ko'rsatadi.

Tahlil qilinayotgan yillarda Qoraqalpog'iston Respublikasi, Navoiy, Sirdaryo va Toshkent viloyatlari qishloq aholisining o'sishi past ko'rsatkichlarni tashkil etgan (1-ilova). Mazkur guruhlash natijalari oldingi yillar bilan solishtirilsa, viloyatlar qishloq aholisining o'sishi har doim ham bir xil bo'lmaganligi aniqlandi. Jumladan, 1995-2021-yillardagi aholining o'rtacha yillik ko'payish sur'ati barcha viloyatlar qishloq aholisida 2000-2021-yillardagiga nisbatan ancha yuqori bo'lgan (1.2- jadval).

Agar viloyatlar aholisini alohida, yilma-yil o'sish dinamikasi ko'rib chiqiladigan bo'lsa, 1990-1999-yillarda qishloq aholisi ancha tez o'sib borgani qayd etiladi. Aksincha, 1999-2006-yillarda esa nisbatan pasayish jarayoni ro'y bergan. Masalan, respublika qishloq aholisi 1997-1998-yillarda 102.1 foizga o'sgani holda, 2003-2004-yilda bu ko'rsatkich 101.5 foizga tushgan. Bu kabi aholi o'sish ko'rsatkichlarining pasayishi barcha viloyatlar qishloqlarida kuzatiladi. Biroq 1990-2006-yillarda viloyatlar qishloq aholisining o'sishi barcha yillarda ham bir xil kechmagan.

Chunonchi, 1993-1994, 1994-1995, 1995-1996-yillarda aholining eng yuqori o'sish ko'rsatkichiga erishilgan. Bu yillarda ham yuqoridagidek Xorazm, Surxondaryo, Qashqadaryo, Andijon viloyatlari peshqadamlik qilgan. Xususan, Surxondaryo viloyati 1994-1995-yillarda 104,2 foiz, 1995-1996-yil-

**Respublika viloyatlari qishloq aholisining o'rtacha yillik ko'payish sur'ati bo'yicha guruhlash**

1.2-jadval

O'rtacha yillik ko'payish sur'ati, %da	Soni	Aholisi 2018 y. foiz his.	Viloyatlar
1.50-1.80	4 ta	19.анп	Qoraqalpog'iston Respublikasi, Navoiy, Sirdaryo, Toshkent
1.80-2.10	1 ta	04.анп	Jizzax
2.10-2.40	5 ta	49.4	Namangan, Andijon, Buxoro, Samarqand, Farg'ona
2.41-2.70	3 ta	26.авг	Qashqadaryo, Xorazm, Surxondaryo
фев.20	13 ta	100	O'zbekiston Respublikasi

Jadval O'ZR Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

**Farg'ona iqtisodiy rayoni qishloq aholisi salmog'i jihatidan birinchi o'rinni egallaydi**

larda 103,4 foiz va 1998-1999- yillarda 102,3 foiz bilan birinchi o'rinni egallagan. 1999-yilda Qashqadaryo viloyati qishloq aholisining o'sishi Surxondaryo viloyatining ko'rsatkichiga tenglashdi. Ayni vaqtda shu davrdan boshlab Surxondaryo viloyati aholisining o'sish sur'ati yiliga 0,2 punktga pasayib bormoqda. 2009-2021-yillarda respublika bo'yicha qishloq aholisining o'sish sur'atiga ko'ra eng yuqori ko'rsatkich Surxondaryo viloyatiga, ya'ni 129,8 foiz to'g'ri keldi [6].

**O'zbekiston qishloq aholisining hududiy tarkibi**

(1989-2018-yy., jamiga nisbatan, foiz hisobida)

1.3-jadval

Iqtisodiy rayonlar	Yillar				2021-yil 1989-yilga nisbatan	
	1989	1995	2005	2021	O'sish	O'rtacha yillik ko'payish
Jami:	100.0	100.0	100.0	100		
Toshkent iqtisodiy rayoni	09.сен	09.анп	08.сен	8,8	131,6	1,4
Mirzacho'l iqtisodiy rayoni	07.июн	07.мар	07.январ	7,1	139,7	1,7
Farg'ona iqtisodiy rayoni	30.январ	30.анп	30.январ	30,2	148,4	2,1
Zarafshon iqtisodiy rayoni	22.0	22.январ	22.январ	22,2	149,1	2,1
Janubiy-iqtisodiy rayon	18.авг	19.январ	20.мар	20,2	160,1	2,5
Quy-Amudaryo iqtisodiy rayoni	11.июн	11.июл	11.май	11,5	147	2

Jadval O'ZR Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida hisoblandi.

**qishloqlarda aholining tabiiy harakati shahar joylarga nisbatan ancha faol kechmoqda**

Umuman olganda esa statistik hisob-kitoblar bo'yicha mamlakatimiz viloyatlari qishloq joylar demografik vaziyati bo'yicha bir-biridan keskin farq qilmaydi. Ammo qishloq aholisining hududiy mujassamlashuv darajasidagi o'zgarishlar har bir viloyat demografik salohiyatini belgilab beradi. Jumladan, Janubiy iqtisodiy rayonda jami respublika qishloq aholisining 1/5 qismi yashaydi. So'nggi 20 yilga yaqin davr davomida faqat mazkur iqtisodiy rayon, ya'ni Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlari qishloq aholisi ulushining pasayib borishi sustlik bilan borgan.

Keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, Mirzacho'l, Toshkent va Farg'ona iqtisodiy rayonlari qishloq aholisida hududiy mujassamlashuv darajasi sekin-asta pasayib borgan bo'lsa, Zarafshon iqtisodiy rayonida bu ko'rsatkich o'zgarib qolgan. Barcha iqtisodiy rayonlar ichida Farg'ona iqtisodiy rayoni qishloq aholisi salmog'i jihatidan birinchi o'rinni egallaydi. Ikkinchi o'rin Zarafshon iqtisodiy rayoniga to'g'ri keladi (22,2 foiz). Bu iqtisodiy rayon tarkibiga kiruvchi Samarqand viloyatida respublika qishloq aholisining 12.8 foizi yashaydi. Qishloq aholisining bir tekisda ko'payib borishi Buxoro, Samarqand, Sirdaryo, Toshkent, Farg'ona va Xorazm viloyatlarida yaqqol ko'zga tashlanadi [7].

Mamlakatimiz qishloq joylari aholisining o'sishida tabiiy ko'payishning roli yuqori. Migratsiya, ya'ni aholining hududiy harakati ta'siri bu joylarda uncha sezilmaydi. Masalan, 1998-yilda respublika aholisining 72.9 foiz tabiiy ko'payishi qishloq joylar hisobiga ro'y bergan va migratsiya qoldig'i 48.2 foizni qayd etgan. Aynan shu ko'rsat-

kichlar 2004-yilda 73.1 va 46.6 foizga teng bo'lgan. 2007-yilda respublika aholisining tabiiy ko'payishi 463,7 ming kishini tashkil qildi. Qishloq joylarga uning darajasi 71,9 foizi to'g'ri keladi. Ko'rinib turibdiki, ushbu ko'rsatkich qishloq joylarda yashovchi aholi ulushidan sezilarli darajada yuqori. Demak, qishloqlarda aholining tabiiy harakati shahar joylarga nisbatan ancha faol kechmoqda.

Tahlillar ko'rsatadiki, qishloq aholisining tabiiy ko'payish miqdori yildan-yilga pasaygan bo'lsa-da, migratsiya qoldig'i 2000-2005-yillarda 1.8 martaga oshgan. Shu o'rinda qishloq joylarda manfiy migratsiya qoldig'ining yildan-yilga oshib borayotganligini ham ta'kidlash joiz. Jumladan, 2000-yilda respublika qishloq aholisining 17,7 ming kishisi migratsiya tufayli o'z yashash manzilini "tark etgan", keyingi yillarda bu ko'rsatkich 2,0 – 2,5 barobarga oshgan. E'tiborlisi shundaki, ketuvchilarning aksariyati bir paytlar respublikamizning o'zida bir joydan-ikkinchi bir joyga ko'chgan, hozirda esa ularning geografiasini tobora kengayib, chet mamlakatlarga chiqish hollari ancha ko'paygan. Oxirgi statistik ma'lumotlarga ko'ra, respublika qishloq joylaridagi aholining migratsiya aylanmasi (ya'ni kelgan va ketganlarning yig'indisi) 150 ming kishini tashkil etgan va uning samaradorligi ketuvchilar hissasining balandligi tufayli -35.6 mingga teng bo'lgan. Jami qishloq joylardan ko'chib ketgan aholining 20.5 foizi xorijiy mamlakatlarga, shundan 99.6 foizi MDH davlatlariga to'g'ri keladi. Respublikamizning boshqa hududlariga ko'chib ketgan qishloq aholisining hissasi esa 79.5 foizga barobar.

Birgina 2006- yilda O'zbekiston qishloq joylaridan ketganlar soni 101,0 ming kishi, kelganlar 59,0 ming kishi va salbiy migratsiya qoldig'i 42 ming kishini tashkil qilgan. Viloyatlar darajasida migratsiya qoldig'ining katta ko'rsatkichlari Qoraqalpog'iston Respublikasi (7,1 ming), Toshkent (7,3 ming), Navoiy (4,7 ming), Jizzax (4,2 ming), Surxondaryo (3,6 ming), Samarqand (3,5 ming),

## Umummamlakat aholisidagi esa, yuqoridagilarga mos ravishda, 21.1 va minus 2.2 promille bo'lgan

Qashqadaryo (3,2 ming kishi) viloyatlarida qayd etilgan. Shu bilan birga Namangan, Andijon va Xorazm viloyatlari qishloq joylarida migratsiya jarayonlari sust va bu hududlarda ularning natijalari minus 400 kishidan ortmaydi (Xorazmda atigi 60 kishi).

O'zbekiston qishloq aholisi uchun migratsiyaning ahamiyatini shahar joylar belgilab beradi. Qishloq joylarda esa aholi uchun tabiiy ko'payishdagi o'zgarishlar ijobiy xususiyatga ega.

Jumladan, 1996- yilda respublika qishloq joylari aholisining tabiiy ko'payishi 25.0 promillega, migratsiya qoldig'i minus 2.7 promillega teng bo'lgan. Umummamlakat aholisidagi esa, yuqoridagilarga mos ravishda, 21.1 va minus 2.2 promille bo'lgan. Har ikkala jarayonni tavsiflovchi bu ko'rsatkichlar 1996-2021-yillarda aholining tabiiy ko'payishi yildan-yilga kamayib borib, migratsiya qoldig'i esa 1996-2001-yillarda pasaygan, faqatgina 2001 – 2021-yillardagina bu ko'rsatkich o'sgan. Hozirda mamlakat aholisi tabiiy ko'payishi har ming aholiga 17,2 kishiga teng, migratsiya qoldig'i minus 2,2 promilleni tashkil etmoqda (2017 y.). Qishloq joylarniki bunga mos ravishda 19.4; -1.7 promilledir. Qishloq joylar aholisining tabiiy ko'payish ko'rsatkichi jami aholiga nisbatan 1.2, shahar aholisidagiga qaraganda 1.6 martaga yuqori, 1996-2021-yillarda respublika qishloq joylarida aholi tabiiy ko'payishining 6.8 promillega qisqarganligi asosan tug'ilish koeffitsientidagi o'zgarishlar (pasayish) bilan bog'liq. Sababi, tabiiy ko'payishga ta'sir etuvchi ikkinchi omil o'lim darajasida oshish hollari hali-beri ro'y berganicha yo'q. Masalan, tug'ilish 2017-yilda 2016-yilga

nisbatan Namangan viloyatida 20,1 promilledan 23,2 ga, Farg'onada – 20,4 dan 23,4 ga, Andijon viloyatida 20,1 dan 22,2 promillega o'sgan holda, o'lim ko'rsatkichlari Sirdaryo, Toshkent hamda Namangan viloyatlarida kamaygan. Respublika bo'yicha 2016- yilda o'lim har ming aholiga 5,3 ni, 2007-yilda 5,2 promilleni tashkil qilgan (tug'ilish bu davrda 20,9 dan 22, 22,4 promillega ko'tarilgan).

Aholi tabiiy ko'payishi va tug'ilish koeffitsientlarining mustaqillik yillarida pasayishi nafaqat davriy, balki hududiy ahamiyat ham kasb etmoqda. Chunonchi, Toshkent shahri va Toshkent viloyatida dastavval aholi tabiiy ko'payishi va tug'ilish ko'rsatkichining kamayib borishi kuzatilgan bo'lsa, u asta-sekin Navoiy, Sirdaryo va Farg'ona viloyatlariga o'tdi. Keyinchalik bunday holat ("geodemografik to'lqinlar", prof. A.S.Soliev iborasi bo'yicha) boshqa viloyatlarda ham kuzatila boshlandi. Faqatgina, demografik salohiyati yuqori bo'lgan Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarida aholi tabiiy ko'payishi va tug'ilishidagi pasayishlar ancha sustligi bilan ajralib turadi. Yuqoridagi viloyatlarning hozirgi demografik vaziyatidagi ko'rsatkichlarga janubiy viloyatlarda biroz keyinroq erishildi [8, b. 18].

Respublika barcha viloyatlaridagi jami aholining tabiiy ko'payishi 2003-2018-yillarda bir tekisda oshdi, ammo Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarida esa bu ko'rsatkich 0.7dan 0.1 promillega pasaydi. Ayni chog'da, 1989-2018-yillarda mamlakat aholisidagi tug'ilishning umumiy koeffitsienti 12,2 promillega yoki 38,1 foizga qisqarganligi, tabiiy ko'payishni sezilarli darajada kamaytirdi. Xuddi shu davrda qishloq joylarda tug'ilish har 1000 kishiga 39,8 promilledan 22.1 promillega tushib qoldi, tabiiy ko'payishi esa mos ravishda, 34.0 va 17.4 promillega teng bo'ldi.

Tug'ilish singari o'lim darajasi ham tadqiq etilayotgan yillarda bir tekisda pasayib borgan, ya'ni umumiy aholi o'lim darajasi 6.2 dan 5.2 promillega, qishloq joylariniki 5.8 dan 4.7 promillega kamaydi. O'lim darajasi qishloq joylar aholisida nisbatan kichik, shahar aholisidagi esa yuqoriroq. Jami aholi o'rtasidagi o'limning kattaligi asosan shahar aholisi hisobiga ro'y bermoqda. Shu boisdan aytish mumkinki, keyingi yillarda qishloq aholisining o'sib borishi faqat tug'ilish hisobiga amalga oshmoqda.

Respublika aholisi hududlar bo'yicha birday joylashmagan, binobarin, aholining o'rtacha zichligi jihatidan O'zbekiston MDHga kirgan qator mamlakatlardan va Markaziy Osiyodagi boshqa respublikalardan oldinda turadi [5, b.21].

Ma'lumki, aholi joylashishi o'ziga xos ijtimoiy-iqtisodiy shart-sharoit, tabiiy omillar va tarixiy rivojlanish asosida ro'y beradi. O'zbekiston qishloq aholisining joylashishida ushbu omillarning barchasi bevosita ta'sir etsa-da, tabiiy omilning ahamiyatini o'ta yuqori deb baholash mumkin. Bundan tashqari, demografik omillarning o'rni qishloq joylar uchun xuddi tabiiy geografik omil singari muhim ahamiyatga ega. Chunki, qishloq aholisida tarixan ko'p bolalilik an'anasining saqlanib kelinayotganligi, milliy tarkibning deyarli bir xilligi va kam harakatchanlik kabi xususiyatlari aholining doimo o'sishi uchun xizmat qilmoqda. Shu sababdan ham qishloq aholisi nisbatan tez sur'atlar bilan ko'payib bormoqda. Bu esa aholining borgan sari tobora qishloq joylarda mujassamlashuviga va umumiy urbanizat-siya ko'rsatkichining pasayishiga olib kelmoqda.

Qishloq joylar demografik salohiyatining hududiy tarkibida 1989-2021-yillar oralig'ida keskin o'zgarishlar kuzatilmaydi. Jumladan, Andijon, Namangan viloyatlarida qishloq aholisining ulushi 1995-yilgacha oshib kelgan bo'lsa, undan keyingi yillarda u yana pasayib borgan. Buxoro va Jizzax viloyatlarida esa uning hissasi deyarli o'zgarmay kelmoqda. Jami respublika qishloq aholisining eng ko'pi Farg'ona, Samarqand, Qashqadaryo va Andijon viloyatlariga to'g'ri keladi. Shu bilan birga Jizzax, Sirdaryo, Navoiy viloyatlari qishloq aholisining juda kam ulushini o'zida mujassamlashtirganligi bilan tavsiflanadi. Aholi joylashishi va zichligiga turli omillar ta'sir etadi. Bunda iqtisodiy omilning roli juda yuqori bo'lib, ya'ni ishlab chiqarishda ishtirok etuvchilar va ishlab chiqarishning o'zining joylashishi muhimdir [9, c.55]. Shundan kelib chiqib aytish mumkin-

ki, respublika qishloq aholisining joylanishi intensiv sug'orma dehqonchilik qilinadigan yer maydonlari bilan belgilanadi. Binobarin, sug'orma dehqonchilikka asoslangan mintaqalarda qishloq aholisining o'ta zich joylashganligi kuzatiladi. Ayni paytda sug'orma dehqonchilik imkoniyati cheklangan Qoraqalpog'iston Respublikasi va Navoiy viloyatlarida qishloq aholisining zichligi har bir kv.km ga 4,4-4,8 kishidan to'g'ri kelgan holda, umummamlakat qishloq aholisi zichligidan (har kv.kmga 37,4 kishi) 8 marta-ga kichikdir. Vaholanki, xuddi shu viloyatlar respublika maydonining 61,9 foizini qamrab oladi. Andijon, Farg'ona, Xorazm, Namangan, va Samarqand viloyatlarida esa qishloq aholisining zichligi mos ravishda – 403,3; 317,3; 194,4; 183,9 va 134,1 kishidan iborat. Mazkur viloyatlarda nafaqat qishloq aholisining zichligi, balki umumiy aholining ham tig'iz joylashganligi ko'zga tashlanadi.

## Xulosa.

O'rganilgan masalalar shuni ko'rsatadiki, respublika viloyatlarida qishloq aholisining o'sish suratlari qishloq joylar va qishloq aholi manzilgohlari iqtisodiy va ijtimoiy geografiya fanining asosiy tadqiqot ob'ektlaridan biridir. Afsuski, o'tgan asrning ikkinchi yarmida urbanizatsiya jarayonlariga nihoyatda katta e'tibor qaratish qishloqlar muammosini ancha chekka surib qo'ydi. Hatto urbanizatsiya darajasi past, qishloq aholisi hamon ko'payishida davom etayotgan O'rta Osiyo respublikalarida, jumladan O'zbekistonda ham qishloqlarga ko'ra shaharlar ko'proq o'rganildi. Bunga sabab, sobiq Ittifoqda qo'llanilgan urbanizatsiya siyosati bo'lib, unda qishloqlarni jamiyatning ijtimoiy – hududiy birligi sifatida kelajaksiz qaralishi, ularning "istiqbollilariga" shahar maqomini berish ko'zda tutilgan edi. [10, b.29].

Tahlillarga ko'ra, respublika qishloq joylarida mustaqillik yillarida bir qator ijtimoiy-iqtisodiy islohatlar amalga oshirildi. Jumladan,

## sog'liqni saqlash, ta'lim tizimi va boshqalardan ijobiy natijalarga erishildi

mulkchilik shakllari ko'paydi, sog'liqni saqlash, ta'lim tizimi va boshqalardan ijobiy natijalarga erishildi. [11, b.73]. Biroq, shunga qaramasdan, qishloqlarda ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilma shaxobchalarini rivojlantirish bo'yicha muammolar mavjud. Ularning yechimi "Qishloq dasturi" doirasida amalga oshirishni nazarda tutiladi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 20 fevraldagi PQ-4201-son qarori.
2. Karimov I.A. Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi: O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo'llari va choralari. - T.: O'zbekiston, 2009.
3. Алаев Э. Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь. - М.: Мысл, 1983.
4. Алексеев А. И. Многоликая деревня (население и территория) - М.: Мысл, 1990.
5. Асанов Г. Р. Сельское расселение Наманганской области. - Т.: Фан, 1975.
6. Axmedov E., Saydaminova Z. O'zbekiston Respublikasi. - T.: O'zbekiston, 2006.
7. Симагин Ю. А. Территориальная организация населения и хозяйства. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005.
8. Ubaydullayeva R., Ata-Mirzayev O., Umarova N. O'zbekiston demografik jaraenlari va aholi bandligi. - T.: Universitet, 2006.
9. Qishloq joylar demografiyasi. Prof. A. S. Soliyev tahriri ostida. - T., 2005.
10. Soliyev A. S. Qarshiboyeva L., Qishloq yoki qishloq aholi manzilgohlari esa qishloq joylarning markazi, tayanch punktlari hisoblanadi. -T.,1999.
11. Kovalev S. A., Kovalskaya N. Ya. Qishloq joylar shahardan tashqari aholi yashaydigan, xo'jaligi intensiv xususiyatga ega bo'lgan hududlar demakdir. -T., 1980.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

https://lib.tisu.uz  
ISSN 0000-0000

**Қобулов Эшболта Атамуратович,**

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, тарих фанлари доктори, профессор  
E-mail: eshbolta.kabulov@mail.ru

### АМИР ТЕМУР - ИЛМ МАЪРИФАТ ҲОМИЙСИ

**Аннотация:** Мақолада саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос ва илм маърифат ҳомийси Амир Темур шахсияти ҳақида баъзи мулоҳазалар келтирилган. Хусусан, у ёшлигида илмнинг барча қирраларини чуқур эгаллаганлиги, илм толиблари нафақаларини ҳар бирининг ҳолига яраша ва вақф шартига мувофиқ қилиб белгиланганлиги, истъдод ҳамда ноёб қобилият эгаларини доимий муҳофаза қилиш, ижодлари учун шароит яратиш, турмушларини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор берганлиги тарихий манбалар ва илмий адабиётлар асосида ўрганилиб, таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Соҳибқирон, Кўрагон, Суюрғатмиш, Оламшайх, Жўги-нўён; Кутлуг Туркон оқа, Ширинбека оқа, Кеш, Сирлар гулшани, мисқол, Хамса.

### АМИР ТЕМУР - ПОКРОВИТЕЛЬ НАУКИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

**Аннотация:** Статья содержит некоторые комментарии о личности Амира Темура, полководца, крупного государственного деятеля, правоведа, покровителя науки и просвещения. В частности, то, что он основательно усвоил все стороны науки в юном возрасте, что стипендии студентов-естествоиспытателей определялись по состоянию каждого из них и по условиям одаренности, что особое внимание он уделял таким вопросам, как постоянная охрана обладателей таланта и уникальных способностей, создание условий для их творчества, обеспечение их жизнедеятельности, изучаются и анализируются на основе исторических источников и научной литературы.

**Ключевые слова:** Сахибқирон, Корагон, Суюрғатмиш, Аламшайх, Джоги-ноян; Кутлуг Туркон, Ширинбека, Кеш, Сирлар Гульшани, Мисқол, Хамса.

### AMIR TEMUR PATRON OF SCIENCE AND ENLIGHTENMENT

**Abstract:** The article contains some comments about the personality of Amir Temur, a general, a great statesman, a jurist and a patron of science and enlightenment. In particular, the fact that he thoroughly mastered all aspects of science at a young age, that the allowances of students of science were determined according to the condition of each of them and according to the conditions of the endowment, that he paid special attention to issues such as the permanent protection of the owners of talent and unique abilities, the creation of conditions for their creativity, and the provision of their livelihoods are historical sources and scientific literature studied and analyzed based on

**Key words:** Sahibkiron, Koragon, Suyurgatmysh, Alamshaikh, Jogi-noyan; Kutlug Turkon, Shirinbeka, Kesh, Syrlar Gulshani, Miskol, Khamsa.

## Кириш.

Амир Темур номи она ватанни босқинчилардан озод қилишда ва халқни қуллик занжиридан қутқаришда ҳамда буюк бунёдкорлик ижодкори сифатида кўзга ташланади. Академик Бўрибой Аҳмедов бу буюк зотга шундай баҳо берганди: "Амир Темур – буюк шахс кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотик, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртини севган ва уни машҳур қилган инсон" [1, Б.2].

Мустақиллик шарофати билан Амир Темур шахси ҳар томонлама чуқур ўрганилиб, кўплаб илмий, бадий асарлар ёзилди ва ёзилмоқда. Бугунги маълумотларга қараганда шарқда Темур даврига оид 900 дан, ғарбда эса боодан ортиқ асарлар ёзилганлиги манбаларда қайд этилади. Амир Темур тарихий манбаларда Темур, Темурбек, Амир Темур ва Соҳибқирон номлари билан бир қаторда, Амир Темур Кўрагон, Соҳиби жаҳон (Олам эгаси) ҳамда Соҳиби адл (Адолат ўрнатувчи) каби улғ ва қутлуг номлар билан ҳам тилга олинади. Соҳибқироннинг тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағай ибн Амир Барқулдир [2, Б. 6-7].

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мазкур мақолани ёзиш учун бир қанча тарихий манбалар ва илмий адабиётлар таҳлилга тортилди. Улар бевосита Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишлангандир.

"Мунтахаб ут-тавориhi Муъиний" номли Темурийлар даврига оид асар муаллифи Муъниддин Натанзийдир. "Аноним Искандера" номи билан машҳур асарнинг иккинчи таҳрири "Мунтахаб ут-тавориhi Муъиний"

## Хатто Амир Муҳаммад Тарағай Чигатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган

("Муъинийнинг сайланган тарихи") деб аталади ва Темурнинг ўғли Шохрух Мирзога бағишланади. "Мунтахаб ут-тавориhi" умумий тарих типиди ёзилган асар бўлиб, оламнинг яратилишидан то Амир Темур вафотигача, 1405 йил 18 февралгача мусулмон мамлакат-

ларида юз берган воқеалар ҳақида бахс юритади. Асар муқаддима ва уч бобдан иборат.

"Мунтахаб ут-тавориhi Муъиний" асарининг матни 1957 йили Эронда Жак Обен тарафидан чоп этилган. Унинг кўлзма нусхалари Санкт-Петербург, Англия, Франция ва Эрон кутубхоналарида мавжуд.

Ибн Арабшоҳ Шиҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллох. ибн Иброҳим араб тарихчиси. Амир Темур Шом (Сурия) ни эгаллагач, Ибн Арабшоҳни қариндош-уруғлари билан Самарқандга келтирган. Бу ерда у машҳур олимлардан таълим олган, форс, мўғул ва турк тилларини ўрганган ҳамда адабиёт ва илоҳиёт билан шуғулланган. «Ажоиб ул-мақдур фи ахбори Темур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») унинг энг машҳур асаридир. Бу асар «Амир Темур тарихи» номи билан ўзбек тилида ҳам нашр этилган. Асарда Темур давлати ва унга чегарадош мамлакатлар сиёсий, хўжалик ва маданий турмушини қўшимча равишда ойдинлаштириб берувчи кўпдан-кўп диққатга сазовор маълумотларни келтирган.

Шунингдек, Б.Аҳмедовнинг "Темур ўғитлари", А.Муҳаммаджонов ҳамда Қ. Ражабовларнинг "Амир Темур", Ҳаким Сатторийнинг "Олтин силсила" асарларида ва Л.Н.Куннинг "Придание в библиотеке Темура" мақоласида Амир Темур шахсияти, илм маърифатга берган эътибор ҳақида маълумотлар келтирилган.

## Тадқиқот методологияси.

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, манбашунослик, тарихшунослик, қиёсий-мантикий таҳлил, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

## Таҳлил ва натижалар.

Амир Темур Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғи (ҳозирги Яккабоғ тумани)да 1336 йил 9 апрель куни дунёга келди. Унинг киндик қони тўкилган жой қадимда Хушжуйи обигар, яъни Зилол сувли чашма номи билан юритилган. Мазкур ҳаётбахш чашма сувлари туфайли бу маскан атрофида аҳоли тўпланиб, қишлоқ қад кўтарган, кейинчалик бу жой Хўжа Илғор номи билан юритила бошлаган.

Отаси Тарағай Нўён туркий барлос уруғининг бийи (бошлиқ, оқсоқол) ва йирик мулкдор амирларидан эди. Ҳатто Амир Муҳаммад Тарағай Чигатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган. У йилда бир маротаба Или (Элсуви) дарёси бўйида чақириладиган юрт бекларининг қурултойига тақлиф этиларди. Беклардан келиб чиққанликларига қарамай, Амир Темур отасининг ҳам, бобоси Амир Барқулнинг ҳам ҳарбий ишга майли бўлмаган. Тарағайбек тақводор мусулмон бўлиб, кўп вақтини дарвешлар билан бирга ўтказган. У пири тасаввуф шайхи Шамсиддин Кулолни чуқур эҳтиром қилган. Тарағай нўённинг тўрт ўғли ва икки қизи бор эди. Ўғиллар – (Амир) Темур, Суюрғатмиш, Оламшайх, Жўгинўён; қизлари – Қутлуғ Туркон оқа, Ширинбека оқа [3, Б.24-25].

Онаси “пошша, пошшахон, султон

## Олий ҳукмдор сифатида илм ва маданиятга, олим ва ижодкорларга катта ҳурмат билан қараган

оғо” маъноларини англатувчи Такина Хотун (аслида Тегина, тахм. 1318, Бухоро – 1353, Шаҳрисабз) Бухоро уламолари пешвоси мавлоно садр аш-шариъа, яъни шариат қонунларини шарҳловчи аллома Убайдуллоҳ ал-Бухорийнинг қизидир. Темурбекка ота- онаси ва аждодларидан алпларга хос паҳлавонлик, ўткир зехн, истеъдод ва бошқа ирсий фазилатлар мерос тариқасида ўтади.

Темурбек дастлабки билимларини ўз қишлоғдаги мулла Алибек мактабида 5 ёшида ола бошлайди. 10 ёшида Мулла Алибек мактабидаги барча китобларни ўқиб тугатади ва устозининг тавсияси билан Кешдаги Абдулла Қутб мадрасасига ўқишга боради. Мадраса мударрислари Темурбекнинг ўткир зехнлигини, туркий тилдан ташқари форс тилини тез ўрганганлигини, Қуръон оятларини икки-уч ўқишдаёқ ёд олганлигини кўриб ҳайрон қоладилар. Манбаларда қайд этилишича, у Қуръон Каримни ёд олган, ҳадис илмини чуқур ўрганлиги боис имон-эътиқодли, ҳалол пок инсон бўлиб вояга етган.

Ёшлигида илмнинг барча қирраларини чуқур эгаллаган Амир Темур Моварауннаҳр тахтига ўтиргандан сўнг, амалга оширган муҳим ишларидан бири илм фан ривожига катта эътибор берганлигидир. Унинг дастлабки фармонларидан бири, мадрасалар ва уларнинг ўқувчиларини моддий жиҳатдан таъминлаб, стипендияларини оширишдир. Муиниддин Натанзий ўзининг, “Мунтахаб ут-Таворихи Муиний” асарида шундай ёзади: “Имомлар,

ислом уламолари, қозилар ва улўф шайхларга бўлган ҳурмат-эътиборини шу даражага етказдики, илму-фан равнақ топиб, талабаларнинг нафақаси лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ қилиб белгиланди. Бунинг натижасида бир неча минг нафар турли илмларни эгаллаган соҳибкамоллар, санокқа сиғмайдиган даражада кўп қалби дарё истеъдод эгалари унинг улўфвор хонадони саховати ҳадялари нуридан замона чехрасидан зоҳир бўлдилар” [4, Б.28].

Фақирлар ва илм толиблари нафақалари вақф мулклари ва мадрасаларга, ҳар бирининг ҳолига яраша ва вақф шартига мувофиқ қилиб белгиланган. Ана шундай вақфларга ҳеч ҳам ва мутлақо солиқ солинмаган. Амир Темур ўз вазирларига вақф мулкларидан бирон танга менинг хазинамга тушмасин деб буйруқ берганди. Илм ва маданият аҳлига Темур муносабатини умрининг охиригача сақлаб қолди. Чунки Темур бир қатор илмларда (тарих, шеърят, тиббиёт, математика, астраномия) салоҳияти катта бўлганлиги, яъни илм зар ундан фойдаланиш зарурлигини англаган. Олий ҳукмдор сифатида илм ва маданиятга, олим ва ижодкорларга катта ҳурмат билан қараган ва барча имкониятларни ишга солган. Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиёти ва келажагини фан ва маданият равнақисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини Амир Темур яхши тушунган. У истеъдод эгалари махсус ва доимий эътиборга муҳтож ва лойиқ бўлишлари, ноёб қобилият эгаларини доимий муҳофаза қилиш, ижодлари учун шароит яратиш, турмушларини таъминлаш зарурлигини ҳам тўғри англаган. У олим у фозиллар ўз маслакларини-ю ва дунёқарашлари юзасидан давлат ва жамият тараққиёти замонавий аҳволи хусусида бошқа ижтимоий табақаларга нисбатан кўпроқ бош қотиришлари ва бу орқали тегишли тажриба ва билимларга эга бўлиб боришларини ёдда тутган. Шу сабабли, қайси жойга бормасин олим у фузалоларни бир жойга йиғиб, улар билан суҳбатлашган, фикрларини тинглаган ва баҳслашган. Бу ҳақда француз тарихчиси Л. Лянглэ шундай ёзади: “Темур олимларга сери-тифотли эди. Билимдонлиги билан бир

қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборини берарди” [5, С.38-41].

Шу сабабли Амир Темур даврига келиб олимларнинг диққати Мовароун-наҳрга қаради. Темурбек мамлакатда барпо қилинган ўқув юртларига дунёнинг турли бурчакларидан етук олимларни тақлиф қилди. Мўғуллар истилоси даврида мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлган Сайфи Фарғоний, Сайфи Саройи, Авфий ва бошқа кўплаб олимларнинг авлодлари, шогирдлари юртимизга қайта бошлади. Бундан ташқари Қозизода Румий, Гиёсиддин Коший, Муҳаммад Ҳавофий, Тафтонзоний, мавлоно Аҳмад каби алломалар темурийлар даврида илм-фан аҳлига таълим бердилар. Амир Темурнинг бой кутубхонаси бўлган ва кўпчилик улардан баҳраманд бўлган. У ўзи забт этган мамлакатлардан нодир китобларни Самарқандга жўнатган. Бу ҳақда рус тарихчиси А.Л.Кун шундай ёзади: “Арман вилояти Темур томонидан забт этилгач, Талв монастири қошидаги университетнинг китоблари, қўлёзмалари Самарқандга юборилган. У китоблар ичида бизнинг асримизгача бўлган 150 йил илгари даврда ёзилган Эрон, Халдей, арман каби Шарқ мамлакатларида яратилган китоблар ҳам бўлган” [6, С.406].

Амир Темур кутубхонаси аввал Кешда, сўнг Самарқандда бўлган. 1580 йилдан сўнг бу кутубхона Бухорога кўчирилган. Бухоро, қушбеги Астанақулнинг таъкидлашича, Бухородаги китоблар уйғур, форс, эрон, пуштун, араб тилларида бўлган. Бу кутубхона

китобларидан бизгача етиб келган Усмон Қуръонидир. Ўз она тилидан ташқари форс ва мўғул тилларини яхши билган Темур “тарих китоблари, худонинг раҳмати ва салому бўлган анбиёлар қиссаларини, подшоҳлар сийратларини ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикоятларни доимо сафарда ҳам, хатарда ҳам ўқитиб кунт билан тинглар эди” [7, Б.71].

Амир Темур китобларни нафақат севиб ўқиган, балки уларнинг муаллифларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёдда сақлаган. Темурбекнинг ёшлигида севиб ўқиган ва кўп жойларини ёд олган китоби Озарбайжон шоири Шабистарийнинг “Гулшани роз” (Сирлар гулшани) асаридир. Амир Темур уч йиллик юриш даврида Озарбайжонга юриш қилиб борганда Шабистар деган қишлоққа дуч келади. Шунда “Гулшани роз” китоби ёдига тушади ва суриштириб китоб муаллифи айнан

шу қишлоқдан эканлигини билиб унинг қабрини излаб топади. Хароб холдаги қабр устига мақбара қурдиради, вақф ер ажратиб ундан тушган даромадга боғ қилиб, улуг муаллиф номи билан аташни фармон беради. Бундан ташқари шаҳар аҳолисининг ўн беш ёшдан юқорисининг рўйхатини олдиради, улар беш нафарни ташкил этади. Темурнинг махсус фармони билан беш нафар одамнинг ҳар бирига беш мисқолдан олтин улашади (1 мисқол беш грамм). Умумий ҳисобда 30550 грамм олтин улашади. Бир китоб муаллифига шунча ҳурмат бажо келтиради.

**Амир Темур тўпланган бойлигини кўпчиликка фойдали, асрларга татигулик, хайрли ишларга сарфлаган**

Амир Темур назм бобида ҳам ўзига хос иқтидор соҳиби бўлган. Буюк Навоий ўзининг “Мажолис ун нафоис” асарида шундай ёзадилар: “.... Темур Кўрагон, агар назм айтмоққа илтифот қилмайдирурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўп маҳал ва мавқийда ўқибдирларким, анингдек бир байт ўқигани, минг байт айтмоққа бор”- дейди. Бунда чуқур маъно бор. Темур шеърийат ихлосманди бўлган, шеърий асарларни севиб ўқиган, шеър ва ҳикматларни ёд билган. Соҳибқирон булардан кенгаши машварадларда, аскарлари руҳини кўтаришда кенг фойдаланган. Ҳозиржавобликда ўз даврининг моҳири бўлган. У айтган бир нечта ўғитларни мисол тариқасида келтирамиз: “Бўлар одам ёшидан бош бўлар, бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи”. Амир Темур энг севиб ўқиган шоир Ҳофиз Шерозий бўлган. У Шерозни олгандан уч кун ўтгач аъёнлар билан бирга шаҳарни кўргани отланади. Шайх бобо Кўҳий Шерозий ва Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийлар истиқомат қилган бу шаҳарга Темурнинг алоҳида қизиқиши бор эди. У ҳушнуд ҳолда йўлга чиқиб, шаҳарнинг вайрон, халқ оч ва юпун эканлигини кўриб, қароргоҳга қайтади. Шундан сўнг Саъдий Шерозий девонини кўлга олади. Китобни очган саҳифадан бир варақ чиқади. Амир Темур варақни текислаб, падари бузруквори дасхати ила кўчирилган ушбу рубоийни ўқийди.

На дунё давлати арзур ситамга,  
На борлиқ лаззати арзур аламга,  
Жаҳоннинг етти минг йиллик гурури  
Арзимади ахир етти кун ғамга.

Отаси дасхати ва севимли сатрлар Темурдаги барча ғуборларни ҳайдаб, қилинадиган ижобий ишларга бел боғлайди. Ҳофиз Шерозий Темурнинг Шерозга келиб, оч юпин халқга кийим-бош, озиқ-овқат тарқатганини

шогирдидан эшитди ва ўзининг: “Ба ҳоли ҳиндуяш бахшаи Самарқанди Бухоро” мисраси ёдига тушиб, энди бу мисралар учун Темур ғазабидан ким қутқаради деган фикр кечди ва тушида Зайниддин Абубакр Тайободий, унга Темур ҳузурига Ҳусрав Деҳлавий ила боражани айтди. 1387 йил 20 декабрда Соҳибқирон Темур Ҳофиз Шерозийни қароргоҳига таклиф этади. Ҳофиз Шерозий Темурни биринчи кўриши билан “амири фотиҳ Темур олийжаноб, шижоатли, саҳоватпеша кўринадур” дея ҳаёлидан ўтказди. Амир Темур томонидан яхши кутиб олинган Ҳофиз Шерозий яхши суҳбатда бўладилар. Уни Самарқанд, Бухорога таклиф этадилар. Аммо шоир ёши кексалиги ва хасталига сабабли бора олмаслигини айтади. Шунда Темур пирим Зайниддин Таёбодий сизни шоҳ Шужо ғазабидан қутқармишлар. Аммо ашъорларингиз мафтунсоз ва шириндир. Мавлоно на илож ихтиёр сизда, дейди Темур. Темурнинг бироз ранжиганини сезган Ҳофиз шайх Тайободий номи эсланиши унга далда берди ва нодир совғаси Ҳусрав Деҳлавийнинг, “Хамса” асарини унга совға қилди. Темур Ҳофизнинг янги ғазалларидан эшитди. Аср номози яқинлашганда Темур хазинабонни чақириб, Ҳофиз Шерозийга хазинадан минг динор тилла ва Шероз шаҳридан яхши бир ҳовли сотиб олиб беришини буюрди. Темурнинг ўзи эса Ҳофизга зардўз тўн кийгизди.

## Хулоса.

Амир Темурнинг илм-фан, маданият аҳлига бўлган ўз муносабати юртимизда илм-фан маданият тараққиётида янги босқич ренессансга асос бўлди, десак муболаға бўлмайди. Хуллас, Амир Темур тўпланган бойлигини кўпчиликка фойдали, асрларга татигулик, хайрли ишларга сарфлаган. Келажак авлод учун шундай маданий-маънавий мерос қолдирганки, улардан нафақат ўтмишдан хотира сифатида, балки ўзбек халқининг маданий бойлиги, илмий салоҳияти, ақлий имкониятидан далолат берувчи беқиёс тимсол сифатида ҳам қадрлидир.

Шундай қилиб, юқоридаги маълумотлар, таҳлиллар юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мустақиллик шарофати билан Амир Темур шахси ҳар томонлама чуқур ўрганилиб, кўплаб илмий, бадий асарлар ёзилди ва ёзилмоқда. Бугунги кунда Темур даврига оид шарқ ва ғарбда кўплаб асарлар ёзилганлиги қайд этилади.
2. «Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Темур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») асари Темур давлати ва унга чегарадош мамлакатлар сиёсий, хўжалик ва маданий турмушини қўшимча равишда ойдинлаштириб берувчи кўпдан-кўп диққатга сазовор маълумотларни келтирган.
3. Темурбекнинг ўткир зеҳнлилигини, туркий тилдан ташқари форс тилини тез ўрганганлигини, Қуръон оятларини икки-уч ўқишдаёқ ёд олганлигини манбаларда келтирилган. Шунингдек, у Қуръон Каримни ёд олган, ҳадис илмини чуқур ўрганлиги боис имон-эътиқодли, ҳалол пок инсон бўлиб вояга етган.
4. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиб давлат ишларида улар маслаҳатидан фойдаланган.
5. Амир Темур назм бобида ҳам ўзига хос иқтидор соҳиби, шеърийат ихлосманди бўлган, шеърий асарларни севиб ўқиган, шеър ва ҳикматларни ёд билган. Соҳибқирон булардан кенгаши машварадларда, аскарлари руҳини кўтаришда кенг фойдаланган.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар

- 1.Ахмедов Б. Темур ўғитлари. - Тошкент: Наврўз, 1993. - Б.2.
- 2.Муҳаммаджонов А., Ражабов Қ. Амир Темур. - Тошкент: Ўзбекистон, 2013. - Б.6-7.
- 3.Ҳаким Сатторий. Олтин силсила. - Тошкент: Шарқ, 2006. - Б.24-25.
- 4.Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут - Таворихи Муиний. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -Б.28.
5. Жизнь Тимура. Сочинения Л.Лянглэ. Перевод Суворова. - Ташкент, 1890. - С. 38-41.
- 6.Кун Л.Н. Придание в библиотеке Темура // Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Вып. 3., 1874. - С.406.
- 7.Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. - Тошкент: Меҳнат, 1992. 2 китоб. - Б.71.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Ҳасанов Акрам Мўминович,**  
Қарши давлат университети доценти,  
тарих фанлари доктори

### АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ШАҲАРСОЗЛИК АНЪАНАЛАРИ ТАРИХИДАН

**Аннотация:** мазкур мақолада Амир Темур ва Темурийлар даврида шаҳарсозлик ривожини ва шаҳар маданияти ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** Амир Темур, Темурийлар, илм-фан, шаҳар, чорсу, Шаҳрисабз (Кеш), Оксарой, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон.

### ИЗ ИСТОРИИ ГОРОДСКИХ ТРАДИЦИЙ В ПЕРИОД АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ

**Аннотация:** В данной статье рассматривается развитие градостроительства и городской культуры во времена Амира Темура и Темуридов.

**Ключевые слова:** Амир Темур, Темуриды, наука, город, Чорсу, Шаҳрисабз (Кеш), Оксарой, Самарқанд, Бухара, Ташкент, Андижан.

### FROM THE HISTORY OF URBAN PLANNING DURING THE REIGN OF AMIR TEMUR AND THE TEMURIDS

**Abstract:** This article discusses the development of urban planning and urban culture during the times of Amir Temur and Temurids.

**Key words:** Amir Temur, Temurids, science, city, Chorsu, Shakhrisabz (Kesh), Oksara, Samarkand, Bukhara, Tashkent, Andijan.

## Кириш.

Амир Темур ва темурийлар даври илм-фан ва маданиятнинг юксак ривожланганлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги даврда XIV-XV асрлардан етиб келган маданий ёдгорликлар-меъморчилик обидалари, фаннинг турли соҳаларига тегишли салмоқли ёзма мерос, нумизматик материаллар ва бошқа осори-атиқалар бунинг далилидир. Мазкур даврдаги улкан бунёдкорлик ишлари бевосита, шаҳарсозлик маданияти, илм-фан ривожининг натижаси саналади. Шу сабабдан ҳам темурийлар даври тарихи жаҳон миқёсида ўрганиб келинмоқда ҳамда ушбу даврдаги илм-фан ва маданият тараққиёти ўзига хос ренессанс сифатида ҳам тан олинган.

Таҳлил ва натижалар. Амир Темур Самарқандни ўз пойтахти қилиб танлаб олиб 1371-1373 йилларда ҳозир маъмурий бинолар жойлашган тепалик (Тева қўрғон)да ўз аркини бунёд этади. Шаҳар деворлари, фасллари ва буржларини қайтадан тиклайди ва бутун умри давомида Самарқандни ободонлаштириш, кўчаларини равон этиш, маҳобатли иморатлар қуриш билан шуғулланади. Темур даврида Самарқанднинг Оҳанин, Феруза, Сўзангарон, Қаризгоҳ, Чорсу, Шайхзода номли олти дарвозаси бўлган. XV аср бошларига келиб шаҳар ғоят гўзал иморатлар, обод ва файзли майдонлари-ю ариқ ва ҳовузлари билан кишини лол ҳолдириб, "Самарқанди Фирдавс-монанд" деган таърифномани олган. Шаҳар ташқарисида эса Темурнинг Боғи Нақши Жаҳон (Чўпон-Ота ёнбағирларида), Боғи Баланд (ҳозирги шу номли

маҳалла ўрнида), Боғи Шамол (ҳозирги шу номли даҳада), Боғи Беҳишт, Боғи Нав (қалъа ёнида), Боғи Чинор, Боғи Дилқушо, Боғи Бўллу, Боғи Зоғон, Боғи амирзодаи Шоҳруҳ, Боғи Давлатобод, Боғи Жаҳоннамо каби боғ ва чорбоғлари бўлган [9:45].

Амир Темур даврида Самарқанд маърифат ҳунармандчилиги ва савдо марказига айланади. Унинг даврдан бошлаб шаҳарларнинг марказий қисми "арубъа" (араб тилида тўртлик) ёки "қитъа" деб аталувчи шаҳристондан ташкил топди. Бу шаҳристонларнинг тўрт дарвозасини кесиш ўтувчи икки катта кўча шаҳар марказида ўзаро кесишган ва бу жой "Чорсу" деб номланган. Амир Темур Самарқанд Чорсусида Сароймулкхонимга бағишлаб Кулоҳфурушлар гумбази деб номланган ёпиқ бозор қурдирган. Шундан сўнг бу анъана бошқа шаҳарларга тарқалган. Амир Темур ва темурийлар даврида рубъа (қитъа) шаҳристонлар Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент, Андижон, Ҳиротда мавжуд бўлган. Соҳибқирон шаҳарнинг Оҳанин дарвозасидан Чорсу дарвозасигача Регистон майдони орқали ўтадиган савдо расталари кўринишида кўча очишни буюради. Ушбу кўчани шаҳарсозликда тутган ўрни ҳақида бир неча манбаларда маълумотлар келтириб ўтилган.

Амир Темур арк (қалъа) ичида тўрт ошёнали Кўк Сарой қасрини, ичида Бўстон Сарой номли қаср бўлган чорбоғ, тураржой бинолари, аслаҳахона, маъмурий бинолар, ҳаммом, шифохона, хазина, зиндон ва бошқа иморатларни, жумладан Шайх Нуриддин Басир шарофига Қутби Чоҳардахум деб номланган мақбарани (Новадон ариғи ёнида) бунёд этди. Арк (қалъа, "шаҳри дарун" ва шаҳарнинг дсвор билан ўралган қолган қисми "ҳисор" деб аталадиган бўлади [9:45].

Самарқандга Амир Темур давлатига ташриф буюрган испан элчиси Клавихо

## Самарқандни дунёнинг энг гўзал шаҳрига айлантириш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилган

Самарқанд шаҳрини шундай тасвирлайди: Текисликда жойлашган Самарқанд шаҳри катталиги бўйича Севилия (Италиянинг Андалусия вилоятидаги шаҳар) шаҳридан бир оз каттароқ бўлиб, ташқарисида кўпгина уйлар қад кўтарган, атрофи бир ярим, икки чақиримча келадиган боғ ва узумзорлар билан ўралган ва шаҳар бу боғларнинг марказида турибди. Боғлар орасида кўчалар ва майдонлар бўлиб, кўпгина аҳоли бу ерда истиқомат қилади. Бу ерда нон, гўшт ва бошқа нарсалар ҳам сотилади. Хуллас, шаҳарнинг ичкарасидан кўра, шаҳарнинг ташқарисида кўпроқ аҳоли истиқомат қилади [2:141]. Шунингдек элчи Соҳибқирон бу шаҳарнинг шуҳратини кўтариб, қўлга киритган мамлакатларидан бу шаҳарга яшаш учун одамларни, айниқса, турли соҳа усталарини кўпроқ олиб келарди, дея маълумот беради [2:143]. Соҳибқирон ўз буюк давлатининг пойтахти Самарқандни дунёнинг энг гўзал шаҳрига айлантириш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилган. Машҳур араб муаррихи Ибн Арабшоҳ "Самарқанд дунё шаҳарларининг келинчаги эди", дея эътироф этган. Муаррихнинг таъкидлашича, Амир Темур Самарқанд атрофидаги қишлоқларни Шарқ мамлакатларининг йирик шаҳарлари номи билан Миср, Бағдод, Шероз, Дамашқ, Султония деб атадики, бу билан ўз пойтахти

мавқеини яна бир бор ошириб кўрсатган [4:8]. XIV асрнинг иккинчи ярми – XV аср бошларида Термиз Амир Темур давлатининг муҳим шаҳарларидан бири эди. Шаҳарнинг Амир Темур даврига оид тавсифи Руи Гонсалес де Клавихо “Кундалиги” да ҳам мавжуд. Унда Термиз шаҳри девор билан ўралмаган, серсув ва атрофи кўплаб боғлардан иборат эканлиги, элчилар ҳар хил нарсалар билан савдо қилаётган гавжум майдон ва кўчалар орқали ўтганлигини тасвирлаб ўтган. Сайёҳ Темурбекнинг асли шаҳри Кешни ҳам тасвирлаб, қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: Кеш катта шаҳар. Шаҳарни боғ-роғлар, қишлоқлар ўраб турарди, атроф кенг адирликдан иборат, кўп аҳолили қишлоқлар, серсув каналлар, катта ариқлар кўриниб туради. ... Шаҳар атрофи бўйлаб чуқур хандақ қазилиб, дарвозаси олдида осма кўприк мавжуд эканлигини таърифлайди [2:110].

Тарихнавис Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида маълумот берилишича, Темур 1378 йилда Кеш шаҳрини қайта қуриб унга Шаҳрисабз (кўклам шаҳар) номини беради. Шаҳарнинг шимолда Китоб (ёки Арк), жанубда Чармгар, шарқда Кунчиқар ва ғарбда Қушхона номли тўрт дарвозаси бўлган. Бу тўрт дарвозани бирлаштирувчи икки кўча шаҳарни бир неча маҳаллани бирлаштирган тўрт даҳага бўлган. Кеш Марказида Чорсу жойлашган [9:48].

Тарихий маълумотларга кўра, Амир Темур 1365–1366 йилнинг қишини Қарши шаҳрида қишлаб, қалъа деворларини мустаҳкамлайди. М.Е.Мас-сон археологик материалларни таҳлил қилиш асосида 1365–1366-йилларда Амир Темур мустаҳкамлаган қалъа, Кебекхон асос солган саройдир, -деган хулосага келган [5:49]. Амир Темур ўша йилги қишда Қарши мудофаа деворларини таъмирлаб, шаҳарда йирик масжид ҳам барпо этади [6:97]. Амир Темур шу йилнинг ўзидаёқ

## Маълум даражада ўрганилгани-бу Шаҳрисабздаги Оқ сарой ҳисобланади

шаҳарни мудофаа девори билан ўратади ва бу иш шошилини ҳолда тугатилади [7:179]. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ноёб туркий қўлёзма “Амир Темур таржимаи ҳоли”-нинг Набижон Хатиф томонидан форсийдан туркийга ўтирилган таржимасида Соҳибқирон тилидан битилган Қарши қалъасининг қурилиши ҳақида қуйидагиларни ўқиш мумкин: “Мен шаҳар (Қарши) атрофида девор қуриш ва мустаҳкамлашга буюрдим: шаҳар ичида кўп чиройли бинолар қурдирдим”... Мен ўз баҳодирларимни Қаршини мудофаа қилиш учун жойлаштирдим” [8:23].

Манбаларга кўра Амир Темур даврида Моварауннаҳр шаҳарларида камида биттадан мадраса, мактаблар мавжуд бўлиб, уларда малакали мударрислар сабоқ беришган Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳарларида бундай мадрасалар кўплаб фаолият юритган.

Самарқанд, Шаҳрисабз ва Ҳирот шаҳарлари тузилиши шуни кўрсатадики, темурийлар даврида шаҳарларнинг бурж ва дарвозалари бўлиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан қуршаб олинган. Ҳар қайси шаҳар ўзининг арки ва ҳисоридан ташкил топиб, унинг марказий қисми, кўчалар кесишган жойида ёпиқ савдо гумбазлари - баъзан эса шунчаки очиқ чорраҳалар чорсулар воситасида ажралиб турган. Жума масжидлари шаҳар бозори билан ёндош жойлашиб бир марказни ташкил этса, бош мадраса олдидаги майдонлар шаҳарнинг иккинчи бир марказини ифодалаган. Ҳунармандлар, ҳунармандчилик касб-корига кўра, аҳолининг табақаларга бўлиниши маҳалла, даҳа

сингари шаҳар қисмларини келтириб чиқарган. Бош кўчалар ҳунармандчилик ва савдо расталаридан иборат бўлган. Унчалик кенг бўлмаган кўчалар майдон ва сарҳовузлар воситасида аҳоли юриш ва тўхташ жойларини ташкил этган.

Темурийлар даври шаҳарсозлигида Бухоро, Ҳирот, Марв ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тўртбурчак тарзда шаклланди. Ўрта Осиё кўп асрлик меъморий анъаналарининг давом эттирилганлигидан далолат бериб туради [9:46].

Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Шаҳрисабзда Регистон номли бош майдонлар тузилганлигини эътиборга олинса, бундай майдонлар бошқа катта шаҳарларга ҳам хос эди дея тахмин этиш мумкин.

Муаррихлардан Ҳофизи Абрў ва Абдураззоқ Самарқандийлар Шоҳруҳ томонидан Марвнинг қайта бунёд этилганлигини талқин этишади. Бу даврга келиб шаҳар аввалги жойидан бироз (бирор чақиримча) жануброқда, бурунги рабод ерларида қайтадан қад кўтаради. Тўртбурчак шаклидаги 630х695 метрли ҳажмдаги шаҳарининг 44 фасли (ярим минора)си бўлган. Шимолий шарқдаги Жума (эски Туркистон) дарвозасидан бошланувчи кўча шаҳарни қоқ иккига ажратган.

Шунингдек, Шоҳруҳ ва Навоийларнинг Ҳирот шаҳрининг кенгайтирилиши ва ободонлаштирилишидаги хизматлари ҳақида бир қатор тарихий манбаларда аниқ маълумотлар бериб ўтилган.

Қасрлардан машҳурлари сифатида Самарқанд аркидаги Кўк сарой, Шаҳрисабздаги Оқ сарой, Ҳиротдаги Боғи Шаҳр, Маврадаги Шоҳ саройларини мисол келтириш мумкин. Шуларнинг ичида унча-мунча сақланиб қолгани ва маълум даражада ўрганилгани бу Шаҳрисабздаги Оқ сарой ҳисобланади.

Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда қурилган карвонсаройлар ҳамда шаҳарлар ташқарисидидаги работлар ҳақида кўплаб маълумотлар бор. Аммо уларнинг аксарияти бузилиб кетган. Лекин бу иморатларнинг кўпчилиги тўртбурчакли, олди пештоқли буржлар билан мустаҳкамланган кўришига эга бўлган [9:49].

## Хулоса.

Юқоридаги фикрларни мухтасар қилиб, шуни айтиб ўтиш лозимки, тўрт бурчак кўринишидаги шаҳристоннинг шакли Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзгарган бўлсада, уларнинг марказида жойлашган “Чорсу”-бош савдо ўрни ва номи сақланиб қолган. Бунини Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Андижон, Наманган, Қўқон ва бошқа шаҳарлар чорсулари мисолида кўриш мумкин. Бундан ташқари, юқоридаги шаҳарларнинг деярли барчасида “Регистон” номли шаҳарнинг бош маъмурий-ижтимоий майдонлари ҳам мавжуд бўлган. Амир Темурнинг Самарқанд ва Тошкентни, Шаҳрисабз ва Қаршини, қолаверса, дунёнинг қанча-қанча йирик шаҳарларини нечоғлик обод этганини ҳаммамиз нафақат ўқиб-эшитганмиз, балки ана шу ободлик ишларида иштирок этган ва асрлар бўйи бунёдкорона меҳнати самараларидан баҳра олиб яшаган аждодларимизнинг фарзандларимиз.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедов М. Ўзбекистонда шаҳарсозлик санъатининг шаклланиши // Мозийдан садо. 2013 й. №4 Б. 45.
2. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур Тарихи (1403-1406). - Тошкент: Ф.Фуллом, 2007. Б.141.
3. Термиз 2500. Муаллифлар жамоаси. - Т., 2001. Б.33.
4. Бўриев О. Азиз Авлиёларни эъзозлаган соҳибқирон // Соҳибқирон юлдузи журнали. 2015 й. №4. Б. 8.
5. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи. С.49.
6. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. - Т., 1997. Б.97.
7. Ахмедов Б. Историко географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. -Т.: Фан 1985, С.179.
8. Насриддинов Қ. Қарши Регистони. - Т.:Тошкент ислом университети, 2014. Б.23.
9. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. - Т., 1995. Б.45-49.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Турсунов Нурулло Нарзуллаевич,**  
Термиз иқтисодиёт ва сервис университети  
доценти, тарих фанлари доктори  
E-mail: nurullo2447603@gmail.com;

**Қобилов Камолиддин Эшболтаевич,**  
Термиз иқтисодиёт ва сервис  
университети мустақил тадқиқотчиси

## ШАРҚИЙ БУХОРО БЕКЛИКЛАРИДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ХУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Аннотация:** Мақолада, Бухоро амирлигининг маъмурий тузилиши, иқтисодий аҳоли, Шарқий Бухоро бекликлари аҳолисининг хўжалик фаолияти, савдо алоқалари, бозорнинг турлари, хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хунармандчилик уюшмалари, хунармандчиликнинг иқтисодий, табиий-географик муҳит билан боғлиқ жиҳатлари баён этилган. XIX аср охири – XX аср бошларида шаҳарларда аҳолининг ортиб бориши, товар-пул муносабатларининг кучайиши савдо-сотик ишлари ва хунармандчиликнинг ривожланишига сабаб бўлган масалалар таҳлил этилган. Аҳолининг хунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабларининг ошиб бориши ва хом ашё етказиб бериш имкониятларига қараб турли ҳудудларда хилма-хил соҳаларга ихтисослаша бошлаганлар. Минтақада мавжуд хунармандчилик уюшмалари ўзининг асрлар давомида шаклланиб келган урф-одат ва маросимларига эга бўлган.

**Калит сўзлар:** Бухоро амирлиги, вилоят, ҳудуд, шаҳар, қишлоқ, хунармандчилик, хунарманчилик уюшмалари, тўқимачилик, пахта, ипак, шойи, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, маҳсулот, савдо алоқалари, савдо-сотик, савдо растаси, товар-пул муносабатлари, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, бозор, темир йўл, Амударё флоти.

## МЕСТО РЕМЕСЛЕННЫХ ТОВАРОВ (ПРОИЗВОДСТВ) В РАЗВИТИИ КУПИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ В БЕКСТВАХ ВОСТОЧНОЙ БУХАРЫ

**Аннотация:** В статье описывается административное устройство Бухарского эмирата, экономическое положение, хозяйственная деятельность населения Восточно-Бухарского княжества, торговые отношения, виды рынков, ремесленное производство и ремесленные объединения, аспекты ремесел, связанные с хозяйственными, природными и географическая среда. В конце XIX-начале XX веков были проанализированы вопросы, которые привели к росту населения в городах, укреплению товарно-денежных отношений, развитию торговли и ремесел. В связи с растущим спросом населения на изделия кустарного промысла и наличием сырья они стали специализироваться на самых разных производствах в разных регионах. Существующие в регионе ремесленные объединения имеют свои традиции и обряды, формировавшиеся веками.

**Ключевые слова:** Бухарский эмират, район, территория, город, село, ремесло, ремесленные объединения, текстиль, хлопок, шёлк, медь, украшения, керамика, изделия, торговые отношения, торговля, товарно-денежные отношения, хозяйство, производство, рынок, ж / д, Амударьинский флот.

## THE ROLE OF HANDICRAFT PRODUCTS IN THE DEVELOPMENT OF TRADE RELATIONS IN THE EASTERN BUKHARA REGION

**Annotation:** The article describes the administrative structure of the Emirate of Bukhara, the economic situation, the economic activities of the population of the East Bukhara principality, trade relations, types of markets, handicraft production and handicraft associations, aspects of crafts related to the economic, natural and geographical environment. At the end of the 19th and beginning of the 20th centuries, issues were analyzed that led to the growth of the population in cities, the strengthening of commodity-money relations, the development of trade and crafts. Due to the growing demand of the population for handicrafts and the availability of raw materials, they began to specialize in wide variety of industries in different regions. Craft associations existing in the region have their own traditions and rituals that have been formed over the centuries.

**Keywords:** Emirate of Bukhara, district, territory, city, village, crafts, craft associations, textiles, cotton, silk, copper, jewelry, ceramics, products, trade relations, trade, commodity-money relations, economy, production, market, railway, Amu Darya fleet.

## Кириш.

Бухоро амирлигининг маъмурий тузилиши, Шарқий Бухоро бекликлари аҳолиси, шаҳарларининг иқтисодий ҳаёти, аҳолининг хўжалик фаолияти, савдо алоқалари, бозорларининг турлари, хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хунармандчилик уюшмалари, хунармандчиликнинг иқтисодий, табиий-географик муҳит билан боғлиқ жиҳатлари мақолада ўз аксини топган.

Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузур, Шеробод, Денов бекликларида аҳоли сонининг ортиб бориши, товар-пул муносабатларининг кучайиши савдо-сотик ишлари ва хунармандчиликнинг ривожланишига сабаб бўлган масалалар таҳлил этилган. Аҳолининг хунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабларининг ошиб бориши ва хом ашё етказиб бериш имкониятларига қараб турли ҳудудларда хилма-хил соҳаларга ихтисослаша бошлаганликлари масалаларини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар: XIX аср охири – XX аср бошларида Шарқий Бухоро бекликларида савдо муносабатлари ва хунармандчилик маҳсулотлари, товар-пул айирбошлаш, бозорларнинг турлари ва карвон-саройлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Миллий архивининг қуйидаги бир қатор жамғарма (фонд)ларидаги ҳужжатларда ёритилган: И-1-жамғарма; И-3-жамғарма; РДХТА, 1396-жамғарма ва бошқалар.

Ушбу мақолани ёзишда архив ҳужжатларидан ташқари, ўша даврда фаолият кўрсатган тадқиқотчилар Н.В. Ханьков, Д.Н. Логофет, А.Вамбери, Семенова-Тянь-Шанский, М.Е.Массон сингари шарқшунос, тарихчи ва ўлкашунос олимларнинг асарлари, стати-

стик тўпламлар, даврий матбуот материаллари, шунингдек совет ва мустақиллик даври олимларининг тадқиқотлари муҳим манба вазифасини ўтаб, улардаги кўпгина маълумотлар илк маротаба илмий тадқиқот доирасида тадқиқ этилди.

Шарқий Бухоро бекликларининг жойлашуви, савдо-сотик муносабатлари, карвон савдо йўллари, бозорлари ҳақидаги маълумотларни Б.Х.Кармышева, В.Л.Воронина, М.А.Абдураимов, Р.Ризаев, Н.М.Маннонов, Ҳ.Зиёев, М.Каримова, Г.А.Михалиева, Р.Э.Холиқова, Н.Обломуродов, Г.А.Аъзамоваларнинг асарлари ва тадқиқотларида келтирилган. Шунингдек, бекликлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, аҳолининг ижтимоий аҳоли ва бозорлардаги савдо-сотик муносабатлари тарихига оид илмий тадқиқотларни олиб борган Э.Қобулов, С.Турсунов, Н.Турсунов, Ф.Очилдиев, Ш.Алламуратов каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам баён этилган.

## Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолада қатор методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошларида Шарқий Бухоро бекликларида савдо муносабатлари ва хунармандчилик маҳсулотлари, товар-пул айирбошлаш, бозорларнинг турлари ва карвонсаройлар тўғрисидаги маълумотлар тарихи тадқиқ этилган.

## Таҳлил ва натижалар.

Маълумки, Бухоро амирлиги (1753-1920) йилларда монархик бошқарув тизимига асосланган бўлиб, давлат бошлиғи амир ҳисобланган. Вилоятларни беклар бошқаришган ва улар амирга бўйсунган. Бекликлар амлоқларга бўлиниб, амлоқлик таркибига бир неча қишлоқлар кирган. Амло-

кликларни бек томонидан тайинланган амлокдорлар бошқаришган. Қишлоқларда эса оқсоқоллар раҳбарлик қилишган [1, Б.31].

XIX аср охири - XX аср бошларида амирликда 20 та мустақил беклик ва 9 та мустақил туман мавжудлиги манбаларда келтирилган [2, Б.21]. 1912 йилда эса амирликда 26 та беклик ва улардан мустақил 11 та туман бевосита амирликка бўйсунган. 1915 йилда амирликда 27 беклик (вилоят) ва 11 та тумандан иборат эди [3, Б.52-53]. Кўриниб турибдики, Бухоро амирлигида содир бўлган турли сиёсий, иқтисодий жараёнлар натижасида маъмурий тузилишида баъзан ўзгаришлар ҳам содир бўлган.

Хунармандчиликнинг асосий марказлари Қўқон, Тошкент, Андижон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Денов каби шаҳарларнинг тутган ўрни катта бўлган.

Ушбу шаҳарларда маҳаллий хунармандлар томонидан яратилган кундалик турмуш эҳтиёжлари учун зарур ҳисобланган ҳар хил маҳсулотлардан тортиб, турли хунармандчилик соҳалари учун керак бўлган хом ашёлар, моҳир усталар томонидан ясалган бадий хунармандчилик буюмлари қўшни давлатларга ва атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган моллар билан савдо (айирбош) қилинган.

Бу соҳа вакиллари тўқимачилик, мискарлик, кулолчилик, заргарлик, ипак ва шойи матолари тўқиш ва бошқа кўплаб хунармандчилик турлари ҳамда касб

соҳаларида ўз маҳсулотларини санъат асарлари даражасига етказиб тайёрлаш билан бирга, аҳолининг хунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш ва ташқи бозорга ҳам чиқарар эдилар [4, Б.174].

Ўрта Осиё шаҳарларининг савдо марказларига айланишида, бозорларнинг катта ёки кичиклиги, жойлашган ўрни, қандай турдаги маҳсулотларни сотиши ва ихтисослашганлигига ҳам боғлиқдир. Масалан, бўз бозори, тери бозори, от эгаржабуқлари бозори, пичоқ бозори, гилам бозори, пахта бозори, сабзавотчилик, боғдорчилик маҳсулотлари бозорлари алоҳида бўлган.

Бухоро амирлиги ва унинг аҳолиси савдо-сотиқ ишларининг ривожланишига эътибор қаратиб, қўшни давлатлар Қўқон хонлиги, Хива хонлиги, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан савдо ишларини олиб борган [5, Б.171-176].

Бухоро амирлигида аҳолининг моддий эҳтиёжининг ортиб бориши савдо муносабатларининг кенгайишига ва хунармандчиликнинг ҳам ривожланишига сабаб бўлган. Ички бозорда Бухоро, Самарқанд, Қарши, Ғузур шаҳарлари амирликнинг йирик савдо марказлари ҳисобланган. Масалан, Ғузур чорва моллари сотиш ва сотиб олишда энг катта бозорларга эга бўлган [6, Б.12-13].

А.Вамбери XIX асрда Бухоро амирлигида бўлган даврда шаҳар бозорлари ҳақида: "...бозорлари ўзга юртлиқнинг нигоҳида ундаги халқлар, кийимлар, урф-одатларнинг турли-туманлиги билан кўзни қамаштирадиган манзара намоеъ бўлади" —, деб айтган эди [7, Б.36]. Тадқиқотчи А.Г.Аъзамованинг ёзишича, сўнгги ўрта асрлар шаҳарларидаги бозорлар маълум турдаги маҳсулотни сотишга ихтисослашган эди [8, Б.40]. Б.Х.Кармишеванинг қайд этишича, XX асрда Денов беклигининг

## Бойсун беклигида 25 та руда эритиш печлари бўлиб, унда 50 киши фаолият кўрсатган

Сина ва Вахшивор, Ҳисор беклигининг Газарак ва Хуфор, Бойсун беклигининг Пассурхи қишлоқларида узумнинг 20 дан ортиқ навлари етиштирилган. Ушбу қишлоқларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли яримўтроқ чорвадор ўзбекларга, яқин атрофдаги бозорларда узум ва буғдойни жун, гўшт, қуритилган пишлоқ каби маҳсулотларга алмаштиришган [9, Б.119]. Шарқий Бухорода алоҳида мева навлари ажралиб турадиган қишлоқлар бўлиб, ҳатто ушбу меваларни узоқ ўлкалардаги шаҳарларнинг катта бозорларига ҳам олиб бориб сотишган. Масалан, Дашнобод-анорлари катта майдонларда экилган [9, Б.121].

Шаҳарларда хунармандчилик уюшмалари ташкил қилинган бўлиб, бундай хунармандчилик марказларини Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Китоб, Қаршида борлиги ва ўнлаб гузарларни айтиш мумкин [10, Б.116]. Бу каби гузарларда, асосан, алоҳида хунармандчилик тури билан шуғулланувчи хунармандлар яшаган ва уларнинг устахоналари ўзлари яшаётган ҳовлиларида жойлашган [11, Б.116].

Бундан ташқари бозорда ёки савдо расталарига яқин жойда алоҳида дўкон ҳамда устахонасига эга хунармандлар уюшмалари ҳам мавжуд бўлган. Демак, савдо-сотиқнинг ривожланишида хунармандчилик уюшмаларининг ихтисослашганлиги ва шаҳарларнинг савдо расталарига яқин бўлганлигини кузатиш мумкин. Баъзан эса хунармандчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқилиши табиий-географик ва сиёсий жараёнларга ҳам боғлиқ бўлган.

Хунармандчилик асосан йирик шаҳарлар билан бир қаторда йирик қишлоқларда ҳам кенг тарқалиб борди. Хунармандчиликнинг барча соҳаларида ўз касб уюшмалари мавжуд бўлиб, улар оқсоқоллар томонидан бошқарилган ва барча ишлаб чиқариш жараёни назорат қилинган. Четдан шогирд ёллаш кам учрайдиган ҳолат бўлиб, хунармандчилик сирлари асосан, отадан ўғилга

мерос сифатида қолдирилган. Хунармандчиликдаги етакчи тармоқ тўқимачилик бўлган. Бунга сабаб бир томондан ички ва ташқи бозорда бу турдаги маҳсулотларга талаб кучли бўлса, иккинчи томондан тўқимачилик учун зарур бўлган хомашёларнинг маҳаллий эканлиги ва етарли бўлганлиги эди [4, Б.170-171].

Бу ҳақида фикр юритганда, Шарқий Бухоро бекликларида тоғли ҳудудларнинг кўп бўлганлиги ва бекликларни ҳимоя қилишга бўлган талаб натижасида қурол-яроғ ишлаб чиқишга эҳтиёжнинг ортиб бориши эди. Натижада, қуролсозлик устахоналарида қилич, найза, қалқон, пичоқ, сувлиқ, тақол ва турли хилдаги катта-кичик қуроллар, майда буюмлар ишлаб чиқарилган. Юрчи, Бойсун, Шеробод бекликларида мавжуд темир, тошқўмир рудаларидан фойдаланилган, Бойсун беклигида 25 та руда эритиш печлари бўлиб, унда 50 киши фаолият кўрсатган [12, С.56.; 26, Б.62]. Оддий босқон кучи билан тайёрланган меҳнат буюмлари оғир меҳнат эвазига яратилсада, ташқаридан келтирилаётган сифатли қуролсозлик, игнасозлик, михсозлик каби темирчилик буюмлари маҳаллий усталар томонидан тайёрланган меҳнат маҳсулотларини сиқиб чиқара бошлайди [26, Б.62]. Айниқса, XIX асрнинг 80-йилларидан-XX асрнинг бошларида Туркистонда, яъни Ўрта Осиё хонликлари ҳудудларида темир йўлларнинг қурилиши натижасида, рус маҳсулотлари учун маҳаллий бозорларга кенг йўл очилади. Кўплаб маҳаллий хунармандчилик устахоналари иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолади. Темир йўл тармоқларининг ўтказилиши билан Россия империясидан Туркистонга, Ўрта Осиё хонликлари ҳудудига темир, чўян, тунука, жез, қалай, пўлат, симоб, аччиқ тош, елим,

**Ғузур чорва моллари сотиш ва сотиб олишда энг катта бозорларга эга бўлган**

бўёқлардан анилин, турли-туман тайёр металл буюмлар, шиша буюмлар, тайёр чарм маҳсулотлари, рангли мовут, дори-дармонлар, шакар, қанд ва бошқа маҳсулотлар олиб келинган [13, Б.200.]. Шунингдек, подшо Россияси истилосидан сўнг ҳам Ўрта Осиё хонликлари шаҳарлари орқали Ҳиндистон, Эрон, Афғонистондан юқори сифатли чинни буюмлар, тўқимачилик буюмлари, қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари, зираворлар, қуруқ мева ва бошқа маҳсулотлар [14, Б.17.] Россия бозорларига ушбу мамлакатлар савдогарлари билан бир қаторда, Бухоро савдогарлари томонидан ҳам етказиб берилган [15, С.73.]. XIX асрнинг охирига келиб Россиядан Ўрта Осиё шаҳарларига металлнинг олиб келиниши 10 баробарга ва металл буюмлар 2,3 ҳисса кўпайган [16, Б.136.].

1887 йилда подшо Россиясининг Амударё флотилиясини ташкил этиши, Бухоро амирлигида дастлаб ҳарбий, кейинроқ савдо-сотиқдаги аҳамиятини ошириб борган [17, С.570.]. Амударё флотилияси кемалари чегарадаги ҳудудлардан Россияга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказган, қайтишда эса Россиядан саноат молларини олиб келган. 1914 йилги навигация даврида Россиянинг Европадаги қисмига Амударё флотилияси кемалари томонидан 457620 пуд юк, жумладан, 21937 пуд пахта хомашёси, 1627 пуд тери, 250 пуд қоракўл, 1679 қўй териси, 5213 пуд беда уруғи, 3391 пуд жун, 408 пуд ипак келтирилди. Ўша даврнинг ўзида флотилия Бухоро, Хива ва Амударё бўлимига Россиядан қуйидаги юкларни олиб келган:

деҳқончилик қуроллари – 252 пуд;  
керосин – 16538 пуд;  
ёғоч материаллари – 27363 пуд;  
ҳар хил мануфактура – 2292 пуд;  
қанд – 15387 пуд [18, Б.68.] .

Бухоро амирлиги ва подшо Россиясининг Шарқ мамлакатлари билан

савдо-сотиқ ишлари божхона кечувлари орқали тартибга солинган, натижада Амударё орқали Бухоро амирлигининг савдо-сотиқ ишлари устидан назорат ўрнатилди. Шунингдек, флотилия подшо Россиясининг амирликдаги хомашё маҳсулотларини тезроқ ташиб кетиш билан ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кўпроқ сотиш ҳамда Бухоро бозорларини тўлиқ эгаллаб олишга ҳам имконият яратган [19, Б.70.].

Будаврда Шарқий Бухоробекликларида хунармандчилик буюмларини сотишни маҳаллий бозорларда хунармандлар, даллолар ва савдогарлар бажарган. Шаҳар бозорларида хунарманд уста, косиб, заргар, темирчилар учун алоҳида махсус расталар ажратилган. Шунингдек, хунармандларнинг ўзлари устахона дўконларида ҳам хунармандчилик буюмларини сотишган. Россия ҳукуматининг Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги вакилдан ёзма равишда рухсатномаси бўлган савдогарлар маҳаллий бозорларда дўкон очишлари мумкин бўлган [20, Б.3,8,15,18,21.]. Агар дўкон очмоқчи ва унда молларини сотилишини режалаштираётганлиги тўғрисида маълум

## Бозорларда хунарманд ва савдогарларнинг жой пули, чой пули, бозор пули каби тўловлари ҳам бўлган

мотлар берилган. Маҳсулотлар нақд пулга ёки маълум миқдорда товар айирбошлаш билан амалга оширилган.

Ўтроқ аҳоли, яъни чифатойлар, тоғчилар хунармандчиликнинг: темирчилик, дурадгорлик, тўқимачилик, тикувчилик, кулолчилик, тегирмон-

чилик, жувозкашлик, каштачилик, дўппидўзлик, этикдўзлик, чармгарлик каби турли соҳалари билан шуғулланган бўлса, ярим ўтроқ аҳоли кўнғиротла, жузлар, манғитлар, саройларасосангилам тўқиш, ўтовлар учун керакли анжомлар тайёрлаш билан машғул бўлишган [26, Б.61-62.]. Ўтроқ аҳоли ва шаҳар атрофида яшовчи ярим ўтроқ аҳоли билан товар айирбошлаш катта миқдордаги хунармандчилик буюмларининг қўй, эчки, қорамол каби чорвалар билан биргаликда, тўқимачилик, кўнчилик соҳаларига зарур хом ашёлари-жун, тери ва турли-туман гиламдўзлик маҳсулотларини ҳам айирбошлаган. Шунингдек, деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли ўзлари етиштирган полиз, сабзавот каби турли-хил деҳқончилик маҳсулотларини хунармандчилик маҳсулотларига товар кўринишида айирбошлаганлар [27, д.ё.].

XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиё шаҳарларида солиқларнинг турлари 40 га яқин бўлган. Бундан ташқари хунармандлар ва савдогарлардан олинадиган солиқларнинг асосийси даромад солиғи ҳисобланиб, мусулмон савдогарлардан ҳар бир раста учун 40 червон чет эл тангасидан бир миқдорда ундирилган бўлса, рус савдогарларидан 12 червонгача ундирилган. Шунингдек, хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотини сотишдан олинadиган даромаднинг 40/1 миқдоридаги закот солиғи солинган. Хунарманд ва савдогарлардан ундирилган яна бир солиқ тури ўлпон бўлиб, уни тўлаш майда хунарманд ва савдогарлар учун жуда оғир бўлган [22, С.165.]. Бозорларда хунарманд ва савдогарларнинг жой пули, чой пули, бозор пули каби тўловлари ҳам бўлган [11, Б.185.].

Ташқи савдо муносабатларида, Қаршидан Амударёгача бўлган ҳудудларда бунёд этилган карвон-саройларнинг алоҳида ўрни бўлган. Қарши

**40 червон чет эл тангасидан бир миқдорда ундирилган бўлса, рус савдогарларидан 12 червонгача ундирилган**

шаҳрида XIX аср бошида учта карвон-сарой бўлган бўлса, кейинчалик уларнинг сони 10 тага яқинлашган [23, С.596.]. Ушбу карвонсаройларда чойхона, ётоқхоналар мавжуд бўлиб, савдогарларнинг отлари, туялари учун ҳам ем-хашак сақланадиган бинолар ҳамда юкларни сақланадиган алоҳида омборлар бўлган [24, С.299-351.].

Ўрта Осиё хонликларида маҳаллий хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорларни имконият даражасида таъминлаган бўлсада, аммо уларнинг яшаш шароити оғир аҳволда бўлган. Бунинг сабаби амирликда ва хонликларда хунармандчиликнинг ривожланиши учун моддий жиҳатдан амалий ёрдам берилмаган.

Бухоро амирлигидаги шаҳарлар айрим хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариши билан ажралиб турган. Масалан, Шеробод шаҳри кулолчилик маҳсулотлари, Бойсун шаҳри эса темир буюмлари ва тери маҳсулотларига қайта ишлов бериши, Денов шаҳри эса зеби-зийнат буюмларини тайёрлаши орқали ўзига хос ўринга эга бўлган. XIX аср ўрталарида Шеробод беклигидан 100000 танга, Денов беклигидан 75000 танга закот олиниб, ушбу солиқнинг маълум қисми хунармандларга тегишлидир [ЎзМА, И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 1154-иш, 3-варақ.].

## Хулоса.

XIX аср охири – XX аср бошларида шаҳарларда аҳоли сонининг ортиб бориши, товар-пул муносабатларининг кучайиши савдо-сотик ишларининг ривожланишига сабаб бўлган. Айниқса, Денов, Шеробод, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Ғузур, Китоб, Бойсун шаҳарларида аҳолининг хунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабларининг ошириб бориши ва хом ашё етказиб бериш имкониятларига қараб, турли ҳудудларда хилма-хил соҳаларга ихтисослаша бошладилар.

Шарқий Бухорода XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида маҳаллий хунармандчилик уюшмаларининг ишлаб чиқарилиши содда усулда бўлишига қарамасдан, Россиядан кириб келган тайёр саноат маҳсулотларига нисбатан қисман бўлсада қарши тура олган. Минтақада мавжуд хунармандчилик уюшмалари ўзининг асрлар давомида шаклланиб келган урф-одат ва маросимларига эга бўлган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Турсунов Н.Н. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси моддий маданиятидаги трансформацион жараёнлар. -Тошкент, "Yangi nashr", 2019. -Б.31.
2. Холиқова Р.Э. XIX – XX аср бошларида Россия Бухоро муносабатлари. Докт.дисс. автореф. -Т., -2006. -Б.21.
3. Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. -Т., -2008. -Б.52-53.
4. N.Oblomurodov, A.Nazratqulov, F.Tolipov, N.Tursunov. O'zbekiston tarixi. -T.: "Fan va texnologiya", 2011. -B.174.
5. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. -СПб., -1843. -С.171-176.
6. РДХТА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1485-иш, 12-13-варақлар.
7. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. -СПб., 1865. -361 с.
8. Аъзамова Г.А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -53 б.
9. Кармышева Б.Х. О торговле в Восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией (по этнографическому данным) // Товарно-денежные отношения на ближнем и среднем Востоке в эпоху средневековья. -М.: «Наука», 1979. -С.-119.
10. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (Историко - этнографические очерки). -Ташкент: АН УзССР, 1960. -147 с.
11. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. -Тошкент: Шарқ, 1998. -208 б.
12. Массон М.Е. К истории черной металлургии Узбекистана. -Т., 1947.
13. Зияев Ҳ. Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси (Тарихнинг долзарб масалалари). -Тошкент, 2000. -230 б.
14. Каримова М. XIX аср ўрталарида Туркистон ва Хитой ўртасидаги савдо алоқалари // Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. -Тошкент, 2006.
15. Михалиева Г.А. Узбекистан в XVIII-первой половине XIX века. (Ремесло, торговля и пошлины). -Ташкент: Фан, 1991. -114 с.
16. Каримова М. XIX аср иккинчи ярмида Россия товарларининг Ўрта Осиё бозорларини эгаллаши // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал - методологик муаммолар. -Тошкент: Академия, 1998.
17. Семенова-Тянь-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание Туркестанский край. - СПб.: Изд-во А.Ф. Деврисна, 1913. -С.570.
18. Rizaev R., Mannonov N.M. The edge of white gold. - Toshkent: Uzbekistan, 1964. -P. 68.
19. Алламуратов Ш. А. XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаётида Амударё флотилиясининг ўрни // Взгляд в прошлое. - 2019. - №. 21.
20. Ўз МА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 557-иш, 3,8,15,18,21-варақлар.
21. Дала ёзувлари, 2020 йил. Сурхондарё вилояти Шеробод, Денов, Бойсун туманлари, Қашқадарё вилояти Қарши, Косон, Шаҳрисабз туманлари.
22. Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI-первой XIX века. Т.1. -Ташкент: Фан, 1966. -268 с.
23. Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары. -СПб., 1913. -619 с.
24. Воронина В.Л. Материалы по народной архитектуре Кашкардинской области Узбекской ССР // Среднеазиатский этнографический сборник. Ч. II. -М., 1959. -С.299-351.
25. Ўз МА И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 1154-иш, 3-варақ.
26. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси. -Тошкент: "Yangi nashr", 2015. -160 б.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Худойкулов Тўлқин Дўстбоевич,**  
Шаҳрисабз давлат педагогика институти  
доценти, тарих фанлари доктори

### ХИВА ХОНЛИГИДА МАНСАБ ВА УНВОНЛАР (МУНИСНИНГ “ФИРДАВС-УЛ ИҚБОЛ” АСАРИ МИСОЛИДА)

**Аннотация:** Ушбу мақолада XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Хива хонлигида чуқур сиёсий инқироз ҳолатининг бошланиши ва унинг сабаблари ҳақида баъзи маълумотлар бериб ўтилади. Шунингдек, 1770 йилга келиб, қўнғирот уруғи вакилларининг ҳукмронлиги бошланиб, уларнинг эътиборли етакчиларидан бири Муҳаммадамин иноқ (1770-1790 йиллар)нинг ҳокимият тепасига келиши бўйича ҳам айрим маълумотлар тақдим этилган. Жумладан, Муҳаммадамин иноқ ички сиёсатни барқарорлаштириш мақсадида Хива хонлигида ўз ҳукмронлигини тиклаш учун ҳаракат қилаётган Орол манғитларига (1787 йил) қақшатқич зарба бериб, уларни тор-мор қилиши, мамлакатни идора этишда маъмурий ислохотлар амалга оширилган экан, XVIII асрнинг охириларида Муҳаммадамин иноқ ва унинг ўғли Аваз иноқлар даврида хонлиқни идора этишда қуйидаги мансаб унвонларнинг вазибалари қайтадан белгилаб берилганлиги, хусусан, дастлаб қўшбеги-маъмурий ишлар, меҳтар-молия ишлари, оталиқ-аскар бошлиқларидан иборат уруғ бошлиқларига суянадиган кенгаш тузганлиги ҳақида бир қанча маълумотлар маҳаллий манбаларга таяниб таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** шайхулислом, мутавалли, ноиб, оталиқ, иноқ, мироб, бий, парвоначи, чигатой-иноқи, вазир, кушбеги, сипоҳий, сарбоз, тунқотар, туғчи, тўра, удайчи.

### ЗВАНИЯ И ТИТУЛЫ В ХИВИНСКОМ ХАНСТВЕ (НА ПРИМЕРЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ МУНИСА «ФИРДАВС-УЛ ИҚБАЛ»)

**Аннотация:** В этой статье мы дадим некоторую информацию о начале глубокого политического кризиса в Хивинском ханстве с середины XVIII века и его причинах. Также к 1770 году началось правление представителей кунградского семени, также была предоставлена некоторая информация о приходе к власти одного из их замечательных лидеров Мухаммеда инака (1770-1790 годы). В частности, Мухаммади инак нанес страшный удар по островным мангитам (1787 год), которые пытались восстановить свое правление в Хивинском ханстве с целью стабилизации внутренней политики, их сужения, проведения административных реформ в управлении страной, начиная с конца XVIII века, во время правления Мухаммади инака и его сына Аваза инаки, последовали следующие события. Был проанализирован ряд данных о том, что военные создали совет по семеноводству, состоящий из аскар баши опираясь на местные источники.

**Ключевые слова:** шайхулислам, мутавалли, наиб, оталик, инок, мираб, бий, парваначи, чигатай-иноки, везир, кушбеги, сипахий, сарбаз, тункатар, туғчи, тура, удайчи.

### RANKS AND TITLES IN THE KHANATE OF KHIVA (BY THE EXAMPLE OF MUNIS' WORKS "FIRDAVS-UL IKBAL")

**Annotation:** In this article, we will give some information about the beginning of a deep political crisis in the Khiva Khanate from the middle of the XVIII century and its causes. In addition, as the reign of representatives of the Kungrad tribe had begun by 1770 year, some information regarding one of their remarkable leaders, Mukhammadamin inak (1770-1790 years) was also provided. In particular, triumphing over the mangites of the Aral Sea (1787 year), who were trying to restore their rule in the Khiva Khanate with the aim of stabilizing the internal policy, Mukhammadamin inak defeated their troops. Carrying out administrative reforms in the administration of the country, since the end of the XVIII century, during the reign of Muhammadi inak and his son Avaz inak organized a senate consisting of the following positions and titles with some changes in their duties. Particularly, kushbegi was responsible for administrative business, mekhtar - for the financial cases, atalyk - the head of soldiers.

**Key words:** sheikh-ul-islam, mutavalli, noib, atalyk, inak, mirab, biy, parvonachi, chigatoy-inak, vezir, kushbegi, sipakhi, sarbaz, tunkotar, tugchi, tura, udaychi.

## Кириш.

Глобаллашув жараёнлари тобора кенгайиб бораётган халқаро майдонда турли халқларнинг қадимги тарихи, хусусан, урбанизация жараёнлари, давлатчилиги ҳамда давлат бошқаруви ва унинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий-маданий мерос ва цивилизация тараққиётининг ҳудудларга хос жиҳатлари янада чуқурроқ ўрганишга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу йўналишда давлат бошқаруви, сўнгги ўрта асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маданият, бошқарув усуллари, урбанизация каби масалаларнинг тадқиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тарихшунослигида маълум минтақалар давлатчилигидаги марказий бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши, маҳаллий-маъмурий бошқарувдаги қуйи ва юқори идоралар, давлат бошқарувидаги ҳарбий унвон ва мансаблар, диний ташкилотлар бошқаруви каби масалалар юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда.

## Тадқиқот методологияси.

Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари географиясининг кенгайиши туфайли Россия, Хитой, Япония, АҚШ ва бир қанча Европа мамлакатларининг етакчи мутахассис олимлари томонидан Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларидаги давлат бошқарувини мавжуд илмий қарашлар, манбалар маълумотлар, асосий ёндошувлар динамикаси, қиёсий таҳлил ҳамда умумлаштириш ҳолатларини ўрганиш асосида мақола ёритилди.

## Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825 й.й.) давригача бўлган сиёсий тарихи тадрижий тартибда баён этилади

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мавзу тарихшунослик ва манбашунослик таҳлилларига асосланади. Шунга кўра мавжуд адабиётларни улар ёзилган даврларга қараб, бир неча гуруҳларга туркумлаштириш имконияти пайдо бўлди. Улардан биринчи гуруҳга Россия империяси ҳукмронлиги даврида ёзилган асарларни, иккинчи гуруҳга собиқ совет даврида яратилган тадқиқотларни, учинчи гуруҳга мустақиллик даврида ёзилган асарларни ва тўртинчи гуруҳга хориж олимлари қаламига мансуб адабиётларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчи гуруҳга оид адабиётлар XVIII аср – XX асрнинг бошларида рўй берган тарихий воқеаларнинг бевосита гувоҳлари томонидан яратилганлиги билан ажралиб туради. Уларни мансублигига қараб икки қисмга, яъни ўзбек хонликларининг тарихнавислик мактаби муаррихлари ва подшо Россияси мустамлакачилиги даври тарихчилари берган маълумотларга ажратиш мумкин. Тадқиқотда ўзбек хонликлари тарихнавислиги вакиллари томонидан маҳаллий тилларда яратилган асарлардан ёзма манба сифатида фойдаланилгани учун ҳам улар ҳақида ишнинг манбавий асослари қисмида батафсил тўхталиб ўтилган.

Совет даврида ҳам мазкур мавзуга оид қатор илмий адабиётлар яратилди, ана шулар

иккинчи гуруҳни ташкил қилади. Бироқ, уларнинг асосий қисмида хонликлар тарихи, ундаги сиёсий-иқтисодий ва маданий жараёнлар шу даврдаги ҳукмрон марксча-ленинча мафкура ғоялари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган. Энг асосийси, Россия империясининг босқинчилик сиёсати бир ёқлама, ноҳолис таҳлил қилинган. Бунга асосий сабаб қилиб қуйидагиларни келтириб ўтиш жоиз:

- 1) бу даврда тарихий ҳақиқатни билишга рағбат кўрсатилмаган;
- 2) ҳукмрон коммунистик мафкура манфатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланган;
- 3) Тарихий шахслар ҳақида фақат субъектив фикрлар айтилган ёки улар ҳақида ҳеч нарса гапирилмаган...

Мазкур ҳолат иккинчи гуруҳга мансуб адабиётлардаги кўпчилик маълумот ва хулосаларни айнан танқидий нуқтаи назардан ўрганиш, баҳо бериш ва таҳлил қилиш лозимлигини англатади.

Учинчи гуруҳни Ўзбекистон мустақиллиги даврида яратилган ўзбек хонликларининг тарихига оид туркум адабиётлар ташкил этиб, хонликларнинг XVIII–XX асрлардаги марказий, маҳаллий, ҳарбий ва диний ҳокимиятини маълум жиҳатларини илмий ҳолислик, тарихийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этилди.

Тўртинчи гуруҳ хорижий тиллардаги адабиётлар туркумини М.Олдворт, Б.Манс, Ю.Брегель, С.Ливай, Л.Нейби ва бошқаларнинг асарлари ташкил қилади. Мазкур олимларнинг тадқиқот ишлари хусусида айрим маълумотлар диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳида эслаб ўтилган.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб ва мавзу тарихшунослиги таҳлиliga асосланиб айтиш мумкинки, XVIII – XX аср бошларида ўзбек хонликларининг марказий, маҳаллий, ҳарбий ва диний ҳокимиятини тадқиқ этиш бугунги кунга қадар алоҳида илмий иш мавзуси бўлмаган ва умумлаштирилган ҳолда махсус диссертациявий тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

## Таҳлил ва натижалар.

“Фирдавс-ул иқбол” асарининг тарих илмидаги аҳамияти шундаки, унда Хоразмнинг қадим давридан бошлаб, Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825 й.й.) давригача бўлган сиёсий тарихи тадрижий тартибда баён этилади. Мунис қадим замонлардан бошлаб Абулғозихон давригача Хоразмда бўлган воқеаларни баён этаркан, Абулғози давридаги Хива ва Бухоро хонликларининг ўзаро муносабатларига ҳам тўхталиб ўтган. Шунингдек, асарда XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи чораги, яъни Қўнғирот сулоласи вакиллари Муҳаммад Амин иноқ (1755-1790), Аваз иноқ (1790-1804), Элгузархон (1804-1806) ва Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) ларнинг Хоразмда ҳукмронлик қилган йилларидаги тарихий воқеалар баён қилинган, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга доир айрим маълумотлар ҳам берилган. Хусусан, асарда Мўғуллар даврида бўлиб ташланган, Темурийлар даврида гоҳ Самарқанд ва Бухоро, гоҳ Хуросонга бўйсунган Хоразм Шибон/Сибон/Шайбонийхон (1505) ва Исмоил Сафавий (1510) босқинига дуч келиб, Шайбонихон вафотидан сўнг тез орада озодлик учун курашни бошланиши ҳақида ишончли маълумотлар тақдим этилади. [5:6]

Асарга кўра бу вақтда Хоразм музофотининг бошқаруви шоҳ Исмоил Сафавий томонидан юборилган уч ноиб: Хива, Вазир ва Урганч ноиблари томонидан амалга оширилган эди. [6:216] Бу ҳақида “Шажарайи турк” асарида ҳам Абулғозий “Шоҳ Исмоил барча Хуросоннинг вилоятларина доруға юборди, Хоразмга уч доруға юборди. Бири Хевақ ва Ҳазорасбга, бири Урганчга ва бири Вазирга. Урганч ва Вазирга юборгани иккиси бир туққан эрди ва асли

араб эрди. Урганчада турганининг оти Субхонқули ва Вазирда турганининг оти Раҳмонқули эрди” деб қайд этиб ўтади [1:120]. Мавжуд маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Хоразмда бошланган озодлик курашига дастлаб дин арбоблари бошчилик қилган ва диний-мафкуравий тарғибот ўз самарасини берган. Маълумки, ўша даврда ҳам Хоразм аҳолиси ислом динининг сунний оқимига мансуб бўлса, Эрон Сафавийлари эса шиа тарафдори эдилар. Диннинг мафкуравий ҳукмронлиги шароитида мазҳабларнинг турлича бўлганлиги Сафавийларнинг Хоразмдаги ҳукмронлик мавқеларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Натижада, Хоразм аҳолисини дин байроғи атрофида бирлаштириш имконияти юзага келган. Шу тариқа, Хоразмда 1511 йилда Мовароуннаҳрдаги Шайбонийлар давлати ва Эрон Сафавийлари таъсиридан мустақил давлат ташкил топди ва кейинчалик, бу давлат Хива хонлиги деб атала бошланди.

Хонликнинг аниқ чегаралари ҳақида маълумотлар сақланмаган. Чунки хонлик пайдо бўлган дастлабки даврлардан бошлаб сиёсий вазият ва ҳарбий ҳаракатларга қараб давлат чегаралари доимий равишда ўзгариб турган. XIX асрга келиб хонлик таркибига туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг қўшилиши натижасида давлат сарҳадлари анча кенгайди. Мунис асарида Элтузархон (1804-1806 йй.) даврида хонликнинг ҳудуди унча катта бўлмасдан, шимолий чегараси Орол-Қўнғирот ҳокимлиги, жанубий чегараси эса Дарғонота билан чегарадош бўлган. XIX аср ўрталарига оид рус манбаларида хонликнинг ғарбий чегараси Каспий денгизигача, жанубда эса Марв водийси орқали Эронга туташиб кетганлиги, шимолда эса Урал дарёсигача чўзилганлиги қайд этилган. Шунингдек, асарда

Элтузарнинг биринчи тўртта ғалабаси баён қилинади. Булар қорақалпоқларга қарши юриш, ёвмутларнинг мағлубияти, Хўжайли мудофаа деворининг бузиб ташланиши ва Қўнғиротнинг босиб олинishi. Булардан аввалги иккитаси Элтузар хон бўлмасдан олдин содир бўлган. Кейинги иккитаси Элтузархон тахтга кўтариладиганидан кейин воқеъ бўлган. Хоннинг Қўнғиротни қамал қилиши ҳижрий 1 рабиъ ал-аввал 1220 (милодий 30 май 1805) йилида бошланиб, [7:216] 17 рабиъ ас-соний (20 июнь 1805) йили хон истехкомни олгани билан тугаган. Шу воқеадан

сўнг Мунис хон ҳузурига чақирилади ва яна бир маротаба Элтузар тарихини ёритиш учун буйруқ олади. [7:216] Элтузархоннинг бухороликлар билан уруш қилиб, фожиали ҳалок бўлишига қадар (3 июль 1806) Мунис бир йилдан сал кўпроқ муддатда Шерғози даври (1125 / 1713)гача бўлган тарихни ёзганди. Кейин танаффус узоқ вақт (муддати мадид) давом этади. Кейин Муҳаммад Раҳимхон (бир базм чоғида) унга ишни давом эттиришни ва унинг ҳукмронлик даврини ҳам ёзишни буюради. [7:216-217]

## Эшмуҳаммад ўғли Муҳаммадамин сиёсий кураш майдонига кириб келди ва марказий ҳокимиятни қўлга олишга уринди

XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Хива хонлигида чуқур сиёсий инқироз даври бошланди. Бунинг асосий сабабларидан бири қабилалар орасидаги қонли курашлар, хон билан катта мулкдорлар, кўчманчилар билан ўтроқ халқ ўртасидаги тўқнашувлар, шунинг

дек, ташқи душманлар билан бўлган курашлардир. Бу ҳол хонлик иқтисодий тараққиётига ҳам катта таъсир ўтказмасдан қолмади. Сиёсий вазият мураккаблашиб давлат тушкунликка қараб бораётган ва тўхтовсиз қонли кураш давом этаётган бир вақтда қўнғирот уруғи сулоласининг етакчиларидан бўлмиш Эшмуҳаммад ўғли Муҳаммадамин сиёсий кураш майдонига кириб келди ва марказий ҳокимиятни қўлга олишга уринди.

Ниҳоят, 1770 йилга келиб, қўнғирот уруғи вакилларининг ҳукмронлиги бошланиб, уларнинг эътиборли етакчиларидан бири Муҳаммадамин иноқ (1770-1790 йиллар) ҳокимиятни қўлга олди. Манбаларда бу сохта хонларнинг келиб чиқиши ҳақида аниқ бир маълумотлар учрамасада, улар асосан ўзларини Чингизхон авлоди деб ҳисобловчи қозоқ султонлари орасидан Хоразмнинг мўътабар зотлари томонидан сайлана бошлади.

Муҳаммадамин иноқ ҳокимиятни қўлга олиб, ўз ҳукмронлигини тиклашда амирлар, катта ер эгалари, савдогарлар ва уламоларга суянганлигини Мунис қуйидагича изоҳлайди. “Муҳаммадамин иноқ... вақтни ғанимат билиб, аксари умаро (амирлар) била ёвмут муҳолифатида муттафиқ бўлиб, қалъадорлик умурига иштиғол кўрғизди”. [1: 47 б]

Муҳаммадамин иноқ ички сиёсатни барқарорлаштириш мақсадида Хива хонлигида ўз ҳукмронлигини тиклаш учун ҳаракат қилаётган Орол манғитларига (1787 йил) қақшатғич зарба бериб, уларни тор-мор қилди.

Мамлакатни идора этишда маъмурий ислохотлар амалга оширилган экан, XVIII асрнинг охиридан Муҳаммадамин иноқ ва унинг ўғли Аваз иноқлар даврида хонликни идора этишда қуйидаги мансаб унвонларнинг вазифалари

## Хива хонлигида маъмурий ислохот ўтказган яна бир ҳукмдор Абулғози Баҳодирхон бўлади

қайтадан белгилаб берилди. Жумладан, дастлаб қўшбеги - маъмурий ишлар, меҳтар - молия ишлари, оталиқ - аскар бошлиқларидан иборат уруғ бошлиқларига суянадиган кенгаш тузди.

Хивада иноқлар ўзларини мустақил сезиб, тахтни наслдан-наслга ўтказиш имкониятига эга бўлганларидан кейин хонлик тахтида ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган, иноқлар қўлида ўйинчоқ бўлган Чингиз авлодини хон қилиб кўтаришди (мисол учун, сохта Абулғози V ни Аваз иноқнинг ўғли Элтузар тахтдан тушириб, 1218 йил 13 шаъбон ойида ўзини қўнғирот уруғи сулоласининг хони деб эълон қилди).

Қўнғирот Элтузар хонлик тахтига ўтирганидан сўнг Хива хонлигининг ишларига аралашиб келаётган Бухоро амирлигига қарши исёнга бошчилик қила бошлади. Ниҳоят 1806 йили икки хонлик ўртасида бўлган жанг Хива аскарларининг мағлубияти ва Элтузарнинг ҳалокати (манбаларда айтилишича у сувга чўкиб ўлган) билан тугайди. Шундан сўнг Хива тахтига мазкур сулоланинг кўзга кўринган энг йирик вакиларидан бири - Элтузарнинг укаси Муҳаммадраҳим I (1806-1825) ўтиради.

Сўнги йилларда Хива хонлиги тарихи бўйича қатор асарлар илмий тадқиқот юзини кўра бошлади. Ушбу асарларда хонликнинг давлат бошқаруви ва унинг шаклланиши, унвон ва мансаб, унинг вазифалари каби қатор масалалар ўрганилган. Сарой тарихчиларидан Мунис, Огаҳий [2] ва Баёний [3] ларнинг асарлари илмий таҳлил қилинган. Тадқиқотчи олимлардан айниқса Л.Ф.Костенко, Л.Соболев, М.И.Иванин, Н.Н.Муравьев, Г.И.Данилевский, Х.Вамбери, В.В.Бартольд, А.А.Семёнов,

П.П.Иванов, М.Йўлдошев, А.Болтаев ва Ш.Воҳидов [4:214-223]ларнинг асар ва рисоаларида Хивада давлат бошқаруви масалаларига оид муҳим маълумотлар берилган. Улар орасида айниқса, А.Болтаев ва Ш.Воҳидовларнинг асарларидаги маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Хива хонлигида маъмурий ислоҳот ўтказган яна бир ҳукмдор Абулғози Баходирхон бўлади. У хонлик ҳокимият тепасига келган биринчи кундан бошлаб асосий эътиборни давлатни мустақамлаш масаласига қаратди. Биринчи ўринда туркман задогонларини давлат бошқаруви ишларидан четлаштиради. Уларнинг қўлларидаги молу-мулкларини, ер-сувларини тортиб олиб, ўзларини хонлик ичкарисидан қувғин қилган. Шундан сўнг туркманлар Хуросонга, Жанубий Туркманистонга, Абулхон ва Мангишлоққа

кўчиб кетишга мажбур бўладилар [5:91]. Хонликнинг барча юқори лавозимлари ўзбек ҳукмдорлари қўлига топширилди. Хива тарихчиси Муниснинг кўрсатишича, Абулғозихон маъмурий ислоҳат ўтказиб, хонликнинг марказий бошқарув тизимини батамом янгидан ташкил этди. У ўзбек зодагонларидан 360 кишини хонликнинг турли лавозимларига тайинлади. Шулардан энг обрўли 32 кишига саройда ўз ёнидан ўрин берди. Улар хоннинг яқин маслаҳатчилари бўлган. Шунингдек, саройда 32 та марказий бошқарув лавозимларини ташкил этилиб, улар қўидагича тақсим этилади: 2 та шайхулислом, 1 та мута-

валли, 1 та ноиб, 4 та оталик, 4 та иноқ, 4 та мироб, 4 та бий, 1 та парвоначи, 2 та ака, 2 та арбоб, 4 та чигатой-иноқи, 1 та вазир (у меҳтар деб юритилган) ва яна 1 та қушбеги лавозимларидир. Шу билан Абулғозихон ўзбекларни ва ерли аҳолининг нуфузли вакиллари давлат бошқарув ишларига жалб этиб, улар орасида маълум барқарорликни вужудга келтирди. Давлат ҳокимиятини мустақамланиши Абулғозихонга ички ва ташқи сиёсатни кенг қўламда амалга ошириш имкониятини беради. Манбаларда таъкидланишича хонлик саройида фаолият кўрсатувчи мансаб ва унвонлар қўидагича тавсифланган:

**Шайх ул-ислом.** Хива хонлигида шайх ул-ислом мансабига пайғамбар Муҳаммад авлодлари саналмиш саййидлардан тайинланган. Аслида шайх ул-ислом мусулмон жамоаси бошлиғи ҳисобланар эди. Бироқ улар давлат, дунёвий ишларига аралашиб ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, маслаҳат овозига эга бўлишган [6]. Хива хонлари ҳам ўз ҳукмронликларини қонунийлаштириш учун мусулмон элитасига мансуб саййид ва шайхлар хонадонидан уйланиш ва уларга ўз қизларини бериш қоидасидан фойдаланишган. Хивада Абулғозий даврида икки нафар шайх ул-ислом (пойтахт ва вилоятлар учун) тайинланган.

**Мутавалли.** Хивада ҳам вақф мулклари катта ўрин эгаллаган. Хонликда барча вақф мулклари шу мутавалли томонидан назорат қилинган. Абулғозий бу амалга бир нафарни саййидлардан тайинлаган эди.

**Ноиб.** Хоннинг ўринбосари (бир нафар). Вилоят ҳукмдорлари. Хонзода ва хон авлодидан бўлмиш муътабар зотлардан, катта ер эгалари, хоннинг қариндош-уруғлари ёки маҳрамларидан тайинланарди. Ноиб 5 тилладан тортиб, 14 тиллагача маош оларди. Шаҳарларда

## Бий аслида кўчманчи қабиаларнинг бошлиғи ҳисобланар эди

ҳокимларнинг ёрдамчилари юзбошилар эди. Улар 15 тилладан тортиб, 25 тиллагача маош олганлар.

**Оталиқ.** Хонзода ва тахт валиаҳдининг мураббийси. Хивада энг кучли ва қудратли бўлган қабила бошлиқларига берилган. Уларнинг сони 4 нафар эди.

**Иноқлик** мансабига ҳам 4 нафар тайинланган.

**Мироблик** вазифаси ҳам тўрт нафарга берилиб, у жуда юқори мартабали мансаб саналган.

**Бий.** Аслида бий кўчманчи қабиаларнинг бошлиғи ҳисобланар эди. Бийларнинг қабила ва уруғ аъзоларидан таркиб топган ўз қўшинлари бўлган. Саройда тўрт нафар бий бўлиб, улар ҳам энг кучли қабила вакиллари бўлган.

**Парвоначи.** Бу амалдор мансаби “капалак”, деб таржима қилинади. Мазкур амал Бухорода жорий қилинган бўлиб, унинг эгаси капалакдек ҳукмдор ҳузурига кириб-чиқиб, арз қилгувчиларнинг арзини хонга етказиб жавобини олиб чиқар эди. Хонга яқин маҳрамлардан бир киши тайинланган.

**Ака,** яъни оға, оқа. Хоннинг ака-укалари, авлодидаги энг қудратли ва ёши улуг кишига берилган. Саройда уларнинг сони икки нафар эди.

**Арбоб,** яъни хўжайин; улуг шахс. Саройда икки нафар бу мансабга кўтарилган.

**Чигатой-иноқларининг** сони 4 нафар бўлиб, булар барча ўзбек уруғларининг вакиллари сифатида саройда фаолият кўрсатилган. Аслида Абулғозий қабила

ва уруғ раҳбарларига бу мансабларни бериб уларни саройда, ўзи ҳузурда “амонат” тарзида ушлаб турган. Кўп ҳолларда ба амалдорлар ўз оила аъзолари билан саройда яшаган.

Вазир (у меҳтар деб юритилган). Абулғозий айни шу вазифага энг лойиқ ва арзанда кишини тайинлаган. Кўп ҳолларда Хива азодагонларининг энг кучли ва обрўли намояндаси вазирлик мансабига кўтарилган. Баъзи ҳолатларда хоннинг укаси, амакиси бу амалга эга бўлишган. Тахт вориси ҳам Хивада вазир бўлгани маълум.

Юқорида Абулғозий Баходирхонни Хивада (тегемон) қабиалардан бўлмиш ўзбеклардан 360 нафарига турли вазифа ва унвонлар, амаллар бергани айтилди. Хивада ҳам давлат бошқаруви қўи ва юқори, ҳамда горизонтал шаклда мавжуд бўлган. Давлат бошқарувидаги дунёвий, диний, ҳарбий, қозихона иши, молиявий бошқарув якка ҳукмронлик тамойилига таянган жамият идораси учун хизмат қилган.

Қушбегихон саройида ов асбоблари, ов қушлари (қушбеги номи шундан), итлари, ов асбоб ва анжомлари, хон овга чиққанда барча зарур нарсаларни тайёрлайдиган амалдор. Хонга яқин маҳрамлардан тайинланган.

Қўшбегикўш, қўшуннинг бошлиғи. Аслида хон аҳли узангисидан бўлиб, хон қўнган, сафар ва юришларда хон хавсизлигини таъминлайдиган қўш бошлиғи, қўмондони.

Энг олий ҳарбий амалдор хоннинг ўзи эди. Хон бошчилигида бошқа ҳудудларга юришлар олиб борилган, баъзи ҳарбий-сиёсий ишлар амалга оширилган. Ҳарбий-маъмурий унвонларига: амирулумаро, бек, бекларбеги, бий, божбон, ботирбоши, бухри, вазир, вакил, дарвозабон, даҳбоши (ўнбоши), девонбеги, доручи, дорға, жаллод (насақчи), жаллодбоши, жигачи, имоми

**Хонликда барча вақф мулклари шу мутавалли томонидан назорат қилинган**

жилов, иноқ, кутвол, маҳрам, маҳрам-боши, маҳрам даҳбоши, мерган, меҳтар, милтиқсоз, миршаб, муфти аскар, навкар, нақиб, ноиб, от чопар, оталиқ, панжсадбоши (беш юзбоши), сипоҳий, сарбоз, сардор, саркарда, сартиб, сарҳанг, соқчи, тунотар, тунқотар, туғчи, туғчибоши, тўпчи, тўра, удайчи (ҳидоячи), шамхолчи, шиғовул, шотир, эликбоши, эшиқоғаси, юзбоши, ясовул, ясовулбоши, ўнбоши, қиличкор, қози аскар, қози урду, қоровул, қоровулбеги, қўшбеги, ҳоким каби мансаб ва вазифалар кирган [7:39-46].

Мунис ва Огаҳий ўз асарларида юқорида таъкидлаб ўтилган мансаблар ҳақида батафсилроқ маълумотлар бериб ўтади. Хусусан, ... “Бу уч шахс (меҳтар, қўшбеги, маҳрам) хон ҳузурида алоҳида ишончга эгадирлар ва улар хонликда муҳим ўринларни ишғол этадилар. Уларнинг ёнида биттадан мирзалари ва бир неча девонбегилари бўлади. Девонбегиларнинг мансаби паст даражада бўлиб, улардан югурдаклик ўрнида фойдаланилади ва ажнабий элчиларга миршаб қилиб қўйилади” [8:63], дейилган.

Қўшбеги, девонбеги, меҳтар ва ясовулбоши мансабларининг эгалари ҳарбий хўжалик ишларининг бошлиғи ёки айрим қисмларнинг қўмондони сифатида барча ҳарбий сафарларда қатнашганлар. Қўшбеги ва меҳтар хоннинг алоҳида фармойиши билан, солиқнинг тушумига қараб маош олганлар.

Меҳтар (форсчада катта, улуғ дегани) бўлиб меҳтар хонга яқин кишилардан ва хон уруғига мансуб аъёнлардан тайинланарди. Меҳтар бош хазиначи ва бош вазир. Хазина унинг ихтиёрида бўлиб, киримчиқимни ҳисоб-китоб қилиб боради. Саройда хизматкорларнинг бошлиғи. Тадқиқотчи олимлардан Л.Ф. Костенко ўз асарида “Меҳтар мансаби хонликдаги асосий амаллардан бири бўлиб, у ер солиғи (солгут) тўплайди” [9:24] – деб

## Нақиб хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлиб, сафарларда унга ҳамроҳ бўлади

таъкидласа, Иванин “Меҳтар маош тўлаш ишларига мутасадди, қўшин хизмати устидан назорат қилади ва қўшин ҳисобини олади” [10:154], - деб ёзади.

Қўшбеги (туркча) - қўш, ҳарбий лагерь, қароргоҳнинг бошлиғи. Қўшбеги Хива хонлигида иккинчи вазир бўлган. Хонликнинг шимолий қисмига мутасадди эди. Бу унвонни кўп олимлар қушбеги (овчилар бошлиғи) билан алмаштириб қўядилар. Аслида Ўрта Осиёдаги давлатларда қушбеги эмас, балки қўшбеги, яъни қўшиннинг бошлиғи бўлган. У сарой қўшинида катта лавозим ва мақомга эга эди. Манбашунос олим Ш.Воҳидовнинг фикрича айрим тадқиқотчилар Хива хонлари архиви ҳужжатларида учраган қўшбеги сўзини қушбеги деб ўқиб, «қушчи, қарчиғайчи; «овчи» деб талқин қилишлари шубҳали. Қўшбеги аслида Хива хонлигида саройнинг олий мансабларидан бўлиб, молия ва солиқ ишларини бажарган. Қўшбегининг ҳам ўз девони ва амалдорлари бўлган [11:87-113]. Меҳтарнинг унвони каби уники ҳам хонадон бошлиғидан мерос қолган [12:65].

Нақиб - нақибхўжа (арабча) - Сайидлар ва хўжалар учун юқори фахрий унвон эди. Нақиблик лавозими авлоддан-авлодга ҳам ўтган. Нақиб хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлиб, сафарларда унга ҳамроҳ бўлади. Нақиб мадрасани тугатган киши бўлиши шарт эди. Расмий қабул маросимларида нақиб хўжа хоннинг сўл томонида биринчи ўринда ўтирган. Бухорода ҳам нақиб расмий қабул маросимларида амирнинг сўл томонида биринчи ўринда ўтирган [13:301].

Нақибларнинг ўз навкарлари бўлиб, ҳамма ҳарбий сафарларда қатнашарди. Нақибларнинг вазифаси ҳақида А.А. Семёновнинг асарларида шундай маълумотлар учрайди. ... «Уруш сафари вақтида қўшин тузиш, уни қуроллантириш ва жойлаштириш маҳоратига эга бўлган, олд ва орқадаги, ўнг ва сўл қанотдаги, марказ ва пистирмадаги аскар ҳолидан хабардор бўлган нақиб ўз вазифасига лойиқ бўлмаган кишини маълум вазифани бажаришга қўймайди”. Хивада уруш сафарлари вақтида нақиб шу вазифаларни бажарган. Хон «сайлов»и вақтида нақиб иштирок этарди. [14:328 а в] Хон нақибларга таянар эди.

Бирор давлат устига юриш қилинишидан олдин хон қўшбеги ва меҳтарни чақириб, қўшинни юришга тайёрлаш ҳақида буйруқ берган ҳамда мамлакатнинг ҳамма ерига жарчи қўйган.

Қалъа беклари, ҳокимлари хоннинг буйруғини олиб, ўнбошиларга ва юзбошиларга навкарларнинг юришга тайёргарлик кўриши, гўшт қуриштиш ҳамда талқон ғамлаш ҳақида топшириқ берганлар.

Яна бир унвон бек (туркча). Бек сўзи аслзода, ҳукмдор, жаноб маъноларида ҳам ишлатилган. Ўрта Осиё хонликларидаги шаҳар ёки вилоят бошлиғи. Бек хон ва давлат арбобларининг қариндошлари, болаларига бериладиган фахрий унвондир. Агар хоннинг ўғли ёшлигида тўра деб аталса, хоннинг ака-укаларининг ўғли ёки бошқа аъёнларининг болалари бек деб аталарди. Масалан, Қутлимуроднинг ўғли Абдуллахон тахтга ўтиргунигача бек деб аталган. Беклар хоннинг ҳар хил топшириқларини бажарар ва уруш сафарларига чиқар эдилар. Беклар 10 тиллодан 100 тиллогача маош олган.

Бекларбеги (туркча)-унвон. Вилоят, катта шаҳар ҳокимлари ана шу унвонга эга бўлишган. Қорақалпоқ ва бошқа кўчманчи халқларнинг оқсоқолларига бериладиган фахрий ҳамда ҳарбий унвондир. Бекларбеги лавозимига, одатда, хоннинг қариндош-уруғлари тайинланар эди. [15: 90 а вар].

Шиғовул (туркча-мўғулча)- меҳтарнинг ёрдамчиси. Маълумки, меҳтар

молия, солиқ ва ҳашар ишларига мутасаддилик қилишдан ташқари, бош вазир сифатида давлатнинг ташқи муносабатларига ҳам раҳбарлик қилган.

Шиғовулларнинг фаолияти «бухрилар» нинг фаолияти билан яқиндан боғлиқ бўлган. Бухрилар айғоқчи эди.

Вилоятдаги барча маъмурий ва сиёсий ишлар ҳокимлар ва ноиблар қўлида бўлган. Улар катта ер эгалари, хоннинг қариндош-уруғлари ва маҳрамларидан тайинланарди.

Ҳоким (арабча)-ўзбек хонликларида вилоят бошлиғи. Ҳоким хоннинг вилоятдаги ноибни ҳисобланган. [16:2].

Сардор (форсча)-Ўрта Осиё хонликларида хон қўшини қўмондони, халқ лашкарбошиси. [17:173-175].

Тадқиқотчи олим З.У.Чориевнинг асарларида миршаб (арабча, форсча)- (унинг вазифаси турлича талқин этилади) тунги соқчи, тунги соқчиларнинг бошлиғи дейилган ёки бошқа манбаларда Ўрта Осиё хонликлари шаҳарларида жамоат тартибини сақловчи лавозим бўлиб, одатда шаҳарнинг кечки хўжайини (мири-шаб) деб ҳам юритилган. [18:120]. Жумладан: сарбоз (форсча)- Ўрта Осиё хонликларидаги мунтазам қўшин аскарлари. Хива хонлигида сарбозлар уруш вақтида тўпланган ва уларнинг сони 30-100 минг оралиғида бўлган.

Кўчманчи (туркман, қорақалпоқ ва қисман ҳали ўтроқ бўлиб қолмаган ўзбек)лардан чиққан навкарлар қўшиннинг кўпчилик қисмини ташкил этсада, лекин улар ишончли куч эмас эдилар. Хоннинг марказлаштириш ва ягона ҳокимиятга интилиш йўлидаги уринишини улар қўллаб-қувватламаган. Аммо навкарларнинг бу қисми ўзининг урушқоқлиги, чидамлилиги билан бошқалардан фарқ қилар ва оғир сафар давомидаги турмуш тарзига жуда яхши кўниккан эди. Шу сабабдан

хонлар улардан қўлига ўзга мамлакат ва халқларни талаш учун қилинадиган уруш сафарларида фойдаланган.

Хива хонлиги қўшинларида, навкарларнинг махсус ҳарбийча кийимлари, давлат мукофот нишонлари ва медаллари бўлмаган. Хизмат кўрсатган ҳарбийлар ва амалдорлар пул, ер-сув, мол ёки қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланар эдилар. Тури-туман чопонлар кийгизиш жуда кенг тус олган эди. Айрим ҳолларда эса пичоқ, қилич ва қурол инъом қилинарди.

Хива хонлигида олий ҳарбий ҳокимият хон қўлида бўлиб, хон қўшинга ё бевосита ўзи ёки амирал-умаро орқали фармон берарди. Ҳар бир мулкдор ёки амалдор, ҳатто ҳарбий лавозим эгаси бўлмаса ҳам, саркарда этиб тайинланиши мумкин эди. Аниқки, чунки Хива шароитида ҳақиқатда ҳар бир мулкдор «ҳарбий киши» бўлган.

Амир ал-умаро (арабча) - Нақибдан кейин амир ал-умаро туради. Баёнийнинг Хоразм тарихи асарида амир ал-умаро Хива хонлигидаги ҳарбий қўшинларнинг бош қўмондони лавозими бўлиб, бу унвон 1272 (1855-1856) йили таъсис этилган эди. Саид Муҳаммад хон бу унвонни биринчи марта ўзининг акаси Саид Маҳмуд тўрага берган.

Амир ул-умаро - энг фахрий унвон. Амирларнинг амири, олий амир, деган маънони англатган. Олтин Ўрда, Чигатой улусида бутун ҳарбий ишлар унинг тасарруфида бўлган. Бундан ташқари, амир ал-умарога ҳукуматнинг барча бош ижроия идоралари ҳам бўйсунган. Амир Темур ва темурийлар даврида амир ал-умаро фақат олий бош қўмондонлик, айрим ҳолларда ҳукмдорнинг ҳудайчиси бўлган.

Муҳаммадамин иноқ ҳукмдорлик қилган замонда акаси Фозил бий амир ал-умаро эди. Ўшандан кейин амир ал-умаро унвони ҳеч кимга берилмаган.

Ясовулбоши (мўғулча, туркча)– ясовуллар бошлиғи. Амир ал-умародан кейинги расмий юқори саркарда ясовулбошилиқ мансаби эди. Ясовулбошининг вазифаси хоннинг фармонига мувофиқ қўшинни вақтида урушга бошлаб боришдир. Тинчлик вақтида ясовулбошилар навбат билан хонларнинг турли маросимларида ҳозир бўлишга мажбур эди [19: 376 а вар]. Хонликда улар икки киши бўлиб, бири ёмуд туркманларига, иккинчиси эса човдирларга қўмондонлик қиларди. “Хонликда ясовулбошида унинг унвонини кўрсатадиган кумуш қалпоқлик асо (ҳасса) бўларди, ҳозир эса камарига пичоқ тақади”.

Ясовул (мўғулча, туркча) – ясовул-бошининг ёрдамчилари. Ясовул ўрта асрларда Мўғулистон, Ўрта Осиёда подшоҳ ёки хон саройи узангисидаги кичик мансабдор. Олий ҳукмдорнинг амру фармойишларини бажарувчи шахсий хизматкори.

Мингбоши (туркча) – ҳарбий ва маъмурий унвон. Ясовулбошилардан кейин мингбошилар келади. Хива хонлигида мингбошилиқ энг кичик амал ҳисобланган. Қўқон хонлигида

## Навкарлар асосан ҳукмдорларнинг мол-мулкани қўриқлашга ва ҳарбий юришларда иштирок этган

эса хондан кейинги мансаб [20:48-70]. Асосан ҳарбий ишлар билан шуғулланган. Сарой ҳаражатлари ёзилган маълумотдан кўринишича, мингбошилар яхшигина инъомлар олганлар.

Сарҳанг (форсча) - қалъа атрофида мудофаа истеҳкомларини қуриш ва

ҳозирлиги учун жавобгар шахслар, яъни истеҳком назоратчиси. XIX асрда Хива хонлигида қўлланадиган ҳарбий тарихий атама. Ўша даврда хонликдаги қалъалар атрофига душман отлиқлари йўлини тўсиш мақсадида ёғоч қозиқлар қоқилган. Мазкур вазифани бажарувчиларга раҳбарлик қилган шахс сарҳанг деб аталган. Юзбошилар рўйхатида сарҳанглари учратамиз.

Кутвол (ҳиндча)–ўрта асрларда Ўрта Осиёда қалъа бошлиқлари шундай деб аталган. Юзбошилар рўйхати орасида кутвол мансаби ҳам учрайди. Кутвол қалъанинг шикаст-рехтлари учун жавобгар бўлган шахсдир.

Саркарда (форсча)-қўмондон, лашкар-боши. Уруш вақтидаги ҳарбий бошлиқ, бу мансаб қўшин уруш сафарига чиққан даврда тузилади. Манбалардан маълум бўлишича, саркардалар, қоида бўйича, ўз уруғларидан тайинланмасди. Хонлар буни эҳтиёткорлик деб ҳисоблаган бўлсалар керак. Мингбоши ва юзбошилар сингари саркардалар ҳам бевосита хоннинг ёрлиғи билан тайинланар эди.

Саркарда ҳарбий маҳкама кишилари бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Масалан, мироблар саркарда бўлиши мумкин эди.

Гарчи, Хива хонлигида қўшин бош бўлими бўлмасада, лекин вазифаси жиҳатидан штаб бошлиғига ўхшаш мансаб бор эди, бу вазифани нақиб бажарар эди.

Навкар (форсча)–хон, подшоҳ, султон ва йирик феодалларнинг доимий ҳарбий хизматчиси. Навкарлар асосан ҳукмдорларнинг мол-мулкани қўриқлашга ва ҳарбий юришларда иштирок этган.

Навкарларнинг кўпида жангда минадиган от бўлган. Уларга қуролни давлат берган, бунинг учун махсус солиқ солинган. Солиқ миқдори олтин ҳисобида 60 тийин бўлган.

Юришда навкарлар биргалашиб, “қўшин” ташкил этган, буларда

## Хон ва хон хонадонининг аъзолари ўзларини кўп сонли отрядларига эга бўлганлар

битта-иккитадан туя бўлган, туяга қўшиннинг барча қурол-аслаҳаси: гилам, кўрпа, кийим-бош, идиш-товоқ, қозон, сув солинган идиш, озиқ-овқат, порох ва шу кабилар ортилган. Тайёргарликни тамом қилган навкарлар бек бошчилигида қалъа ёнига жанговар саф тортиб чиққанлар. Ўзбек навкарларидан ташқари, туркман, жамшид, қорақалпоқ ва Орол ўзбеклари қабиласининг навкарлари ҳам қалъада шу тартибда саф тортиб турганлар.

Хон ва хон хонадонининг аъзолари ўзларини кўп сонли отрядларига эга бўлганлар. Баёний Хива хони Муҳаммадаминнинг сафарга чиқишини тасвирлар экан, хон олдидан унеча ҳукмронлик қилган барча қўнғиротларнинг, сўнгра ёвмут, жамшид, қорақалпоқ, ороликлар ва шу каби (жами 25 та) қабилаларнинг байроқларини кўтариб ўтганларини ёзади.

Бундан ташқари, кам қуролланган шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан кўпгина киши юришга сафар қилинган, улар «қорачирик» (кўнгилли қўшин) деб аталган.

Катта юришлар вақтида туркман ва қорақалпоқларнинг бирлашган қўшинларига шу қабилаларнинг бошлиғи эмас, эҳтиёткорлик учун хон томонидан тайинланган ўзбеклар бошчилик қилган.

Навкарлар ва тинч аҳоли сафарбар қилинган бундай ҳар йилги юришлар Хоразмнинг тинч яшаётган аҳолисига бўлган ҳарбий хавфни қайтариш, нафақат мамлакатни бирлаштириш ва ички низоларни бартараф этиш, балки тинч ахалтакаликларга ҳужум қилиш, Шимолий Эрон вилоятларини талон-торож қилиш учун ҳам уюштирилар эди.

## Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда, хонликдаги барча давлат бошқарув идоралари ва расмий давлат ҳаёти Хива шаҳридаги хон саройида мужассамлашган эди. Давлат мансаблари маъмурий, диний ва ҳарбий лавозимларга бўлинар эди. Бу вазифаларни бажарувчиларга давлат томонидан тегишли маош ва мукофотлар берилган.

XIX асрда ҳам Хивада молия-солиқ, ҳарбий ва бошқа маҳкамалар жуда мунтазам амал қилардилар. Меҳтар, қўшбеги ва девонбегилар бошлиқ бўлган марказий молия-солиқ маҳкамасининг тузилиши жуда мунтазам эди. Бу тузилиш шу маҳкаманинг ўз вазифаларини яхши бажаришни таъминларди. Ушбу маҳкама турли-туман солиқ тўловчи табақаларнинг ҳисобини олиш, солиқ солиш ва солиқларни йиғиб олишда жуда самарали ишларди. Маҳкама идораси ҳашар ишларига ҳам бошчилик қиларди. XIX асрда Хива хонлигида ҳарбий тузилиш тизими ҳам бирмунча янгиланди. Қўшиннинг асосий қисмини навқарлар ташкил қилди. Мунтазам қўшиннинг бўлинмалари кучайтирилди.

## Маҳкама идораси ҳашар ишларига ҳам бошчилик қиларди

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол, 47 б варақ.
2. Огаҳий. Жомий ул-воқеоти султоний //Қўлэзма, ЎзФАШИ. - №9756; Риёз уд-давла // Қўлэзма, ЎзФАШИ. - №821/II.
3. Баёний. Шажараи хоразмшоҳий //Қўлэзма, ЎзФАШИ. - №9596; Хоразм тарихи //Қўлэзма, ЎзФАШИ. - №7421.
4. Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. - Тошкент: ФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлэзмалар институти, 1996; Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи, 1995. - №3, 4. -214-223 б; Ш. Воҳидов ва С. Сабурова. Хива хонлигида унвон ва мансаблар //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. - №3. 39-46 б; Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. -Тошкент: Янги аср авлоди. 2006. - 48-70.
5. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. - Б.91.
6. Мусулмон давлатларидан шайхулислом (дин) ва давлат ўртасидаги анъанавий муносабатлар Усмонли Туркия мисолида ўрганилган. Қаранг: Sencer M. Osmanlılarda din ve devlet. - Istanbul, 1974; Pixley M. The devolperment and role of the seyhülislam in early Ottoman history // Journal of the American oriental Society. - Baltimore, 1976, t. 96. - № 1. - P. 92; Мейер М.С. О соотношении светской и духовной власти в османской политической системе в XVI-XVIII вв. / Ислам в истории народов Востока. - Москва: Наука, 1981. - С.51-62. Яна қаранг: Бартольд В.В. Теократическая идея и светская власть в мусульманском государстве / Сочинения, т. VI. - Москва: Наука, 1966. - С.309.; Шу муаллиф. Халиф и султан. Там же. - С.18-24.
7. Воҳидов Ш ва С. Сабурова. Хива хонлигида унвон ва мансаблар //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. - №3. 39-46 б;
8. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. - Б. 63.
9. Костенко Л.Ф. Город Хива в 1873 г. -СПб., 1874. - С. 24.
10. Иванин М.И. Сведения Хивинском ханстве //Манфактура и торговля. 1873. - №4. - С. 154.
11. Хива хонлигида ов ва саёсат ишларини калон халифа, овчи халифа бошқарар эди. Бухоро ва Қўқонда кушбеги, кушчилар бўлган. Қар: Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар //Шарқ юлдузи. 1995. - №3, 4. - Б.87,103.
12. Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. //ВС. Т. XXVI, 1861. Ч. II. - С. 65.
13. Бартольд В.В. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVII веке // ЗРГО. -СПб., 1909. - С. 301.
14. Баёний. Хоразм тарихи, 328а варақ.
15. Болтаев А. Хоразм тарихига оид ҳужжатлар. - №9320, 90а вар.
16. Кун. Л.А. Культурный оазис Хивинского ханства //ТВ. 1874. - С. 2.
17. Ҳасан Мурод Муҳаммад Амин ўғли. Хоразм тарихига доир материаллар. - Б.173-175.
18. Сабурова С. XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлигининг давлат тизими. Тарих фан. ном. дисс. - Тошкент., 2002. - Б. 120 ва кейингилари.
19. Баёний. Хоразм тарихи, 376 а варақ.
20. Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. -Тошкент: Янги аср авлоди. 2006. - 48-70.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Ёрматов Фахриддин Жойлович,**  
Термиз иқтисодиёт ва сервис университети  
доценти, тарих фанлари номзоди  
E-mail: faxriddinyormatov73@gmail.com

## ЎЗБЕКИСТОНДА НУРОНИЙЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистонда мустақилликнинг илк даврларидан ҳозирги кунгача нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳамда амалга оширилган ишлар ҳақида кенг қамровли маълумотлар келтирилган. Шунингдек, нуронийларнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни, маҳаллаларда маънавий муҳитни янада яхшилашнинг энг самарали тизими сифатида йўлга қўйилган "Ҳар бир нуроний - беш нафар ёшга мураббий" тамойили асосида олиб бораётган ишлари баён қилинган. Мақолани ёзишда архив материаллари ва кўплаб китоблар ҳамда матбуот нашрларида эълон қилинган маълумотлар ўрганилиб, таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Нуронийлар, қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя, қонун, қарор, фармон, кам таъминланган, жамғарма, ногирон.

## ИЗ ИСТОРИИ ВСЕСТОРОННЕЙ ПОДДЕРЖКИ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ СТАРШЕГО ПОКОЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА "НУРОНИЙ"

**Аннотация:** В данной статье приводятся весомые сведения о мерах и реализованных работах, разработанных по всесторонней поддержке представителей старшего поколения Узбекистана с первых дней независимости до настоящего времени. Также излагаются работы, проводимые на основе принципа "Каждый нуроний - представителю старшего поколения - является наставником для пяти молодёжи", который налажен и считается самой эффективной системой дальнейшего улучшения духовной атмосферы в махаллях и значимой роли в воспитании подрастающего поколения. При написании статьи изучены и анализированы ахивные материалы, книги, а также материалы газетных изданий,

**Ключевые слова:** Нуроний-представители старшего поколения, поддержка, социальная защита, закон, постановление, указ, малобеспеченны, фонд, инвалид.

## FROM THE HISTORY OF THE COMPREHENSIVE SUPPORT SYSTEM FOR THE OLDER GENERATION IN UZBEKISTAN

**Annotation:** This article provides comprehensive information about the measures developed for the comprehensive support of the older generation in Uzbekistan from the early days of Independence to the present day, and about the work carried out. Also, the role of the older generation in the education of the young generation, their work based on the principle of "Each older generation is a mentor to five young people", which was established as the most effective system for further improving the spiritual environment in the neighborhoods, was described. In writing the article, archival materials and information published in many books and press publications were studied and analyzed.

**Key words:** the older generation, support, social protection, the president, law, decision, decree, underprivileged, fund, disabled.

## Кириш.

Халқимизда кексаларга хурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш миллатимизга хос бўлган олий кадриятлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, жумладан, ёши улур, қарияларни, айниқса нафақахўрларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминловчи мустақкам меъерий-ҳуқуқий асос ва механизмлар ишлаб чиқилиб, кўплаб қонун ва қарорларда бир қатор имтиёзлар белгилаб қўйилди. Нуронийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожат-номасида бу масалага алоҳида тўхта-либ, “2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунги кунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди. Нуроний отахон ва онахонларимиз оила даврасида, ҳаж ва умра зиёратларида шукроналик дуоларини қилаётгани бизга куч ва ғайрат бағишламоқда” [1] дея алоҳида таъкидладилар.

Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз кетар экан, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган даврда ишлаб чиқилган бир қатор чора-тадбирлар ва амалга оширилган ишларни ҳолисона ва ҳаққоний ўрганиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими тарихини ўрганишга тааллуқли бўлган маълумотлар биринчи ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ва биринчи Президентимиз И.А.Кари-мовларнинг асарлари, маъру-залари ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламлари, Қашқадарё вилояти давлат архиви, Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг жорий архиви ва “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимнинг 2000 йилги ҳисоботларида кўплаб маълумотлар акс этган. Шунингдек, тадқиқотчилар Ш.Содиқова, Б.Бахтиёров, М.Абдуллаева, Д.Бабажанова, Л.Холикова, Л.Тангриев, А.Холбеков, Г.Алимова, А.Норбеков, М.Усмонова, Д.Аҳмедов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам маълум даражада бу масалалар ёритилган.

## Ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналик ҳисси одамзот қалбидан бир умр ўчмайди

### Тадқиқот методологияси.

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими тарихи тадқиқ этилган.

## Таҳлил ва натижалар.

Мустақилликнинг илк даврдан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг мҳим устувор йўналишига айланди. Жумладан нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам бундан мустосно эмас.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг нақадар муҳимлиги тўғрисидаги қуйидаги фикрларини келтирмоқчиман: “Ҳаётда ўзидан бирон-бир из, яхши ном қолдириш туйғуси одамни куч-қувватга тўлган, навқиронлик пайтида ҳам, кексайган чоғида ҳам тарк этмайди. Ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналик ҳисси одамзот қалбидан бир умр ўчмайди.

Лекин, табиат қонуни шундайки, йиллар ўтиши билан одам бағоят, камолот даврларидан ўтиб, кексалик палласига қадам қўяди. Шундай пайтда у, аввало, ўз оиласи, фарзандларининг, керак бўлса, маҳаллакўй, жамиятнинг эътибори ва кўмагига кўпроқ муҳтожлик сезади.

Шунинг учун биз бугунги камолатимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим” [2,б.262].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” [3,б.13] дейилади. Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда ушбу масалага бу тахлитда муносабатда бўлиши қариялар масаласи мамлакат ижтимоий-иқтисодий

**1996 йилнинг 9 ойида  
фахрийлар корхоналари  
томонидан 11,6 млн.  
сўмлик иш бажарилди**

сиёсатида алоҳида ўринга эгалитдан далолатдир. Ўтган давр мобайнида уруш ва меҳнат фахрийларига, ёлғиз кексалар ва ногиронларга моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида ҳам катта кўламдаги ишлар амалга оширилди. 1995 йили фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги арафасида иккинчи жаҳон урушида шаҳид бўлган ва бедарак йўқолган 450 мингга яқин Ўзбекистонлик жангчилар хотирасини абадийлаштириш мақсадида 34 жилдлик “Хотира” китоби нашр этилди. Президентнинг 1994 йил 6 майдаги Фармонида мувофиқ 109 минг уруш қатнашчиси Ўзбекистон Республикасининг илк нишони -“Жасорат” ва “Шухрат” медаллари билан мукофотланди [4,б.17].

1996 йил 4 декабрда “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси тўғрисида”ги Президент Фармони эълон қилинди. Ушбу жамғарма фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган нодавлат жамоат бирлашмаси сифатида тузилди. Фармонда жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлат ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, тадбиркорлар, бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг кекса авлод олдидаги фарзандлик бурчи, дея алоҳида таъкидланди. Қашқадарё вилоятида “Нуроний” жамғармаси бўлими фахрийлар корхоналарини ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор бера бошлади. Хусусан, 1996 йилда вилоятда 42 та шундай корхоналар ташкил этилди. Уларда 280 нафар киши, жумладан, 185 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари меҳнат қилдилар. 1996 йилнинг 9 ойида фахрийлар корхоналари томонидан 11,6 млн. сўмлик иш бажарилди. Шу жумладан, 1,3 млн. сўмлик

маҳсулот ишлаб чиқарилди. 8,9 млн. сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди, аҳолига 1,4 млн. сўмлик турли хизматлар кўрсатилди [5].

Сурхондарё вилоятида ҳам нуронийларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. 1998 йилда вилоятда жами 159493 нафар нафақа олувчилар бўлган бўлса, уларнинг 35362 нафари ногиронлар эди. Иккинчи жаҳон уруши ногиронларининг сони 2061 нафарни ташкил этди.

“Нуроний” жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими ногиронларни моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш учун турли воситалардан фойдаландилар. 1998 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан ажратилган 38 та ногиронлар аравачалари, 35 та эшитиш аппаратлари ҳамда 764 та таянч воситалари эгаларига етказилди. Шу йилнинг ўзида 92 нафар ногирон фахрийлар “Семашко”, “Сурхон” каби сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тикладилар.

“Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимининг ташаббуси билан ижтимоий ёрдамга муҳтож ногирон-фахрийларни имтиёзли таъминлаш ишлари амалга оширилди. Унга биноан 6 минг нафар ногирон-фахрий рўйхати тузилди, электр қуввати, газ, коммунал тўлов бўйича уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, вилоятда 566 нафар ногирон-фахрийлар ёқилги маҳсулотларини имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Яна шу нарсага эътибор бериш лозимки, бутун республикада бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам уруш қатнашчилари, уруш ногиронлари, уруш орти фахрийлари сони муттасил равишда камайиб борди. Жумладан, 2000 йил 1 январь ҳисобига кўра бу ерда уруш қатнашчилари сони 1116 нафарни

## 933 нафар ногиронлар сиҳатгоҳларга йўлланмалар олдилар

ташкил этган бўлса, шу йилнинг октябрида улар сони 272 нафарга камайди. Уруш ногиронларининг сони эса 292 нафарга камайди. Шу қисқа муддат ичида уруш орти фахрийларининг сони 1047 нафарга камайди.

Ушбу мисоллар шундан дарак берар эдики, фахрийлар, ёлғиз фахрийлар, уруш қатнашчилари сони йилдан-йилга мунтазам равишда камайиб борди. Ушбу фактнинг ўзи ҳам уларга бўладиган ғамхўрлик, давлат томонидан бериладиган моддий ва маънавий ғамхўрликни янада оширишни талаб қиларди. Айни пайтда, бундай ёрдамлар ўз ижобий таъсирини кўрсата бошлади. Вилоятда ўзгалар ёрдамига муҳтожлар сони камайиб борди. Хусусан, юқорида муддатлари келтирилган давр мобайнида вилоят бўйича ўзгалар ёрдамига муҳтож оилалар сони 146 тага камайди [6,б.3].

Вилоятда мавжуд уруш қатнашчилари, фронт орти фахрийларини ижтимоий ҳимоялашда уларни реабилитация техник воситалари билан таъминлаш алоҳида ўринга эга эди. Шунинг учун ҳам Сурхондарё вилоятида бу масалага катта эътибор берилди. Вилоят бўйича 1999 йилда 69 та ногиронлар аравачаси тарқатилган бўлса, бу рақам 2001 йилга келиб 189 тага етди. Шунингдек, 1999-2001 йилларда 182 та эшитиш мосламаси, шу давр мобайнида 1318 та қўлтиқ таёқ, 1615 та ҳасса топширилди. 2001 йилги маълумотларга биноан 933 нафар ногиронлар сиҳатгоҳларга йўлланмалар олдилар [7,б.1].

Юртимизда 2002 йил “Қарияларни қадрлаш йили” деб эълон қилиниши нуронийларни

ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда ногиронлиги бор нуроний отахон ва онахонларимизни қўллаб-қувватлаш ишлари яна ҳам жадаллашди.

Ҳақиқатдан ҳам, юқорида қайд этилгани каби, Ўзбекистон жамиятида нуронийларга булган муносабат ўта самимий, аниқ, манфаатли равишда олиб борилиши билан ажралиб туради. “Ҳозирги вақтда, -деган эди биринчи Президентимиз И.Каримов,- бундай фахрийларимизнинг сони 3 миллион 87 минг нафар кишини ташкил этади. Уларга ҳар ойда 28 миллиард сўм миқдоorida пенсия тўланмоқда.

Давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам билан бирга, кексаларимизга кўпгина жамоат ташкилотларининг ҳам моддий ва маънавий кўмак бераётгани, бундай ҳаракат кенгайиб бораётгани, айниқса ибратлидир. Хусусан, кейинги пайтда биргина “Нуроний” жамғармаси томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига 125 миллион сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатилгани ҳам бунга мисол бўла олади” [8,б.163].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида”ги Фармонида биноан рўйхатга олинган фуқароларга 55,4 млн. сўмлик 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳомийлар ҳисобидан 30,8 млн. сўмлик моддий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Шу билан бирга муҳтож ногиронларга 153 та ногиронлар аравачаси, 282 та ҳасса, 164 та қўлтиқ-таёқ, 83 та кўзойнак, 151 та эшитиш мосламалари тарқатилди. 259 нафар ёлғиз пенсионер турли сиҳатгоҳларга бориб соғлиқларини тикладилар [9,б.8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ-459-сон Қарори билан тасдиқланган “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги дастури ҳам аввал қабул қилинган дастурларнинг манتيқий давоми бўлиб, унинг мақсади

ёлғиз кекса пенсионерлар ва ногиронларнинг, кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги республикада амалга оширилиб келинаётган мақсадли ишларни янада чуқурлаштириш, уларнинг кўлами ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилди.

Дастур 3 та йўналишдан иборат бўлиб, унда 30 та чора-тадбирнинг ижроси кўзда тутилган. Шундан “Ижтимоий хизмат тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги биринчи йўналишда 10 та чора-тадбир, “Ёлғизларни даволаш ва соғломлаштириш, геронтологик ва гериатрик ёрдамни кучайтириш тўғрисида”ги 2 – йўналишда 16 та чора-тадбир ва ёлғизларнинг “Уй-жой маиший шароитларини яхшилаш борасида”ги 3 – йўналишда 4 та чора-тадбир белгиланди.

Дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ижроси учун жами 30144,3 миллион сўм ажратилган бўлиб, улардан 14282,8 миллион сўм (режанинг 47,4 фоизи) бюджет маблағидан, 15862,2 миллион сўми (52,6 фоизи) эса идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағларидир [10.б.5].

2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилингани ва мазкур йўналишда Давлат дастури қабул қилингани мамлакатимизда кекса авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш борасидаги ишларни янада юксак босқичга олиб чиқди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Давлат дастурига мувофиқ мазкур йилда 21 минг 98 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари соғломлаштириладиган 37 та санаторий рўйхати тасдиқланиб, уларнинг 15 тасини касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлар ташкил этди. Касаба уюшмалари тизимидаги барча санаторийларда 1941-1945 йиллардаги уруш ва

меҳнат фронти фахрийларини давлат бюджети ҳисобидан сифатли ва самарали соғломлаштириш учун барча зарур шарт-шароитлар, қўшимча қулайликлар яратилди. Хусусан, касаба уюшмалари тизимидаги 15 та сана-торийда қарийб 11 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, имкон қадар пастки қаватларда ва муолажа ўтказиладиган бўлимларга яқин жойларда “Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлимлари” ташкил этилди. Мазкур бўлимлар энг замонавий юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. 2014 йилдан бошлаб Меҳнат вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда мамлакатда ёлғиз кексаларга ва ногиронларга профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Ушбу лойиҳа кўмагида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги 237-сонли “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” [11]ги қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги 31-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

**“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” – деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат**

тўғрисида” [12]ги қарорига кўра II ва III гуруҳ ногиронлари, болаликдан ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда Чернобил АЕСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар Тиббиёт муас-сасаларида ов-қатланиш тўловидан озод қилинди.

Жумладан, 2016 йилнинг биринчи чорагига қадар 228 564 нафар нуроний бепул чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, 8678 нафар нуронийнинг санаторийларда соғлиқларини тиклаш ташкил этилди. Шунингдек, 179 240 нафар нуронийнинг юртимиздаги диққатга сазовор турли масканларига саёҳат қилишларига шароит яратилди.

Давлатимизнинг ижтимоий ҳимоялаш дастурлари асосида кекса авлод вакилларининг 1620 нафарига ногиронлар аравачаси, 1532 нафарига эшитиш мосламаси, 1600 нафарига ҳасса (қўлтиқ таёқ), 400 нафарига кўзойнак, 3005 нафарига эса бошқа реабилитация воситалари берилди.

2019 йил 1 апрелдан бошлаб шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецептларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилди ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланди. Бу Президентнинг 15 мартдаги қарорида [13] кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПҚ-2705-сон қарори [14] қабул қилинди.

2017 йилнинг юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинишида ҳам катта маъно-

## Хар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги” этиб белгиланди

мазмун бор. Бу ҳақда Президентимиз Ш. М. Мирзиёев ало-ҳида гапириб, “Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Энг асосий устувор вазифа “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур” [15] деган эди.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” [16]нинг тўртинчи йўналишида ҳам пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексаларнинг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш каби масалаларнинг ўрин олган.

Бундан ташқари ушбу тизимдаги ишларни такомиллаштириш ҳамда нуронийларни янада ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида” 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сон қарори [17] асосида ўша йилнинг ўзида 959 нафар нуроний “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш

чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5700-сон Фармони билан “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ташкил этилди. 2019 йил 27 сентябрдаги 816-сон, “Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” қарори [18] асосида “1 октябрь- Халқаро кексалар куни”ни мамлакатимизда муносиб нишонлаш мақсадида ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги” этиб белгиланди. 2020 йил 9 июнда қабул қилинган “Фахрий мураббий” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида 2858 нафар “Фахрий мураббий” орденига номзод нуронийлар рўйхати шакллантирилди. 2020 йилнинг биринчи ярмидаёқ 228 минг 564 нафар нуроний бепул чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, 8678 нафар нуронийнинг санаторийларда соғлиқларини тиклагани ҳам тизимда амалга оширилган ишларнинг яққол ифодасидир.

Шунингдек, 179 240 нафар нуронийнинг юртимиздаги диққатга сазовор турли масканларига саёҳат қилишларига шароит яратилди. Давлатимизнинг ижтимоий ҳимоялаш дастурлари асосида кекса авлод вакилларининг 1620 нафарига ногиронлар арава-часи, 1532 нафарига эшитиш мосла-маси, 1600 нафарига ҳасса (қўлтиқ таёқ), 400 нафарига кўзойнак, 3005 нафарига эса бошқа реабилитация воситалари берилди. Шу билан бирга эҳтиёжманд оилаларда яшаётган кексаларнинг хонадонларида ҳашар ўтказилиб, уларга доимий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармон воситалари етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари 23818 нафар якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларга жами моддий ёрдам ҳамда “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшовчиларга мурувват ёрдамларини мунтазам кўрсатиш тизими йўлга қўйилди. “Дори-дармон” АК ҳисобидан 125 млн. сўмлик дори-дармонлар уруш қатнашчилари, ёлғиз пенсионер ва ногиронларга бепул етказиб берилди.

126 та туман (шаҳар)да кекса авлод вакиллари учун “Нуронийлар масканлари” ташкил этилди. “Нуроний” жам-фармасининг барча ходимларига пенсияларни 100 фоиз миқдорида тўлаш тизими йўлга қўйилди. “Кексалик гашти” журнали таъсис этилди. Ушбу журнал ва “Нуроний” газетаси мунтазам чоп этилиши йўлга қўйилди.

2020 йил давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш зарурлиги, бу тоифа учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдорини қайта кўриб чиқиш кераклигини алоҳида таъкидлаган бўлса, жорий йил “Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз. Нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир” [19], деган қатъий чорловлари билан уларга бўлган юксак эҳтиромини намоён этди. Шунингдек, республика “Нуроний” жамғармасининг молиявий имкониятлари янада кенгайтирилиши, бунинг учун ушбу жамғармага бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилиши, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 16 мингдан зиёд кексаларга ёрдам бериш, тўловлар миқдо-

рини ошириш, кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш вазифалари ҳам белгилаб берилди.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб ўндан биринигина ташкил этаётган кекса авлод вакиллари-нинг ҳар бири нафақат моддий, балки маънан, руҳан ҳам қўллаб-қувватланишга муносибдир. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2020-йил сўнгида юртимизда пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 3 миллион 824 мингга ташкил этган бўлса, уларнинг 2 849 118 нафари ёшга доир пенсия олувчилар, 402 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 15 нафари эса меҳнат fronti фахрийларидир.

2020 йил мазкур ойлик илк бор мамлакатимиз бўйлаб юксак савияда ташкил этилиб, унга жами 56 минг 228 нафардан ортиқ кексалар қамраб олинди. Уларнинг 10 151 нафари кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож нуронийлар экани эса тадбирнинг аҳамиятини янада оширди [20].

Кекса саёҳатчиларнинг мароқли дам олишлари учун республикамиздаги меҳмонхона ва меҳмон уйлари, умумий овқатланиш жойларидаги

## КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ПЕНСИОНЕР ОТА-ОНАЛАРИ ИМТИЁЗЛИ, 300 НАФАРИ БЕПУЛ СОҒЛОМЛАШТИРИЛДИ

хизматлар учун эса чегирмалар жорий этилди. Шунингдек, ойлик мобайнида “Ўзбекистан Аирвайс” АЖ томонидан ички авиа йўналишларда, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан республика ичидаги амалдаги тарифларга ҳамда “Ўзавтотранс Сервис” МЧЖ

томонидан маҳаллий йўналишларда қатновчи автобус чипта нархларига ҳам 15 фоиздан 25 фоизгача ихтиёрий чегирмалар берилди.

Ўзбекистон Муслмонлар идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Навоий вилоятларидаги 14 та зиёратгоҳга кексаларнинг бепул киритилиши йўлга қўйилганида ҳам уларни руҳан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Шунингдек, Маданият вазирлиги томонидан ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги 49та маданий мерос объектларига киришда чегирмалар жорий қилинди. 1200 нафар фахрийларнинг концерт ва театрларга ташрифи ташкил этилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган йили Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва “Нуроний” жамғармаси томонидан жами 22845 нафар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари соғломлаштирилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 3508 нафар пенсионерлар, шунингдек, касаба уюшмаси аъзоларининг пенсионер ота-оналари имтиёзли, 300 нафари бепул соғломлаштирилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг “Нуроний” жамғармаси Республика Бошқарувига тақдим этган маълумотга кўра, 12 минг 876 нафар кекса нуронийлар турли санаториялар ва сиҳатгоҳларда соғлиқларини тиклаган, 66 минг нафари бепул чуқур тиббий кўрикдан ўтказилган.

Президентимизнинг 2016-йил 28-декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга

**Тақдирланган  
фахрийларга жами 211  
миллион 404 минг сўм  
миқдоридаги мукофот  
пуллари жамғарма  
ҳисобидан топширилди**

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида эса “Нуроний” жамғармаси Республика Бошқарувининг мурожаатига мувофиқ, “Дори-дармон” акциядорлик компанияси томонидан жамғармага тақдим қилинган 1860 дона дори-дармон аптекалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилиб турган ногиронлар ва ёлғиз кексалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларига етказиб берилди.

Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан 240 нафар ёлғиз кекса ва ногиронларга 57,8 миллион сўмлик коммунал хизматлар учун тўловлари қисман қоплаб берилди. Республика-миздаги “Саховат” ва “Мурувват” уйларида истиқомат қилаётган қарияларга, ногирон ҳамда ёлғиз кексаларга касаба уюшмалари ҳисобидан 75,6 миллион сўмлик хайрия ишлари амалга оширилди.

2020-йили Ватанимиз давлат мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳалардаги узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари учун ҳамда ишламасдан, жами-

ятда мустақкам оилани сақлаб қолган оналардан иборат жами 393 нафар фахрийлар, жумладан, уларнинг 144 нафари I-даражали, 124 нафари II-даражали, 125 нафари III-даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Тақдирланган фахрийларга жами 211 миллион 404 минг сўм миқдоридagi мукофот пуллари жамғарма ҳисобидан топширилди. 2021 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ватанимиз мус-тақиллиги биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси” номи маърузасида, “Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислохотлар юртимизда янги даврни янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди” [21] дея алоҳида таъкидладилар.

Янги Ўзбекистон стратегиясида барча соҳа ва тармоқлар, минтақа ва ҳудудлар, хусусан, ҳар бир маҳалла бўйича олдимишга янада юксак вазифалар қўйилмоқда. Бу улуғвор мақсад ва ғояларни амалга ошириш, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш, Ватанимиз тараққиёти, ҳалқимиз фаровонлиги ва бахт саодати йўлида изчил олиб борилаётган, ҳеч қачон ортга қайтмайдиган ҳаётбахш ислохотлар самарадорлигини таъминлаш йўлида мамлакатимизда исти-қомат қилаётган 3 миллионга яқин нуронийлар ҳам ташаббусни қўлга олиб, бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда фаол саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Маҳаллаларда маънавий муҳитни янада яхшилашнинг энг самарали тизими сифатида йўлга қўйилган “Ҳар бир нуроний – беш нафар ёшга мураббий” тамойили асосида 30 минг 428 нуроний 147 минг 186 нафар тарбияси

оғир, маънавий кўмакка муҳтож ва уюшмаган ёшга бириктирилди [22]. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон [23] Фармонида асосан, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва адолатлилик тамо-йиллари асосида кекса авлод вакилларининг ҳаёт сифати ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш, уларга соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим, маданият ва транспорт тизимларидан кенг фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, замонавий иқтисодиётда кекса авлод вакилларининг ҳуқуқий ва молиявий саводхонлигини ошириб боришга шароитлар яратиш нуроний ва кексаларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Юқоридаги Фармон ижросини таъминлаш ҳамда ислохотлар изчиллигини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги “Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-147-сон қарорига [24] мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди.

Мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш мақсадида 2022 йил 15 мартда Президентнинг “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-167-сон қарори [25] қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” [26]ги ПФ-60-сон фармонида ҳам бу масалалар изчил давом эттирилиши қаътий белгилаб қўйилган.

Инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демақдир.

Муҳтарам уруш ва меҳнат фахрийларини, азиз аёлларимиз ҳамда ёшларимизни қўллаб-қув-

ватлаш, кўмак-ка муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор берамиз” [27] дея алоҳида таъкидлаган эдилар.

“Инсон қадрини улуғлаш ва шифокор меҳнатини қадрлаш” тамойили асосида” [28] ҳар йили минг нафар бемор шифокорлар, айниқса соҳада бир умр меҳнат қилган фахрийларга юқори технологик опера-циялар давлат ҳисобидан бепул ўтказилади.

## Хулоса.

Шундай қилиб, юқоридаги маълумотлар, таҳлиллар юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, жумладан, ёши улуғ, қарияларни, айниқса нафақахўрларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминловчи мустақкам меъёрий-ҳуқуқий асос ва механизмлар ишлаб чиқилди.

2. Ўзбекистон фахрийларни ижти-мой қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси тўғрисида”ги Президент Фармони эълон қилиниб, Бу жамғарма фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган нодавлат жамоат бирлашмаси сифатида самарали фаолият юритди.

3. Ўзбекистонда “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилиниб, бир қатор имтиёзлар белгилаб қўйилди.

4. Мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида ёши улуғ нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилиб катта ҳажмдаги маблағлар ажратилди. Бундан кейин ҳам бу каби эзгу ишлар янада юксалиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Янги Ўзбекистон газетаси. 2022 йил 21 декабрь.
2. Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.- Тошкент: Ўзбекистон, 2002. - Б.162.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Тошкент: Ўзбекистон, 2008.-Б.13.
4. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-Тошкент. 2004. №1.-Б.17.
5. ҚВДА 142-фонд, 1-рўйхат, 470-иш, 28-варақ.
6. Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг жорий архиви. “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимининг 2000 йилги ҳисоботлари. - Б.3.
7. Ўша жойда.- Б.1.
8. Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.- Тошкент: Ўзбекистон, 2002.-Б.163.
9. Саҳоват.-Тошкент, 2004. №2. -Б.8.
10. Саҳоват.-Тошкент, 2006.№5-6. Б.5.
11. <https://lex.uz/docs/2718856>
12. <https://lex.uz/uz/docs/-3083192>
13. <https://uza.uz/uz/posts/>
14. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. 2017 йил 9 январ, 1-сон, 10-модда.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2017 йил 15 январь.
16. ПФ-4947-сонли Фармон.
17. <https://lex.uz/docs/3270589>
18. <https://lex.uz/docs/-4532381>
19. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
20. Ижтимоий ҳаёт. 2021йил.14 Апрель
21. Сурхон тонги. 2021 йил 13 октябрь.
22. Янги Ўзбекистон газетаси. 2021 йил 3 Декабрь.
23. <https://lex.uz/ru/docs/-5884143>
24. <https://lex.uz/uz/docs/-5884094>
25. <https://www.lex.uz/uz/docs/-5910513>
26. <https://lex.uz/docs/5841063>
27. Янги Ўзбекистон газетаси. 2022 йил. 1 январь
28. Янги Ўзбекистон газетаси. 2022 йил. 19 март.



### СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ МИСОЛИДА)

**Аннотация:** Мақола Амударё сув йўли ва воҳадаги кечувлар орқали Бухоро амирлигининг Шарқ давлатлари билан олиб борган савдо алоқаларига бағишланган. Хусусан, Термизга Амударё флотилиясининг кириб келиши, флотилия ҳамда маҳаллий кема-қайиқларнинг Амударё соҳилларида тижорат юқларини ташишдаги роли, Амударё бўйлаб кечув ва божхона пунктларида Россия империяси назоратининг ўрнатилиши баён этилган. Муаллиф томонидан воҳадаги Паттакесар ва Чўчкагузар кечувлари орқали олиб кетилган, олиб келинган турли товарлар миқдорлари тарихий ҳамда архив материаллар асосида ўрганилиб, таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Амударё сув йўли, кечувлар, Амударё флотилияси, Паттакесар ва Чўчкагузар божхона пунктлари, савдо-сотик, юк ташиш.

### ВНЕШНИЕ ТОРГОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА (НА ПРИМЕРЕ АМУДАРЬИНСКОГО ВОДНОГО ПУТИ)

**Аннотация:** Статья посвящена торговым отношениям Бухарского эмирата со странами Востока через водный путь Амударьи и переправы в оазисе. В частности, вступление Амударьинской флотилии в Термез, роль флотилии и местных судов в перевозке коммерческих грузов на берегах Амударьи, установление контроля Российской империи на переправах и таможенных пунктах вдоль Амударьи. Автор изучил и проанализировал количество различных товаров, перемещаемых через переправ Паттакесар и Чучкагузар в оазисе на основе исторических и архивных материалов.

**Ключевые слова:** водный путь Амударьи, переправы, Амударьинская флотилия, таможенные пункты Паттакесар и Чучкагузар, торговля, перевозка.

### FOREIGN TRADE RELATIONS OF THE SURKHAN OASIS (ON THE EXAMPLE OF THE AMUDARYA WATERWAY)

**Annotation:** The article is devoted to the trade relations of the Bukhara Emirate with the countries of the East through the waterway of the Amu Darya and the crossing in the oasis. In particular, the entry of the Amu Darya flotilla into Termez, the role of the flotilla and local ships in the transport of commercial goods on the banks of the Amu Darya, the establishment of control of the Russian Empire at crossings and customs points along the Amu Darya. The author studied and analyzed the amount of various goods transported through the Pattakesar and Chuchkaguzar crossings in the oasis based on historical and archival materials.

**Keywords:** waterway of the Amu Darya, crossings, Amu Darya flotilla, customs points Pattakesar and Chuchkaguzar, trade, transportation.

## Кириш.

Сурхон воҳаси тарихига назар солар эканмиз, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида савдо йўллари муҳим ўрин тутганлигига гувоҳ бўламиз. “Буюк ипак йўлининг”нинг Ўрта Осиёдан, жумладан, Сурхон воҳасидан ўтганлиги бунга далилдир. Хусусан, бу ҳудуд фарб ва шарқни боғловчи асосий халқлардан бири бўлганлиги сабабли унинг стратегик ўрнига юқори баҳо берилган. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Сурхондарё вилояти – ўзининг иқтисодий салоҳияти, муҳим географик ўрни, табиий имкониятлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга” [1, Б.279].

Сурхон воҳаси қадимий карвон йўллари, Амударё сув йўли, рус флотилиясининг Термизга кириб келиши натижасида Шарқ давлатлари билан савдо-сотик ишларининг аҳволини ўрганиш тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Амударё бўйлаб Бухоро–Афғонистон чегарасидаги кечув ва божхона пунктларида Россия империяси назоратининг ўрнатилиши, воҳа орқали Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон билан олиб бориладиган транзит савдо йўллари Россия ҳукмрон доираларининг буюк империячилик сиёсати манфаатларига хизмат қилиши масалаларини тадқиқ этиш ҳам муҳим саналади.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон воҳаси йўллари, Амударё сув йўли ва кечувлари орқали олиб борган савдо муносабатлари ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Миллий архивининг қуйидаги бир қатор жамғарма (фонд)

**Инглиз маҳсулотлари рус маҳсулотларига нисбатан анча арзон сотилганлиги боис, савдогарлар рус молларидан кўра, инглиз маҳсулотларини воҳага кўпроқ олиб келишган**

ларидаги ҳужжатларда ёритилган: И-1-жамғарма – Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси; И-2-жамғарма – Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги дипломатик амалдор; И-3-жамғарма – Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги; И-126-жамғарма – Бухоро амирлиги қушбеги архиви.

Мақолани ёзишда архив ҳужжатларидан ташқари, айнан тадқиқ қилинган даврда яшаган Н.Маев, С.Мазов, И.Л.Яворский, В.Верешагин, М.В. Грулев, Р.Ю.Рожевица, Сов. Петров, Покотило, Полк. Галкин, Полк. Матвеев, Полк. Федоровъ, Кап. Васильев, Кап. Гинтылло, Кап. Быков, Поруч. Караульщикова, А.Ф.Губаревич-Радобильский, Д.Н.Логофет, В.И.Масальский, Н.А.Бенцелевич, А.Г.Ананьев ва И.А.Ремез каби россиялик олим, сайёҳ, ҳарбийлар ва ўлкашуносларнинг асарлари, статистик тўпламлар, даврий матбуот материаллари, шунингдек совет ва мустақиллик даври олимларининг тадқиқотлари муҳим манба вазифасини ўтаб, улардаги кўпгина маълумотлар биринчи марта илмий тадқиқот доирасига киритилди.

Сурхон воҳаси савдо йўллари, ички ва ташқи савдо алоқалари тўғрисидаги маълумотларни Э.Қобуловнинг “Сурхон воҳаси хўжалиги” номли монографияси ва илмий мақолаларида учратамиз. Шунингдек, воҳанин савдо алоқалари ва савдо йўллари тизими тарихига оид илмий тадқиқотлар олиб борган Р.Холиқова, Ф.Очилдиев каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам ёритилган.

## Тадқиқот методологияси.

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, XIX аснинг охири–XX аснинг бошларида Сурхон воҳасининг сув йўллари орқали савдо алоқалари тарихи тадқиқ этилган.

## Таҳлил ва натижалар.

Қадимдан ички савдо йўллари ўзининг тузилиши ва хусусиятига кўра иккига: қуруқликдаги қарвон йўллари ва сув йўлларига бўлинган. XIX–XX асрларда Сурхон воҳаси бекликларини Бухоро амирлиги маркази билан боғловчи қуруқликдаги савдо йўллари асосий қисми текисликдан, унчалик катта бўлмаган қисми қумлик орқали ўтган.

Шарқ давлатлари билан савдо-сотик олиб боришга катта эътибор берган рус ҳукмрон доиралари воҳа ҳудудини, ундан ўтувчи қуруқлик ва сув йўллари ўрганишга алоҳида эътибор бериб, элчилик, жосуслик экспедицияларини жўнатган ҳолда жиддий ўргандилар. Россия империясининг Сурхон воҳаси ҳудудларини ўрганишдан кўзлаган мақсади: биринчидан, Шарқ давлатлари билан олиб бориладиган савдо алоқаларида, хусусан Ҳинд океанига чиқиш йўлидаги стратегик ҳудуд эканлиги, иккинчидан қимматбаҳо ингичка толали пахта етиштириш имконининг мавжудлигидир.

Юқоридаги омилар сабаб савдо йўллари кенгайтириш ва жадаллаштиришга эътибор кучайди. Аввало, сув йўллари билан имкон борича кўпроқ фойдаланишга интилишди. Бирин-

## 1903 йилда шаҳар орқали 23 млн. рублик турли хил маҳсулотлар четга чиқарилган

чидан, сув йўлларида талончилик қуруқлик йўллари билан нисбатдан камроқ эди. Иккинчидан, сув йўли билан товарларни ташиш нисбатан арзонга тушарди. Юқоридаги сабаблар туфайли Россия империяси Ўрта Осиёни эгаллаб олганидан кейинги дастлабки йилларда сув йўлларида жиддий эътибор қаратди [2, Б.331].

Воҳада кузатув-тадқиқот ишларини олиб борган россиялик ҳарбийлар Сурхон воҳасининг Афғонистон ва Ҳиндистон билан олиб борган савдо алоқалари ҳақида чор қукуматига маълум қилиб туришган. Унда Сурхон воҳасида рус маҳсулотлари кам учраши, лекин Афғонистон ва Ҳиндистондан Қобул орқали маҳаллий маҳсулотлар билан бирга, инглиз товарлари ҳам кўплаб олиб ўтилиши маълум қилинган. Инглиз молларини сиқиб чиқариш учун сув ва қуруқликдаги йўллари яхшилаш, тўқув ва ишлаб чиқариш ускуналарини амирлик ҳудудларида тезлик билан ўрнатиш лозимлиги хабарларда айтиб ўтилган [3, С.12]. Инглиз маҳсулотлари рус маҳсулотларига нисбатан анча арзон сотилганлиги боис, савдогарлар рус молларидан кўра, инглиз маҳсулотларини воҳага кўпроқ олиб келишган.

Сурхон воҳасида рус савдосини эркин ривожлантириш, бекликлар ихтиёридаги бозорларни ўз таъсирига олиш ҳамда инглиз саноати маҳсулотларини Шарқий Бухорога киритмаслик мақсадида рус ҳукумати Шарқий Бухоро ва Афғонистон бозорларига киритилаётган ҳар бир пуд рус саноат маҳсулоти учун рус савдогарларга 4 рубль 50 тийиндан 6 рубль 50 тийингача махсус мукофотлар белгилади [4, С.138; 5, С.293].

Бухоро амирлигининг Афғонистон ва Ҳиндистон билан савдо алоқаларида Термиз ҳамда Шеробод шаҳарлари муҳим ўрин тутган. Бу шаҳарларда четдан олиб келинган маҳсулотлар йиғилиб, кейин амирликнинг бошқа ҳудудларига тарқатилган. Шимолий Афғонистон, хусусан, Чорвилоят Бухоро амирлиги билан савдода муҳим ўрин тутган. Бу ерда афғон маҳсулотлари билан бирга инглиз ва Ҳинд молларини ҳам харид қилиш мумкин эди [6]. Маълумотларга асосан, йилига 6 мингдан ортиқ туяларда Афғонистондан ҳар хил маҳсулотлар олиб ўтилган [7]. Биргина 1886 йилда Ҳиндистондан 8 мингдан ортиқ туяларда ҳар хил турдаги моллар Бухоро ҳудудларига олиб келинган. Ҳисоб-китобларга кўра, бу маҳсулотларнинг умумий нархи 5 млн. 475 минг рублни ташкил этган бўлса, Бухородан Ҳиндистонга 427 минг рублик маҳсулот экспорт қилинган [8].

Ҳиндистон ва Афғонистондан олиб келинган маҳсулотлар Шеробод, Паттакесар ва Калиф, рус маҳсулотлари эса Бухоро орқали Бойсун ёки Самарқанддан Тамшув ва Мура доволари орқали Сурхон воҳасига олиб ўтилган. 1891-1892 йилларда Ҳиндистон ва Афғонистон билан олиб борилган савдо алоқаларига назар ташласак, Ҳиндистондан Чўчкагузар кечуви орқали Шерободга 11000 пуд кўк чой, 4000 пуд нил бўёғи, 1000 пуд дока ва бошқа маҳсулотлар олиб ўтилганлигига гувоҳ бўламиз [9, Б.16].

Бу даврда Термиз шаҳри орқали чет давлатларга чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ҳам сезиларли даражада ўсган. Масалан, 1903 йилда шаҳар орқали 23 млн. рублик турли хил маҳсулотлар четга чиқарилган. Шундан 2 млн. рубли Россияга, 500 минг рубли Афғонистонга, 70 минг рублик маҳсулотлар эса Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинган [10].

Россия империяси ўзининг буюк стратегик мақсадларини амалга ошириш, Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига кириб бориш, Афғонистон ва Ҳиндистон бозорини забт этиш учун рус ҳарбийлари, маъмурлари қуруқлик йўллари билан

бир қаторда сув йўллари ҳам яхши ўрганганлар, хусусан Сурхон воҳаси орқали ўтувчи кечувларга алоҳида эътибор қаратишган. Чунки Россиядан келтирилган товарларнинг бир қисми дарё орқали Термиздан Афғонистонга етказилган. Айнан Сурхон воҳасида Амударё сув йўлининг муҳим кечувлари – Паттакесар, Эски Термиз, Ёргоҳ, Шўроб, Чўчкагузар, Қоракамар ташқи савдода муҳим ўрин тутган бўлса [11, Б.92], Хотинрабат, Бургуттепа, Айритом, Маймунтўқай, Сассиққўл ва Болдир кечувлари эса маҳаллий аҳамиятга эга бўлган [12, С.49]. Бу кечувлар XVI асрдан то Амударё флотилияси ташкил бўлгунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

1873 йили Бухоро амирлиги билан тузилган шартномада ҳам Амударё сувидан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилган. Рус пароходларига ва бошқа сузувчи кемаларга Амударёда эркин сузиб юриш ҳуқуқи ҳамда рус савдогарларига ўз пристан ва омборхоналарини қуришга рухсат берилди [13, 9-10 влар].

Россия империяси ҳали Сурхон воҳаси ҳудудига келмасидан олдин, яъни 1874–1878 йиллардаёқ Амударё сув йўлининг ўрта ва қуйи оқимларида чуқур тадқиқот ишлари олиб борган [14, С.1-2]. Рус ҳукумати томонидан Амударё кечувлари диққат билан ўрганилган. Улар олиб борган тадқиқотларга кўра, Вахш дарёсидан то Каркигача 11 та кечув қайд қилинган. Биринчи даражали кечувларга Қабодиён, Паттакесар, Шўроб, Чўчкагузар кириб, улар, асосан, Бухоро амирлигини Шимолий Афғонистон билан боғлайди. Иккинчи даражали кечувлар Калиф ва Карки кечувлари бўлиб, Афғонистоннинг барча шаҳарлари, жумладан, Қобул билан боғлайдиган транзит йўлда жойлашган [15, С.3-9].

Сурхон воҳаси ҳудудининг Шарқ давлатлари билан бўладиган савдо алоқаларида тутган муҳим стратегик ўрнини ҳисобга олган подшо ҳукумати бу ҳудудда савдо тизимини ўз қўлига олиш учун барча чора-тадбирларни амалга оширди. Бухоро Россия империясининг вассалига айланмаган даврдаёқ, рус савдогарлари воҳа ҳудудидан ўтувчи Амударё кечувлари орқали Афғонистон, Ҳиндистон давлатлари билан фаол алоқа олиб борганлигини тарихий манбалар исботлайди. Подшо ҳукумати Бухоро амирлиги устидан ўз протекторатини ўрнатгандан сўнг Шарқ давлатлари билан бўладиган савдо алоқаларида Россия манфаатлари устунлигини таъминлаш чораларини кўрди. 1873 йил 23 сентябрда Бухоро амири Музаффархон ва Туркистон генерал-губернатори Кауфман ўртасида имзоланган шартноманинг 7-моддасида

рус савдогарларига Бухоро ҳудудидан қўшни давлатларга товарларни божсиз олиб ўтиш ҳуқуқини берди [16]. Бухоро амирлигини рус божхона тизимига киритиш тўғрисидаги қонун 1894 йил 6 июлда қабул қилиниб, расман шу йилнинг 15 ноябидан кучга кирди. 1895 йил бошларида Керки, Келиф, Чўчкагузар, Паттакесар ва Айвож божхоналари иш бошлади. 1895 йил 1 майда Панж дарёси бўйидаги божхона иш бошлади. Рус – афғон чегарасидаги савдони назорат қилиш 1895 йил 1 июлдан тўла кучга кирди [17].

**Амударё-Панж кечувида Афғонистондан келувчи маҳсулотларнинг 40 фоизи Керки божхонаси орқали ўтган**

1894 йил 6 июлдаги Ўрта Осиё божхона таърифига мувофиқ, чет давлатларга чиқаришга рухсат этилган қўйидаги қишлоқ хўжалик товарларидан бож солиғи олинмаган: 1. Ҳар қандай ғалла-дон маҳсулотлари; 2. Ун (ҳар хил); 3. Сабзавотлар; 4. Мевалар ва мева-резаворлар; 5. Сут маҳсулотлари; 6. Қурутилган тоза қурут; 7. Осиё пишлоғи; 8. Қўй ва қорамол ёғлари; 9. Қўй гўшлари; 10. Хонаки паррандалар; 11. Тухум ва овланган қуш гўшлари; 12. Қорамол; 13. Қўй, эчки, от, эшак, туялар; 14. Ўрмон материаллари-ёғоч хода ва тахталар [12, С.88].

Шунингдек, Бухоро амирлигининг Шимолий Афғонистон билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси ҳам бож тўловидан озод этилган [18, С.172]. Афғонистонга қурол-яроғ ва порохни олиб ўтиш ман этилган. Савдогарлар ва қайиқчилар Афғонистондан қўйида номлари келтирилган маҳсулотларни олиб келиши таъқиқланган: 1. Европа товарлар; 2. Гиёҳванд моддалар; 3. Ўқотар қурол-яроғлар; 4. Кишмиш шароби; 5. Обаки ширинликлар, карамель конфетлар ва қўйилтирилган шакар қиёмлари; 7. Гиёҳванд моддалар, чекиладиган мосламалар; 8. Россия, Бухоро, Эрон ва чет мамлакатларининг айрбошланган ёки муомаладан чиқарилган мис, қумуш тангалари [12, С.87].

Амударё-Панж кечувида Афғонистондан келувчи маҳсулотларнинг 40 фоизи Керки божхонаси орқали ўтган. Шарқ давлатлари, хусусан, Шимолий Афғонистон (Чорвилоят, Андхўй, Маймана) билан савдода Паттакесар кечуви (Керки божхонасидан кейинги ўринда) муҳим ўрин тутган. Паттакесар божхонаси Мозори Шариф-Тошқўрғон савдо йўлида жойлашиб, умумий юк айланмаси 715 минг рублни ташкил этган. Паттакесар кечуви орқали 1891-1892 йилларда 118 минг пуд кишмиш

## Рус – афғон чегарасидаги савдони назорат қилиш 1895 йил 1 июлдан тўла кучга кирди

майиз, 27,5 минг бош чорва моллари, 41,4 минг пуд пахта, 12,4 минг пуд уруғлик чигит, 13 минг пуд ҳар хил бўёқлар Бухорога олиб ўтилган бўлса, 11,1 минг пуд шакар, 0,5 минг пуд шам, 2,2 минг пуд сопол буюмлар, 2,6 минг пуд керосин, 7,4 минг пуд металл, 25,7 минг пуд мато ва 2,2 минг пуд бошқа маҳсулотлар Афғонистонга экспорт қилинган [9, с.37].

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўрта Осиёнинг ягона божхона тизимига биноан Сурхон воҳаси ҳудудидаги муҳим Амударё кечувлари ҳисобланмиш Паттакесарда учинчи даражали божхона ва Чўчкагузарда эса божхона қисми ташкил этилди. Паттакесар ва Чўчкагузар кечувларидаги божхоналар орқали 1896 йилда 145532 рубль, 1900 йилда 60521 рубль, 1904 йилда 38770 рублли товарлар Афғонистонга экспорт учун ўтказилган бўлса, худди йилларга мос равишда 1896 йилда 439749 рубль, 1900 йилда 167080 рубль, 1904 йилда 549135 рублли товарлар олиб келинган [19, С.120-128].

Бухоро-Афғонистон чегарасининг Россия-Афғонистон чегарасига айлантирилиши, Амударё бўйлаб кечув ва божхона пунктларида Россия империяси назоратининг ўрнатилиши ҳам бевосита савдо йўлларининг унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишига олиб келди. 1894 йилги ягона божхона тизимининг жорий этилиши амалда Бухоро амир-

лигининг Сурхон воҳаси бўйича савдо мустақиллигини тугатди, воҳа орқали қўшни мамлакатларга чиқадиган савдо йўллари ҳам XIX аср охирига келиб тўлалигича Россия империяси тасарруфига ўтди ва бу ҳудудлардаги истеъмол бозоридаги рақобатни ўзининг фойдасига ҳал қилди [20].

XIX аср охири – XX аср бошларида Амударёда Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, туркман ва афғон қайиқлари ҳаракат қилган. Йилдан-йилга Амударё бўйлаб сузувчи, юк ташувчи кема-қайиқлар сони кўпайиб борган. Ушбу даврга оид манбаларда Амударёда ҳаракатланган кема ва қайиқлар сони турлича келтирилганлигини кузатишимиз мумкин.

Масалан, архив манбаларида XIX аср охирида Қўнғиротдан то Питнак-гача Хива хонлиги аҳолисига тегишли 2 мингга яқин қайиқлар Амударёда сузганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд [13, 17 в]. Бошқа бир архив ҳужжатлари ва манбаларида эса, Амударёда бўйлаб 800 пуддан 1500 пудгача юк кўтара оладиган 600 га яқин қайиқлар қатнаганлиги келтириб ўтилган [21; 22, С.571; 23, 241-242]. И.А.Ремез эса, Амударё бўйлаб одатда 600-800 пуд, баъзилари эса 3000 пудгача, жами 500 минг пуд юк кўтара оладиган 500 га яқин қайиқлар мавжудлигини таъкидлаган [9, С.7].

XX аср бошларида эса, Амударёда қисман Бухоро амирлиги, кўпчилиги эса Хива хонлигига қарашли 1,5 мингга яқин кема ва қайиқлар сузган бўлиб, улар жами 1 млн. пудгача юк ташиши мумкин эди [12, С.75]. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги ўзаро савдо алоқаларида 420 та Хива қайиқлари, 80 та Бухоро қайиқлари бўлган [5, С.212-213]. Амударёдан юқори оқим бўйлаб эса 1000 дан ортиқ қайиқлар Вахш ва Панж дарёлари бўйлаб сузишган [24, С.188].

Амударёда воҳа савдогарларига тегишли қайиқлар ҳам сузишган. Термиз қадимги ва ўрта асрларда Амударёдаги йирик кемасозлик марказларидан бири бўлганлигини тарихий манбалар исботлайди [25, С.246-247; 26, С.170-178; 27, С.422-429]. Рус ҳарбий зобити капитан Гинтилло Шеробод беклигида эса кема яшаш билан шуғулланувчи 10 га яқин ҳунарманд бўлиб, улар нархи –200-235 рублли, 600 пуд юк кўтарадиган қайиқни 40 кунда ясаши мумкинлиги ҳақида маълумот берган [28, С.13-28]. Маҳаллий кемалар қурилишида, асосан, қаттиқ ва сувга чидамли дарахтлардан фойдаланилган. Хусусан, тол (қоратол ва оқтол), терак (“патта”), тўрангил –тўқай ёввойи тераги, қайрағоч, тут, арча, жийда, гужум дарахтлари кемачиликда асосий хомашё бўлган [13, 17 в; 15, С.3-9; 22, С. 571; 28, С.13-28; 29; 30, С.64-66].

XX аср бошларидан Термизга Сибирнинг нинабаргли ўрмонларидан ёғочларнинг келтирилиши натижасида рус ҳунармандлари ундан енгил ва пишиқ қайиқ ясай бошлади. Бу кемалар кейинчалик маҳаллий аҳоли томонидан “ўрис кемалари” деб аталган [31, Б.214]. Бу енгил қайиқлар кўпайиши натижасида маҳаллий тол қайиқлар аста-секин истеъмолдан сиқиб чиқарила бошланган.

Сурхон дарёси бўйлаб Деновдан Паттакесаргача қишлоқ хўжалик маҳсулотлари соллар ва кичик қайиқларда ташилиб, дарёнинг Какайдидан Амударёгача бўлган қисмида 200 пуддан зиёдроқ юк оладиган қайиқлар ҳам сузишган [32, С.382-383]. Какайдининг қуйи қисмида Сурхон дарёси кечувидаги қайиқларнинг юк кўтариш қуввати 120 пудни ташкил қилган [33, С.37].

Афғонистон орқали юборилган юклар Термизгача қайиқларда ташиб келинар ва бу ердан юкларнинг бир

қисми туширилиб, Шеробод – Бойсун – Денов йўналиши бўйлаб Бухорога етказиларди. Бухоролик савдогарларга тегишли қайиқлар Амударё бўйлаб Термиздан юқорига сузарди. Сурхон воҳасидан карвонларнинг дарё бўйлаб Бухорога бориши учун Келифдан ўтадиган йўл асосий йўл саналган [34, Б.215].

Бухоро амирлиги ва Афғонистон савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этувчи Паттакесар кечувида 4 та қайиқ бўлиб, уларнинг 2 таси Бухорога, 2 таси Афғонистонга тегишли эди. Уларнинг йиллик даромади 3 минг рубл бўлиб,

шунинг 1500 рубли Шеробод бегининг даромади ҳисобланган [35]. Савдогарлар Шерободдан ўтувчи катта карвон йўли бўйлаб Чўчқагузар кечуви орқали Балх ва Мозори Шарифга, Афғонистондан эса Шеробод ва Келиф беклигига олиб борувчи йўллар орқали савдо қилишган [36, С.65]. Чўчқагузар кечувида 6 та қайиқ бўлиб, шундан учтаси Бухорога, учтаси Афғонистонга тегишли эди. Бу қайиқлар товар ва йўловчи ўтказиб қўйганлиги учун қуйидагича ҳақ олган: туя ва отдаги юк учун 1 танга, эшакдаги юк учун ярим танга, ҳар бир йўловчидан 16 чек ҳақ олган [37, С.80].

## Термиз ва Чоржўй ўртасида бир йиллик юк ташиш айланмаси 250 минг пудни ташкил этган

Шарқий Бухоро бекликлари ҳудудларини ғарбий ҳудудлар билан боғлашда сув йўллари муҳим аҳамият касб этган. Қайиқлар дарё бўйлаб асосан ғалла ва пахта каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиган. Амударё бўйлаб қайиқлар-

нинг юк ташиши учун йилнинг ҳамма вақти ҳам қулай эмасди, айниқса, ноябрь, декабрь, январь ва февраль ойларида юк ташиш қийинлашарди. Қулай об-ҳаво шароитида Саройдан Термизгача (210 верст) юкланган қайиқ оқим бўйлаб уч кунда, юқорига оқимга қарши эса одатда 12 кунда, юксиз 8 кунда сузиб борган [12, с.90]. Бухорога тегишли қайиқлар Сарой қишлоғидан то Чоржўйгача молларни ташиб келтириш учун 614 верст сув йўлини босиб ўтган [5, С.215]. Термиздан Жилиқўлгача қайиқлар 15-20 кун сузган, ёзда эса 12-20 кун сузган [23, С.241-242].

Ташиладиган юк ҳажмининг ошиши, юкларнинг кўплиги туфайли йил бўйи (икки қиш ойдан ташқари) Сарой ва Чоржўй оралигида 1000 дан ортиқ [4, 201], Сарой ҳамда Петро-Александровск оралигида эса 1500 дан ортиқ [5, С.210] маҳаллий кема, қайиқлар ҳаракатланишган. Кема ва қайиқлар сони йилма йил ўсиб борган, лекин бу ҳали ҳам Амударё бўйлаб юк ташиш эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмасди.

Россиянинг савдо фирмалари Амударё бўйлаб Чоржўй, Керки, Термиз ва Саройда ўз идораларини очишди, савдо омборхоналари ва дўконларининг ишга туширилиши кема қатнови ривожига туртки берди. Амударёда дастлаб 1876-1879 йиллари Орол флотилиясига қарашли “Самарқанд” номли пароход қатнови йўлга қўйилган [13, 27 в].

1887 йили Амударё флотилияси ташкил этилгандан сўнг катта-катта кемалар ва пароходлар қатнай бошлади. Ҳарбий мақсадни кўзлаб флотилия ташкил қилинган бўлса-да, у савдо-сотик ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу ҳақда Туркистон генерал-губернатори шундай деганди: “Амударё флотилиясининг ташкил этилиши бизнинг Амударёга бўлган тўла ва ажралмас ҳукмронлигимизни ҳар кимга ва барчага англашиб туради” [38].

## Амударё кема қатнови учун ноқулайлиги сабабли қатнов кундузи амалга оширилган

Амударё флотилиясининг очилиши Бухоро амирлиги ва Россия давлати учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Сув йўлида ташиладиган юкларнинг нархи қуруқликдагига нисбатан 3-4 баровар арзонга тушган. Бекликларнинг ўзаро яқинлашуви, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Айниқса, Шарқий Бухоро бекликларини ғарбий ҳудудлар билан боғлашда сув йўли муҳим аҳамият касб этган.

Россия империясининг Ўрта Осиёга қизиқиши ортгани сабабли асосан ҳарбий мақсадни кўзлаган. Амударё флотилияси йилига 600 минг пудгача юк ташиган. Флот учун сарфланган маблағ ўртача 300 000 рубль камомат билан турган [9, с.7]. Сарфланган маблағ 2700 рублга етган, олинадиган даромад 2200 рублдан ошмаган [23, С.241-242].

Амударё кема қатнови учун ноқулайлиги сабабли қатнов кундузи амалга оширилган. Амударёда кема қатнови қанчалик ноқулай бўлмасин, иш ўз маромида давом этган. Сабаб, биргина Термиз ва Чоржўй ўртасида бир йиллик юк ташиш айланмаси 250 минг пудни ташкил этган [39, С.25]. Об-ҳаво қулай келганда ойига Чоржўй-Термиз оралигида пароход 2 марта қатнаб, 10000 пуддан-20000 пудгача юк ташиб келтирган [39, С.8]. Пароходлар ёз оила-

рида Чоржўйдан Термизгача масофани 7 кунда, қишда 11 кунда босиб ўтган [40; 41, С.44].

Амударё флотилияси империянинг Ўрта Осиёда Афғонистон ва Англияга қарши стратегик таянчига айлана бошлаган эди. 1897 йили Каркидан 222 вёрст узоқликда, Амударёнинг юқори оқимида Термиз шаҳри қурила бошланди. Натижада флотилиянинг вазифаси ҳам ортиб боради. Бунгача 1895 йили Бухоро ва Афғонистон чегарасида божхона постлари ўрнатилган бўлиб, уларни ҳам ҳарбий-стратегик ашёлар билан таъминлаш флотилия зиммасида бўлган. Термиз қурила бошлангандан кейин флотилия пароходларининг сони ҳам ортиб борган. Термиз қурила бошланган вақтгача флотилия ихтиёрида 4 та пароход, 5 ёки 6 та баржа бўлган бўлса, кейинчалик 1887–1899 йилларда флотилия анча кенгайган. Чегара постларини таъминлаш, Термизга қурилиш материалларини олиб келиш флотилия зиммасида эди. Чегарада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларининг кўпайиб бориши флотилияга йўловчилар ташиш ҳамда уларга зарур нарсаларни етказиш мажбуриятини ҳам юклар эди [42, С.63-75].

Шарқий Бухоро ва Шимолий Афғонистонда рус товарлари инглиз товарларининг кучли рақобатига дучор бўлгандан кейин савдо-саноатчиларнинг талабига кўра, Амударё флотилияси 1904 йилдан бошлаб қисман хусусий ва савдо аҳамиятига эга бўлган юкларни ҳам ташиш бошлаган [43, Б.65-71].

Ўрта Осиё ва Тошкент-Оренбург темир йўллари қурилишининг бошланиши билан Амударё флотилияси юк ташиш хизматининг аҳамияти янада ортди: «Ўрта Осиё темир йўли муносабати билан Амударё сув йўли, бир томондан, Афғонистондан, жанубий-шарқий ва

дарё соҳилидаги Бухородан, Хива ва Амударё бўлимидан Чоржўй станцияларига олиб келинган юкларни Европа Россиясига йўналтиришда табиий кириш йўли ҳисобланса, иккинчи томондан, ўша сув йўли рус маҳсулотларининг Чоржўйдан биз билан чегарадош, Амударё соҳиларида жойлашган ерларга ташишда хизмат қилади» [44, Б.16].

## Хулоса.

Ўрта Осиёда мустамлака бошқарув тизимининг ўрнатилиши нафақат иқтисодий ҳаётга, балки савдо-сотиқ ривожига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Эндиликда Ўрта Осиё орқали чет эл билан олиб бориладиган транзит савдо алоқалари ва савдо йўллари Россия ҳукмрон доираларининг буюк империячилик сиёсати манфаатларига хизмат қила бошлади. Афғонистон, Эрон, Кошғар, Ҳиндистон билан олиб бориладиган савдо-сотиқ бевосита империя манфаатларига бўйсундирилди.

Шундай қилиб, юқоридаги маълумотлар, таҳлиллар юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

**Сурхон воҳаси Бухоро амирлигининг Шарқ давлатлари билан сиёсий муносабатлари, савдо-иқтисодий алоқаларида муҳим стратегик ва транзит аҳамиятга эга минтақасига айланди**

1. Россия империяси ҳукумати амирликнинг ички минтақалари ҳамда Шарқ давлатлари билан олиб бориладиган ҳарбий ва савдо-сотиқ ишларини жонлантириш мақсадида дастлаб, Амударё флотилияси, Самарқанд – Термиз тупроқ йўли ҳамда Термиз темир йўли қурилишини амалга оширган. Натижада амирлик Сурхон воҳаси ҳудудлари орқали Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон каби Шарқ мамлакатлари билан фаол савдо алоқаларини олиб борган даврда савдо-сотиқ ҳажми 2-3 баробарга ортган.

2. Сурхон воҳаси Бухоро амирлигининг Шарқ давлатлари билан сиёсий муносабатлари, савдо-иқтисодий алоқаларида муҳим стратегик ва транзит аҳамиятга эга минтақасига айланди. Шу билан биргаликда воҳа ҳудуди Россия империяси ва Англия мустамлакачилари манфаатлари тўқнашган минтақа бўлганлиги сабабли унинг стратегик мавқеи янада ошди.

3. Шарқий Бухоро билан ғарбий Бухоро ўртасида ва Шарқ давлатлари билан олиб бориладиган савдо алоқалари, асосан, воҳа орқали амалга оширилганлиги сабабли Сурхон воҳаси бекликларида савдо-сотиқнинг ривожланишига ҳамда маҳаллий иқтисодиётга янги тушумлар қўшилишига имкон берди.

4. Амударё сув йўли ва кечувлари рус тадқиқотчилари томонидан чуқур тадқиқ қилиниб, Амударё орқали амалга ошириладиган савдо-сотиқни Россия империяси маъмурлари ўз назоратларига олиш мақсадида дарё кечувлари ва чегара пунктларида божхоналар ташкил этган.

5. Амударё флотилиясининг тузилиши, Самарқанд-Термиз тупроқ йўли, Термиз темир йўли қурилиши, Бухоро – Афғонистон чегарасининг Россия – Афғонистон чегарасига айлантирилиши, Амударё бўйлаб кечув ва божхона

## **Амударё орқали амалга ошириладиган савдо-сотиқни Россия империяси маъмурлари ўз назоратларига олиш мақсадида дарё кечувлари ва чегара пунктларида божхоналар ташкил этган**

пунктларида Россия империяси назоратининг ўрнатилиши ҳамда Сурхон воҳаси орқали Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон билан олиб бориладиган транзит савдо йўллари Россия ҳукмрон доираларининг буюк империячилик сиёсати манфаатларига хизмат қилиши натижасида Бухоро амирлиги савдо-сотиқ ишларининг Россия империясига бўйсундирилишига олиб келди.

6. Бухоро амирлиги, хусусан, Сурхон воҳаси бекликларининг Россия империяси ва бошқа чет эл давлатлари билан савдо алоқасининг кучайиши маҳаллий ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини қисқартириб юборгани ҳолда, ҳудуднинг жаҳон бозорига тортилиши айрим соҳалар ривожига тўртки берди.

7. Воҳанинг қўшни бекликлар ва Шарқ давлатлари билан савдо алоқаларида маҳаллий аҳоли томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари етакчи ўринни эгаллаган.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Қобулов Э. А. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Тошкент: Akadempnashr, 2012.
3. Мазов С. Восточная Бухара, Бадахшан и северный Афганистан // Туркестанский сборник. Том 404. – СПб.: тип. В. Безобразова и К°, 1883.
4. Логофет Д.Н. Страна Бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб.: В.Березовский, 1909.
5. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том I. – СПб.: В.Березовский, 1911.
6. Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринларда Ўз МА). И-1-жамгарма. 34-рўйхат. 675-иш. 114-варақ.
7. Ўз МА. И-126-жамгарма. 1-рўйхат. 29-иш. 1-варақ.
8. Ўз МА. И-1-жамгарма. 11-рўйхат. 504-иш. 3-варақ.
9. Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент: ЦСУ Туркестанской Республики, 1922.
10. Ўз МА. И-2-жамгарма. 2-рўйхат. 330-иш. 6-варақ.
11. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент: А.Қодирий 1997.
12. Бенцелевич Н.А. Водные пути Туркестана. Материалы для описания русских рек и истории улучшения их судоходных условий. Выпуск LV. – СПб.: М-во путей сообщения, 1914.
13. Ўз МА. И-1-жамгарма. 22-рўйхат. 832-иш. 9 - 10-варақлар; 17-варақ; 27-варақ.
14. Грулев М.В. Некоторые географико-статистические данные, относящиеся к участку Амударьи между Чарджуем и Патта-Гиссаром // Туркестанский сборник. Том 474. – Ташкент: тип. Штаба Туркест. воен. окр., 1908.
15. Кап. Быков А. Очерк переправ через реку Амударью // Туркестанский сборник. Том 340. – СПб.: тип. В. Безобразова и К°, 1883.
16. Ўз МА. И-1-жамгарма. 12-рўйхат. 1775-иш. 108-варақнинг орқа томони, 109 варақ.
17. Ўз МА. И-1-жамгарма. 11-рўйхат. 1319-иш. 2-варақ.
18. Соколов А.Я. Торговая политика России в Средней Азии и развития русско-афганских торговых отношений. – Ташкент: Фан, 1977.
19. Губаревич-Радобильский А.Ф., Антон Францевич. Значение Туркестана в торговле России с сопредельными странами Азии // Главное управление землеустройства и земледелия. Хлопковый комитет. Материалы для изучения хлопководства. Выпуск II. – СПб.: тип. В.Ф. Киршбаума, 1912.
20. Ўз МА. И-126-жамгарма. 2-рўйхат. 46-иш. 1-варақ.
21. Ўз МА. И-2-жамгарма. 1-рўйхат. 8-иш. 6-варақ.
22. Масальский В.И. Россия. Польное географическое описание нашего отечества: Настольная и дорожная книга для русских людей. Туркестанский край. Том XIX. – СПб.: изд. А.Ф. Девриена, 1913.
23. Искандаров Б. И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Часть II. – Душанбе: Акад. наук Тадж.ССР, 1963.
24. Логофет Д.Н. На границах Средней Азии. Путевые очерки в 3 книгах. Книга 2. Русско-афганская граница. – СПб.: В.Березовский, 1909.
25. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент: УМЭД, 2005.
26. Ртвеладзе Э. Великий индийский путь: из истории важнейших торговых дорог Евразии. – СПб.: Нестор-История, 2012.

27. Алламуратов Ш.А. История амударьинского судостроения // Бюллетень науки и практики. 2020. Т. 6. №10. С. 422-429. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/59/38>
28. Кап. Гинтылло. Сведения по интендантския части, собранные в Бухаре // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии, Выпуск XXI. – СПб.: Военно-ученый ком. Главного штаба, 1886.
29. Михайлов А. Каючный промысел на Амударье // г. Туркестанская ведомости. № 212, 1908.
30. Кап. Быков. Очерк долины Амударьи // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии, Выпуск IX. – СПб.: Военно-ученый ком. Главного штаба, 1884.
31. Турсунов С., Қобилов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004.
32. Полк. Галкин. Военно-Статистический очерк средней и южной частей Сурханской долины // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии, Выпуск 57. – СПб.: Военно-ученый ком. Главного штаба, 1894.
33. Покотило. Отчет о поездке в передели Центральной и Восточной Бухары в 1886 г. – Ташкент: тип. ШТВО, 1888.
34. Зиёев Х. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. – Тошкент: Фан, 1965.
35. Ўз МА. И-3-жамгарма. 1-ёзув, 296-иш. 76-варақ.
36. Грулев М.В. Аму-Дарья (очерк среднего течения). – Ташкент: тип. Штаба Туркест. воен. окр., 1900.
37. Сов.Петров. Рекогносцировка Бухарских владений // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб.: Военно-ученый ком. Главного штаба, 1888.
38. Ўз МА. И-1-жамгарма. 17-рўйхат. 902-иш. 5-варақ.
39. Ананьев А. Г. Шерабадская долина. – СПб.: тип. П.П.Сойкина, 1914.
40. Ўз МА. 3-жамгарма. 1-руйхат. 875-иш. 3-5-варақ.
41. Гаевский И. Курган-Тюбинское бекство // ИРГО. Выпуск 2. Том 55 – СПб.: Госиздат, 1919.
42. Юлинь Г. Аму-Дарьинская флотилия // Туркестанский сборник. Том 515. – Ташкент: ШТВО, 1909.
43. Алламуратов Ш.А XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаётида Амударё флотилиясининг ўрни // Ўтмишга назар. 2019. №21. Б. 65-71. URL: <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/12/tarix-2019-21/full-issue.pdf>
44. Алламуратов Ш. А. Бухоро амирлигининг Амударё сув йўли ва кечувлари орқали савдо муносабатлари //Взгляд в прошлое. – 2021. – Т. 4. – №. 4.
45. Сулайманов С. Орол ва Амударё флотилияси тарихи (1847-1920). Тарих фан. номз... дисс. афтореф. – Нукус: ЎзФА ҚБ, 2010.
46. Allamuratov S. A. The role of the Amudarya waterway and the Surkhan oasis crossings in trade relations of the Emirate of Bukhara. Actual problems of modern science, education and training. Vol. 5, Issue 1/October. (in English). – 2020.
47. Қобулов Э., Алламуратов Ш. XIX аср охири - XX аср бошларида Сурхон воҳасининг Амударё сув йўли ва кечувлари орқали савдо муносабатлари // Марказий Осиё тарихи ва маданияти. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 405-409.
48. Алламуратов Ш., Джураева У. Ремесленные и торговые отношения в бекствах восточной Бухары в конце XIX-начале XX вв //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/С. – С. 105-110.



“TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi” ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Тилолов Файзулла Эшқулович,**  
Термиз иқтисодиёт ва сервис университети тадқиқотчиси

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Аннотация.** Мақолада Сурхондарё вилоятида XIX асрнинг охири-XX аср бошларида пахта хом ашёсини қайта ишлаш саноатининг вужудга келиши ва Термиз пахта тозалаш заводи-нинг қурилиши тарихий адабиётлар асосида баён этилган. Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олиниши, бу ўлкада йирик корхоналарнинг вужудга келиши ва ёлланма меҳнатнинг жамоавий ҳолда уюштирилиши, бу эса мавжуд хунармандчиликни касодга учратган. Туркистон халқ хўжалигининг асосини ташкил этган хунармандчиликнинг ўрнини ва деҳқончилик, айниқса пахтачилик базасида йириклашган ишлаб чиқариш корхоналари эгаллаш бошлаганини мақолада ёритилган.

**Калит сўзлар:** Туркистон, Бухоро, Сурхондарё, капитализм, саноат, корхона, қишлоқ хўжалиги, пахта, солиқ тизими, бозор, беклик, ака-ука Матчинбоевлар.

## РАЗВИТИЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация.** В данной статье, на основе исторической литературы, описывается возникновение в конце XIX - начале XX веков в Сурхандарьинской области отрасли по переработке хлопка-сырца и строительство Термезского хлопкоочистительного завода. Оккупация Туркестана Российской империей, создание в этом крае крупных предприятий и коллективная организация наемного труда, нанесли ущерб существовавшим ремеслам. В статье подчеркивается, что ремесленничество, составляющее основу народного хозяйства Туркестана, стало вытесняться крупными производственными предприятиями, основанными на земледелии, особенно на хлопководстве.

**Ключевые слова:** Туркестан, Бухара, Сурхандарья, капитализм, промышленность, предприятие, сельское хозяйство, хлопок, налоговая система, рынок, бекство, братья Матчинбоевы.

## DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN SURKHANDARYA REGION

**Annotation.** This article, based on historical literature, describes the emergence in the late XIX-early XX centuries in the Surkhandarya region of the industry for the processing of raw cotton and the construction of the Termez cotton ginning plant. The occupation of Turkestan by the Russian Empire, the creation of large enterprises in this region and the collective organization of hired labor caused damage to the existing crafts. The article emphasizes that handicrafts, which form the basis of the national economy of Turkestan, began to be replaced by large industrial enterprises based on agriculture, especially cotton growing.

**Key words:** Turkestan, Bukhara, Surkhandarya, capitalism, industry, enterprise, agriculture, cotton, tax system, market, beks, Matchinboev brothers.

## Кириш.

Россия империяси ва совет давлати ўлкада пахта етиштиришни кўпайтириш билан бирга уни қайта ишловчи саноат корхоналарини қуришга, яъни пахта тозалаш заводларига эътибор берди. XX асрнинг 30-40-йилларида Совет иттифоқида пахта мустақиллиги учун кураш йилларида пахта тозалаш саноатини ривожлантиришга ва асосий мақсад чекка ўлкаларни ўз назоратида ушлаб туриш, маҳаллий аҳолини большевиклар тарғиботига бўйсундириш эди. Шу мақсадда пахта монополияси ўрнатилди. Бунинг учун бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Россия ҳисобидан таъминлаш сиёсати қўлланилди. Аҳоли эҳтиёжлари учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини марказий ҳудудлардан ташиб олиб келиш масаласида ҳам транспорт муҳим восита бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонда темир йўл соҳаси Совет ҳокимияти даврида назоратга олиниб, асосан, ўлкадаги хом-ашё захираларини марказга ташиб кетишга мўлжалланган эди. Шунингдек, Россия империяси ва совет ҳокимияти йилларида бу ерда транспорт тизимининг ривожланиши, иттифоқнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Бу борада хом ашё маҳсулотларини ташиб кетиш ва ҳарбий салоҳиятни мустаҳкамлаш марказ томонидан асосий мақсад сифатида белгилаб олинган эди. Шунга қарамай, темир йўлларнинг пайдо бўлиши Ўзбекистон учун ижобий аҳамиятга эга бўлди. Чунки, у ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган эди.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

XIX асрнинг охири-XX аср бошларида Россия империяси ўлкада пахта етиштиришни кўпайтириш, саноат корхоналарини қуриш, XX асрнинг 30-40-йилларида совет иттифоқида пахта сиёсатини олиб борилиши масалалари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Миллий архивининг қуйидаги бир қатор жамғарма (фонд)ларидаги ҳужжатларда ёритилган: Ўз МА, Р-83-фонд, 3-рўйхат, 51-йиғма жилд, 5-варақ; Ўз МА, Р-837-фонд, 15-рўйхат, 57-иш, 15-варақ; Сурхондарё вилоят давлат архиви, 95-фонд, 12-рўйхат, 5-иш, 94-варақ; Сурхондарё вилоят давлат архиви, 95-фонд, 12-рўйхат, 6-иш, 39-варақ; Сурхондарё вилоят давлат архиви, 70-фонд, 1-ёзув, 16-иш, 38 варақ; Бойсун тумани жорий архиви.

## Чағаниён вилоятида тўқимачиликнинг маркази Дарзанги шаҳарчаси ҳисобланган

Мазкур мақолани ёзишда Ш.Н.Ульмасбаев, Е.Л.Виленский, О.Азимов, З.Мирзаев, Қ.Авлиёқулов каби тарихчи ва манбашунос олимларнинг асарларида Россия империяси ва Совет иттифоқи даврида саноат корхоналари, пахтанинг хом ашё маҳсулоти сифатида

ўлкада пахта тозалаш заводларида қайта ишланиши тўғрисидаги маълумотлар илмий жиҳатдан тадқиқот доирасида тадқиқ этилди.

Мустақиллик йилларида С.Н.Турсунов, Э.О.Қобулов, Қ.Ражабов, М.Ҳайдаров, Ф.Амоноваларнинг тадқиқотларида ҳам мавзуга тегишли материаллар келтирилган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада қатор методлар—қиёсий таҳлил, даврий кетма-кетлик, тарихийлик, тизимчилик, холислик тамойиллари асосида баён этилган бўлиб, Сурхондарё воҳасида саноат корхоналарининг ўрни ва уларнинг бугунги кундаги ҳолати ҳам татбиқ қилинган.

## Таҳлил ва натижалар.

Сурхондарё вилояти - Ўзбекистон республикасининг қадимий воҳаларидан бири демакдир. Сурхондарё нафақат маданият, санъат, илм-фан ривожланган воҳа, балки ҳунармандчилик, савдо-сотик тараққий этган вилоят ҳамдир. Вилоятда ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотлари хорижий давлатлар бозорида ўз харидорига эга бўлган.

Тарихий ва археологик манбаларга қараганда, Сурхондарё ўрта асрларда, асосан, икки мулклик, яъни Термиз ва Чағаниён ҳудудлари аҳолиси тўқимачилик саноати учун зарур бўлган қўйчилик ва пахтачилик билан шуғулланганлар. Илк ўрта асрларда, араб ва форс манбаларида Термиз ва Чағаниён вилоятларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар орасида жўндан тўқилган кийимлар, гиламлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Чағаниён вилоятида тўқимачиликнинг маркази Дарзанги шаҳарчаси ҳисобланган. Бу шаҳарча Бандихон-сарой

**Термиз ва Чағаниён мулкларида тўқимачилик, кулолчилик билан бирга шишасозлик ва металлга ишлов бериш жадал ривожланган**

атрофида жойлашган ҳозирги Қумқўрғон тумани Бандихонсойнинг Сурхондарёга қўйилиш жойидадир. Дарзанги аҳолисининг катта қисми мовут ишлаб чиқариш ҳунармандлари бўлганлар, улар иссиқ кийимлар, жўн гиламлар тайёрлаганлар.

Воҳада тўқимачик билан бирга кулолчилик ҳам ривожланган. Бу иш билан нафақат Термиз, Чағаниён каби йирик шаҳарлар усталари, балки кичик шаҳарларда ҳам шуғулланганлар. Вилоятда ишлаб чиқарилган кулолчилик маҳсулотлари ўзининг ниҳоятда пишиқлиги, нозик дид билан сақланиши, турли хил расм ва безаклар билан безалиши жиҳатидан, бошқа ҳудудларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан ажралиб турган [1,Б.1].

Термиз ва Чағаниён мулкларида тўқимачилик, кулолчилик билан бирга шишасозлик ва металлга ишлов бериш жадал ривожланган. Буни Шеробод, Термиз, Будрач ва бошқа жойлардан топилган ашёвий далиллар исбот этиб турибди. Термиз ва Чағаниён-

ликлар шишасозликнинг моҳир усталари бўлишган. Ҳозирги кунда бутун жаҳонни ўзининг ишлаб чиқарган шиша идишлар билан диққатини тортаётган чинликлар, ўтмишда шишага ишлов беришнинг баъзи бир сирларини Термиз ва Чаганиён усталаридан ўрганишган. Бу тўғрисида америкалик машҳур олим Э.Шоффер чин манбалари асосида яратган “Самарқанднинг олтин шафтоллари” асарида юқоридаги таъкидлаган фикримизни келтириб ўтади.

Кўҳитанг, Бойсунтоғ ва Боботоғдан топилган турли хил темир қолдиқлари, конлар ва кончилар маҳаллари воҳамиз аҳлининг темир буюмлар тайёрлаш борасида ҳам машҳур бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Тарихий манбаларда келтирилишича, илк кушонлар давридан бошлаб, жанубий Ҳисор тоғларидан табиий бойликлар ва уларни айрибошлаш муҳим аҳамият касб этган. Мавжуд археологик далилларга кўра, милoddан аввалги II-I асрларда Бойсунтоғнинг жанубий ёнбағирларида, Кўҳитанг тоғларида темирчи усталарнинг дастлабки маҳаллари вужудга келган. Бу жараённинг янада ривожини ўрта асрларга оид Тўда ва Хўжақошқарон конлари ва у жойлардаги мавжуд кончилар устахоналари мисолида кузатиш мумкин. Бойсунтоғ атрофларида темирчилик ўзининг юқори сифатли темир буюмлари билан машҳур бўлган. Шу боисдан ўрта аср манбаларида Басанднинг (Бойсуннинг) сифатли темири, баъзан олтинга тенглаштирилган. Эритилган темирлар шаҳарларга олиб келиниб, махсус устахоналарда қайта ишланган. Шаҳарларда махсус темирчилар маҳаллари бўлган. Хусусан, X-XII асрларда Термиз шаҳрининг работ қисмида темирчилар маҳалласи қарийб 8 гектар майдонни эгаллаган.

## Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқарувчиларнинг мулк эгаларига айланиши бозор иқтисодиётининг вужудга келишига асос бўлган

Шунингдек, қадимдан Бақтрия-Тоҳаристон каби давлатлар заргарлик билан ҳам шуғулланганлар. Бунинг исботи сифатида, Сополлитепа, Жарқўтондан топилган турли-туман металл буюмлар, ҳамда Кушон даврига оид Далварзинтепа олтин буюмлари хазинаси фикримизнинг исботидир.

Сурхондарё воҳаси ҳунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар қўшни давлатларга, жумладан Парфия, Сўғд, Чин-Мочин, Озарбайжон ва бошқа қўшни давлатларга чиқарилган ва юқори баҳоланган [1, Б.2-3].

Маълумки, қадимда Туркистон ўлкаси аҳолиси асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғуллангандир. XX аср бошида капиталистик муносабатларнинг асосида йирик ишлаб чиқаришнинг кенг ёйилиши ва Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олиниши бу ўлкаларда ҳам йирик корхоналарнинг вужудга келишига олиб келган. Йирик корхоналарнинг вужудга келиши ва ёлланма меҳнатнинг жамоа кўринишида уюштирилиши мавжуд маҳаллий ҳунармандчиликнинг инқирозга учрашига сабаб бўлган.

Жаҳон иқтисодиётида янги капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг кириб келиши ва капитализмнинг мамлакатлар ривожига таъсири, айниқса ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳаларини техникалаштириш ёки янги технологияларни қўллаш жадаллашган, жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиб бориши сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг талабини ошириб борган.

XX аср бошларида Бухоро амирлигида ташкил этилган барча корхона ва заводларни мантқиқий жиҳатдан тўрт гуруҳга бўлиш мумкин. Булар: шахсий корхоналар, йирик фабрика ва заводлар, майда корхоналар ҳамда ҳунармандчилик артелларига бўлиш мумкин [2, Б.51].

1905 йилда пахта тозалаш заводларининг сони 9 тани ташкил этган. Баъзи манбаларда эса ўлкадаги пахта тозалаш заводлари сони 35 та эканлиги айти ўтилади. Мазкур заводлар йилига 250000 пуд пахтани қайта ишлаш эди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши пайтида амирлик ҳудудида 50 дан ортиқ корхоналар мавжуд бўлиб, шулардан 26 таси пахта тозалаш заводларини ташкил этган. Ушбу даврда барча турдаги саноат корхоналарининг майдони ва унда ишлаётган ишчиларнинг сони, корхона қайси фирма ва ширкатга қарашлилиги, корхонанинг жиҳозланиши ва ходимларига бўлган эътибор билан бир-биридан фарқланган. Ўлкадаги заводларнинг асосий қисми янги ташкил этилган шаҳарларда жойлаштирилган [2, Б.2-3].

Бу эса Туркистонда халқ хўжалигининг асосини ташкил этган ҳунармандчилик ўрнини деҳқончилик, айниқса, пахтачилик базасида йириклашган ишлаб чиқариш корхоналари эгаллаган. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқарувчиларнинг мулк эгаларига

айланиши бозор иқтисодиётининг вужудга келишига асос бўлган. Бу жаҳон тараққиётида объектив ҳолат ҳисобланган [3, Б.7].

XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган бошланган бўлиб, бу албатта ўша пайтда воҳанинг иқтисодий жиҳатдан, яъни саноатни тараққий эттириш орқали мавжуд хом ашёни қайта ишловчи корхоналарни барпо этиш, табиий минерал бойликлардан фойдаланиш ва бутун Совет Иттифоқи манфаати йўлида хизмат қилишга сарфлаш ҳам давлат дастуридаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланган. Айниқса, бу ерда пахтачиликни аввало пахтачилик ва у билан боғлиқ бевосита тармоқларни ривожлантиришни, ишлаб чиқариш воситалари, электр энергия, иррагация тармоқларини ривожлантириш, минерал ўғитлар билан таъминлайдиган ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланадиган корхоналар қурилишига эътибор берилди. Саноат ишлаб чиқаришнинг 90% и қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашганлиги сабабли республика саноати бир томонлама ривожланиш йўлига мослашиб борганлигини кузатамиз.

Мамлакатимизда советларнинг II съездида (1927 йил март) Иттифоқнинг саноатлаштириш дастури асосида республикада тўқимачилик саноатини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноатнинг янги тармоқларини ташкил этиш, электрлаштириш режасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қурилиш саноатини ривожлантиришнинг режа ва дастурларини ишлаб чиқди [4, С.103].

1927 йил ноябр ойида Ўзбекистон компартиясининг III съезидида “ЎзССРни саноатлаштиришдан асосий мақсад, бир тарафдан саноат объекларини бевосита қуриш эҳтиёжи бўлса, иккинчи тарафдан СССРнинг саноатлаштириш жараёнида фаол иштирок этишдан иборат” [5, С.99] деб белгиланган. Ўша даврда РКП(б)нинг X съезидида “чекка ўлкалардаги маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда янги саноат объекларини қуриш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқариш” [6, С.254] зарурлиги топширилган эди.

Бу даврда Ўрта Осиё енгил ва озиқ-овқат саноатини, кейинчалик эса оғир саноатнинг баъзи тармоқларини, ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш каби Ўрта Осиё иқтисодий районини асосий ихтисослаштириш билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларини ривожлантириш зарур эди. Аммо, шунга қарамай марказ яна биринчи эътиборини “пахта комплекси” саноати тармоқларини кучайтириш, бу эса ўз навбатида, оғир саноатнинг ёқилғи-энергетика базасини ривожлантиришни, қурилиш саноати ва қурилиш ашёларини ишлаб чиқаришни йўлга

**1926-1928 йилларда республикада бир қатор янги саноат соҳалари вужудга келди**

қўйишни талаб этарди. Бу эса, 1929 йил ноябрь ойида ВКП(б) МҚнинг “СССРнинг пахта мустақиллиги ҳақида”ги қарори Ўрта Осиёда зудлик билан пахта хом ашёси (инвентарь)ни ишлаб чиқарувчи заводлар қуришга тез орада амалга ошириш зарурлиги билдирилган [7, С.88]

Янги саноат қурилиши эса анчагина маблағни талаб этиши натижасида иттифоқдош республикалар раҳбарияти марказга мурожаат қилиб, ёрдам пули олишга ҳаракат қилишди. Биринчи беш йилликда Ўзбекистон халқи хўжалигига ажратилган маблағнинг катта қисми саноатга (288,4 млн. рубль), яъни жами маблағнинг 26%и берилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон саноатига бутун Ўрта Осиё республикаларига мўлжалланган маблағнинг катта қисми ажратилган эди. Агар буни 100% деб оладиган бўлсак, шундан 1925-1928 йиллар мобайнида Ўзбекистон 56%, Туркманистон 28 %, Қирғистон 14 %, Тожикистон 2% олган [8, С.11].

Совет ҳукумати томонидан катта маблағларнинг асосан оғир саноатни ривожлантиришга ажратилишидан асосий мақсад, аслида давлат бюджетига бир неча йилдан сўнг катта миқдорда даромад келтиришида эди.

Бунда саноатлаштиришнинг сунъий жадаллаштирилиши маъмурий тазйиқ ўтказиш, рақам кетидан қувиш каби салбий оқибатларга олиб келди. Бу эса саноат қурилиши сифатига сезиларли таъсир кўрсатар эди. Мавжуд саноат базалари қайтадан таъмирланаётган бўлса-да, кўпчилигида эса эски корхоналар қайта тикланди. Шундай бўлсада, 1926-1928 йилларда республикада бир қатор янги саноат соҳалари вужудга келди. Масалан, Бекободда гишт заводи, Қувасой ва Жиззахда оҳак заводи, Қувасой ва Бекободда цемент заводлари қурилди.

**Ҳақиқатан, совет даврида воҳада пахта етиштириш кескин суръатда ўсди. 1925 йил – 6903 гектар 1930 йил – 50.000 гектар**

Шунингдек, республикада пахтачиликни ривожлантиришда кимё заводларининг ўрни муҳимлиги ҳисобга олинди, 1926 йили Қарши селитра конларида завод қуриш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу қарорга қараганда, 1929 йили селитра конлари Бош пахта қўмитасида Ўрта Осиё “ХимРУД” трести бўлимига ўтди. Бу трест муҳандис Ефимов томонидан тақлиф қилинган жойларда 6 та кимё заводи қурди. Булар: Казбитепада 1-сонли; Деновда-Қурғонтепа 2-сонли; Деновда-Супаратепа конида 3-сонли; Қаршида-Хушвақтепа конида 5-сонли; Қурғонтепа конида 6-сонли заводлари эди [9,5-варақ]. Олиб борилган барча чора тадбирларга қарамай оғир саноат режаси 1929 йилда бажарилмади. Саноатдаги ускуналарнинг камлиги, дастгоҳларнинг кўплари эскилиги, техник малакали мутахассисларнинг озлиги, ишчилар томонидан иш қолдиришларнинг кўплиги бунга сабаб бўлган [10,15-варақ].

Совет ҳукуматининг асосий мақсади чекка ўлкаларни ўз назоратида ушлаб туриш, маҳаллий аҳолини болшевиклар тарғиботига бўйсундириш эди. Шу мақсадда пахта монополияси ўрнатилди. Бунинг учун бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Россия ҳисобидан таъминлаш сиёсати қўлланди. Аҳоли эҳтиёжлари учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини марказий ҳудудлардан ташиб олиб келиш масаласида ҳам транспорт муҳим восита бўлиб хизмат қилди. Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида 1923 йил 23 августда собиқ шўро ҳукумати қарори билан Бош пахта қўмитасига ички бозордан 10 млн. пуд хом пахта ва 3 млн. пуд пахта толаси сотиб олиш вазифаси топширилди. Ушбу топшириқни амалга ошириш фақат темир йўл транспорти зиммасига юклатилди. Натижада темир йўл транспорти тармоқлари орқали 8 млн пуд ғалла, 227 вагон (50 млн.аршин) мануфактура, 110 вагон шакар, 32 вагон чой, 150 вагон шиша ва идиш-товоқлар, 40 вагон резина буюмлар (калиш ва бошқалар), 300 вагон ёғоч жўнатиш режалаштирилди [11,94-варақ].

Совет ҳокимияти йилларининг дастлабки йилларидан бошлаб темир йўл тизимида жиддий ўзгаришлар қилишга ҳаракат қилди. Хусусан, Сурхондарёда пахтачилик ривожига бўлган эътибор, уни қайта ишловчи саноат корхонасини қуришни тақозо этар эди. Ҳақиқатан, совет даврида воҳада пахта етиштириш кескин суръатда ўсди.

1914 йилда- 4400 гектар  
1925 йил – 6903 гектар  
1930 йил – 50.000 гектар [ 12, С.17].

Пахта экиладиган майдонларнинг ўсиб бориши, уни қайта ишловчи корхоналар қуришни тақозо қилди. Шунини қайд этиш лозимки, архив ҳужжатларида қайд этилишича Туркистондан Россияга олиб кетилаётган юклар орасида пахта хомашёси етакчи ўринни эгалланган.

Биргина, 1919 йили Туркистондан Россияга 3.150.000 пуд пахта хомашёси жўнатилган. 1920 йил Туркистондан марказдаги тўқимачилик фабрикаларига 8,565 вагонда 4.283.000 пуд пахта толаси юборилган [ 13, С.50]. Бу кўрсаткич 1921 йилда бир кунда 121 вагонлаб пахта хомашёси жўнатилган [ 14, Б.96].

Темир йўл транспортининг қулай ва арзонлиги совет давлатига халқ хўжалигини зудлик билан тиклаш имкониятини берди. Темир йўл тарнспортини асосан марказ манфатига бўйсундирилди. 1922 йил 16 майда Бош пахта қўмитаси ва Темир йўллар комиссарлиги ўртасида шартнома имзоланди. Мазкур шартномага асосан Туркистондан пахта ташиб келтириш ва у ердаги корхоналарга зарур маҳсулотлар етказиб бериш режаси белгиланди. Шунга кўра, Темир йўл комиссарлиги бутун йил давомида ҳар уч кунда иккита эшелонда пахта ташиб бериш мажбуриятини олди [ 14, Б.102].

Туркистонда пахтачиликнинг ўсиб бориши, аҳоли исътемоли учун зарур бўлган озиқ-овқат ва қурилиш материалларини Россиядан келтириш чораларини кўрди. 1923 йилда темир йўл орқали Россиядан 8 млн пуд ғалла, 227 вагон(50 млн аршин) манфактура, 110 вагон шакар, 32 вагон чой, 150 вагон шиша ва идиш-товоқлар, 40 вагон резина буюмлар( калиш ва бошқалар), 300 вагон ёғоч жўнатиш ишлари олиб борилган [ 15,39-варақ].

1924 йилдан бошлаб Когон-Самсоново-Термиз темир йўлини тузатиш ишларига эътибор қаратилгани ҳолда, 1926 йилда узунлиги 33 кмни ташкил этувчи Термиз-Жарқўрғон темир йўли қурилиши бошланди.

20-йилларда Термиз дарё порти орқали юк ташиш оборотининг ўсиб борганлигини кузатиш мумкин. Термиз шаҳри пристани орқали 29 минг тонна турли хил юк, 9 минг тонна пахта, 1000 тонна

металл, 4 минг тонна цемент, 22 минг тонна нефть маҳсулотлари, 19 минг тонна ёғоч, ўтин ташилди. Мана юкларнинг маълум бир қисми темир йўл орқали олиб келинса, анча иқтисодий самара берар эди. Шу сабабли, Термиз станциясидан Амударёгача Термиз дарё порти учун узунлиги 11 км бўлган темир йўл шохобчаси қурилиши амалга оширилди. Туркистон ҳарбий округи талаби билан ҳарбий мақсадлар учун Термиз станциясида ҳарбий майдон қурилди ва унинг ёнигача ҳарбий эшелонларга юк ортиш ва тушириш учун темир йўл тортилди. Мазкур ҳарбий мақсадга қурилган темир йўл 1994 йилгача ҳеч қандай таъмирлашларсиз фаолият юритди [ 16, -Б.275].

## 1925 йилнинг иккинчи ярмида узунлиги 24.8 км бўлган Термиз-Душанбе темир йўли қурилишига 3 млн сўм маблағ ажратилди

Шу йили Термиз станцияси 4 та темир йўл шохобчасига эга эди. Шулардан иккитаси қабул қилиш ва жўнатишга мўлжалланган, биттаси вагонлар туришига, яна биттаси эса ҳарбий қўшинларга хизмат қилиш учун қурилган. 20-йилларда поездларнинг юк ташиш оғирлиги 450 тоннадан ошмаган. Поездларнинг юк тортиш вагонлари сони 20-25 тадан иборат бўлиб, ҳаракат тезлиги 13 км/соатни ташкил қилган. Бекатлар ўртасидаги алоқа Морзе алифбосига асосланган телеграф орқали амалга оширилган [ 17].

Совет давлати Ўрта Осиё республикаларида ягона темир йўл линиясини ташкил этиш ва янги темир йўл тармоқларини қуришга алоҳида эътибор қаратди. Шаҳар ва портларни бирлаштириш мақсадида Амударё (Самсоново) – Термиз (1925), Термиз-Душанбе (1929-1932) бунга мисол бўла олади.

1925 йилнинг иккинчи ярмида узунлиги 248 км бўлган Термиз-Душанбе темир йўли қурилишига 3 млн сўм маблағ ажратилди. Бу темир йўл тармоғи 1931 йилда тугалланди ва Тожикистон Ўзбекистон темир йўллари тармоғига уланди [ 18, С.11. ].

Биз юқорида қайд қилганимиздек, совет давлати ўлкада пахта етиштиришни кўпайтириш билан бирга уни қайта ишловчи саноат корхоналари қуришга ҳам жиддий эътибор қаратди. 30-йилларда Совет Иттифоқида пахта мустақиллиги учун кураш йилларида пахта тозалаш саноатини ривожлантиришга 145 млн сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Мана шу маблағларнинг маълум бир қисми мавжуд корхоналарни қайта қуришга ажратилди. Масалан, Термиз пахта тозалаш заводини қайта жиҳозлашга 17985 минг сўм капитал маблағ сарфланди. Ажратилган маблағлар эвазига заводда дизель электростанция биноси, сув минораси қурилиб ишга туширилди. Албатта, қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Агарда, 1914 йилда вилоятда жами 14400 кг пахта толаси ишлаб чиқрилган бўлса, 1931 йилга келиб 21945 тонна пахта толаси ишлаб чиқариш қарийиб 20 марта ўсди [ 19,38-варақ].

Сурхондарё воҳасида амалга ошаётган бу иқтисодий ўзгаришлар, республикада бошқарув тизимида олиб борилаётган режа ва кўрсатмаларга ҳам боғлиқ эди. Буни республикада Тошкент шаҳрига

**Агарда, 1914 йилда вилоятда жами 14.400 кг пахта толаси ишлаб чиқарилган бўлса, 1931 йилга келиб 21945 тонна пахта толаси ишлаб чиқарилди**

1927 йилда Бош пахтачилик қўмитасининг механик усталари фойдаланиш учун топ-ширилди, булар Ўрта Осиё республикаларида жойлашган пахта тозалаш ва мой заводларини технологик жиҳозлаш учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Эҳтиёт қисмлари билан биргаликда пахта секциялари, тола ва жун титиш ускуналари ҳам ишлаб чиқилад бошланди. Улар биринчи йиллари хорижий намуналар бўйича ва жуда кам миқдорда ишлаб чиқилган эди. Бу халқ хўжалиги оғир саноатида пахтачилик комплексининг муҳим тармоқларидан бўлган қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ташкил этишдаги муҳим ишлардан эди.

Умуман олганда, Совет иттифоқида оғир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналарини механизациялаштирди, натижада пахта тозалашга кетадиган вақт тенг ярмига қисқартирилди, пахта тойлашни яхшилаш ҳамда тойпахта ҳажмини кичрайтириш (оғирлигини ошириш) ҳисобига бир қатор заводларда Совет давлатида саноатлашган заводлар

учун вагонларга илгаридан ҳам анча кўп пахта юкланадиган бўлди. Компартия ва совет ҳукумати томонидан хом ашё яқинига завод ва фабрикалар қуришнинг режа ва курслари ишлаб чиқилди. 1927-1932 йилларда пахта тозалаш саноатида янги, замонавий технологиялар билан таъминланган. Деновда 81-сонли, Янги Урганчда-84, Карманда-76-сонли заводлар ишга тушди. Барча пахта тозалаш заводлари тез-тез қайта таъмирланиб турилди, натижада заводларда ишлаб чиқариш ҳажми ошди. 1932 йилга келиб битта пахта заводи бир йилда ўртача 6 минг тонна пахта толаси етказиб бериш юкланиши, Иттифокнинг пахтага бўлган талаби ва эътибори юқориликдан далолат беради. Ҳар бир пахта тозалаш заводи 1931-1932 йилларда, октябрь инқилобидан олдинги даврга нисбатан 5,5 маротаба кўп маҳсулот бера бошлади. Совет давлатининг қатъий топшириғи асосида пахта толаси ишлаб чиқариш республикада ўсди. 1932 йилга келиб Совет давлати миқёсида етиштирилган жами пахта толасининг 61 и Ўзбекистонга тўғри келган. Ирригация ва суғориш тармоқлари ишларининг ўсиши ҳам таъмирлаш базаларини кенгайтириш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилди.

Шунингдек, республика партия ва ҳукуматининг ҳудуд саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича кўрган чора-тадбирлари тез орада ўз самарасини кўрсатди. 1928-1932 йилларни ўз ичига олувчи биринчи беш йилликда белгиланган вазифаларнинг кутилгандан кўра муваффақиятли бажарилиши марказнинг иқтисодий манфаатлари йўлидаги ютуғи эди. Халқ хўжалигидан капитал жамғармалар миқдори беш йил ичида 204 млн. Рублни ташкил этди. Бу эса илгариги йилларга, яъни 1924-1928 йилларга қараганда 2,6 маротаба кўп эди. Саноатнинг

## Ўзбекистон темир йўлларида электр билан ҳаракат қиладиган янги электровозлар ишлаб бошлади

асосий фондлари бу даврда 3 барабар ортди. Шу жумладан оғир саноатнинг асосий фондлари 4,6 барабарга ошди [20, Б.13].

Сурхондарё округида пахта толасининг кескин ўсишида Денов пахта тозалаш заводининг ҳам ҳиссаси бор. Мазкур корхона Термиз-Душанбе темир йўл тармоғининг ишга тушиши билан бевосита боғлиқ. Термиз-Душанбе темир йўлининг қурилиши натижасида Самарқанд-Китоб-Шаҳрисабз, Қарши-Дарбанд-Бойсун-Сари-осиё, Термиз-Денов-Душанбе почта алоқа тизими ҳам яхшиланди.

Худди шу даврда Ўзбекистон темир йўлларида электр билан ҳаракат қиладиган янги электровозлар ишлаб бошлади. Йирик бекатларда вагонларни саралашда қулай бўлган махсус мосламалар, чим дўнгликлар, контейнер майдонлари қурилди. Катта масофаларда темир йўл линиялари қайта таъмирланди. Поездларнинг ҳаракат тезлиги оширилиши эвазига юк ва йўловчилар ташиш ҳажми кўпайди. 30-йилларда Сурхондарё ҳудудида янги темир йўл тармоқлари қурилди. Термиз-Келиф, Шўрчи-Денов, Термиз-Регар йўналишлари қайта таъмирланди. Янги темир йўл тармоқлари қурилиши натижасида мамлакат марказини хомашё билан таъминлаш, халқ хўжалигини тиклаш, тайёр маҳсулотларни ташиш, ёқилғини саноатини ривожлантириш имкониятлари яратилди [21, С.46].

Темир йўл тизимида муҳим ўзгаришлар бўлаётган бир паллада иккинчи жаҳон уруши бошланди. Бу даврда фронтни озиқ-овқат,

кийим-кечак, қурол-яроқ ва ҳарбий қўшинни ташишда темир йўлчилар алоҳида хизмат қилдилар. Худди шу даврда Сурхондарё ер ости бойликларидан унумли фойдаланиш, хусусан кўмир билан таъминлаш мақсадида Тўда кўмир конига темир йўл тортиш борасидаги ишлар олиб борилди. Сурхондарёдаги иккинчи кўмир кони бўлмиш Тўда конини ишга тушириш 1942-1944 йилларда амалга оширилди. 1942 йил 4 сентябрда район ижро-қўмининг 43-сонли қарорига асосан Тўда кўмир кони темир йўли қурилиши учун 264,23 гектар ер ажратилди. Сайроби қишлоқ кенгашидан “Ленин” жамоа хўжалигидан 80 гектар, Калинин жамоа хўжалигидан 35 гектар, Ворошилов жамоа хўжалигидан 13 гектар, Хўжабулғон қишлоғи ҳудудидаги Тельман жамоа хўжалигидан 23 гектар, Зарбдор жамоа хўжалигидан 38,68 гектар, Трактордан 50 гектар, Молотов жамоа хўжаликларидан 23 гектар ер ажратилган [22]. Бу ерга мамлакатимизнинг турли кўмир саноати корхоналаридан юзлаб мутахассислар оилалари билан кўчириб келтирилди. Тўда темир конини Болдир темир йўли билан бирлаштириш учун темир йўл қурилиши ҳам юборилди. Ҳозирги Музработ, Шеробод туманлари орқали Тўдага темир йўл олиб бориш ишида вилоятнинг минг-минглаб меҳнаткашлари сафарбар қилинди. Бир неча минг кубометр тупроқ ишлари бажарилди. Темир йўл излари Россиядан келтирилди. Лекин 1944 йилга келиб кўмир ҳавзалари фашист босқинчиларидан озод қилинган, бу ишлар тўхтатилди. Тўда кўмир кони шахтаси маҳаллий саноат тасарруфига топширилди [23, Б.18].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида темир йўл орқали Россиянинг турли ўлкаларидан саноат корхоналари ускуналари ва ишчи-техник ходимлари Сурхондарё вилоятига ҳам эвакуация қилинган. Кўчириб келтирилган саноат корхоналари асосан темир йўл тармоғига уланган Термиз шаҳри ва Денов туманига жойлаштирилди. Масалан, Украинанинг Кировоград областидаги ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган заводининг ускуналари “Боку-Вольф” 15 босмадаги қозон, гидронасос, 5 валикли валсофка, суткасига минг тонна чигит майдалаш қувватига эга бўлган шелешетин ва шунга ўхшаш жиҳозлар олиб келиб ўрнатилган. Бундан ташқари уруш йилларида фронт яқинидаги ҳудудлардан аҳоли эвакуацияси қилиш ва

фронтда озиқ-овқат, кийим -кечак ва фронт эҳтиёжи зарур бўлган бумлар ҳам айнан темир йўл тизими орқали амалга оширилган. Эътибор беринг биргина Сурхондарё вилоятидан 41,5 минг киши фронтга жўнатилди. Уруш йилларида 20709 киши вилоятга кўчириб келтирилди. Бундан ташқари Россия Федерациясининг ўзида салкам 60 минг, шу жумладан Уралда 22.600 минг киши, Сибирда 9000 ўзбек ишчилари ишлади. Сурхон воҳаси аҳолиси 1943 йил март ойига келиб Давлат Мудофаа фонди учун 6 минг бошдан ортиқ қорамол, қўй, эчки, 31250 пуд дон, 1125 кг асал ва майиз, 1937 пуд қуруқ мева, 30 минг литр муссалас, фронт бубртмасини бажарётган Тошкент ишчилари учун 46 вагон озиқ-овқат юбордилар [23, Б.14].

## Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда, Совет давлати пахтачиликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратган бўлса ҳам, аммо республика ҳаётида саноатни ривожлантириш хом ашёни қайта ишловчи корхоналарни барпо этиш, мавжуд табиий минерал бойликлардан фойдаланиш ва уни бутун иттифок манфаати йўлида хизмат қилишга сарфлаш ҳам совет давлати дастуридаги асосий вазифалардан бири эканлигини архив ҳужжатлари, жорий матбуот нашрлари материалларига таянган ҳолда таҳлил этиш мумкин.

Сурхон воҳаси ҳудудида темир йўл транспортининг пайдо бўлиши ва ривожланиши узоқ йиллик тараққиётга эга бўлди. Ўзбекистонда транспорт тараққиёти билан боғлиқ манбаларнинг далолат беришича, темир йўл транспортининг ривожлантирилиши жамият тараққиётига, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий жиҳатдан ривожланишига муҳим ҳисса қўшган.

## Темир йўллارнинг пайдо бўлиши Ўзбекистон учун ижобий аҳамиятга эга бўлди

Ўзбекистонда темир йўл соҳаси Совет ҳокимияти даврида назоратга олинди, асосан, ўлкадаги хом-ашё заҳираларини марказга ташиб кетишга мўлжалланган эди. Шунингдек, Россия империяси ва совет ҳокимияти йилларида бу ерда транспорт тизимининг ривожланиши Марказ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Бу борада хом ашё маҳсулотларини ташиб кетиш ва ҳарбий салоҳиятни мустаҳкамлаш марказ томонидан асосий мақсад сифатида белгилаб олинган эди. Шунга қарамай, темир йўллارнинг пайдо бўлиши Ўзбекистон учун ижобий аҳамиятга эга бўлди. Чунки у ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган эди.

Шунингдек, XX аср 30-40 йилларида амалга оширилган Ўзбекистон иқтисодиётидаги огир саноат тармоқларининг ривожлантирилиши республика аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маълум ижобий ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Аммо, Ўзбекистон Совет Иттифоқининг саноатлаштирилиши ва унинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшса-да, Россия империяси даврида бўлгани сингари асосан хомашё етказиб берадиган республика бўлиб қолаверди. Бу ҳолатни ёки жараёни Сурхондарё воҳаси мисолида ҳам юз берганлиги ва кўпроқ хом ашёни етказиб беришнинг пахта тозалаш заводлари, ёғ ишлаб чиқариш корхоналари, гўшт комбинатларига ихтисослашганлиги билан қайд этиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Қобилов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари.-Тошкент: Жайхун, 1993. -Б.1.
2. Амонова Ф. Бухоро амирлиги иқтисодиётига тарихий назар (XIX аср охири -XXаср бошлари).-Тошкент: "Yangi nashr", 2013.-Б.51, 51-52.
3. Мирзаев З., Қобилов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва пахта тозалаш заводи тарихи.-Термиз: Жайхун, 1996.-Б.7.
4. Ульмасбаев Ш.Н. Промышленное развитие Советского Узбекистана.-Ташкент, 1958. -С.103.
5. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и постановлениях съездов, второе, дополненное издание. -Ташкент: Узбекистан, 1968.-С.99.
6. КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК, изд. 8-е, т.2., -М.: Политиздат, 1970. -С.254.
7. Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. Т.2.-М., 1967.-С.88.
8. Виленский Е.Л. Ликвидация безработицы и аграрного перенаселения в Средней Азии и Казахстана. (1917-1932гг).-Алма ата: Наука, 1980. -С.11.
9. Ўз МА, Р-83-фонд, 3-рўйхат, 51-ийғма жилд, 5-варақ.
10. ЎзМА, Р-837-фонд, 15-рўйхат, 57-иш, 15-варақ.
11. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 95-фонд, 12-рўйхат, 5-иш, 94-варақ.
12. Сельское хозяйство области за годы Советской власти. -Термез, 1967. - С.
13. Декреты Советской власти. -М., 1973. - С.50
14. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Тошкент: Университет, 2002. -Б. 96,102.
15. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 95-фонд, 12-рўйхат, 6-иш, 39-варақ.
16. Турсунов С., Қобулов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. - Тошкент: Шарқ, 2004.-Б.275.
17. Ленин байроғи, 1991 йил, 28 июнь.
18. Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти.-Ташкент: Узбекистан, 1984.-С.11.
19. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 70-фонд, 1-ёзув, 16-иш, 38 варақ.
20. Азимов О. КПСС халқлари қардошлик оиласида совет Ўзбекистонининг социал-иқтисодий тараққиёти. -Самарқанд, 1985.-Б.13.
21. Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти. - Ташкент: Узбекистан, 1984. - С.46.
22. Бойсун тумани жорий архиви.
23. Авлиёкулов Қ ва бошқалар. Сурхон юдузлари. - Тошкент: "А.Қодирий нашриёти". 1995.-Б. 18.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Жураев Абдуғаффор Сафарович,**  
Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## ДЕҲҚОНЧИЛИК - ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланмиш Сурхондарё вилоятининг деҳқончилик соҳасидаги имкониялари, деҳқончиликнинг ривожланиш тарихи, деҳқончилик қилиш учун табиий-географик шароити илмий адабиёт ва манбаларга асосланиб таҳлил этилди. Шунингдек, вилоятнинг табиий шароитларига мос деҳқончилик турлари билан шуғулланишга ихтисослашган ҳудудлари кўриб чиқилди.  
**Калит сўзлар:** Деҳқончилик, кластери, Авесто, Сополлитепа, Наврўзнома, Юнон-Бақтри, Кужула Кадфиз, Занг канали, модернизациялаш, диверсификация, пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик кластерлари.

## СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО - ВАЖНОЕ СВЯЗИ ПРОЦВЕТЕНИЯ

**Аннотация.** В данной статье на основе научной литературы и источников проанализированы возможности в области сельского хозяйства Сурхандарьинской области, которая является южным регионом Узбекистана, история развития сельского хозяйства, природно-географические условия для земледелия. Также были рассмотрены районы региона, специализирующиеся на типах земледелия, соответствующих природным условиям.

**Ключевые слово:** Земледелие, кластер, Авеста, Сополлитепа, Наврузнома, греко-бактриан, Куджула Кадфиз, канал Занг, модернизация, диверсификация, хлопково-текстильные, зерновые, плодоовощные, виноградарские кластеры.

## AGRICULTURE IS AN IMPORTANT LINK OF PROSPERITY

**Annotation.** In this article, the opportunities in the field of agriculture of Surkhandarya region, which is the southern region of Uzbekistan, the history of the development of agriculture, the natural and geographical conditions for agriculture were analyzed based on scientific literature and sources. Also, areas of the region specializing in farming types suited to natural conditions were considered.

**Key words:** Farming, cluster, Avesta, Sopollitepa, Navro'znama, Greco-Bactrian, Kujula Kadfiz, Zang channel, modernization, diversification, cotton-textile, grain, fruit and vegetable, viticulture clusters.

## Кириш.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25-мартдаги қарорига асосан тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини ошириш илмий асосланган алмашлаб экишни ва суғоришнинг янги технологияларини жорий этиш ҳамда ўсимликлар ҳимояси бўйича хизматларни йўлга қўйиш ва замонавий лабораторияларни барпо этиш таъкидланди. Деҳқончиликдаги янгиликлар ва илгор тажрибалар бўйича фермерларни ўқитиш учун ердан фойдаланувчи (кластер)ларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар гектар майдонга бир миллион сўмдан субсидия ажратилиши белгиланди [1]. Ердан фойдалувчилар учун ернинг бонитет бали амалдаги ставкаси 25 фоизга, 3 балл ва ундан ошган ҳолда 50 фоизга ер солиғини камайтириш, деҳқончиликда янгича ёндашувлар соҳа мутахассисларига амалий имкониятлар учун катта йўл очилди [4].

Ер юзида инсоният пайдо бўлгандан кейин деҳқончилик ҳам шаклланиб бошлаганлиги тарихий манбаларда акс эттирилган. Осиё, хусусан, Марказий Осиё минтақаси ҳам

деҳқончиликнинг энг қадимий марказларидан ҳисобланади. Юртимизнинг 3 минг йиллик тарихини ёритувчи ёзма манба ҳисобланган "Авесто"да "Деҳқончилик билан шуғулланиш уч минг мартаба ибодат қилишдан афзал" эканлиги битилган ва ушбу китобда ер онага қиёсланган [3, 143].

Мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди Сурхон воҳасининг ҳам қулай табиати, серунум тупроғи, сув ва иқлим шароитларининг мавжудлиги узоқ даврлардан бошлаб ушбу ҳудуд аҳолисининг деҳқончилик билан шуғулланишларига шароит яратган.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Қадимдан Амударё бўйида истиқомат қилувчи воҳа аҳли суғорма деҳқончилик билан шуғулланишган. Хусусан, А.Асқаров, Ш.Шайдуллаев каби олимлар томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатимизда илк суғорма деҳқончилик қадимги Бақтрияда, яъни Сурхон воҳасида шаклланди [4, 8-32].

Археолог А.Асқаров томонидан Сурхон воҳасининг жанубий қисмида жойлашган Сополлитепа ёдгорлиги археологик тадқиқ этилиб, қадимда деҳқончилик хўжалиги юсак ривож топган манзилгоҳ бўлганлиги исботланди. Сополлитепадаги деҳқончилик маданиятининг шаклланиши милоддан аввалги III минг йиллик охири—II минг йиллик бошларида (бронза даврида) шаклланди, деган хулосага келинган. Шу жиҳатдан, воҳанинг деҳқончилик учун ўзлаштирилиши тўрт минг йилликдан кўпроқ тарихга эга [5, 40-43].

Деҳқончилик тарихи билан бевоҳарита боғлиқ ва уйғунлашган мавзу археолог Т.Шириновнинг Антик даврга

## МИЛОДДАН ОЛДИН 2000 ЙИЛЛАРДАН БОШЛАБ ДОИМИЙ СУҒОРИШ ТИЗИМИГА ЎТИШ ЖОРИЙ ЭТИЛА БОШЛАНГАН

оид деҳқончилик қуроли ва уларни кейинги такомиллаштириш жараёнлари Ўрта Осиё ҳудудида узоқ ўтмишга бориб тақалиши илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Шуларга асосан ҳам хулоса қилиш мумкинки, Моваруннаҳр (Сайхун ва Жайхун дарёлари оралиги) деҳқончилиги дунёнинг бошқа деҳқончилик ҳудудларига нисбатан узоқ ўтмишга эга эканлиги яъни Марказий Осиё қадим деҳқончилик марказларидан бири эканлигида намоён бўлади [6, 133].

## Тадқиқот методологияси.

Мақола умум қабул қилинган методлар-қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, Сурхондарё вилояти деҳқончилигининг иқтисодий имкони-ятлари тадқиқ этилган.

## Таҳлил ва натижалар.

Тадқиқотларнинг аниқлашича, милоддан аввалги давр яъни, Неолит давригача ҳам деҳқончиликда суғоришнинг лиман усули, яъни тоғ ва тоғолди минтақаларида сувни тўплаш

йўли билан сунъий суғоришни ихтиро қила бошлашган [7, 70]. Кейинчалик милоддан олдин 2000 йиллардан бошлаб доимий суғориш тизимига ўтиш жорий этила бошланган ва аввалги эрамиз бошларига келиб, суғориш усуллари бирмунча ўзлаштирилиб, аста-секинлик билан деҳқончиликнинг ривожига мос равишда каналлар чиқариш, ирригацион иншоотлар барпо этиш такомиллаштириб борилган. Кейинчалик IX-XII асрда яшабган буюк мутафаккирлар Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ҳаким Ат-Термизий ва бошқалар деҳқончилик билан шуғулланишда уни табиат билан тенг муносабат равишда олиб боришни тавсия этишган [8, 19].

Қадимги Рим тарихчиси Ката Плиний (милодий I аср) Бақтрияни унумдор ерларга, буғдой экинзорларига бой мамлакат, у ерда шоли ва деҳқончиликнинг бошқа соҳалари юксак ривожланган, деб таърифлаган. Антик давр тарихчи ва географлари Суғдиёнага ҳам шундай таъриф берадилар.

Юнон-Бақтрия давлати даврида маҳаллий ҳосилдорлик худоси Наҳид образи алоҳида эътиборда турган. Унга атаб махсус ибодатхоналар қурилган. Унинг ҳайкалчалари ибодатхоналарни безатиб турган. Сувга, ерга, қуёшга бўлган ҳурмат ва эътиқод кенг халқ оммасининг тасаввурида алоҳида ўрин тутган.

Юртимизнинг жанубий ҳудудларини ҳам қамраб олган қадимий Юнон-Бақтрия Шарқнинг йирик давлати сифатида 120 йилдан ортик (Милоддан аввалги III-II асрлар), вақт яшади. Шу давр ичида унинг иқтисодий ва маданияти кенг ривожланди. Бунинг учун бу ўлкада ҳамма шарт-шароит мавжуд эди. Масалан, Қадимги Рим тарихчиси ва географ Квинт Курций Руф Бақтрияни «табиати ҳар хил, унумдор ерлари ва

## Марғиёнада тоқларнинг зангларини йўғон, новдаларининг узун бўлишига эътибор берилган

аҳолиси кўп, улар буғдой ва арпани кўп экади, бу ерда меваларнинг барча турлари ўсади, узумзор-боғларга бурканган. Ҳайвон боқишга қулай, йилқиси кўп, чопқир отларга ва экинзорларга бой мамлакат» деб таърифлайди. Шу билан бирга, Курций Руф Бақтриянинг катта бир қисмини даштлар эгаллаганлигини, сувсизлик туфайли ўз ҳолига ташлаб қўйилган баъзи вилоятларда на одамлар, на мевалар борлиги, понт (денгиз) дан эсаётган шамоллар текисликларга қумларни суриб келтиришини ҳам кўрсатиб ўтган.

Ёки бу шаклда: Қадимги Рим тарихчиси ва географ Квинт Курций Руф Бақтрияни «табиати ҳар хил, унумдор ерлари ва аҳолиси кўп, улар буғдой ва арпани кўп экади, бу ерда меваларнинг барча турлари ўсади, узумзор-боғларга бурканган. Ҳайвон боқишга қулай, йилқиси кўп, чопқир отларга ва экинзорларга бой мамлакат» деб таърифлайди.

Антик давр тарихчи ва географ Страбоннинг ёзишича, Марғиёна Юнон-Бақтрия давлатига қарашли бўлиб, у ерда суғорма деҳқончилик кенг ривожланган, мамлакат ҳосилдор боғларга ва унумдор бошоқли экинзорларга бурканган. Марғиёнада тоқларнинг зангларини йўғон, новдаларининг узун бўлишига эътибор берилган.

Милоддан аввалги 140 йилларда Шимол-Фарбий Хитойдан келган бешта гуруҳдан иборат юзчилар (тоҳарлар) Сўғ ерлари орқали Амударёнинг ўрта оқимидаги Бақтрияга тегишли бўлган ерларни босиб олдилар. Гуйшуан

қабиласининг ябғуси Кужула Кадфиз бу қабилаларни ўзаро бирлаштириб, Кушон давлатига асос солди (мил.авв. I аср охири-мил. I асрнинг I ярми). Баъзи маълумотларда бу давлатнинг дастлабки пойтахти Далварзинтепа (Сурхондарёда) бўлганлиги айтилади.

Кужула Кадфиз даврида подшолик ҳудуди анча кенгайиб, унинг таркибига ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари, Жанубий Тожикистон, Афғонистон ва Кашмир ерлари қўшиб олинган. Археологлар Кушонлар даврига оид Баграм, Балх, Беган, Сурх-Кўтал (Афғонистон), Косамби (Ҳиндистон), Сирсуқс, Таксила (Покистон), Айритом, Бозорқалъа, Далварзинтепа, Зартепа, Термиз, Холчаён, Хайрободтепа (Ўзбекистон), Кайқубодшоҳ, Кўҳнақалъа, Шаҳринав, Мунчоқтепа (Тожикистон) ёдгорликларида тадқиқотлар олиб боришган [5, 40].

Ўзбекистон жанубидаги Занг канали ва бошқа каналлар, Дарғом канали ва Бухоро воҳасидаги каналлар, шунингдек, Тожикистон жанубидаги каналлар Кушон подшолиги даврида қазилган муҳия суғориш иншоотлари эди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, Кушон подшолиги даврда ўлкада сунъий суғориш тизимлари бир мунча ривожланганлигини ҳисобга олмаганда, деҳқончилик техникаси жуда секинлик билан такомиллашган. Бу даврда ясалган деҳқончилик қуроллари ниҳоятда соддалиги билан ажралиб туради [9].

Талли-Барзуда олиб борилган қазилмалар жараёнида Кушон подшолиги даврга тегишли деҳқончилик қуроли-омочнинг темирдан ясалган тиши топилган.

Милодий I асрдан бошлаб, Ўрта Осиёда дон янчиш учун ёрғучоқлардан кенг фойдаланишга ўтилган. Дастлабки ёрғучоқлар нисбатан кичкина бўлиб, улар кўпроқ қаттиқ тошлардан ясалган. Кейинчалик, яъни III-IV асрларга келиб уларнинг ўрнини айлана шаклдаги тегирмон тош-ёрғучоқлар эгаллаган. Ёзма манбалар ва археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, бу даврда техникавий, озуқабоп, полиз, боғдорчилик ва бошқа экинлар кенг тарқалган.

Кушонлар даври деҳқонлари донли, дуккакли экинларнинг маҳаллий шароитга мослашган серҳосил навларнинг вужудга келтиришган. Хоразмда III-IV асрларда турли хил узумлар етиштирилган. Ўрта Осиёда етиштирилган ва авлоддан-авлодга такомиллаштирилиб борилган ан халқ селекцияси намуналарини қўшни халқлар (жумладан, хитойликлар беда ва пахта уруғларини) олиб кетишган.

Жумладан, Ал-Ҳаким Термизийнинг «Наврўзнома» асарида (уқиши ўз умрининг кўпини астрономияга сарфлаганлигини, юлдуз ва бошқа сайёраларни чиқиш ва ботишларини, ҳолатларини ўрганиб, яхши ёки ёмонлик аломатларга олиб келишлигини кузатган) деҳқонлар экинларни шунга қараб эксалар ҳосил мўл ёки кам бўлишига ҳақида маълумот қолдирганлар.

Мисрда яшовчи зироаткор аҳолининг деҳқончиликдаги ҳосилдорлиги Нил дарёси сувининг миқдорига боғлиқ бўлиб, қадимдан дарё оқимидаги мавсумий ва даврий ўзгаришларни белгилаб туриш учун сув ўлчагич иншоотлари ўрнатилган. Халифалик таркибига киргач Мисрдаги вайрон бўлган ушбу сув ўлчагичларни қайта тиклаш ишлари олиб борилди. Нилометрни қайта тиклаш ишларига IX асрда халифалик маркази Боғдодаги «Байт-ул Ҳикма»да фаолият юритган мовароуннаҳрлик мутафаккир, буюк астроном ва математик бобомиз Аҳмад Ал-Фарғоний бошчилик қилиб, унинг ҳисоб-китоблари асосида тикланди. Нил дарёсидаги (Нилометр) сув ўлчаш асбобининг қайта ишга туширилиши натижасида деҳқончилик қайта ривож топиб, зироаткор аҳолининг турмуш тарзи яхшиланди.

Шуни қайд этмоқ керакки, Ўзбекистон худудида XIV- XV асрларга келиб тоғ олди минтақаларида суғоришни кориз усуллари, яъни қудуқ қозиш

билан ер ости сувларини ўзаро бириктириб далага сув чиқариш ва экинларни суғориш усуллари ҳам ишлаб чиқилган ва қўлланилган. Бу ноёб иншоотлар Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё минтақаларида ҳозиргача сақланиб қолган [10, 28].

Амир Темур фармойиши билан ўша даврда уч ва беш далали алмашлаб экиш жорий этилган ва бир дала тупроқ унумдорлигини тиклаш мақсадида тоза шудгор ҳолатида сақланган. Қуёш нуридан, ҳароратдан ва ёғингарчиликдан тўлиқ фойдаланиш мақсадида кузги ва баҳорги экинлардан бўшаган ерларга доимий равишда оралик экинлар экиш жорий этилган. Имкони бўлган жойларда бир майдондан уч мартагача ҳосил етиштирилган. Ариқларни тозалашда чиққан лойқа тупроқларни, эскирган девор ва тепалик тупроқларини ҳам ўғит сифатида ерга солишни ёки гўнгни тупроқ билан аралаштириб қўллашни ҳам тавсия этганлиги адабиётларда эътибор этилган.

Амир Темур бобомиз Чингизхон вайрон этган иншоотларни барчасини тиклаб яна янги каналларни нафақат мамлакатимизда бунёд этди, ҳатто “Тоғли Қорабоғ” да (Озарбайжонда) “Барлос” каналини қаздириб, у ерларни ҳам боғ-роққа айлантдики, ҳозирги кунда ҳам ушбу каналдан фойдаланилмоқда. Шунингдек, бобомиз Амир Темур ўз салтанатининг турли ҳудудларида бунёд этилган

кўшқу саройлар, масжид-у мадрасалар ва бошқа иморат-у иншоотлар атрофида кўплаб, улкан боғ-роғлар яратган. Жумладан, салтанат маркази Самарқанд ва унинг атрофида ўн иккита катта боғ барпо этганлиги тарихий манбалар орқали маълум.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бобомиз Амир Темур доимо ҳарбий ишлари билан машғул бўлиб, буюк салтанат барпо этиш билан бирга мамлакатни адолат билан бошқариб, унинг солиқ тизими ва ободончилик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Бу жиҳатлар “Темур Тузуқлари” даги қўйидаги жумлаларда ўз ифодасини топган: “Амр қилдимки, - деб ёзади соҳибқирон, - ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилгач, ҳосилни учга бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўловчи юбормасинлар. Агарда солиқ олишга юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Яна амр этдимки, кимда-ким бирон саҳрони обод қилса ёки кориз (ер ости сувларини тортиб чиқарадиган иншоот) қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар”.

Амир Темур ўз салтанатида солиқ солиш тартиби, миқдори ва уни ундириш ишларини ҳам кузатиб борган. Солиқ ва ўлпон йиғувчиларнинг фаолияти устидан доимий назорат ўрнатган ҳамда бунда албатта мамлакатни обод этиб, унинг ривожига ўз ҳиссасини қўшувчи фуқароларга алоҳида эътибор қаратиб, турли имтиёзлар берилишини таъкидлаган.

**Амир Темур ўз салтанатида солиқ солиш тартиби, миқдори ва уни ундириш ишларини ҳам кузатиб борган**

## Республиканинг барча ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурий лойиҳалар тасдиқланди

Мустақилликка эришгач Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Бухоро, Сурхондарё чўлларино боғу-бўстонга, гулзорларга айлантирган, ўнлаб сув омборларини бунёд этган, минглаб километрларга чўзилган каналлар ва иншоотларни қурилди [11].

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида олиб борилган изчил ислохотлар натижасида аграр соҳада фаолият юритишнинг янги тизими - кластер усули жорий этилиши қишлоқ хўжалигида соҳасида катта имкониятларга йўл очилди.

Республиканинг барча ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурий лойиҳалар тасдиқланди. Унга кўра, пахта-тўқимачилик, галлачилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик кластерлари томонидан бир неча юзлаб инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши кузда тутилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда етиштирилаётган хомашёни қайта ишлаш имкониятига эга бўлиш орқали экспорт ҳажмини ҳам ошириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ҳисобига халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга замин яратилмоқда.

## Хулоса.

Мустақил Ўзбекистон бугунги кунда илму-фан, техника, технологиялар, саноати ва деҳқончилиги ривожланган, галла ва пахта мустақиллигига эришди. Деҳқончиликнинг ривожланиши жамият тараққиёти билан бево-сита боғлиқ бўлиб, бугунги кун деҳқончилик тизимида бутунлай катта ўзгаришлар содир бўлди.

Кластер усулида фаолият юритиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш, янги иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантиришда қўл келаётир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. 2022 йил 25 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-179-сон “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
2. Мирзиёев Ш.-Видеоанжуман шаклида ўтган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) 14-саммитида сўзлаган нутқи. Янги Ўзбекистон газетаси № 45 (301), 2021 йил 4 март.
3. Фуломов Я. - Хоразмнинг суғориш тарихи қадимги замонлардан ҳозиргача. Т. “Фан”, 1959 й.
4. Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. - Т., 2001. - Б. 8-32
5. Асқаров А.А. Поселение древних земледельцев на юге Узбекистана // ОНУ, 1971. № 8. С. 40-43;
6. Широков Т. Орудия производства и оружие эпохи бронзы Среднеазиатского Междуречья: по данным экспериментально-трассологического изучения. - Узбекская ССР: «Фан», 1986. - С. 133
7. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида): Тарих фан. докт... дисс. автореф.: -Самарқанд: ЎзР ФА Археология институти, 2009. Б. 70.
8. Увватов У. Ал-Ҳаким Термизий (ҳаёти ва мероси) Тошкент: 2001
9. Ирригация Узбекистана. Том 1, Т. «Фан», 1975 г.
10. Орипов Р. -Зимние промежуточные культуры в земледелии Узбекистана, их влияние на плодородие почвы, урожайность хлопчатника и других культур (диссертация на соискание ученой степени доктора с-х наук). Самарқанд - 1982 г.
11. Навоий А. - «Маҳбуб ул -кулуб» - Том 13, Т. «Энциклопедия Анўз», 1966 й.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Отамуродов Шавкат Нусратиллаевич,**  
Термиз иқтисодиёт ва сервис университети  
ўқув ишлари бўйича проректори,  
иқтисодиёт фанлари доктори  
E-mail: shavkat\_otamurodov@tues.uz;

**Фармонова Мафтуна Норпўлат қизи,**  
Термиз давлат университети  
ўқитувчиси  
E-mail: farmonovam8@gmail.com

## ХУДУД ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон жанубий минтақаси (Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти) саноат тармоғининг ривожланиш ҳолати, амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари асосида минтақа тармоғида мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш йўллари тақлиф этилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий барқарорлик, саноат сиёсати, ҳудудий ривожланиш, диверсификация

## РОЛЬ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ РЕГИОНОВ

**Аннотация.** В статье анализируется состояние развития промышленного сектора южного региона Узбекистана (Кашкадарьинская и Сурхандарьинская области), структурные изменения в отрасли региона, тенденции и перспективы её развития. По результатам анализа выявлены существующие проблемы в в промышленной отрасли региона и предложены пути их устранения.

**Ключевые слова:** экономическая стабильность, промышленная политика, региональное развитие, диверсификация.

## THE ROLE OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE REGIONAL ECONOMY

**Annotation.** The article analyzes the state of development of the industrial sector of the southern region of Uzbekistan (Kashkadarya and Surkhondarya regions), structural changes in the region's industry, trends and prospects for its development. Based on the results of the analysis, the existing problems in the industrial sector of the region were identified and ways to eliminate them were proposed.

**Key words:** economic stability, industrial policy, regional development, diversification.

## Кириш.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашида ундаги иқтисодий тузилманинг самарадорлиги муҳим ўрин тутди. Жамият эволюцияси давомида иқтисодий тизимлар шаклан ва таркибан ўзгариб мамлакатлар иқтисодий тараққиётини таъминлаган. Дунё мамлакатларининг барчасида ҳам трансформацион жараёнлар бир хил кечмади. Айрим ҳудудларда саноат инқилоби натижасида индустриаллаштирилиш жараёнлари нисбатан олдинроқ бошланиши эвазига аграр жамиятни ўрнига индустриал (саноатлашган) жамиятнинг шаклланишига олиб келди.

XVIII – асрнинг иккинчи яримида Буюк Британияда бошланган саноат инқилоби дастлаб Европа мамлакатларида саноатнинг ривожланишига олиб келди. Ушбу мамлакатлардаги саноат инқилоби нафақат ишлаб чиқаришда машиналардан оммавий фойдаланишнинг бошланишига, балки, жамият тузил-

масининг ўзгаришларга олиб келди. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлигининг кескин ўсиши, урбанизация жараёнларининг тезлашиши, жадал иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасининг ошиши таъминланди.

Шу сабабли асрлар давомида жаҳон иқтисодиётида, айниқса саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида мазкур мамлакатлар ҳукмрон бўлиб келишди. XX-асрнинг иккинчи яримида кўплаб мамлакатлар ўз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда саноат тармоғи корхоналарини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсатни амалга оширдилар. Айрим мамлакатларда амалга оширилган самарали саноат сиёсати натижасида жаҳон иқтисодиёти харитасида янги индустриал мамлакатлар пайдо бўлди. Хусусан, Осиёда – Ҳонконг (ХХР), Корея Республикаси, Сингапур, Тайвань, Америка қитъасида – Мексика, Бразилия ва Аргентина каби мамлакатлар 1960-1990 йиллар давомида қолоқ аграр мамлакатдан ривожланган индустриал мамлакатларга айланишга мувоффақ бўлишди.

Кейинги йилларда саноатни ривожлантириш эвазига иқтисодий барқарорликка эришган мамлакатлар сони сезиларли ортди. XX -XXI асрлар бошидаги жаҳон иқтисодиётида илгари маълум бўлмаган янги ҳодиса ва тенденцияларни вужудга келмоқда. Рақамли технологияларнинг ривожланиши иқтисодиётнинг барча тармоқларда, шу жумладан саноатда ҳам рақамли трансформацияни амалга оширишни талаб этади.

Мамлакатимизда ҳам амалга оширилган ислохотларда иқтисодиёт таркибида саноат тармоғини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва унинг янги технологик риво-

## ФАРМОННИНГ 22-МАҚСАДИДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЯИМДАГИ УЛУШИНИ 1,4 БАРОБАРГА ОШИРИШ НАЗАРДА ТУТИЛГАН

жланишга ўтиш жараёни халқаро саноат маҳсулотлари бозорларида рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда. Маҳаллий саноат корхоналари жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлашда илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришиш, тармоқда мавжуд муаммоларнинг янги ечимларини излаб топиш, шунингдек глобаллашув туфайли юзага келаётган иқтисодий ҳавфсизлик масалалар ечимини топиш лозим. Сўнгги йилларда мамлакатимизда саноат тармоғининг ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонинг 22- мақсадида саноат маҳсулотларининг ЯИМдаги улушини 1,4 баробарга ошириш назарда тутилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда қурилиш материаллари, тўқимачилик ва электротехника саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга ошириш, чарм-пойабзал маҳсулотларини ҳажмини 3 баробарга кўпайтириш

мақсадлари белгиланган [1]. Бундан ташқари маҳаллий sanoat тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, унинг таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириш вазибалари белгиланган. Ушбу мақсадларга эришиш учун мамлакатимиз ҳудудларда sanoat тармоғини ривожланиш бўйича салоҳиятини баҳолаш, ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мамлакат иқтисодиёти таркибининг иқтисодий барқарорлигига таъсири масаласи кўплаб иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари марказида турган. АҚШ иқтисодчи олими С.Кузнец ўз тадқиқотларида мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида технологик тараққиётнинг муҳимлигини қайд этган. Яъни технологик тараққиёт қўшилган қиймати юқори ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши имконини бериши орқали мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлайди [2]. Кўпчилик иқтисодчи олимлар технологик тараққиёт таъминлашда давлатнинг самарали sanoat сиёсати муҳимлигини қайд этишади. Масалан, Ф. Агион ва бошқа тадқиқотчилар Хитойдаги йирик ва ўрта корхоналарга оид ун йиллик (1998-2007) маълумотларни таҳлил қилиб мамлакатдаги рақобатбардош sanoat тармоқ ва корхоналарни ривожлантиришга қаратилган sanoat сиёсати мамлакат иқтисодий ривожланишида ижобий натижа берганлигини аниқлашганлар. Уларнинг фикрича, sanoat сиёсатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан истиқболда рақобатбардош бўлиши мумкин

бўлган корхона ва тармоқларни аниқлашга боғлиқ [3]. Х. Чанг ўз тадқиқотида мамлакатлар sanoat сиёсатининг тарихини таҳлил этиш асосида жаҳон иқтисодиётида ривожланган мамлакатлар рақобат-бардошлигининг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилган [4]. А.Гамбарделла sanoat тармоқларида инновациялар жорий этига қаратилган сиёсатнинг корхоналар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошлигига таъсирини баҳолага [5]. Н. Холматов мамлакатимизда sanoat сиёсатининг институционал муаммоларини тадқиқ этган. Унинг фикрича, sanoat сиёсати корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилиши мақсадга мувофиқ [6]. Яъни, ички бозор сифими йирик sanoat корхоналарининг ривожланиши имконини бермайди. Албатта, ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этиш ва янги маҳсулот яратишда йирик sanoat корхоналарнинг имконияти кенгроқ бўлади. Ушбу нуқтаи-назардан ёндашганда sanoat тармоғини ривожлантириш ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашда йирик корхоналар ривожланиши учун шароит яратиш лозим. А. Бўрхонов тадқиқотида мамлакатимиздаги sanoat корхоналарининг рентабеллигини ошириш масалалари тадқиқ этилган [7]. М. Олимов sanoat ишлаб чиқаришини ривожлантириш орқали мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганган [8]. Бундан ташқари айрим тадқиқотлар мамлакатимиз sanoat маҳсулотлари экспортни ривожлантириш йўналишлари [9], ва sanoatининг

**мамлакатимизнинг  
10,7 фоиз ялпи ички  
маҳсулоти ушбу ҳудудда  
яратилади**

ривожланишга ташқи бозор конъюнктура-сида ўзгаришларни аниқлашга қаратилган [10]. Шу билан бирга юқоридаги тадқиқот ишларида sanoat сиёсатини амалга оширишнинг ҳудудий хусусиятлари ўрганилмаган. У.Шукуров sanoatнинг Қашқадарё вилояти иқтисодиётида ўрни таҳлил қилган, шу билан бирга sanoatнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар мазкур тадқиқот доирасида ўрганилмаган [11]. Н.Баходиров тўқимачилик sanoati корхоналарининг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилган, аммо, ушбу тадқиқот фақат Фарғона вилояти тўқимачилик sanoati корхоналарини қамраб олган [12]. Ўз навбатида sanoat сиёсатининг амалга оширишда мамлакат ҳар бир ҳудуднинг салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари ҳисобга олинishi ҳамда sanoat корхоналарининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш муҳим. Айнан ушбу маълумотлар асосида ҳар бир ҳудуд учун мос келадиган sanoat корхоналарини ривожлантиришнинг самарали дастурларлари ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

## Тадқиқот методологияси.


Ушбу мақола доирасидаги тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, шунингдек, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва бошқа давлат идораларининг очиқ маълумотлари статистик маълумотларидан фойдаланилди. Мазкур маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, sanoat сиёсати ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил қилинди. Бундан ташқари sanoat сиёсати ва унинг асосий йўналишлари мавзусига оид назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотлар муҳим жиҳатлари таҳлили асосида тегишли хулосалар шакллантирилди.

## 2000 йилда мамлакатимизда яратилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 7,2 фоизи Қашқадарёга ва 5,1 фоизи Сурхондарё вилоятларига тўғри келган

### Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистон жанубий минтақаси Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлардан иборат бўлиб, умумий майдони 48,7 минг кв. км. ташкил этади, мамлакатимизнинг 10,7 фоиз ялпи ички маҳсулоти ушбу ҳудудда яратилади. Сўнги йиллар давомида минтақа ЯХМ барқарор ўсиб, унинг таркибида сезиларли ўзгаришлар руй берди. Хусусан, минтақа номинал ЯХМи 2012-2021 йиллар давомида 4,3 баробар, (Сурхондарё - 4,7, Қашқадарё - 4 баробар) ўсди [13]. Сурхондарё вилоятида ЯХМ ўсиш суръатлари Қашқадарё вилоятига нисбатан юқори бўлиши натижасида ушбу даврда мавжуд тафовут сезиларли даражада қисқарган. Шу билан бирга Қашқадарё вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми сезиларли даражада юқорилиги сақланиб қолиб, 2021 йилда минтақа ялпи ҳудудий маҳсулотининг 59,3 фоизи айнан ушбу вилоятда ишлаб чиқарилади (2012 йилда - 62,8%).

Шу билан бирга, сўнги йилларда минтақанинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти шаклланишидаги улуши камайди. Хусусан, 2000 йилда мамлакатимизда яратилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 7,2 фоизи Қашқадарёга ва 5,1 фоизи Сурхондарё вилоятларига тўғри келган бўлса, 2021 йилга келиб уларнинг ҳиссаси мувофиқ равишда 6,0 фоиз ва 4,1 фоизни ташкил этди (1-расм). Яъни, минтақанинг мамлакат ЯХМдаги улуши 12,3 фоиздан 10,1 фоизгача тушди. Бу эса, минтақадаги иқтисодий ўсиш суръатлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан паст бўлганлигидан далолат беради.



1-расм Мамлакат ЯҲМ шаклланишида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг ўрни (2000 ва 2021 йиллар)<sup>3</sup>

Шу билан бирга, қайд этиш лозимки, ЯҲМ шаклланишида турли вилоятларнинг ҳиссаларининг пасайиши мамлакатимизнинг аксарият ҳудудларида кузатилди. Аксинча, Тошкент шаҳри (12,2 фоиздан-16,6 фоизгача), Навоий вилояти (4,5 фоиздан-8,1 фоизгача) ҳудудларнинг ЯҲМ шаклланишидаги улушлари сезиларли даражада ўсди. Ушбу таҳлиллар кўрсатиб турибдики, мамлакатимизда ушбу даврда ЯҲМ шаклланишида вилоятлар ўртасида тафовутлар кучайиб борган, ҳозирги кунга келиб атиги иккита маъмурий ҳудудда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 24,7 фоизи шаклланди [13].

Мазкур тафовут ҳудудлараро аҳоли доромадлари ва турмуш даражасидаги тафовутларни вужудга келтиради. Ўз навбатида, саноат тармоғининг ҳудудлараро ривожланишидаги фарқларнинг ҳам ушбу тафовут кучайишида маълум даражада ҳиссаси бор.

Сўнгги йилларда минтақа ЯҲМ шаклланишида сезиларли таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, шу билан бирга, ҳудуд ЯҲМи шаклланишида қишлоқ хўжалиги етакчилиги сақланиб қолмоқда. 2021 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигида яратилди (Қашқадарёда - 41,1 %, Сурхондарё вилоятида 47,9%). Ўз навбатида саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида мувофиқ равишда 18,0 % ва 7,4% ни ташкил этди (2-расм). Бундан ташқари, 2017-2021 йиллар давомида Қашқадарё вилоятида саноатнинг ЯҲМдаги улуши сезиларли камайган (24,5 фоиздан 18 фоизга), Сурхондарё вилоятида аксинча ўсган (6,4 фоиздан 7,4 гача).



2-расм Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ЯҲМ таркиби<sup>4</sup>

## 2019 йилда, Сурхондарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада қисқарганлигини кўришимиз мумкин

Шу билан бирга, мазкур ҳудудда саноат ҳам юқори суръатлар билан ривожланганлигини қайд этиш лозим. Аммо саноат тармоғининг ўсиш суръатлари бошқа тармоқлар ўсишига нисбатан паст бўлганлиги сабабли ялпи ҳудудий маҳсулотда унинг улуши ошишига олиб келмаган.

Бундан ташқари, ушбу вилоятларда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш динамикаси ҳам барқарор эмас. Ўсиш суръатларининг ҳажми йиллар бўйича сезиларли фарқланади, масалан, Қашқадарёда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг энг юқори ўсиши 2021 йил қайд этилган (115,4 %), Сурхондарёда эса 2018 йилда (128,1 %).

Шу билан бирга, Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2010, 2012 ва 2019 йилларда, Сурхондарё вилоятида эса 2018 йил сезиларли қисқарганлигини кўришимиз мумкин (3-расм).

Аммо, қайд этиш лозимки, вилоятларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши туманлар кесимида фарқланади. Масалан, 2017 йилда Сурхондарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 16,8 фоизга қисқарган, аммо вилоятдаги 14 та туман ва шаҳарлардан олтитасида (Термиз ш., Термиз, Олтинсой, Жарқўргон, Шерабод ва Сариосиё туманлари) саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсган. Шу каби тенденцияни Қашқадарё вилояти мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. 2019 йилда Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йилга нисбатан 6,3 фоизга қисқарган, шу билан бирга вилоятдаги 14 та туман ва шаҳарлардан тўққизтасида саноат ишлаб чиқариши ўсган. Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми Касби,



3-расм Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажми<sup>5</sup>

<sup>3</sup> Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари статистика бошқармалари маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди  
<sup>4</sup> Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари статистика бошқармалари маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари статистика бошқармалари маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди


Қамаши, Муборак ва Косон туманларида сезиларли даражада камайган. Ушбу маълумотлар ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш салоҳияти тўлиқ фойдаланилмаётганлиги, туманлар кесимида ишлаб чиқариш диверсификацияси соҳасида муаммолар мавжудлиги ҳамда амалдаги саноатни ривожлантириш сиёсати ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаганлигидан далолат беради.

Жанубий минтақадаги саноат тармоғи ривожланишининг туман ва шаҳарлар кесимидаги таҳлили саноат ривожланиши даражасининг вилоят туманлари бўйича сезиларли тафовутлар мавжудлигини кўрсатади.

Масалан, 2021 йилда Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари асосан 3 та туманда, Нишон, Ғўзор туманлари ва Қарши шаҳрида ишлаб чиқарилган, ушбу ҳудудларга вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 59,6 фоизи тўғри келади (4-расм).

## Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,8 баробар ўсган

2010-2021 йиллар давомида Муборак туманининг вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 51,2 фоиздан 3,3 фоизга тушганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолат бир томондан вилоятнинг айрим туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсиши билан изоҳланади. Нишон туманида ушбу даврда - 88,1 баробар, Деҳқонобод туманида 25,2 баробар, Касби туманида 22,9 баробар Яккабоғ туманида 20,4 баробар ўсган. Иккинчи томондан, ушбу



4-расм. Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқаришида туманларнинг улуши 2010 ва 2021 йиллар (жамига нисбатан фоизда)<sup>6</sup>

даврда Муборак туманида саноат ишлаб чиқариш ҳажми беш баробар қисқарганлиги билан изоҳланади.


Сурхондарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришининг туманлар кесимидаги таҳлили ҳам туманлар ўртасида ушбу кўрсаткич бўйича сезиларли тафовутлар мавжудлигини кўрсатади. 2021 йилда вилоятнинг бешта ҳудудида (Термиз ш., Жарқўрғон, Саросиё, Шўрчи ва Шерабод туманлари) саноат маҳсулотларининг 61,8 фоизи ишлаб чиқарилган.

Ушбу даврда Термиз шаҳри ва Саросиё туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши сезиларли ўсган бўлса, Денов, Жарқўрғон ва Шўрчи туманларида эса, аксинча, унинг улуши сезиларли пасайган (5-расм).

2010 йилда ушбу туманларга вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 41,1 фоизи тўғри келган бўлса, 2021 уларнинг улуши 30,5 фоизи ташкил этган.

Шу билан бирга Қашқадарё вилоятидан фарқлироқ мазкур туманларнинг вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улушининг қисқариши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши ҳисобидан эмас, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларининг бошқа туманларга нисбатан пастроқ бўлиши натижасида рўй берган. Хусусан, ушбу даврда вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,8 баробар ўсган бўлса, Денов, Жарқўрғон ва Шўрчи туманларида мувофиқ равишда 4,5, 7,4 ва 7,5 баробар ўсган.

## Тўқимачилик саноатида яратилган маҳсулотларнинг асосий қисмини калава ип ташкил этади



5-расм. Сурхондарё вилояти саноат ишлаб чиқаришида туманларнинг улуши 2010 ва 2021 йиллар (жамига нисбатан фоизда)<sup>7</sup>

Юқорида келтирилган маълумотлар жанубий минтақа ҳудудларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича сезиларли тафовутлар мавжудлигини кўрсатади. Бу бир томондан, ушбу ҳудудларнинг ихтисослашувидаги фарқланиш натижаси бўлса, иккинчи томондан, ҳудудлар салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари тўлиқ реализация этилмаганлигидан далолат беради.

Тадқиқотимизда жанубий минтақада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби ҳам таҳлил этилди.

Қашқадарё вилоятида 2010-2021 йиллар давомида тоғ-қон саноати ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоизга қисқариб, вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмида улуши 70,7 фоиздан 11,1 фоизгача тушган. Электр энергия ишлаб чиқариш эса аксинча, 25,5 баробар ўсиб вилоят саноат маҳсулотларидаги улуши 3,5 фоиздан 23,4 фоизгача етган. Вилоятда ишлаб чиқариш саноати ривожланишида ҳам ижобий натижаларга эришилган, мазкур саноат тармоқлари 9,7 баробар ўсиб уларнинг саноат маҳсулотларидаги улуши 25,5 фоиздан 84,6 фоизга етган. Ишлаб чиқариш саноати тармоқлари таркибида тўқимачилик, кимё ва озиқ-овқат саноатлари етакчилик қилади. Мазкур саноат корхоналарига вилоятда ишлаб чиқариш саноати томонидан яратилган маҳсулотларининг 45,2 фоизи тўғри келади. Сўнги йилларда вилоятда кимё саноати жадал суръатлар билан ривожланган, 2010-2021 йилларда ушбу тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми 25,3 баробар ўсиб, ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотлардаги улуши 3,4 фоиздан 30,6 фоизга етган. Тўқимачилик саноатида яратилган маҳсулотларнинг асосий қисмини калава ип ташкил этади.

Сурхондарё вилоятида Қашқадарё вилоятдан фарқлироқ саноат маҳсулотлари таркибида ишлаб чиқариш

## Киритилган 80 та лойиҳа бўйича 1144,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди

саноат тармоқларининг улуши юқори бўлиб, тадқиқот даврида ушбу тармоқларда ишлаб чиқариш 8,9 баробар ўсиб вилоятдаги улуши 89,4 фоизга етган. Ўз навбатида электр энергия ишлаб чиқариш корхоналарининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда улуши 7,5 фоиздан 5,4 фоизгача тушган. Вилоятда тоғ-қон саноатининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришида улуши 3,7 фоиз ташкил этади. Вилоятда мавжуд ер ости ресурсларини қазиб олиш билан шуғулланувчи корхоналар сони кўпайиб, улар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми 6,4 баробар ошган. Аммо, шу билан бирга вилоятда катта ер ости ресурслар захиралари мавжудлигини ҳисобга олсак мазкур саноат тармоқларининг ривожланиш имкониятлари тўлиқ фойдаланилмаётганлиги тўғрисида хулоса қилишимиз мумкин.

Қайта ишлаш саноат тармоқлари таркибида тўқимачилик, озиқ-овқат саноати муҳим ўрин тутди. Ушбу соҳа саноат корхоналарида вилоятда қайта ишлаш саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 64,5 фоизи яратилади. Шунингдек, саноат маҳсулотлари таркибида бошқа нometалл минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефть ва кокс қайта ишлаш маҳсулотлари ва кийим маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоқли ҳиссага эга.


Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида вино, ароқ маҳсулотлари ва пиво 1,9 % (2020- йил январь-декабрь ойларида 3,4 %)ни ташкил этади. Ҳудудлар кесимида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг вилоят бўйича энг юқори улуши Термиз шаҳрига тўғри келиб 19,5

% ни, Шўрчи тумани 14,0 % ни, Денов тумани 12,9 % ни ташкил этади. Шунингдек, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиш суръатида вилоят ўсиш суръати (110,1 %) даражасидан юқори кўрсаткич Бандихон (183,9 %), Олтинсой (136,0 %), Сарисиё (134,1 %), Узун (128,3 %), Шўрчи (125,1 %), Музработ (125,0 %), Жарқўрғон (123,2 %) ҳамда Ангор (121,2 %) туманларида қайд этилди.

2021 йилда Қашқадарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 4922,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 26,3 % ни ташкил этади. Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Китоб туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 98,7 %), Шаҳрисабз (84,0 %), Яккабоғ (80,7 %), Чироқчи (79,5 %), туманларида ва Шаҳрисабз шаҳрида (77,6 %) кузатилди.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасида киритилган 80 та лойиҳа бўйича 1144,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 6,6 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди.

Минтақада ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1 фоизга ҳам етмайди (Сурхондарё- 0,3%, Қашқадарё – 0,5%) ва мамлакатимиз бўйича бу кўрсаткичдан нисбатан паст (6-расм).



6-расм Саноат маҳсулотларининг технологик даражаси бўйича таркиби<sup>8</sup>

Минтақадаги саноат корхоналарнинг асосий қисми қуйи технологияли санаот корхоналарини ташкил этади. Ушбу корхоналарнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши Сурхондарё вилоятида 65 фоизни, Қашқадарё вилоятида эса 47,2 фоизни ташкил этади.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Сурхондарё вилоятида саноат маҳсулотларнинг асосий қисми қуйи ва ўрта қуйи технологиялари корхоналар томонидан ишлаб чиқилади, Қашқадарё вилоятида ўрта юқори технологияли корхоналарнинг улуши мамлакатимиз бўйича ўртача кўрсаткичга мос келиб 22,3 фоизни ташкил этади. Аммо, шу билан 50 фоиздан зиёд саноат маҳсулотлари қуйи ва ўрта қуйи технологияли корхоналар томонидан яратилади.

**Қашқадарё вилоятида ўрта юқори технологияли корхоналарнинг улуши мамлакатимиз бўйича ўртача кўрсаткичга мос келиб 22,3 фоизни ташкил этади**

## Хулоса ва таклифлар.

Мавзу доирасида тадқиқотимиз кўрсатишича мамлакатимиз жанубий ҳудудида саноат ишлаб чиқариши сезиларли даражада ўсган, кўплаб янги турдаги саноат маҳсулот турлари ишлаб чиқарилиши йўлга қуйилган. Шу билан бирга ҳудуддаги саноат корхоналари ривожланишида маълум муммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

1. Ҳудуд саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишининг барқарорлиги. тадқиқот даврида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида йиллар кесимида сезиларли тебранишлар мавжудлиги, ҳудудий саноатга ички ва айниқса, ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришларининг таъсири юқорилгидан далолат беради.

2. Ҳудуд ЯХМ шаклланишида саноатнинг улуши юқори эмас, ҳудуднинг ялпи ҳудудий маҳсулоти шаклланишида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутмоқда. Сурхондарё вилоятида саноатнинг улуши бироз ўсган, Қашқадарё вилоятида эса аксинча, сўнгги даврда саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг шаклланишидаги ҳиссаси сезиларли камайган. Бу эса, ўз навбатида минтақада саноатни ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойдаланилмаётганлигидан далолат беради.

3. Саноат маҳсулотларнинг технологик даражаси бўйича таркибининг таҳлили кўрсатишича минтақада саноат маҳсулотларининг асосий қисми қуйи ва ўрта-қуйи технологик маҳсулотлардан иборат. Яъни қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг сони кам. Бу эса, саноат маҳсулотларнинг ЯХМ шаклланишида салмоғининг ошишига ва тармоқнинг қўшимча иш ўрини яратишдаги аҳамиятининг ўсишига имкониятини чеклайди.

## Диверсификация жараёни минтақа саноат таркибини ташқи бозордаги конъюнктуравий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши лозим

Назаримизда саноат тармоғининг минтақа иқтисодий барқарорлигини таъминлашда аҳамиятини ошириш мақсадида ҳудудий саноат сиёсатининг қуйидаги соҳаларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ.

Ҳудуддаги саноат ишлаб чиқаришини барқарорлигини таъминлашда тармоқ ишлаб чиқаришини диверсификацияси муҳим ўрин тутди. Диверсификация жараёни минтақа саноат таркибини ташқи бозордаги конъюнктуравий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши лозим. Шу билан бирга, саноат маҳсулотлари таркибида қўшилган қиймати юқори ва технологик жиҳатдан мураккаб турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга шароит яратишга эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Саноат сиёсати кўплаб бошқа иқтисодий сиёсатлар билан, жумладан, таркибий сиёсат, инвестиция сиёсати, ташқи савдо сиёсати, бюджет-солиқ сиёсати ва бошқа иқтисодий сиёсатлар уйғунлашган ҳолда амалга оширилган тақдирдагина самара беради. Шу сабабли ҳудуд саноат ишлаб чиқаришини таъминлашда барча макро-иқтисодий сиёсат дастакларидан иборат комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимдир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январидagi ПФ-60-сонли "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони
2. Довбенко М.В. Современные экономические теории в трудах нобелиантов: учебное пособие : [по специальностям: 080100 "Экономика", 080200 "Менеджмент"] М.: Академия естествознания, 2011, 305 стр.
3. Aghion P. et al. Industrial policy and competition // American economic journal: macroeconomics. - 2015. - Т.7. - №.4. - С.1-32.
4. Chang H. J. Kicking away the ladder: development strategy in historical perspective. - anthem Press, 2002.
5. Gambardella A., McGahan A. M. Business-model innovation: General purpose technologies and their implications for industry structure //Long range planning. - 2010. - Т.43. - №.2-3. - С. 262-271.
6. Холматов Н. Давлат саноат сиёсатини амалга оширишнинг институционал муаммолари //Экономика и финансы (Ўзбекистан). - 2018. - №.11. - С.2-8.
7. Burkhanov A. Саноат корхоналарининг рентабеллигини ошириш йўллари //Архив научных исследований. - 2020. - №. 21.
8. Олимов М.К. Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш орқали мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари. Иқтисодиёт ва таълим. -2022. -маҳсул сон, 274-280 бетлар
9. Отамуродов, Ш. (2022). Перспективы развития экспорта промышленной продукции Узбекистана. Экономика и образование, 23(6), 383-389.
10. Farmonova M.N. Industrial development in Uzbekistan. Journal of intellectual property and human rights -2022, Volume 01/ Issue12, PP.23-31.
11. Шукуров У. Қашқадарё вилояти иқтисодиётида саноат комплексининг ҳиссаси //Иқтисодиёт ва таълим. - 2022. - Т. 23. - №. 4. - С. 256-262.
12. Баходиров Н. Тўқимачилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир килувчи омиллар таҳлили //Иқтисодиёт ва таълим. - 2022. - Т. 23. - №. 6. - С. 378-383.
13. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расми вебсайти очик маълумотлари (www.statuz)
14. Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси очик маълумотлари (https://surxonstatuz/)
15. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси очик маълумотлари (https://qashstatuz/)



## МИНТАҚАНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада ишбилармонлик муҳитини фаоллаштириш асосида минтақани комплекс ривожлантириш йўллари тадқиқ қилинган ва назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ишбилармонлик муҳити, инвестиция, инвестицион фаоллик, рақобатбардошлик, тадбиркорлик субъекти, либераллаштириш.

## ЗНАЧЕНИЕ АКТИВИЗАЦИИ ДЕЛОВОЙ СФЕРЫ В ОБЛАСТИ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ

**Аннотация.** В статье изучены пути комплексного развития региона на основе активизации бизнес-среды и разработаны теоретические выводы.

**Ключевые слово:** деловая среда, инвестиции, инвестиционная деятельность, конкурентоспособность, хозяйствующий субъект, либерализация.

## THE IMPORTANCE OF ACTIVATING THE BUSINESS ENVIRONMENT IN THE COMPREHENSIVE DEVELOPMENT OF THE REGION

**Annotation.** In the article, the ways of comprehensive development of the region based on the activation of the business environment were studied and theoretical conclusions were developed.

**Key words:** business environment, investment, investment activity, competitiveness, business entity, liberalization.

## Кириш.

Бугунги кунда ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий иқлим жозибдорлигини оширишга доир ҳаракатларни фаоллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон иқтисодиёти риволанишига назар ташласак, уларда инвестицион фаоллигини ошириш мамлакатда иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Бунда ҳар бир минтақани рақобатбардошлик афзалликларидан, ишбилармонлик муҳитини фаоллаштиришдан мавжуд табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, ҳизматлар ва меҳнат салоҳиятидан унумли фойдаланишни таъминлаш орқали комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида бизнес юритиш шарт-шароитларни янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 5 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган кредит ва лизинглари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун уч йил муддатгача компенсация тақдим этилмоқда [1].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган [2].

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Минтақаларни комплекс ривожлантиришда ишбилармонлик муҳитини шакллантиришнинг айрим илмий-усlubий ва амалий жиҳатлари бир қатор хориж ва мамлакатимиз олимлари, М.Бандман, Ж.Будвилль, Ф.Перру, В.Кристаллер, А.Леш, У.Изард, А.Гран-берг, С.А.Суспицин, Р.Я.Досумов, А.А.Солиев, М.А.Абдусяямов, К.Х.Абдурахмонов, Д.Алматова, Т.М.Ахмедов, А.А.Қаюмов, Б.Р.Рузметов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.М.Содиқов, Ш.Х.Назаров, А.М.Қодиров, А.В.Маматқулов ва бошқаларнинг [3] илмий ишларида тадқиқ этилган. Шундай бўлсада, илмий адабиётларда аксарият ҳолатда минтақаларни анъанавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эътибор берилган бўлиб, инновацион иқтисодиётни шакллантириш, комплекс ривожлантиришда ишбилармонлик

## Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази ҳар ойда иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги 1000 нафар тадбиркор ўртасида сўров ўтказди

муҳити самарадорлигини ошириш муаммолари етарлича тадқиқ этилмаган. Шу сабабли минтақа иқтисодиётини келажақда комплекс ривожланишига асос бўладиган тармоқларни аниқлаган ҳолда, уларда ишбилармонлик муҳитини ошириш механизмларини такомиллаштириш жуда долзарб ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган [4]. Дастурда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда, тадбиркорлик субъектларини текширишларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асосиз аралашининг олдини олишда, тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини янада либераллаштиришда, молиявий ҳамда солиққа тортиш тизими ва божхона ишини такомиллаштиришда, тадбиркорларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини кучайтириш, бизнес юритиш шароитларини яхшилаш, инвестициявий жозибдорлигини ва республиканинг халқаро рейтингини ошириш соҳасида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази ҳар ойда иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги 1000 нафар тадбиркор ўртасида сўров ўтказди (1-расм).

Ишбилармонлик муҳитининг йиғма индекси ҳозирги ҳолат ва кутилаётган кўрсаткичлар асосида шакллантирилмоқда. Улар, ўз навбатида, бизнес юритишдаги тўсиқлар ҳақида ташвишланиш даражасини намойиш этадилар. Жаҳон банкининг "Корхона сўрови" методологиясига кўра, тадқиқотнинг танлаб олиш методологияси саноат табақалаштирилган тасодифий намунадир. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳити индекси "Ifo Institut" иқтисодий тадқиқотлар институти ва "Berlin Economics" консалтинг компанияси кўмагида Германиянинг ишбилармонлик муҳити индекси (Geschäftsklimaindex) методологияси асосида ишлаб чиқилган.

Респондентларнинг 41%и ўз бизнесининг ҳозирги ҳолатини "яхши" деб баҳолаган бўлса, "ёмон" деб қайд этганларнинг улуши 14%ни ташкил этди. Корхоналарнинг 20%и ишчилар сонини

кўпайтирди, тадбиркорларнинг 41%и товарлар/хизматларга бўлган талабнинг ўсишини қайд этди. Жорий йилнинг январь ойида ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати кўрсаткичи 13 пунктга пасайди ва 34 пунктни ташкил этди, бу эса қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳолатининг ёмонлашгани билан изоҳланади. Шунга қарамай, қурилиш соҳасида жадал ривожланиш қайд этилди.

Кейинги 3 ой ичида бизнесни ривожлантириш истиқболларини кутиш кўрсаткичи 76 пункт билан юқори даражада қолмоқда, бу барча соҳаларда унумдорлик билан қўллаб-қувватланади.

Жорий йилнинг январь ойида тадбиркорларнинг 50%и турли тўсиқларга дуч келганликларини таъкидладилар. Шундай қилиб, энг долзарб муаммолар сифатида респондентлар молия ва ердан фойдаланишдаги қийинчиликлар, электр ва газ таъминоти тизимидаги узилишлар, шунингдек, солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ ставкаларининг юқорилигини қайд этишди.

Сурхондарё вилоятида ҳам иқтисодий жараёнларни янада жадаллаштириш борасида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Айнан мана шу омил минтақада инвестицион иқлимнинг ижобий томонга ўзгариши, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодга сармояларни жалб этишга шарт шароит яратиб беради.

Вилоятда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш энг аввало молиявий маблағлар ва хом ашё ресурслари билан таъминлаганлик даражаси, бошқарув тизимининг сифати, кадрлар салоҳияти, меҳнат бозорининг шаклланганлиги ва ундаги мувозанат каби бир қанча омиллар билан узвий боғланган. Шу ўринда минтақада бозор, транспорт, ижтимоий ва коммуникациявий инфратизимнинг ривожланганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.


Вилоятда тадбиркорлик ва маҳаллий ташаббускорликка таъсир этувчи омилларнинг энг асосийлари сифатида тадбиркорлик субъектларининг хом ашё ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳисобланади. Сурхондарё вилояти шароитида ушбу муаммо айниқса саноатни ривожлантиришда ўта долзарб ҳисобланади. Шу туфайли ҳам четдан келтирилаётган хом ашёни олишда бир қанча муаммолар туғилмоқда. Муаммоларни бартараф этишнинг йўлларида бири хом ашё манбалари мавжуд ҳудудардаги тадбиркорларни лойиҳага шерикликка чақириш. Шу аснода қўшни вилоят тадбиркорлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган минтақалараро лойиҳаларни ишга тушириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай лойиҳаларда хом ашёни қазиб олиш ва етказиб бериш қўшни минтақа тадбиркорлари зиммасига юклатилса, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш маҳаллий тадбиркорлар томонидан амалга оширилади.

Шунингдек маҳаллий ташаббусга асосланган лойиҳаларни амалга ошириш айна пайтда кўпроқ молиявий маблағлар таъминотига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу борада молия сектори инфраструктурасини ривожлантиришдан ташқари молиявий ресурсларни олиш имконияти кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра кўпчилик франчайзинг, форфейтинг каби янги хизматлар ҳақида кам маълумотга эга, лизинг хизматлари эса асосан қишлоқ хўжалиги машиналарини ижарага олгандагина ишлатилади.

## Худудий жойлаштиришда ишлаб чиқариш майдончалари, транспорт тизими, меҳнат ресурслари, газ, сув ва электр таъминот тизимларини ҳисобга олиш керак

Маҳаллий ташаббускорликка асосланган лойиҳаларни амалга оширишда вилоятнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу йўналишда ишларни узлуксиз олиб бориш молиявий маблағлар ва янги технологияларни жалб қилиш учун салоҳиятли инвесторларга вилоятдаги мавжуд ресурслар, ишлаб чиқариш майдонлари, ишлаб чиқариш объектларига инвестицияларни киритиш учун ҳолати тўғрисидаги маълумотларни бериш талаб этилади.

Бундан ташқари мавжуд инвестиция ресурсларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқариш соҳалари ва уларни худудий жойлаштириш лойиҳаларини амалга оширишни мониторингини такомиллаштириш талаб этилади. Худудий жойлаштиришда нафақат маълум бир ишлаб чиқариш учун минерал ҳомашэ ресурсларнинг мавжудлиги, балки зарур инфратузилма – ишлаб чиқариш майдончалари, транспорт тизими, меҳнат ресурслари, газ, сув ва электр таъминот тизимларини ҳисобга олиш керак.



1-расм. 08.2020-01.2023 йилларда ишбилармонлик муҳити кўрсаткичи динамикаси

## Хулоса.

Вилоятда тадбиркорлик муҳитини яхшилашда хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги муаммолар ҳам ўз ечимини топиши керак. Ҳозирги пайтда вилоятда вужудга келган беқарор экологик вазият хорижий инвестицияларни, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга жиддий тўсқинлик қилмоқда. Бироқ, маҳаллий ташаббускорлик ва иш кучи сифати борасида мазкур минтақада мавжуд таққослама устунликлар хорижий инвестициялар оқимининг кескин ўсишига имкон яратади. Бу, ўз навбатида, қурилиш материаллари, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари ривожланишига туртки беради.

Тадбиркорлик муҳитига жиддий таъсир кўрсатаётган омиллардан яна бири – бу энергетика таъминотидир. Кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида юз бераётган кетма-кет узилишлар натижасида ишлаб чиқариш самардорлиги ва маҳсулот (хизматлар) сифатига жиддий таъсир етказаяпти. Шунинг учун маҳаллий даражада муқобил энергетика манбааларини шакллантириш, қаттиқ энергетика тежамкорлигини йўлга қўйиш, кам энергия сарф қилувчи технологияларни қўллашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга турли хил имтиёзлар ва преференциялар жорий этишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда техник талаблар (санитария, экология, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштириш ва бошқалар) каби махсус норматив ҳужжатларни, самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бекор қилиш юзасидан танқидий қайта кўриб чиқиш зарур.

**хорижий  
инвестицияларни жалб  
қилишдаги муаммолар  
ҳам ўз ечимини топиши  
керак**

Жойларда ишбилармонлик муҳитини доимий таҳлил қилиб, баҳолаб боришни йўлга қўйиш, бу борада ишларни тизимли асосда олиб бориш учун дастурий чора – тадбирларни белгилаш бизнес учун қулай шароит яратиш ва сармоядорларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, 1 декабрь 2022 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сонли “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори.
3. Бандман М.К. Территориально-производственные комплексы. – Новосибирск, Наука. 1990; Лёш А. Географическое размещение хозяйства. – М., 1959; Изард У. Методы регионального анализа. – М., Прогресс, 1966; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. – М., 2000; Шнипер Р. и др. Региональные проблемы рыноковедения. – Новосибирск, Наука. 1993; Рафиев А.А. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари. – Т., 2011. – 23 б. Солиев А.С., Янчук С.Л. Размещение производительных сил и поляризованное развитие экономики Узбекистана. – Т., 2005. – 173 с.; Абдусаломов М., Алимов А. Производительные силы и совершенствование экономических связей. – Т.: Узбекистан, 1986; Абдурахманов К.Х. и др. Размещение производительных сил. – Т., 2006; Алматова Д. Тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари – Т., 2013, Ахмедов Т.М. и др. Региональная экономика. – М., 2006; Рузметов Б.Р. Комплексное развитие региона. – Т., 1998; Садыков А.М. Основы регионального развития. – Т., 2005; Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного комплекса. – Т., 2003; Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентной способности регионов. Т., 2011.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.
5. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар Дастури, 2016 йил 5 октябрь.
6. <https://review.uz/oz/post/biznes-klimat-uzbekistana-predstavlen-na-platfome-trading-economics>.



“TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi” ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Pardayev Lochinbek Farhod o'g'li,**  
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti  
“Iqtisodiyot va aniq fanlar” kafedrasini o'qituvchisi,  
E-mail: lochinbek.pardayev@mail.ru

## O'ZBEKISTON VA MINTAQA MAMLAKATLARI O'ZARO SAVDO ALOQALARINING HOZIRGI HOLATI (MDH MAMLAKATLARI MISOLIDA)

**Annotatsiya:** Tashqi savdo aloqalari mamlakat rivojlanishining asosiy tarmog'laridan biri hisoblanadi va bu tarmoq jamiyat rivojlanishining ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy muammolarini hal qilish bilan bevosita bog'liq. Iqtisodiy jihatdan bir biriga yaqin mamlakatlarning o'zaro savdo aloqalarini olib borishi bu maqolada ko'rib chiqilgan. O'zaro savdo aloqalarini olib boradigan mamlakatlarning eksport import tarkibini tahlil qilish va savdo aloqalari tarkibida tayyor mahsulot ulushini oshirish ayniqsa dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

**Kalit so'zlar:** Eksport, import, diversifikatsiya, tashqi savdo, resurs, tovar, integratsiya.

## СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ТОРГОВЫХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И РЕГИОНОМ (НА ПРИМЕРЕ СТРАН СНГ)

**Аннотация:** Внешнеторговые отношения являются одной из основных отраслей развития страны, и эта отрасль напрямую связана с решением социальных, экономических и политических задач развития общества. В данной статье рассматриваются торговые отношения между странами, экономически близкими друг другу. Особое значение имеет анализ состава экспорта и импорта стран, имеющих взаимные торговые отношения, и увеличение доли готовой продукции в составе торговых отношений.

**Ключевые слова:** Экспорт, импорт, диверсификация, внешняя торговля, ресурс, товар, интеграция.

## THE CURRENT STATE OF TRADE RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND THE REGION (ON THE EXAMPLE OF THE CIS COUNTRIES)

**Abstract:** Foreign trade relations are one of the main branches of the country's development, and this branch is directly related to solving social, economic and political problems of society's development. This article examines the trade relations between countries that are economically close to each other. Analyzing the composition of export and import of the countries with mutual trade relations and increasing the share of finished products in the composition of trade relations is of particular importance.

**Key words:** Export, import, diversification, foreign trade, resource, commodity, integration.

## Kirish.

Sonngi yillarda O'zbekiston va MDH davlatlari jahon xo'jalik aloqalarida faol ishtirok etayotgan mamlakatlardan hisoblanadi. Mamlakatlarning asosiy turdagi resurslarning boy zaxiralari ega ekanligi, muhim savdo-transport yo'llari kesishgan joyda joylashganligi, mamlakatda ichki barqarorlikning ta'minlanganligi va boshqa omillar respublikalarning savdo-iqtisodiy aloqalarni kengaytirishga salbiy ta'sir ko'rsatmaydi, balki ijobiy ta'sir ko'rsatadi. O'zbekiston va MDH o'rtasidagi savdo-iqtisodiy aloqalar mustaqillik yillarda sifat va miqdor jihatidan o'zgarib bordi. Uning tarkibiy tuzilishida milliy iqtisodiyotning ehtiyojiga mos o'zgarishlar amalga oshirildi. Shu bilan birga, hali foydalanilmagan imkoniyat va salohiyatlar borki, ulardan iloji boricha samarali foydalanish zarur. Tashqi savdo samaradorligini oshirish, eksport tarkibini diversifikatsiyalash va import tarkibini takomillashtirish orqali jahon xo'jalik tizimiga integratsiyalashish mamlakatlarning tashqi iqtisodiy siyosatining asosiy yo'nalishlaridan hisoblanib, bu eng avvalo, shu bilan izohlanadiki, mamlakat tashqi savdosining hozirgi holati tovar va xizmatlar eksportidan barqaror valyuta tushumlari olish imkoniyatini bermaydi.

Eksport tarkibining bir yoqlamaligi, unda xom ashyo tovarlarining ustuvor o'ringa ega ekanligi, eksportga chiqarilayotgan tovarlar assortimentining torligi mamlakatlar iqtisodiyotini jahon bozorlaridagi konyunkturaviy o'zgarishlarga bog'liq qilib qo'yimoqda

Adabiyotlar tahlili. Tashqi savdo aloqalari bo'yicha va xalqaro savdo nazariyalarining konseptual asoslarini yaratish, o'zaro savdo aloqalariga ta'sir ko'rsatadigan qoidalar va xulosalari bo'yicha bir qator xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlar ilmiy izlanishlar olib borgan.

Xalqaro savdoning mohiyati va unga ta'sir etuvchi omillar, tashqi iqtisodiy faoliyatning milliy iqtisodiyot rivojlanishiga ta'siri, eksport siyosati va tashqi savdo strategiyalarini ishlab chiqishning nazariy-uslubiy jihatlari xorijlik iqtisodchi-olimlar – A. Smit, D. Rikardo, E.Xeksher, B.Olin, V.Leontev, P.Samuelson, R.Vernon, M.Porter, J.Saks, A.Marshall, P.Krugman, D. Xiks, Dj. M. Keyns, F.Xayek va boshqalar tomonidan chuqur o'rganilgan.

Bozor munosabatlariga o'tish sharoitida tashqi savdoning o'ziga xos xususiyatlari, milliy xo'jaliklarning jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashuvining nazariy va amaliy muammolari, eksport salohiyatini oshirishning barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlashdagi roli MDH olimlari –V.I.Famichev, I.V. Kakushkina, M.S. Varonin, A.P. Kiriye, M. Dabrovki, E.F. Avdokushin, L.I. Abalkin, J.M.Adilov, A.Amriyev, O.V.Ibragimov, I.Yu. Benke, va boshqalarning ilmiy tadqiqotlarida o'z aksini topgan[1].

O'zbekistonning jahon xo'jalik tizimiga integratsiyalashuvining asosiy yo'nalishlari, mamlakatimiz tashqi iqtisodiy faoliyatini rivojlantirishning ilmiy-amaliy jihatlari, eksport salohiyatini oshirish imkoniyatlari respublikamiz iqtisodchilari – N.Sirajiddinov, A.V.Vaxabov, A.M.Alimov, T.M.Ahmedov, Sh.Arifxonov, A.K.Bedrinsev, A.Sh.Bekmuradov, A.Isad-

jonov, V.V.Kindalov, E.X.Maxmudov, A.F.Rasulov, E.F.Trushin, N.T.To'xliyev, Sh.J.Ermamatov, F.X.Xakimov, N.B.Xolmatov, R.X.Shodiyev, B.Ergashev, A.S.Yusupov va boshqalarning ilmiy ishlari-da keng yoritib berilgan [2].

## Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolaning nazariy va uslubiy asoslari dialektik tahlil usuli bo'lib, uning ilmiy va bilim qobiliyatlari tashqi savdo munosabatlarini tahlil etishga imkon beradi. Maqolada qo'llanilgan usullar ba'zi hollarda

daliliy kuchga ega bo'lgan va o'rganilayotgan masalaning xususiyatlarini ochib beradigan zarur dalillarni oddiy bayon qilish imkoniyatini istisno etmaydi. Tadqiqot iqtisodiy va boshqa fanlarning yutuqlari, iqtisodiyot fanlar qonunchiligi bo'yicha xorijiy va o'zbekistonlik olimlarning asarlari, savdo aloqalarini tahlil qilish, o'zaro savdo to'g'risidagi amaldagi qonunchilik va amaliyotga asoslangan.

## 1991-2015-yillarda paxta tolasining eksportdagi ulushi qisqarib, yetakchilik mavqeyi pasaydi.

### Tahlil va natijalar.

Ta'kidlash joizki, tashqi savdo tarkibini diversifikatsiyalash ikki yo'nalishda amalga oshiriladi: birinchidan, tashqi savdoning geografik tarkibini diversifikatsiyalash, ikkinchidan, uning tovarlar tarkibini takomillashtirish.

O'zbekiston tashqi savdoda sezilarli son va sifat ko'rsatgichlariga, jumladan eksport va import tovar tarkibida ijobiy o'zgarishlarga erishdi. 1991-2015-yillarda tashqi savdo tovar tarkibida quyidagi o'zgarishlar sodir bo'ldi:

1. Paxta tolasining eksportdagi ulushi qisqarib, eksportdagi yetakchilik mavqeyi pasaydi. Agar 1991-yilda paxta tolasining jami eksportdagi ulushi 53,7%ni tashkil etgan bo'lsa 2015 10% bo'ldi.

2. Energiya manbalari va neft mahsulotlari guruhining eksportdagi ulushi ortdi. 2015-yilda 26% eksport ushbu guruh tovarlariga to'g'ri keladi.

3. Xizmatlar eksportining ulushi o'sib bordi. 1995-yilda 7,7%, 2005-yil 12,2 % 2015-yilga kelib qariyb 3,3% gacha pasaydi.

4. Eksport tarkibida qo'shilgan qiymati yuqori bo'lgan tayyor mahsulotlarning ulushi ortib bormoqda. Hozirgi paytda eksportning umumiy hajmida xomashyo bo'lmagan mahsulotlarning ulushi 70%dan ko'proq.

5. Eksport tarkibining diversifikatsiya darajasi o'smoqda. Jumladan, avtomobillar, tekstil mahsulotlari, mineral o'g'itlar, qurilish materiallari, meva va sabzavotlar kabi mahsulotlar eksporti o'sdi.

**2020-yil tashqi savdo aylanmasida MDH davlatlarining ulushi 32,6%ni tashkil etdi**

6. Ishlab chiqarishni texnik va texnologik modernizatsiya qilish bilan bog'liq tarzda mashina va asbob-uskunalar eksportining asosiy qismini egallamoqda. 2010-2015-yillarda o'rtacha 42% import ushbu tovarlar hissasiga to'g'ri keladi[1].

O'zbekistonning MDH mamlakatlari bilan eksport tovar tarkibida ham ijobiy o'zgarishlar yuz berdi. Respublikamizning MDH davlatlar bilan savdo-iqtisodiy aloqalarini maqsadga muvofiq rivojlantirishi uning tovar tarkibini takomillashtirish bilan yaqindan bog'liq. Tahlillar shuni ko'rsatadiki, O'zbekistonning MDH davlatlari bilan tashqi savdo aloqalari muhim rol o'ynaydi (1-jadval).

N°	Mamlakatlar	Tashqi savdo aylanmasi	Eksport	Import
1	Rossiya Federatsiyasi	5,6	1,5	4,1
2	Qozog'iston	3	0,9	2,1
3	Qirg'iziston	0,9	0,7	0,2
4	Turkmaniston	0,52	0,12	0,4
5	Tojikiston	0,5	0,4	0,1
6	Belorussiya	0,25	0,05	0,2
7	Ozorbayjon	0,08	0,05	0,03
8	Ukraina	0,43	0,12	0,41
9	Moldova	0,012	0,008	0,004
10	Armaniston	0,07	0,04	0,03



1-rasm. O'zbekiston Respublikasining tashqi savdo aylanmasida MDH mamlakatlari va boshqa xorijiy davlatlarning hajmlari dinamikasi



2-rasm. O'zbekistonning MDH mamlakatlariga eksporti va umumiy eksport hajmidagi ulushi (foizda)

1992-yil 4-yanvarda O'zbekiston Respublikasi MDH (Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi)ga a'zo bo'ldi. O'zbekiston Respublikasining MDH mamlakatlari bilan tashqi savdo aylanmasi 2020-yil yanvar-dekabr holatiga ko'ra 11 830,0 mln. AQSH dollarini tashkil etdi. Shundan eksport - 4 098,3 mln. AQSH dollariga yetgan bo'lsa, import - 7 731,7 mln. AQSH dollari qiymatida qayd etildi.

O'zbekiston Respublikasining MDH mamlakatlari bilan tashqi savdo aylanmasining eng yuqori hajmlari Rossiya Federatsiyasi (47,7%), Qozog'iston (25,5%), Qirg'iz Respublikasi (7,6%), Turkmaniston (4,5%) va Tojikiston (4,2%) davlatlari bilan qayd etildi[3].

O'zbekiston Respublikasi tashqi savdo aylanmasining uchdan bir qismi MDH davlatlari hissasiga to'g'ri keladi va bu ko'rsatkich so'nggi yillarda biroz o'zgardi.

Respublikamizda tashqi savdoni qo'llab-quvvatlash hamda MDH davlatlari bilan ushbu sohada hamkorlikni yanada mustahkamlash bo'yicha olib borilayotgan chora-tadbirlarga qaramay, 2020-yil tashqi savdo aylanmasida MDH davlatlarining ulushi 32,6%ni tashkil etib, tashqi savdo aylanmasidagi 2019-yilga nisbatan ulushi 2,0% ga kamaygan.

So'nggi uch yilda O'zbekiston Respublikasining MDH mamlakatlariga umumiy eksporti 2019-yilga qaraganda deyarli 8% ga kamaygan, boshqa xorij mamlakatlari hissasi deyarli o'zgarishsiz qolgan. O'zbekistonning MDHga qilgan eksporti 2018-yilda jami eksportning 35,8 foizi to'g'ri kelgan bo'lsa, 2020-yilda bu ko'rsatkich 27 foizni tashkil etgan (3-rasm).[2]

2020-yil yakunida Tovar va xizmatlar eksporti bo'yicha asosiy hamkor davlatlar tarkibida XXR (eksport umumiy hajmining 12,8%i), Rossiya Federatsiyasi (9,7%), Turkiya (6,7%), Qozog'iston (6,0%), Afg'oniston (5,1%), Qirg'iziston Respublikasi (5,0%) va Tojikiston (2,7%) davlatlari saqlanib qolmoqda hamda, ularning jami eksportdagi ulushi 48,0%ni tashkil etmoqda.

Mamlakatimizning importida MDH mamlakatlarining ulushi eksportga qaraganda kamroq ulushga ega. Import tovarlarining asosiy qismi uzoq xorij mamlakatlari hissasiga to'g'ri keladi. O'zbekiston MDH davlatlaridan qiladigan import mahsulotlarining ulushi 2019-yilda 36,7% ni tashkil qilgan bo'lsa, 2020-yilga kelib bu ko'rsatkich nisbatan pasaydi va 36,5% ni tashkil etdi (3-rasm) [4].

O'zbekiston va MDH mamlakatlari o'zaro savdo aloqalarining hozirgi holati haqida quyidagi xususiyatlarni ajratib ko'rsatish imkonini beradi.

MDH mamlakatlari O'zbekistonning asosiy savdo hamkori hisoblanadi. Geografik jihatidan yaqinlik, tarixiy shakllangan iqtisodiy va madaniy aloqalar, iqtisodiy va transport kommunikatsiya jihatidan bog'liqlik kabi omillar ushbu mamlakat bilan savdo aloqalarni rivojlantirish muhim asos hisoblanadi.



3-rasm. O'zbekistonning MDH mamlakatlariga importi va uning umumiy import hajmidagi ulushi (foizda)

MDH mamlakatlari bilan savdo-iqtisodiy aloqalarni yanada rivojlantirish mamlakatimizda ishlab chiqarilgan mahsulotlarni yirik ko'lamli bozorga eksport qilish, boshqa xorij mamlakatlari bilan savdo aloqalarini olib borishda ushbu mamlakatning transit salohiyatidan unumli foydalanish, bu mamlakatlarning xom ashyo resurslaridan foydalanish imkonini beradi.

## Xulosa va takliflar.

MDH mamlakatlari O'zbekistonning asosiy savdo hamkori hisoblanib, O'zbekiston tashqi savdo aylanmasining asosiy qismi aynan MDH mamlakatlari hissasiga to'g'ri keladi. O'zaro savdo aloqalari o'tgan davr davomida son va sifat jihatidan ijobiy ko'rsatgichlarga erishgan bo'lsada, eksportning tovar tarkibini texnologik jihatidan murakkablik darajasi bo'yicha tahlil qilinadigan bo'lsa, resurs hajmli va past texnologiyali tovarlar ulushi o'rta va yuqori texnologiyali tovarlar ulushiga nisbatan ko'proq ekanligini ko'rish mumkin.

Jahon xomashyo mahsulotlari bozori konyunkturasi tayyor mahsulotlar bozorida farqli o'laroq nobarqaror va unda tibranishlar darajasi yuqori hisoblanadi. Buning eng asosiy sababi shundaki, xom ashyo mahsulotlarining narx va daromadlar bo'yicha talab elastikligi past. Shu sababli bu holat makroiqtisodiy barqarorlik va iqtisodiy o'sish sur'atlariga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Xomashyo mahsulotlari qiymatida tayyor mahsulotlarga nisbatan qo'shilgan qiymat salmog'i

past bo'ladi. Shundan kelib chiqqan holda aytish mumkinki, barqaror iqtisodiy o'sish va aholi turmush farovonligini yaxshilashni ta'minlashga iqtisodiyotda chuqur tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirish hamda ishlab chiqarilayotgan va eksport qilinayotgan tovarlar tarkibida tayyor mahsulotlar ulushini oshirish orqaligina erishish mumkin.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Дабровки М. Обновленный Европейский союз и СНГ реални экономического сотрудничества. //Неприкосновенный запас. - 2007, №6 (56): - С. 26-30.; Махашов Х.К. Формирование устойчивого агропромышленного производства Казахстана в условиях глобализации экономики: опыт и проблемы.//Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. Республика Казахстан, Туркестан. - 2010.; Пилипенко И.В. Конкурентоспособность и интеграция: кластерная политика в Европейском Союзе //Сборник научных трудов ИММО РАН «Интеграционные процессы в современном мире: экономика, политика, безопасность». - Москва.: 2007. - С. 24-32.
2. Alimov A.M., Xamedov I.A. O'zbekiston Respublikasida tashqi iqtisodiy faoliyat asoslari. 2-nashri. T.: "O'AJBNT" Markazi, 2004. - 328 b; Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана. - 2004.; Alimov.A.M. Qurbonova M.N. "Mamlakatlar jahon xo'jaligiga integratsiyalashuvining innovatsion jihatlari" - T.: "Extremumpress", 2016. - 304 b.; Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A, Xajibakiev Sh.X. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. T.: "Baktira press", 2015. - С. 448.; To'xliyev N. "Osiyo taraqqiyot modeli". - T.: "O'zbekiston", 2015. - 176 b.; Бекмурадов А.Ш. Внешнеэкономическая политика Республики Узбекистана в контексте экономической безопасности. //Халқаро муносабатлар, - 2000. №2. - С. 3-11.; Трушин Э., Прибиткова В. Сравнительные преимущества Узбекистана в международной торговле.// Экономический вестник Узбекистана. - 2000.: №3. - С. 10.; Xolmatov. N.B. O'zbekistonda tashqi savdo sohasida boshqaruv tizimining takomillashuv yo'nalishlari.// "Mamlakatlar tashqi iqtisodiy faoliyati samaradorligini oshirining innovatsion jihatlari: xorij tajribasi, zamonaviy tendensiyalar, ustuvor yo'nalishlari" respublika ilmiy-amaliy konferensiya 1 qism. T.: 2017. - B. 150-153; Shodiyev R.X. O'zbekiston eksport salohiyatini oshirishning dolzarb masalalari.//Xalqaro munosabatlar.-2000.- №.: - B. 23-26.
3. Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiev Sh.X. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar.T 2015. - B. 232.
4. <http://stat.uz/> - O'zbekiston Respublikasi Statistika Agentlegi ma'lumotlari.

**Xomashyo mahsulotlari  
qiymatida tayyor  
mahsulotlarga nisbatan  
qo'shilgan qiymat  
salmog'i past bo'ladi**



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Базаров Собиржон Бекташович,**  
Термиз иқтисодиёт ва сервис университети "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
E-mail: [bazarovsobir@mail.uz](mailto:bazarovsobir@mail.uz)

## НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ ҲИКОЯЛАРИДА ХАРАКТЕР ВА МИЛЛИЙ РУҲ

**Annotatsiya.** Кейинги йилларда насрдаги миллий характернинг эстетик талқини ва бадиий ифодаси образлар олами орқали ёритилиш жараёни истеъдодли адиб Н.Норқобиловнинг бир қатор ҳикояларида ўзининг жуда теран, бадиий жиҳатдан мукаммал ифодасини топганини кузатиш мумкин. "Етим қолган гуллар", "Кекса тут", "Қуёш тutilган кун", "Зангори кўл", "Рўмолча", "Чорраҳа" "Кураш" каби ҳикояларига назар ташлар эканмиз, улардаги инсон характери ва руҳияти ўзига хос тарзда ифодаланганини кузатиш мумкин. Мазкур мақолада образлар оламининг бадиий ифодасида характернинг шаклланиши жараёни таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** характер, миллий рух, бадиий талқин, эстетик тафаккур, маҳорат, образлар олами, руҳият ифодаси.

## ХАРАКТЕР И НАЦИОНАЛЬНЫЙ ДУХ В РАССКАЗАХ НОРМУРОДА НОРҚОБИЛОВА

**Абстрактный.** Эстетические интерпретации в прозе последующих лет, процесс ее художественного выражения освещался через мир образов, можно заметить, что в ряде рассказов талантливого писателя Н. Норқобилова интерпретация национальных характеров нашла весьма широкое распространение. глубокое и художественно совершенное выражение. Когда мы смотрим на такие истории, как «Осиротские цветы», «Старая шелковица», «День затмения», «Голубое озеро», «Платок», «Перекресток», «Борьба», человеческий характер и дух выражаются уникальным образом в мире художественных образов, внимание уделялось характерообразованию в выражении.

**Ключевые слова:** характер, национальный дух, художественная интерпретация, эстетическое мышление, мастерство, образный мир, одухотворенность, художественное выражение.

## CHARACTER AND NATIONAL SPIRIT IN NORMUROD NORQOBILOV'S STORIES

**Abstract.** Aesthetic interpretations in the prose of the following years, it can be observed that, the interpretation of national characters and the process of its artistic expression being illuminated through the world of images formed a very deep and artistically perfect expression in a number of stories of the talented writer N. Norqobilov. When we look at stories like "Yetim qolgan gullar", "Keksa tut", "Quyosh tutilgan kun", "Zangori ko'l", "Ro'molcha", "Chorraha", "Kurash", the human character and spirit are expressed in a unique way in the world of artistic images. This article discusses the process of character formation in the expression.

**Key words:** character, national spirit, artistic interpretation, aesthetic thinking, skill, world of images, spirituality, artistic expression.

## Кириш.

Ўзбек насри умум-адабиётимизнинг ажралмас таркибий қисмидир. Янгича миллий-адабий тафаккур, реалистик наср ривожини XX аср бошларида қалам тебратган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа ижодкорларга бориб тақалади. Ижодкорларимиз янги давр адабиётида Европа адабиёти мезонлари билан ўлчаганда ҳам бадиий мукаммал асарлар яратдилар; реалистик тасвир тамойилларига хос хусусиятлар улар ёзган ҳикоялар поэтикасида ҳам намоён бўлди. Ўзбек насри тарихида ҳаққонийлик, ҳаётийлик ва миллий ўзига хослик каби фазилатлар йиллар давомида ижодий жараёндан озикланиб, сезиларли даражада юксалди. 20-30-йиллар ўзбек адабиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий адабий тизимда реализм шаклланиши ва тараққиёти изчил мантикий ривожланиш, адабий-эстетик тафаккурнинг мураккаблашиб бориши, инсонни англашга, ҳис этишга бўлган интилиш маҳсулидир.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Жумладан, бу илмий манбалар Нормурод Норқобилов асарларининг поэтик хусусиятларини яхлит адабий жараён контекстида монографик йўсинда тадқиқ этишга ёрдам беради. Шу билан бирга насрий асарлар поэтикаси ҳақида назарий қарашларни илгари сурган, И.Султонов, М.Қўш-жонов, Т.Бобоев, И.Фафуров, Н.Ху-

## XX асрнинг 80-йилларига келиб, бадиий адабиётдаги ПОЭТИК ТАЛҚИН хусусияти янада теранлик касб эта бошлади

дойберганов, О.Шарафиддинов, Б.Саримсоқов, Б.Назаров, Й.Солижонов, А.Раҳимов, Ҳ.Умуров, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Каримов, Д.Қурононов, У.Қосимов, Б.Каримов, З.Пардаева, Ш.Дониёрова, А.Насиров, О.Шофиев сингари адабиётшуносларнинг қарашлари ҳам муҳим саналади. Адабиётшунос Қ.Йўлдошев қайд қилганидек: "Одам ички дунёси, руҳияти, ўйларининг бадиий манзараси ва унинг ҳам ижтимоий, ҳам хусусий асослари тасвири муҳим ҳисобланади" [1,70-6]. Поэтик мезонлар талабига кўра инсон руҳиятидаги зиддиятларини тасвирлаш, бадиий талқин этиш замонавий насрда етакчилик қила бошлади.

## Тадқиқот методологияси.

Истеъдодли адиб Нормурод Норқобилов асарлари поэтикаси, хусусан, бадиий образлар олами, уларнинг табиати, характер ва руҳият бирлиги, адабий макон ва замон, бадиий услуб каби масалаларни тадқиқ этиш орқали ёзувчининг поэтик маҳоратини кўрсатишдан иборат.

## Таҳлил ва натижалар.

Кейинги йилларда биз яшаб турган дунё тинимсиз эврилишлар, янгиланишларни бошидан кечирмоқда. Инсоният минг йиллар мобайнида кўрмаган ҳодисаларни саноқли кунлар ичида ўз бошидан ўтказмоқда. Табиий офатлар, руҳий таназзуллар, табиат ва инсон бирлиги жараёнида ожизлигини англадиган ҳодисалар рўй берди. Илоҳиётга тааллуқли сўз тимсолидаги адабиёт абадиёт манзиллари томон интилар экан, унда инсон зоти кўриб илғамаган, англаб улгурмаган яна бошқа оламлар ҳақида ҳам сўз юритилмоқда. Ана шу тушунчалар инсон ботиний оламига ўз таъсирини ўтказмоқда. XX аср ўзбек насри кўплаб воқеаларни, тасвир жараёнларини, бадиий талқин тажрибаларини ўтказди. Насрий тафаккур ҳамон шаклланиш, тажрибалар қўллаш ва ўсиш жараёнида давом этаётганлигини ижодкор инсоннинг янгилик сари интилаётганидан далолат беради.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, бадиий адабиётдаги поэтик талқин хусусияти янада теранлик касб эта бошлади. Тўғри, миллий адабиётнинг 80-йилларида бўй кўрсатган поэтик хусусиятларнинг баъзи қирралари 70-йиллардаёқ кўзга ташланиб, 80-йилларнинг биринчи чорагида янада барқарорлашган эди. Давр адабиёти бу замонга келиб янгича поэтик талқин хусусиятларини намоён қилди. Айни пайтда, истиқлол даври адабиёти, хусусан, ўзбек насри узоқ йиллик миллий адабиётнинг мантиқий давоми сифатида ижодий анъаналардан озикланиб юксалди. Жиддий ўзгара бошлаган миллий-бадиий тафаккурдаги эврилишларни янгиланаётган адабий-эстетик тафаккурнинг ҳосиласи сифатида юзага чиққанлигини қайд этиш

## Адибнинг “Қуёш ботмайдиган юрт” ҳикоясида ўзбек миллати, ўзбекона тафаккурга хос тасвир ва образларни қузатамиз

лозим. Истиқлол даври адабиёти ягона ҳукмрон мафкура тазйиқидан қутулган, олам ҳодисаларини ва одам руҳиятини эркин англаш, изоҳлаш, бадиий талқин этиш ҳамда ифодалаш имкониятига эга бўлган адабиёт сифатида майдонга келди. Адабиётнинг ҳукмрон мафкура тазйиқидан халос бўлиши, олам ҳодисалари ва одам руҳиятига мансуб қирраларни янада теранроқ ифодалаш имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда, бадиий талқин табиатида ҳам ўзгаришлар юз берди.

Атоқли Адабиётшунос О.Шара-фиддинов қайд қилиб ўтганидек: “Ҳақиқий ижод эркинлиги фикрни имкон борича теранифодалаш эркинлигидир, жамият ривожига имкон борича самаралироқ таъсир кўрсатиш эркинлигидир” [2, 171-б]. Шу нуқтаи назардан ҳам истиқлол йилларига келиб, миллат кишининг руҳияти, ҳиссиёти, кўнгли бутун мураккабликлари билан бадиий талқин этилди. Бадиий адабиёт қаҳрамонлари ўзининг мураккаб тақдири, теран ўй-мулоҳазалари, ботиний оламидаги кечинмалари билан ўзига хос шахс сифатида ўзликни англаш йўлини излай бошлади. Шу жиҳатдан, ўзбек адибларининг ижод маҳсуллари, жумладан, истеъдодли ёзувчи Нормурод Норқобилов асарларини ҳам, ундаги образлар оламини ҳам, соддагина ҳис этиш, англаш, изоҳлаш, тушун-

тириш ёхуд илмий қолипларга солиш мумкин бўлмай қолди. Буларни тасвир предметининг турфа хиллиги, тасвирдаги услубий изланишларнинг чуқурлашуви, кенгайиши ва жаҳон адабиётидаги етакчи тамойилларга ижодий ёндашиш ҳодисаси сифатида қараш имкони яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Алоҳида ижодкорга тааллуқли бўлган бадиий мантиқ ва индивидуал теран талқинлар мураккаб кечинмаларни ифодалаш жараёнида инсон ботинидаги зиддиятларни теранроқ англашга интилиш мавжудлигини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Сўз санъаткорининг илк асарларига нисбатан кейинги асарларида ранг-барангликнинг қуюқлашиши, инсон руҳияти ва характерини акс эттиришдаги дадил изланишлар кўплаб ижодкорларнинг адабий-ижодий эволюциясида ўз ифодасини топди.

Дарҳақиқат, Нормурод Норқобилов ўз услубига, бетакрор тилига эга эканлигини намоён эта олган адиблардан саналади. Адабиётшунос Баҳодир Карим таъкидлаганидек: “Асарлар бўйи амалий тажрибадан ўтган ҳақиқат шуки, санъаткор муайян мавзуга қўл уриб, воқеликни маромига етказиб тасвирласа, ҳар қандай инсон кўнглига ўтиради, кўпчиликни ўйлантиради, қалбига завқ, тафаккурига юк беради” [3, 41-б].

Ҳақиқатдан ҳам, таъкидланганидек, ижодкор яратган асарларда ҳаётийлик, инсон қалбидаги туйғулар мужас-самлашган бўлса, китобхон қалбини ларзага солиши табиийдир. Нормурод Норқобилов ёзган асарларининг бадиий хусусиятлари ҳақида бир қатор ижобий фикрлар алоҳида қайд этилган. Бадиий талқиннинг ўзига хослиги, образлар табиатининг ҳаётийлиги ёзувчи ижодига бўлган қизиқишлар ва айрим таҳлилий ёндашувларнинг юзага чиқишига сабаб бўлмоқда.

“Инсон мўъжиза, деб ёзади адабиётшунос А.Расулов, – уни ўрганишган, тадқиқ этишмоқда, мудом талқин этишади. Фаннинг қандай соҳаси бўлмасин, алал оқибат, инсон муаммосига келиб тақалаверади” [4, 22-23б]. Ҳақиқатдан ҳам бадиий сўз захматкашлари турфа хил воситалар асосида бадиий образ яратар экан, унинг замирида инсон қисмати, шахс руҳий-маънавий олами мужассамлашган бўлади.

Н.Норқобиловнинг бир қатор ҳикояларида миллий характерлар талқини жуда теран, бадиий мукамал ифодасини топганини кузатиш мумкин. “Етим қолган гуллар”, “Кекса тут”, “Қуёш тутилган кун”, “Зангори кўл”, “Рўмолча”, “Чорраҳа” “Кураш” каби ҳикояларига назар ташлар эканмиз, улардаги инсон характери, руҳияти ўзига хос тарзда ифодалангани яққол кўринади.

Адибнинг “Қуёш ботмайдиган юрт” ҳикоясида ўзбек миллати, ўзбекона тафаккурга хос тасвир ва образларни қузатамиз. Ундаги Анвар ва Мирвали образлари миллий қарашлар асосидаги шахслар тимсолини ўзида мужассамлаштирган: “Қишлоқ йигитларининг гурунги содда, тилаклари ҳам шу хилда. Ярим ой бурун даврадагиларнинг бири кўчқордай ўғил, шунчаки ўғил эмас, кўчқордай ўғил кўрган экан, бири ўша ўғилнинг девдай бўлиши учун, яна бири эса яқинда уйланган йигитга бир ҳовли фарзанд кўриш учун тилак билдирди. Шу тариқа тун тугаёзганда тарқалишди” [5, 11-б].

Бу кичик парчада бир давра қишлоқ одамларига хос характерли хислатлар ўз ифодасини топган. Булар орасидаги Анвар шаҳарда ўсган, қишлоқ ҳаётини фақат тасаввур қилар, лекин жамланган одамларни кузатар экан, қалбида уларга нисбатан илиқлик уйғонади. Шунинг учун Анвар қишлоқ ҳаётини суратларда ифодалашга интиларди. Ана шундай бир жараёнда Бердивой билан танишади, унинг қалбидаги изтироблар катта одамларникидек аламли экан-лиги ишонч ҳосил қилади. Анвар, умуман, қишлоқнинг одамлари характер хусусиятларинигина эмас, оддий қишлоқ болаларининг ҳаёти ҳам ўзгача эканини янада теранроқ ҳис қилади. Бердивой билан сухбатлашар экан, унинг ички дунёси дарду алам-

ларни янада теранроқ англашга интилади. Болакайнинг расмини кузатар экан: “Кейин ҳафсаласиз дафтар варақларига тушди. Аммо варақлаган сайин қизиқиши орта бошлади: саҳифаларда сув бўёқда дурустгина расмлар солинган эди. Мана биринчи расм: яшил ўтлоқ, ота-онасининг қўлларидан тутган болакай шодон ирғишлайди, тепада қуёш; иккинчи расм: болакай кучоғини кенг очганча отасига пешвоз чиқмоқда, қулиб дарвозадан она мўралайди, тепада қуёш; учинчи сурат: ота, она, болакай ҳовлида нонушта қилипти, тепада қуёш – қуёш дарахтга боғлаб қўйилган эди! Бошқа расмлар ҳам шу хилда, мазмун битта – ота, она, болакай ва қуёш”[5]. Қайд этилган тасвирдан шу нарса аёнки, болакай қалбида ёруғ кунга ишонч ҳисси жуда кучли, унинг замирида ота ва она меҳри мужассамлашган. Чунки болакай ўйларида, агар қуёш ботмаса, онаси изтироб чекмайди, соғайиб отасининг келишини кутади. Бола қалбидаги изтиробларда отага, онага бўлган меҳрнинг чексизлиги жамлаб тасвирланади. Бола чизган расмларда ота соғинчи ва унинг қачондир меҳр истаб оилага қайтишига умид борлиги ифодаланган. Адиб илк ҳикоялариданоқ халқимизнинг оддий ҳаёт тарзи, урф-одатлари, анъаналарини бадиий талқин этар экан, инсоннинг ички кечин-малари-ю, ботиний оламидаги зиддиятларига эътибор бериб, уни бадиийлаштиришга интилади.

**Яшил ўтлоқда, ота-онасининг қўлларидан тутган болакай шодон ирғишлайди...**

Таниқли адабиётшунос Умарали Норматов таъкидлаб ёзади, “Маълум бўляптики, биз бир вақтлар менсимайроқ тилга оладиган оилавий, маиший турмуш икир-чикирлари деб аталган соҳада ҳам шахснинг бисоти, ҳаёти маъносини очиш, кашф этиш имкониятлари кўп”[6,43-6]. Асосли таъкидланганидек, ҳаётда эзгулик, инсон бахти йўлида ички ва ташқи тўғоноқлар кўплигидан ўқувчи изтироб чекади. Н.Норқобиловнинг “Кекса тут” ҳикоясида ҳам шунга яқин муаммолар қаламга олинади; маънан қашшоқ инсонлар қиёфасини чизади. Ҳикояда ҳаёт мазмунини теран англамасдан ҳаётни англамаслигидан, умрнинг фанимат эканини тўлиқ тасаввур эта олмасдан ҳаёт кечираётган оддий одамлар қиёфалари жонлантирилади. Воқелик рамзий образга кўчирилиб, ҳаёт ҳақиқати баён қилинади. “Тепки зарбидан кекса тут дарахти қаттиқ сесканди. Бу хил зарбаларга кўниккан бўлса-да, бунисига чидаши хийла оғир кечди. Кекса тут танаси ич-ичидан зириллаб кетди. Шунга қарамай, сир бермасликка тиришди. Ички ингроғини еллар тортқилаб ўйнаётган япроқлари шовури остига кўмиб, қадини гоз тутишга уринди”[7,197-6].

Ҳикоядаги Ашур узуннинг тўнғич ўғли билан Ёвқошнинг ўртасидаги зиддият ифодаси орқали болаликнинг беғубор онларини бесамар ўтказётган ёшлар образини мужассамлаштирган. Кекса тут билан Ашур узун қиёсланади. У бир вақтлар қўшнисининг ўғли Ёвқаш изидан қувар, аммо етолмасдан, ҳориб ортда қолади. Йиллар шамоли унга ҳам ўз ҳукмини ўтказди. Ўғли отасини излаётганлигини сезиб, суйилга суяниб аста ўрnidан қўзғалиб, Ёвқашни излаган киши бўлиб, далага разм солади. Отанинг қалбидан нелар

## Амаким бечора айтгандай, бу дунёдан кўр ҳолимизча ўтиб кетяпмиз

кечаётганлигини фарзанд англамайди. Йиллар давомида бундай тала-тўп-ларни кўрган кекса тут, баъзан ўзи билан ўзи суҳбатлашарди. Кекса тут – рамз. У жонлантирилган ва одамлар ҳаёлига аралашади. Тут зиддиятли ҳодисалар сабабини жимгина излайди; катталар орасидаги номаъқул иллат қачон болалар қалбида ниш уришга улгурганини ўйларди. Бу муаммоларга жавоб топишга улгурмасдан, кекса тут боланинг иккинчи тепкисини кўтармоққа бардоши етмасдан гичирлаганча йиқилади. Ашур узуннинг чексиз ўй-кечинмалари ва турмушидаги турли ташвишлари негизида миллий руҳни кўрамайди. Оила тақдири билан боғлиқ талқинларда миллий колорит уфуриб туради.

Адибнинг “Тунги меҳмон” ҳикоясида эса инсон меҳри ва нафрати меҳрга зор бўлиб вояга етган Қиличбек образи орқали берилади. Бунда инсон қадри ўзлигини англаши, у ҳам инсон эканлигини, хўрликлардан безган, қалби меҳрга зориққан ва бир оғиз ширин сўзнинг гадоси бўлган, инсон қисмати қаламга олинган. Ҳикоядаги Чаманой эса ўз ҳаётини кўрқинчли туш каби ўтказиши, аммо орадан йиллар ўтиб меҳрга ташна қалб эгасини топиши асосли талқин этилади. Чаманой ҳам инсон, у ҳам бошқалар каби гўзал ҳаёт кечиршни жуда истайди, бироқ

носоғлом муҳит бунга имкон бермайди. Аслида ҳар қандай инсон меҳр-муҳаббат билан ҳаёт кечирши, гўзаллик эса унинг турмушига маъно бағишлаши лозим. Ёзувчининг “Қабртош” ҳикоясида оилавий фожиалар, зиддиятлар, меҳрсизлик иллатлари рамзийлаштирилади. Ҳикоядаги Эра-лининг руҳиятидаги ўзгаришлар, характердаги манманлик каби ҳислатлар орқали яқин кишилар ўртасидаги адоват, инсонийлик фазилатларининг йўқолиш сабаблари маҳорат билан тасвирланади. Эралининг маънавий қашшоқлиги, кимлигини англамаслиги, аммо унинг қалбида ҳам инсонийлик, инсонга меҳр бера олиш ҳислатларининг мавжудлиги ўқувчи қалбини ларзага солади. “Ёнбағирликка сочилган қишлоққа, кенг даштга, олисдаги қирга, теварганини қамиш қоплаган ҳув наридаги қўлга бир-бир разм солар экан, хотирасини кавлаштириб, аждодлари тарихини титкилай бошлайди. Бохабарлиги бобосидан нарига ўтмаслигини англаб жиндек афсусланади”[7].

Эралининг аждодлари кимлигини билиши шундай саёз ва аянчли. Ҳикоя воқелиги давомида унинг руҳий-маънавий дунёси очиб борилади. Шундай руҳий қийноқлар замирида отасини ёдга олади. Отаси кўпинча амакисини гапирар, узоқ мадрасаларнинг бирида таҳсил олгани-ю, кейинчалик эса қишлоқ болаларини саводли қилиш мақсадида мактаблар очгани, аммо кунларнинг бирида, кечаси кимлардир келиб, қўлига кишан солиб, олиб кетганлигини эслайди. Бироқ бу қатагон даври воқелигини англаб етишга фаҳми калталиқ қилади. Амакиси бир замонларда сибир қилингани, аммо тақдири нима бўлганини билмайди. Шу хаёллар оғушида умр ўтказарди. Йиллар давомидаги маънан изтироб чекиши ҳам бежиз эмасди.

Ижодкор қалб драматизми орқали унинг руҳий-психологик портретини жонлантиради. Унинг содда, камтарин, аммо жаззакчи шахс сифатидаги характер қирралари эпизодик тасвирлар давомида теранлашиб боради. Адибнинг асосий мақсади инсон қисмати орқали миллат тарихидаги фожиаларни акс эттиришдан иборатдир: “Амакиндан сўнг бизнинг авлодда илмга қизиқувчи бўлмади. Менингумрим чорванингкетидан ўтди. Сен ҳам шунга ружу қўйдинг. Амаким бечора айтгандай, бу дунёдан кўр ҳолимизча ўтиб кетяпмиз” [7]. Отаси билан хаёлан суҳбатлашиб, унинг фикрларини хаёлан жонлантирар экан, амакисини Тўрабой, Ирисбойларга ўхшаган бойлардан бўлмаганидан афсусланади. Айнан шу ўй-кечинмаларида унинг бир оз бўлса-да, ўзлигига интилиш ҳолати кузатилади. Аммо қалб қаъридаги зиддиятлардан тўғри ҳаёт йўлини танлай олмаслиги уни изтироблар исканжасида яшашга мажбур этади. Воқеалар ривожига у шоир номи билан таниладиган Тожи билан суҳбатлашишни мақсад қилиб олади. У билан суҳбатлашар экан, унинг мантиқий фикрларига, нима демоқчи бўлганига ҳам тушунмайди. Тожи шоир бўлмаса-да, қўлидан китоб, журнал ва газета тушмайди. Тожи шоирнинг қарашларида ёзувчининг асосий ғояси мужассамлашганлигини кузатиш мумкин: “Биз бандалар шу қадар нодонмизки, қилган ишларимиз нуқул хатолардан иборат! Биз хатоларга кўмилиб-кўмилиб яшаймиз! Бу хатолар шунчалик тотлики, азобини асал янглиғ қабул айлаб, тамшаниб-тамшаниб яшаймиз! Лаб-лунжингизни артиб олинг “асал юқи” қолибди” [7]. Қабиладаги киноя гапларда англандан ҳақиқат мазмуни мавжуд, албатта.

## Биз бандалар шу қадар нодонмизки, қилган ишларимиз нуқул хатолардан иборат!

### Хулоса.

Хуллас, адиб ҳикояларидаги бадиий талқин замирида ҳаётнинг воқеа-ҳодисалар қамрови кенгайиб бориши натижасида, конфликтнинг чуқурлашиб, шахсининг жамият ва унинг муаммоларига қизиқиши, маънавий-руҳий таҳлилга мойиллиги кучайиб борди. Тасвир жараёнидаги зиддиятларнинг ихчам иборалар билан ифода этилишидан, бадиий образ ва унинг руҳий ҳолати теран мазмун касб этиши кузатилади. Бу ҳам Н.Норқобилов ҳикояларига хос муҳим бир хусусият саналади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ёлдошев Қ. Ёниқ сўз. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 70-бет.
2. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. - Тошкент: Шарқ, 2004. 171-бет.
3. Карим Б. Руҳият алифбоси. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2016. 41-бет
4. Расулов А. Бадиийлик - безавол янглик. - Тошкент: Шарқ, 2007. 22-23-бетлар.
5. Норқобилов Н. Зангори кўл. Ҳикоялар. - Тошкент: Юлдузча, 1987. 11-14 бет.
6. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. - Тошкент: Маънавият, 2000. 43-бет.
7. Норқобилов Н. Бўрон қўлган кун: Қисса ва ҳикоялар. - Тошкент: Шарқ, 2007. 197-бет.



“TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi”  
ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Саттарова Елена Анатольевна,**  
доктор философии по филологическим наукам (PhD)  
Термезского университета экономики и сервиса  
E-mail: [sattarova.terdu@gmail.com](mailto:sattarova.terdu@gmail.com)

### ИЗМЕРЕНИЕ И ОБЪЕМ ТИПОЛОГИИ ЭВФЕМИСТИЧЕСКОГО СМЫСЛА РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ

**Аннотация:** Измерение и объем типологии эвфемистического значения в современной лингвистике предполагает, прежде всего, изучение его эволюции применительно к историческим процессам. В статье рассматривается историческое развитие эвфемии русского и узбекского языков.

**Ключевые слова и выражения:** эвфемизм, эвфемия, ортология, нейролингвистика, прикладная лингвистика, когнитивная лингвистика, паралингвистика, табу, дисфемизм.

### RUS VA O'ZBEK TILLARINING EVFEMISTIK MA'NOSI TIPOLOGIYASINING O'LCHAMI VA HAJMI

**Аннотация:** Zamonaviy tilshunoslikda evfemistik ma'no tipologiyasining o'lchami va hajmi, birinchi navbatda, uning evolyutsiyasini tarixiy jarayonlarga nisbatan o'rganishni o'z ichiga oladi. Maqolada rus va o'zbek tillari evfemiyasining tarixiy rivojlanishini ko'rib chiqadi.

**Калит со'злар ва иборалар:** evfemizm, evfemiya, ortologiya, neyrolingvistika, amaliy lingvistika, kognitiv lingvistika, paralingvistika, tabu, disfemizm.

### MEASUREMENT AND SCOPE OF TYPOLOGY OF EUPHEMISTIC MEANING OF RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES

**Annotation:** The measurement and scope of the typology of euphemistic meaning in modern linguistics presupposes, first of all, the study of its evolution in relation to historical processes. The article examines the historical development of the euphemism of the Russian and Uzbek languages.

**Keywords and expressions:** euphemism, euphemia, orthology, neuro-linguistics, applied linguistics, cognitive linguistics, paralinguistics, taboo, dysphemism.

### Введение.

В последнее время ученые-лингвисты всего мира уделяют особое внимание практическому использованию языковых возможностей создающей силы речи. Интерес к областям прикладной культуры, таким как культура речи, ортология, нейролингвистика, прикладная лингвистика, когнитивная лингвистика, паралингвистика растет с каждым днем. Это связано с тем, что проблема духовной культуры глобально возрастает в результате технического и технологического прогресса. Фокус этих вопросов лежит на развитии речевой культуры человека, коммуникационного потенциала и отношения к языку как средству повышения национально-культурной духовности.

Усиление и распространение роли эвфемизмов, как одного из богатых, красивых и благозвучных выражений языка, становится социальной необходимостью.

### Основная часть.

В современном языкознании находят свое применение риторически промежуточные фразы, либо нейтральные слова и выражения, взамен близкой языковой

синонимич-ной единицы, что является в речевом общении бестактной, грубой, нетактичной, а порою жестокой или даже пошлой. Поэтому при освещении вопросов теоретической части нам потребовалось также выявить содержание понятий «эвфемизм», «эвфемизация», «эвфемия», что требуют специального изучения и описания.

Здесь, как мы считаем, следует обратить особое внимание на определение термина «эвфемизм» российского лингвиста О.С.Ахмановой: «Эвфемизм – это троп, состоящий в непрямом, прикритом, вежливом, смягчающем обозначении какого-либо предмета или явления» [1, с.521]. Очевидно, что ученая также акцентирует особое внимание на такие определения, как «табуированный перифраз» и «эвфемистический перифраз» [1, с. 312].

Измерение и объем типологии эвфемистического значения в современной лингвистике предполагает, прежде всего, изучение его эволюции применительно к историческим процессам. Несмотря на то, что это весьма сложная сторона вопроса, и долгое время тема эвфемизмов оставалась как в русистике, так и в узбекской лингвистике под определенным запретом. Тем не менее, в практике общения исследуемых языков сложилась определенная система языковых предпочтений носителей языковой культуры – эвфемизмы.

Данная проблема, напрямую касалась сферы жизнедеятельности людей. Слышавшие с древних пор как особые, недозволенные, священные, запретные темы для человека, считались более чем недозволенный продукт для общения, поэтому для того, чтобы скрыть негативную речевую особенность, собеседники прибегали к иносказанию.

В зарубежном языкознании эвфемизмы стали изучать с конца XIX века.

В России проблему эвфемизации стали рассматривать в 20-х годах XX века, а в Узбекистане – лишь в 60-х годах XX века. На сегодняшний день, в русском и узбекском языках эвфемизмы и эвфемистические формулировки применяются почти во всех социально-важных областях человеческой жизнедеятельности.

Существует мнение о том, что в период Средневековья подход к теме эвфемизмов уже существовал, и заключался в трех ключевых определениях: во-первых, эвфемизмы – это слова и выражения, заменяющие собою форму

суеверия и предубеждения; во-вторых, эвфемизмы – это слова и выражения, которые не могли использоваться в речи вследствие сдержанности собеседников; в-третьих, эвфемизмы – это слова и выражения, замещающие собой другие из соображения порядочности [10, с. 18]. В первом случае наиболее продуктивным решением нам представляется замена выражений, означающих нехороший признак, т.е. таких слов, которые, обладали определенной силой и мощью, способной навлечь беду. М.И.Зверева к этим эвфемизмам относит: «образные

## КОГДА ИЗЯЩЕСТВОМ СЛОВА НЕОБХОДИМО БЫЛО «ОБОЙТИ» ЦЕЛЫЙ РЯД СОЦИАЛЬНЫХ И РЕЛИГИОЗНЫХ ЗАПРЕТОВ»

замены слова «сделать последний вздох» или «душа отправилась к Богу» вместо умереть, а также образное название Сатаны – Лукавый» [3, с. 87]. По ее правильному замечанию: «Эвфемизмы второго типа выражали идеи, запрещенные моралью, и, как правило, были

связаны с сексуальностью и болезнью, а эвфемизмы третьего типа появляются только с XI века – их возникновение связывается с «поэтическим бумом», со временем творчества трубадуров, когда изяществом слова необходимо было «обойти» целый ряд социальных и религиозных запретов» [3, с. 87].

«Такие запреты возникают в сфере общественной жизни на разных ступенях развития общества и обусловлены различными факторами – религиозными, историческими, политическими, этическими и др.» [2, с. 552].

Аналогичной точкой зрения придерживается Б.А.Ларин, он упоминает о развитии древнейших эвфемизмов «в силу табу», где пишет, что: «еще на стадии первобытных суеверий «боязнь заклинаний, магического действия зова, прямого наименования породила запреты на слова (табу), породила деление на общие и «сокровенные» слова, дозволенные только жрецам, вождям. Взамен запретных слов создаются новые («подставные») наименования, чтобы не разгневать богов, обмануть нечистую силу или страшного зверя, чтобы задобрить их», – так писал о развитии древнейших эвфемизмов «в силу табу» [6, с. 110].

Разделяя мнения ученых, А.А.Реформатский определяет понятие для табу и эвфемизма: «Табу и эвфемизмы», поясняя свою мысль следующим образом: «Для замены табу слов нужны другие слова – эвфемизмы. Эвфемизмы – это замененные, разрешенные слова, которые употребляют вместо запрещенных (табуированных)» [8, с. 99]. Представление о понятии «эвфемизма» как особенного, универсального речевого феномена, употребляющегося в коммуникативной среде, для замены запретной лексики «табу», и в наши дни пользуется большим успехом среди лингвистов.

## Злые качества, действия в благоприятные, желательные или хотя бы безвредные

Б.А.Ларин, исследуя проблему эвфемизации, обращает внимание на то, что в основе речевого запрета, а именно табу, является понятие и представление необразованных, безграмотных людей в нужде обеспечить свою безопасность недоброжелательных проявлений таинственных сил. Он пишет, что: «Страх заставлял людей находить именованья, скрывающие свой предмет, отвлекающие от его узнавания, якобы превращающие силой словотворчества злые качества, действия в благоприятные, желательные или хотя бы безвредные» [6, с. 101-102].

Объединяя генеалогические осмысления понятия эвфемизма за рубежом и в Узбекистане, мы видим, как расширяется круг исследований теоретических проблем, что в принципе, обосновано и присуще для современной науки.

В современном обществе определенные запреты имеют, прежде всего, морально-этический подход к отрицательной, малоприятной, обценной, безнравственной, вульгарной лексике во всех сферах человеческой деятельности, особенно в быту. Данные языковые явления не присуще литературной норме и официально-деловой речи, но не смотря на это, не стоит забывать о том, что данный языковой феномен несет особенности национально-культурного речевого процесса, и является неотъемлемой частью общения среди людей.

Исследуя речевые запреты в отношении эволюции развития эвфемистического значения, можно сделать вывод, что древние табу и табу современного общения во многом совпадают. Древние запреты основывались на обычной жизни человека, например, рождением ребенка, приемом пищи, болезнями, свадьбами, похоронами, суевериями, страхами перед Всевышним и нечистой силой, сельскохозяйственным трудом и прочими видами деятельности человека. Но со временем появились новые запреты на понятия, связанные с человеком. Это развитие социальных и бытовых сфер жизнедеятельности человека, его пороки, преступления, физические состояния и физиологические недостатки, финансовое положение, гендерные особенности различных деликатных тем, и специфика культурного и общественного развития общества.

По справедливому замечанию М.А.Ковшовой: «Эвфемизмы в речевом общении дают возможность в речевой среде избежать конфликтов и коммуникативных неудач в речи. Они противоположны дисфемизмам (от греч. *dysphēmia* «дурнословие»), понимаемым как грубые слова и выражения, которые представляются в процессе коммуникации слишком грубыми, резкими, вульгарными, неприличными и могут тем самым негативно повлиять на осуществление общения» [5, с. 105].

Узбекистанский лингвист Н.Исмагуллаев в работе «Хозирги ўзбек тилида эвфемизмлар» дает довольно общее определение этому термину, подчеркивая, что «эвфемизм является речевым двигателем и средством культурной речи» [4]. Это довольно узкое определение, так как оставляет нерешенными ряд задач затрагивающих, в первую очередь, распространенность сферы употребления эвфемизмов, и не дает

## Все указывает на то, что эвфемизм важен для собеседников в процессе общения, дабы заменить непристойную либо бестактную языковую действительность

точного разграничения с другими смежными языковыми явлениями в практике. Поэтому понятие эвфемизации языка нуждается в дальнейшем более глубоком исследовании, так как изучение языковых феноменов в данной области языкознания весьма актуальны.

Другой отечественный языковед А.Ж.Омунтурдиев в своей работе «Ўзбек нутукнинг эвфемик асослари» также акцентирует внимание на том, что «Эвфемизм—это замена негативного, неприятного, запретного слова либо целого выражения, наиболее корректным и благозвучным. Благодаря эвфемизму, появляется возможность исключить появления отрицательных эмоций и негативных чувств у участников общения. Эвфемизм представляет собой тот феномен, который помогает спрятать за призму благозвучия с более приятной формулировкой определенные факты действительности» [7, с. 17].

Следует отметить, что рассмотренные выше определения схожи между собой в определении эвфемизма. Все указывает на то, что эвфемизм важен для собеседников в процессе общения, дабы заменить непристойную либо бестактную языковую действительность. В большинстве своем выделяются такие основные принципы функционирования эвфемизмов, как: камуфлирование, завуалирование предметов сообщения с целью смягчения денотата. Ср. такие слова, как рус. обездоленный, сиротиночка,

сиротиношка, безматок, сирый, одинокий, брошечка, лишенный(ая) любви матери – эвфемизмы, называющие детей-сирот; узб. *gul yetim* (одинокий цветок), *yodgor, qadrcha* (память), *kimsasiz* (одинокое), *ko'ngli yarim* (обделенный душой), *mehrga zor* (нуждающийся в любви), *muhabbat mevalari* (плоды любви), *ona mehrga to'umagan* (не насытился материнской любви), *ota-onasi yo'q* (нет родителей), *tutqin qo'zi* (ягненок в плену), *qalbi o'ssik* (с разбитым сердцем) – эвфемизмы, используемые в узбекском языке заменяя слово *etim* (сирота).

Узбекскому национально-культурному менталитету вместо наименований *ota, dada, ona* свойственны такие обращения к родителям: *padar* (отец), *padari buzruk* (отец), *qiblagoh* (1) кыбла, святыня; 2) очень почитаемый, дорогой человек (отец, мать)), *ka'ba* (кааба, святыня), *valida* (мать), *validai mehribon, validai mushfiq, validai munis, validai aziza* (мать всего рода), в русском языке вместо мать, отец употребляют: родимые, матушка, мамочка, мамулечка, родительница, родитель, папочка, папулечка, родимый, батюшка; также вместо *o'qituvchi* используются при обращении к учителю в узбекском языке такие лексемы, как *domla, ustoz, mualem*, а в русском языке: мастер, наставник, просветитель и т. д.. Таким образом, можно отметить, что эвфемистические средства выражения в языке народа сохранили особенности речевого поведения феодального общества. Поэтому для комплексного изучения эволюции табу и эвфемизмов требуется, прежде всего, изучение языков племен, народов, наций и их способов поведения.

Рассматривая эвфемизацию узбекского языка, можно обратить особое внимание на некоторые этнические особенности и менталитет узбекского народа. Например, слово *ilon* (досл. змея) в узбекской национально-языковой культуре, на самом деле, является эвфемизмом для слова *chaquvchi* (кусающий, кусающийся). Ср. турецкие слова, обозначающие змею (*jilon, jilmoq, jiluvchi* (досл. ползучая, ползающая), *sudraluvchi* (досл. пресмыкающийся, рептилия)), *argon, arg'qmchi, olachilvir, qamchin* (веревка, хлыст, кнут). В русском языке

слово «змея» также заменяется эвфемизмами пресмыкающееся, ползучая, шипящая, злюка, подколодная.

Или же еще ряд узбекских эвфемизмов, таких как *gajdum, kajdum* (хвост крючком), используемые вместо слова *chayon* (скорпион), которые вошли в систему табуирования узбекского языка.

То же самое прослеживается и в работах российских ученых, которые утверждали, что слово медведь изначально было эвфемизмом (медвед – пчела), но позже было наложено табу для этого обозначения, и стали использоваться эвфемистические средства такие, как: лесник, хозяин леса, лесной правитель, Потапыч, торговец, медведь, косолапый, Михаил Иванович, Миша, лесной, барин, хост дубрав, ведмед, топтыгин, медведко, кадык, нескладка, мишутка (если животное как-то именовалось до эвфемизма медведь, то оно было забыто). Вместо слова «скорпион» в русском языке использовались также эвфемизмы, как: членистоногий, хвостатый, жгучий хвост, длинный хвост. [8, с. 100].

В узбекском языке слова и словосочетания *bo'ti* (волк) *oq, oqish, oqbov, oq tusdagi xayvon* (белый, белый зверь, белое животное, белохвостый олень) на самом деле является эвфемистическим именем для прямого наименования дикого животного. Позже произошел процесс табуирования (когда в памяти все равно было восстановлено понятие зверя) и заменено эвфемизмами *jondog, itkush* (живой, вольная собака). В сегодняшней речи пастухов наблюдаются такие эвфемизмы по отношению к волку, как *u, haligi, qaroligi, qago* (он, настоящий, ведомый, черный). В русском языке волка также называют эвфемизированными словами серый, санитар леса, бирюк, лесной разбойник, переток, серый помещик, аука и др.

В узбекском языке слово tug'moq (рождение) применялось только к человеку, а затем к животным. В более позднем развитии языка понятие рождения связано со зрением человека, спасением и т.д. Например, ko'zi yorigmoq (раскрыть глаза), qutulib olmoq (избавиться, разрешиться); в русском языке используются эвфемистические средства, такие как разрешиться от бремени, произвести на свет, стать матерью.

По мере развития языка развивается и его эвфемистический слой. Возникают новые формы табу на основе новой морали, нового мировоззрения и, как следствие, новые эвфемизмы. В отличие от требований примитивного табу, вместо многих слов и фраз, ставших нормой, используются более удобные для него, более приятные для говорящего и слушателя фразы [9, с. 77].

Одно табуированное понятие может привести к появлению более чем одного эвфемистического инструмента. В таких случаях слова претерпевают определенное смысловое развитие— эво-люционный процесс, изменение значения. Например, qoraqurt (каракурт) не стал синонимом слова biy, qurt (червь) потерял свое истинное значение, когда он использовался в смысле qoraqurt (каракурт), а значение абстракции возникло, когда его называли o'gimchak (паук) или hasharot (насекомое) и так далее.

**Одно табуированное понятие может привести к появлению более чем одного эвфемистического инструмента**

## Выводы.

Таким образом, посредством данных диаграмм можно проследить процесс эвфемизации, который определяется в первую очередь, психологическим и социальным факторами. Здесь значимыми суждениями являются стыд, отвращение, страх, неприязнь, гнев или же наоборот, жалость, сожаление, сочувствие, сопереживание, продиктованные общепринятыми в мире нравственными ценностными ориентирами, что в итоге составляет зону табу.

### Список использованной литературы

1. Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. - М.: Сов. Энциклопедия, 1969. - 608 с.
2. Варбот Ж.Ж - Табу // Русский язык: Энциклопедия. - М., 1997. - 552 с.
3. Зверева М. И. История изучения эвфемизмов в отечественной и зарубежной лингвистике // Филологические науки / Вопросы теории и практики. - Тамбов: Грамота, 2017. № 12(78): в 4-х ч. Ч. 4. С. 86-90. ISSN 1997-2911.
4. Исмаилов Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: автореф. дисс. ...канд. филол.; наук. - Ташкент, 1963. - 19 с.
5. Ковшова М.Л. Семантика и прагматика эвфемизмов: краткий тематический словарь современных русских эвфемизмов. - М.: Гнозис, 2007. - 320 с.
6. Ларин Б.А. Об эвфемизмах // История русского языка и общее языкознание. - М., 1977. - 110 с.
7. Омонтурдиев А. Узбек нутқининг эвфемик асослари. - Тошкент: Халқ мероси, 2000. - 128 б.
8. Реформатский А.А. Введение в языковедение / под ред. В. А. Виноградова. - М.: Аспект Пресс, 1996. - 536 с.
9. Саттарова Е.А. Критерии эвфемистического смысла в русском и узбекском языках // Монография. - Германия: LAP LAMBERT Academic Publishing: MoreBooks. - 2021. - 120 с.
10. Ruccella L. L'économiquement correct: analyse du discours euphémique sur la crise dans la presse française et italienne // Thèse en cotutelle internationale en vue de l'obtention du grade de Docteur en Sciences du Langage. P. - Torino, 2014. P. 17-44.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Ergasheva Rayhon O'tkir qizi,**  
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti  
"Ijtimoiy-gumanitar fanlar" kafedrasida o'qituvchisi  
E-mail: [ergashevarayhon1994@gmail.com](mailto:ergashevarayhon1994@gmail.com)

### SURXONDARYO DIALEKTLARIDA FORS-TOJIKCHA ETNOGRAFIK LEKSIKANIING ETIMOLOGIK-ONOMASIOLOGIK TAVSIFI

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada voha aholisi madaniyatiga fors - tojik tilidan kirib kelgan etnoleksmalar tarkib turlari komponentlardan tashkil topib, nomlanish sabablariga esa nomning o'zida aks etgan jarayon - harakat (poyandoz tushamoq), predmetdan (kashkob, piyoba), vaqtga va raqamlarga (bomdot, shomoshi, chilla) bog'liqlik sifatida metanomik hodisadan, belgidan (doka ro'mol - oq rang asos qilingan), o'xshatish asosidan (darvishona), metaforik ko'chimdan (degi duzzi - o'g'ri qozon, sarponi uloq qilar va sarponi allalatar) kabi lingvistik vositalar nomlarda aks etadi.

**Kalit so'zlar:** o'zlashgan qatlam (bosh so'z), sof forscha so'zlar, sarpo, gavorabaxsh, bomdot, ro'za, chillak, chimmat, fors-tojik+o'zbekcha qatlam, o'zbekcha+fors-tojik, Fors-tojikcha affiks, o'zbekcha affiks, fors-tojik+arabcha qatlam.

### ЭТИМОЛОГИЧЕСКОЕ ОНОМАСИОЛОГИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ ПЕРСО-ТАДЖИКСКОЙ ЭТНОГРАФИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКИ В СУРХОНДАРЬИНСКИХ ДИАЛЕКТАХ

**Аннотация:** Этнолексемы, вошедшие в культуру народов оазиса из персидско-таджикского языка, состоят из различных элементов, а причинами наименования является процесс, отраженный в самом названии - движение (рояндоз тушамак), предмет (кашкoб, рёба), время и числа (бомдот, шамоши, чилла).) как связь от метаномического события, знака (марлевый платок - в основе белый цвет), основы аналогии (дарвишона), от метафорического движения (деги дуззи - вор крадет горшок, сарпони улоқ килар и сарпони аллалатар) языковые средства отражены в именах.

**Ключевые слова:** ассимилированный слой (основное слово), чисто персидские слова, sarpo, gavorabaxsh, bomdot, roza, chillak, chimmat, персидско-таджикский+узбекский пласт, узбекский+персо-таджикский, персидско-таджикский аффикс, узбекский аффикс, персидско-таджикский+арабский пласт.

### ETYMOLOGICAL-ONOMASIOLOGICAL DESCRIPTION OF THE PERSIAN-TAJIK ETHNOGRAPHIC LEXICON IN SURKHONDARYO DIALECTS

**Annotation:** In this article, the ethnolexemes that entered the culture of the oasis residents from the Persian-Tajik language are composed of various elements, and the reasons for the naming are the process reflected in the name itself - movement (poyandoz tushamoq), predmet (kashkob, piyoba), time and numbers (bomdot, shomoshi, chilla) as a connection from a metanomic phenomenon, a sign (gauze scarf - white color is based on (doka ro'mol)), the basis of an analogy (darvishona), metaphorical movement (degi duzzi - o'g'ri tavoq, sarponi uloq qilar and sarponi allalatar) are reflected in the names.

**Keywords:** assimilated layer (main word), pure persian words, sarpo, gavorabakhsh, bomdot, roza, chillak, chimmat, persian-tajik+uzbek layer, uzbeK+persian-tajik, persian-tajik affix, uzbeK affix, persian-tajik+arabic layer.

## Kirish.

Ma'lumki, dunyoda faqat o'z so'zlaridan iborat birorta ham sof til yo'q. O'zbek tilida ham arab, tojik-fors, rus, xitoy va boshqa tillarga tegishli so'zlar ancha. Ular endilikda o'zbek tiliga singishib, «o'zga»ligi unutilgan. Bu jarayon etnoleksemalarda ham o'zaksini topmay qolmaydi. Surxon vohasi xalqi asrlar osha boshqa millat vakillari bilan aralashuvi, madaniy aloqasi natijasida boshqa millat qadriyatlarini asnosida yanada rivoj topib boradi. Vohada uchrovchi fors – tojikcha leksemalar turli komponentlar bilan birikib, urf - odat, marosim va boshqa tushunchalarni ifodalovchi nomlarni shakllanishiga asos bo'lgan.

## Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.

Tadqiqotga oid ilk metodik adabiyotlarni tarix bilan bog'lasak, S. Rahimov "Surxondaryo o'zbek shevalari lug'ati" da Boysun hududida saqlanib qolgan qadimiy urf-odatlar, o'yinlar, dehqonchilik, chorvachilik, ijtimoiy hayot bilan bog'liq turli predmetlarni ifodalovchi leksemalar dialektal-shevaviy aspektida tahlil qilingan. S.Tursunov, T.Pardayev, A.Qurbonov, N.Tursunovlarning "O'zbekiston tarixi va madaniyati – Surxondaryo etnografiyasi" nomli monografiyasida Surxon hududida qadimdan yashab keluvchi etnik guruhlar va ularning etnografik manbalari, tarixiy ildizlari, ijtimoiy-madaniy hayot rivoji darajasi yoritib berilgan. B.Hamroqulova Surxondaryo vohasida bola tug'ilishi va uni tarbiyalash bilan bog'liq urf-odat va marosimlarni maxsus tadqiq qilgan.

Filologiya fanlari doktori A.J.Omonturdiyev "Professional nutq evfemikasi" nomli doktorlik dissertatsiyasi tabu va evfemizmlar ijtimoiy, tarixi, etnografik kategoriya sifatida ta'kidlangan. Surxondaryo aholisi nutqida uchraydigan, biroq unut bo'lib

borayotgan etnografik birliklarni lug'atlashtirish borasida qilingan ishlardan biri A.J.Omonturdiyev va B.Rahmonovlar tomonidan tuzilgan "Surxondaryo dialektal-etnografik maqol-larining izohli lug'ati" (2019) hisoblanadi.

N.Amonturdiyev «Surxondaryo etnografizmlarining leksikografik xusu-siyatlari» nomli tadqiqotida esa lug'at tuzish masalasi haqida chuqur yondashgan. N.Kurbanazarovanning «Surxondaryo vohasi to'y marosimi etnografizmlarining semantik tabiati va lingvomadaniy tadqiqi» nomli tadqiqotida etnografizmlarning millatning milliy ma'naviyatini

aks ettiruvchi til tizimining tarkibiy qismi ekanligi nikoh to'yi marosimlari leksikasi tahlili orqali asoslangan.

Tadqiqot ishini yoritish jarayonida o'zbek tilshunosligida etnografizm va dialektologiya sohalarida izlanishlar olib borgan A.Jo'raboyev, N.Mirzayev, Y.Bobojonov, Sh.Nurullayeva, M.Qahhorova, R.Kasimova, A.Xonxo'jayeva, G.Adilova, N.Amonturdiyev, B.Rahmonov, N.Kurbanazarova, Muhammad Humayun Nadim kabi tilshunos olimlar ishlarida ilgari surilgan g'oyalar, fikr va qarashlar foydalanildi.

## Sarpo – Sar-bosh, po-oyoq ma'nosidagi so'zlar birikib, forschada boshdan oyoqqacha degan ma'noni ifodalaydi

### Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolada tavsiflash, tasniflash, qiyosiy-tarixiy, qiyosiy–chog'ishtiruv, leksik-semantik, etimologik usullardan foydalanildi.

## Tahlil va natijalar.

Umuman etnografizm sohasida o'zlashgan qatlam to'g'risida bir qancha manbalar mavjud bo'lib, bu borada tadqiqotchi N.Amonturdiyev o'zining "Surxondaryo etnografizmlarining leksikografik xususiyatlari" nomli dissertatsiyasida etnoleksemalarni izohli lug'atlarda tadqiq qilayotib, o'zlashgan qatlam etimologiyasiga ham to'xtalib o'tadi. Umum lug'at maqolasining bosh so'zdan keyingi komponenti bosh so'zning etimologiyasi haqdagi ma'lumot keltiradi. Etimologik ma'lumot qardosh bo'lmagan chet til so'zlariga beriladi. Tadqiqotchi izlanishlarida ikki jildli izohli lug'atdagi etnoleksemalar tahlili shuni ko'rsatdiki, etnografizmlarning 10.2 foiz (18 o'rinda)i arabiy, 13.7 foiz (24 o'rinda)i fors-tojikcha, 2 o'rinda arabiy+fors-tojikcha (yasama), 1 o'rinda mo'g'ulcha etnomadaniy o'zlashma leksemalardir. Ikki va besh jildli izohli lug'atlarda uchraydigan o'zlashma etnografik birliklar qiyosi quyidagi jadvalda batafsil berilgan (3-jadval)da ifodalab berilgan. Shuningdek, ikki jildli izohli lug'atda etimologik ma'lumot berilmagan ayrim o'zlashma etnografik leksemalarga ham etimologik izoh berilgan: zarkokil [f. زاركوكيل - zarli gajak, kokil] (II; 138), patir [a. ريطف - oshirilmagan, ko'ptirilmagan (non)] (III; 237), salom [a. ماس - tinchlik, xavfsizlik; ko'rishish, salomlashish] (III; 430), tumor [a. راموط - o'rog'liq xat; noma, ezuv] (IV; 188), o'kil [a. لويكو - ishonchli, vakolatli shaxs] (V; 145) kabideb namuna keltirib dalillab o'tadi.

Shu o'rinda Surxon voha aholisi etnografik leksikonida o'zlashgan qatlam nomlari boyish manbalarini Muhammad Humayun Nadim "Shimoliy Afg'oniston o'zbeklari to'y – marosim etnografizmlarining tizimiy va leksikografik xususiyatlari", nomli diss.avtoreferatida quyidagi guruhlar bo'ladi:

## Kallapo'sh – bosh kiyim ya'ni, do'ppi bo'lib, voha aholisi talaffuzida kallaning kiyimi ma'nosida kelib chiqib nomlangan

1. Umumturkiy qatlam nomlari.
2. Fors-tojikcha qatlam nomlari.
3. Arabiy qatlam nomlari.

Umumturkiy qatlamga vohada uchrovchi etnografik leksikasida sof turkiyo'zakdan yasalgan etnografizmlar nisbatan ko'pchilikni tashkil etadi. Masalan, "to'y", "sovchi", "kuyov", "kelin", "quda", "olan", "qalin", "uloq" kabi etnografizmlar. Etnografizmlari tarkibida sof turkiy so'zlarga qo'shimchalar qo'shilishi bilan yasalgan so'zlar ham ko'pchilikni tashkil etdi: "to'ylik", "to'y-ona" kabilar.

Etnografik leksika qatlamida Surxon vohasi urf-odatiga fors-tojik madaniyatidan kirib kelgan bir qancha urf-odat nomlari o'z shaklida (bosh so'z sifatida) qabul qilingan. Etnografizmlari tarkibidagi fors-tojikcha etnografizm nomlarini quyidagicha guruhlar ajratgan holda ifodalash mumkin:

- 1) vohada foydalanilgan asliy sof fors-tojikcha etnografizm nomlari nomlanish sabablari:

Sarpo – Sar-bosh, po-oyoq ma'nosidagi so'zlar birikib, forschada boshdan oyoqqacha degan ma'noni ifodalaydi. Keyinchalik to'yda uzoqdan kelgan mehmonlarga, to'yona bilan kelgan kishilarga beraladigan to'n yoki mato shu nomga aloqadorlik asosida o'sib chiqqan. Ya'ni boshdan oyoqqacha kiyinish ma'nosidagi sarpo tushunchasiga aylangan. Bu borada kelin sarpo, kuyov sarpo, quda sarpo kabi nomlar shakllangan. Baxshanda – gavarabaxsh, gavarabaxsh: bu so'zlar baxshida qilmoq, baxsh qilmoq fe'li bilan gavoraoti (forscha beshik) biri-

kuvidan tashkil topib, beshik va beshiklik davriga aloqadorlik sifatida nomlangan. Qiz va o'g'il bolalarni o'zaro beshik yoshidalagida atashtirib qo'yish. Ya'ni beshiklik davridanoq baxshida qilingan hisoblanadi. Vohada bu nom bilan birgalikda shu ma'nodagi beshikquda keng tarqagan.

Diniy tushunchalarni ifodalovchi bomdot, peshin, shom, xufton namoz nomlari vohadan boshqa barcha viloyatlarda amal qilinishi bilan ajralib turadi. Shunday bo'lsa ham bu tushuncha etimologiyasiga bir izoh sifatida to'xtalib, shuni aytishimiz mumkin, fors tilida shu nomdagi vaqt ma'nosiga bog'liqlik (metanomik hodisa) asosida nomlanishdan o'sib chiqqan va bu nomlar voha aholisi tiliga ham ko'chib o'tgan: Bomdot – Erta bilan kun chiqmasdan o'qiladigan birinchi namozni ifodalab, bu nom fors-tojik tilida tong, sahar, erta tong ma'nosidagi bomdot so'ziga bog'liqlik asosida qayta nomlangan. Peshin (fors.)-kunning yarmi o'tgan payti va shu paytga aloqadorlik sifatida o'qiladigan namoz. Shom – Bu tojikcha ot asli 'qorong'i tusha boshlagan payt' ma'nosini anlatadigan tushuncha (ТЖРС, 460); shu ma'no asosida kechki, to'rtinchi namoz' ma'nosi yuzaga kelgan (O'TIL, II, 424). Quyosh zavolga (og'ishga) ketganidan so'ng to narsalarning soyasi quyosh tik-kaga kelgan paytdagi soyasidan tashqari o'z uzunligiga nisbatan ikki baravar ortguniga qadar bo'ladigan paytga bog'liqlik asosida nomlangan. Xufton – quyosh botgandan bir ikki soat o'tgach o'qiladigan eng keyingi kechki namoz nomi hisoblanib, fors tilida quyosh botgandan bir ikki soat keyingi vaqt xufton deb ataladi. Bu nom ham shu vaqtga aloqligi sifatida nomlangan. Demak, bu nomlar paydo bo'lishida metanomik jarayon lingvistik vosita bo'lgan.

Ro'za –fors-tojikcha kun(ro'z) so'ziga -a qo'shimchasi qo'shilib yasalgan. Ildizi so'g'dchaga borib taqaladi. Ramazonda sahardan og'izochargacha yeb-ichmasdan qilingan har kungi ibodatga aytiladi.

## Ro'za –fors-tojikcha kun(ro'z) so'ziga -a qo'shimchasi qo'shilib yasalgan

Demak, ro'za so'zi har bir kun uchun ifodalangan ma'noga bog'liqlik asosida shakllangan. Bu so'z arab tilida as-savm, as-siyam deyiladi. Uning lug'aviy ma'nosi biror narsadan o'zini mutlaqo tiyib turishdir. Turkcha va ozarchada ro'za so'zi o'rniga oruç so'zi ishlatiladi. Qolgan qardosh xalqlarda, jumladan qozoqchada - oraza, qirg'izchada - orozo, turkmanchada- agız beklemeq, tatarchada- uraza, uyg'urchada- ruza tutish kabi atamalar ishlatiladi. Ro'za Ramazon oyi ma'nosini ham ifodalaydi. Ro'za tutgan inson ro'zador deb ataladi.

Gavaki – To'l davridan bir-ikki oy avval tug'algan qo'zi. Buni ertachi qo'zi deb ham yuritishadi. To'l davr bu erta bahor ma'nosida qo'llaniladi. Anao'shaerta bahor ma'nosi shu shaklda kirib kelgan deb taxmin qilib, bu davrda tug'ilgan qo'ziga ham xalq tomonidan shunday nom berishgan. Darveshona – darbishona. Bu ravish tojikcha dervesh otiga 'o'xshab' ma'nosini ifodalaydigan -ona qo'shimchasini (ТЖРС, 542) qo'shib hosil qilingan; 'darveshlargao'xshab' ma'nosini anglatadi (O'TIL, 1,209). Mahalla xonadonlaridan yig'ilgan mablag' hisobidan shu mahallaa'zolariga tayyorlangan taom. Darveshona navro'z arafasida, ob-havo qurg'oqchil kelganda, yuqumli kasalliklar tarqalgan yillarda tashkil qilingan. Demak, bu nom darvishlardan qolgan odat sifatida tarqalgan, xuddi ular kabi olloh yo'lda xayr – sadaqa chiqarish maqsadida paydo bo'lgan odat. Nom uchu asos o'xshash vositasi bo'lgan. Xudoy – Marhumlar ruhiga bag'ishlab yoki biror illatdan eson-omon qutilganligi uchun xudoyo'liga qilinadigan sadaqa, yoki Sunnat to'yi boshlanishidan oldan to'yegasining biron yaqin

marhum kishasi (otasi yoki onasi) xotiri uchun ham qilinadigan qurbonlik. Nomlanishdagi ichki ma'no xudoning yo'liga shakli xudoyi bo'lib atalib ketgan. Yana bundaolloh rizoligi uchun bajarilgan amal ma'nosi ham mavjud. Juvoz– forschada "o'g'ir"-ma'nosini ifodalab, o'simliklar urug'idan, xususan, zig'ir, kunjut, chigit kabilardan moy chiqaradigan, maxsus qurulma dastgoh. Objuvoz – Bu ot tojik tilida 'suv' ma'nosini anglatadigan ob oti bilan (ТЖРС, 279) 'o'simlik urug'idan moyajratib olish qurilmasi' ma'nosini anglatadigan juvoz otidan (ТЖРС, 290) tuzilgan bo'lib, 'suv kuchi bilan ishlaydigan juvoz' ma'nosi (O'TIL, I, 515) nomi uchun asos bo'lgan.

Kallapo'sh – bosh kiyim ya'ni, do'ppi bo'lib, vohaaholisi talaffuzida kallaning kiyimi ma'nosida kelib chiqib nomlangan. Zangibobo – Sigirboqarlarning sig'ana-digan piri. Bu pining vohaahlosiga kirishi fors – tojik madaniyatiga xos unsur borligidan darak beradi. Diniy aqidaga ko'ra zangiboboruhiga bag'ishlab is-chiroq qilganlar. Bunda Zangiboboga atab bajarishganligi uchun shu ma'nodagi is chiqarish odatipaydo bo'lgan. Navro'z – "yangi kun" Shamsiya yil hisobidayangi yilning (neyu, nav) boshlanish kuni bo'lib, ro'z kun degan ma'noni beradi va shu ma'no nom uchun asos bo'lgan. Parichiroq – Xayoliy mavjudot «pari»dan kasallangan kishini darddan xalos qilish maqsadida mayda cho'plardan paxta o'rab, uni yog'ga botirib yoqiladigan chiroqya'ni, parining chirog'i parichiroq deb nomlangan. Poyandoz – Alohida hurmatga sazovor kishini kutib olish uchun, uning yo'liga oyog'i ostiga solinadigan payos, ko'rpacha, gilam bo'lib, poy(oyoq), va andoz(tushamoq) birikib nom uchun oyoqqa to'shalgan mato ma'nosidan olingan. Rapida – Bu ot ТЖРСda rafida shaklida keltirilgan (322), o'zbek tiliga f tovushini p tovushiga almashtirib olingan; 'non shakli berilgan xamirni tandirga yopishtirishda qo'l kuymasligi uchun ishlatiladigan, ichiga paxta to'ldirib, orasiga qo'l tiqiladigan joy qoldirib tikilgan dumaloq, qalin, doira shaklidagi qo'lqop mato (O'TIL, I, 615). Ma'lum ma'noda doiraga o'xshab tikilganligi uchun, huddi doiraga nisbatan rapidaqa degan ovozga monanlik sifatida xalq tomonidan shu nom tanlanishga asos bo'lgan bo'lishi ham mumkin. Chalop – fors tilidan cholop shaklida kirib kelgan bu nom suzmaga

(chakkiga) ozgina tuz solib suvda suyultirib tayyorlangan ichimlik bo'lib nom uchun asos chalopning chalp-chalp qilib ichishdagi taqlid tovush ham bo'lishi mumkin.

Fors tojik tilidan qirq ma'nosini ifodalovchi chil so'z orqali kirib kelgan ko'plab nomlar mavjud: Chilvir – "chil" ("چول") – "qirq") va vir – ipma'nosidan kelib chiqsak, jun yoki paxtadan tayyorlangan. ingichka, o'tapishi-qarqon. Ya'ni qirqtqa ipning o'ramasidapaydo bo'lgan nom ekanligini guvohi bo'lamiz. Chiltan–chil – qirq va tan – ruh qismdan tashkil topib, diniy tasavvurga ko'ra, go'yo g'ayri tabiiy kuchga ega bo'lgan, ko'zga ko'rinmaydigan, bir-biridan ajralmaydigan afsonaviy qirq ruhga sig'inish. Aslida u qirq bir ruh bo'lgan bo'lib, rivoyatlarda chiltonlar odamlar ko'ziga ko'rinmaydi, ba'zan ular orasida odam qiyofasida yashagan, noma'lum sababga ko'raesa qirq birinchi ruh yo'qolib, qolgan qirqta ruhga singib ketib ularda yashar ekan deb talqin qilingan. Turli ofatlardan saqlanish, kasaldan qutulish maqsadida chiltonlarga atab pilikdan yasalgan 40 chiroq yoqish, ularga bag'ishlab turli taomlar pishirish odati bo'lgan. Taomlar chilton oshi deb atalgan va ular shu marosim munosabati bilan to'plangan xotin-qizlarga tarqa-tilgan. Hozirgi vaqtda Chiltonlar va ular bilan bog'liq bo'lgan urf-odatlar vohada qisman saqlanib qolgan. Ahmad Yassaviy hikmatlarida chiltonlar qirq tan, ya'ni qirq odam. Bu qirq kishi avliyolik quvvatigaega bo'lib, dunyo masalalarini hal qilishda Xudoning amri bilan ish ko'radilar. O'lganlar o'rni tirik odamlar bilan to'ldirib turiladi.

Chiltanchiroq– Bemorni davolash maqsadida afsonaviy qirq ruhga yoqiladigan qirqta chiroq yoqilib, bunda qirq ruh uchun qirq paxtani eshib, pilik shakliga keltirib yog'ga botirib yoqishadi. Qora kukunidan olinib piyoladagi kumush tangali suvga sochiladi. Qirqta ruhga bag'ishlab yoqilgan qirqta chiroq ma'nosidan kelib

chiqib shunday nomlangan. Chilla – bu ot “qirq” ma’nosini anglatadigan tojikcha chil sanoq soniga (ТЖРС, 442) -a qo’shimchasini (ТЖРС, 543) qo’shib hosil qilingan bo’lib, qo’shimcha qo’shilganidan keyin I tovushi qatlangan (ТЖРС, 442). Bu ot ‘qirq kun’ ma’nosini anglatadi: ‘chaqaloq tug’ilganidan boshlanadigan qirq kun’ (O’TIL, II, 368). Bu ot bilan Chilla chiqdi, Chilla-si chiqdi kabi iboralar tuzilgan. Demak chillayilning eng issiq yoki eng sovuq qirq kuni; bola tuqqan yoki tug’ilgandan boshlab keyingi qirq kunlik davr; yakka’zi odamlardan yashirib qirq kun toatibodat qilish kabi ma’nolarni ifodalaydi. Chillak – 1) bitta uzun, bitta kaltayog’och bilan o’ynaladigan bollalar o’yini va shu o’yinda xizmat qiladigan ingchayog’och; 2) varrak ipi o’raladigan qisqa cho’p. Hazoralik- Kelin tushirab kelayotganda, o’lan aytish. Bunda bir ayol salomnomaaytadi, qolgan ayollar baro-bariga «hazoralik» deb javob qaytaradi. Ya’ni ming bor alik olishadi. Hazor – ming vaalik qismlarining birikishidan tashkil topgan. Degi duzzi – (deg – fors-tojikcha qozon, duzzi – fors-tojikchao’g’irlik, o’g’irlash, o’g’irlamoq) o’g’irlangan qozon. Deg so’zi ma’nosining kengayishi natijasida tovoq tarzida ham tarjima qilindi.) deb ham nomlanadi. Bunda, kuyov va kelining to’ydan oldin qilinadigan mehmondorchiligi bo’lib, kuyov tomonining uyidapishirilgan ovqat qozonda kelinnikigaolib borib yeyishi, yoki, aksincha, o’sha qozondayana kelin tomonining pishirgan ovqatini kuyovning uyiga olib borib yeyishlar nazarda tutilgan. Bu nomdaaslida qozon o’g’irlanmaydi,

## Chiltantosh – Qirq ruhga sig’inuvchi kishining meros oldim ma’nosini ifodalovchi qora toshi

faqat bu jarayon o’g’irlik xususiyati bilan ramzan nomlangan.

Piyoba – «Piyova» forschada «piyoz» va «ob» so’zlaridan tashkil topib piyoz suvi yoki sho’rvasi ma’nosi shu taom nomi uchun zamin bo’lgan. Shirguruch– Bu ot ‘sut’ ma’nosini anglatadigan tojikcha shir oti bilan (ТЖРС, 458) ‘sholvdan oklab olinadigan oshlik don’ ma’nosini anglatadigan tojikcha birinch otvdan (ТЖРС, 72) tuzilgan bo’lib (ТЖРС, 459), o’zbek tiliga birinch oti tarkibidagi bi tovushlarini gu tovushlariga, ins tovushlarini uch tovushlarigaalmashtirib olingan; ‘guruchni sutdapishirib tayyorlanadigan quyuyq taom’ ma’nosini anglatadi (O’TIL, II, 416). Kashkob – tojikcha “kashk” – “qurut” va “ob” – “suv” birikib, suvi quritilgan qatiqdan tayyorlangan qurut ma’nosi nom uchun asos bo’lgan. Kallapocha – Bu ot tojik tilida ‘bosh’ ma’nosini anglatadigan kallaoti bilan (ТЖРС, 176) ‘hayvon oyog’i’ ma’nosini anglatadigan pochaotidan (ТЖРС, 311) tuzilgan bo’lib, tojik tili lug’atida qo’shib, o’zbek tili lug’atida chiziqcha bilan ajratib yozilgan; ‘so’yilgan hayvonning kallasi bilan oyog’i’ ma’nosini anglatadi (O’TIL, 1,361).

Chimmat – Bu ot asli tojik tilida ‘ko’z’ ma’nosini anglatadigan chashm oti bilan (ТЖРС, 439) ‘bogich’ ma’nosini anglatadigan band otidan (ТЖРС, 44) tuzilgan bo’lib, o’zbek tiliga juda murakkab tovush o’zgarishlari bilan olingan: chagim qismidaa tovushi i tovushigaadmashtirilib, sh tovushi tashlangan: chashm > chim; band qismida b tovushi m tovushiga, d tovushi t tovushigaalmashtirilib, n tovushi tashlangan: band - mat . Bu ot asli ‘ko’zni to’sadigan parda’ ma’nosini anglatib, «chashmband» ning buzilgan shakli (O’TIL, II, 369). Chimmat tutush hozirda kelinning yuzini yashirish bilan birga, oq rang yana boshqa ma’no-mazmun ham ifodalagan. Oq rang soflilik,sokinlik rangi hisoblanadi. Shu bilan birga voha aholisi-

## Chilla kirdi [f-t.+o’] – Bemorni uch yoki olti kun davomida uydan chiqarmasdan qushnoch yoki domla tomonidan «davolash» usuli

da oq rang yomonliklar va baxtsizliklarni o’zidan qochiradi, degan tasavvur bor. Kayvoni–Bu ot aslida kaybonu “uyning xo’jayini, uyning bonusu” bo’lib, talaffuzda o’zgargan shakli bo’lgan nom. Voha aholisi kayvoni deb ayollarga bosh bo’lganlarga nisbatan ishlatadi.

2) fors-tojikcha so’zlarning o’zbekcha nomlarga qo’shilishidan hosil bo’lgan etnografik leksemaning ono-masiologik tabiati: Sarpo ko’rar – (fors-tojikcha sar-bosh, poy-oyoq)boshdan oyoqqacha kiyiladigan yangi kiyim-kechak majmuasi bo’lib, bunda sarpo so’ziga ko’rmoq fe’li birikishi yo’li bilan udum nomi kelib chiqqan. Kelin sarpo, kuyov sarpo kabi nomlar ham shu usulda birikkan. Shuningdek, sarpo bilan bog’liq sarponi uluq qilar va sarponi allalatar udumi nomlari ham yasalgan. Poyondozsoldi – Ot+fe’l: poy (fors-tojik tilida oyoq) + andoz (fors-tojikcha to’shamoq) so’zlari soldi fe’liga birikib, o’sha jarayonni ifodalovchi nomdir. Nikoh kechasa kuyov kiradigan uyning eshigi bo’sag’asiga tashlab qo’yaladigan bir-ikki metr chamasidagi gazlama. Kuyov kelin turgan xonaga kirishdao’shapoyandozni bosib o’tishi kerak.

Navro’z bayrami [f-t.+o’] Navro’z va bayram oti birikib, kuni bo’ladagan ommaviy bayram sayil. Payg’ambar oshi yoki Payg’ambar to’y birikmasidagi payg’ambar so’zining ma’nosi “oldinda boruvchi” degan ma’noni ifodalab, insonlar payg’ambar yoshiga yetganligi ya’ni 63 yoshga

to’lish bilan o’tkaziladigan marosim, elga beriladigan ziyofat. Bu xalq tilida yubley to’y deb ham ataladi.

Chilla kirdi [f-t.+o’] – Bemorni uch yoki olti kun davomida uydan chidarmasdan qushnoch yoki domla tomonidan «davolash» usuli. Chilla qochdi, chilla chiqdi – qirq kunlik to’lgani munosabati bilan chaqaloq onasi yaqinlarinikiga mehmonga borishi. Chiltansuv [f-t+o’]– sog’liq uchun ichiladigan suv bo’lib, balo-qazolarni oldini olish yoki doimiy sog’liq yomonlashaversa, tuzalish maqsadida ichiladigan suv. Go’yoki qirq ruh ziyon qilmoqda degan qarash bo’lgan. Bezovta ruhlarni xotirjam qilish uchun ularga bag’ishlab marosim o’tkazish kerak. Qirq ruh uchun atalgan marosimni o’tkazuvchi qirq ruhni tan olganligini ifodalash uchun ichiladigan suv.

Chiltantosh – Qirq ruhga sig’inuvchi kishining meros oldim ma’nosini ifodalovchi qora toshi. Odatdaonadan qizga yoki momosidan nevara qizga beriladi. Ba’zan erkak kishi ham meros tosh oladi. Chiltantosh olish avloddan avlodgao’tmagan. Bu extiyoriy bo’lgan. Ammo bu maqomni davom ettirishga, toshni ham meros qilib avloddan avlodgayetkazishga intilish kuchli bo’lgan. Oilada kimningdir ko’zigayoki tushiga qirq ruh qandaydir qiyofada ko’rinib, meros berganligi namoyon bo’lgan. Ayni paytda bir qo’y so’yib merosni olish marosimi bajarilishi shart bo’lgan. Agar bajarilmasa kimgadir qirq ruh ziyon yetkazib, ayanchli vaziyatgaolib kelishi mumkin degan qarash bo’lgan. Chiltantosh belgilashda ham kimningdir qoratoshini meros qilib olgan, yoki toshlar ichida birinchi ko’zga tushgan tosh chiltantosh sifatida tanlangan.

Chiltanini yangilash – bu odat bajarilishida go’yoki bo’layotgan ko’ngilsizliklar(farzand turmaslik, farzand bo’lmaslik, og’ir dardga yo’liqish, ishining orqaga ketishi kabi) masalan, bolasi turmayvergan(bolasini yo’qotgan)ayol

avval chiltansuv ichgan bo'lsa, yangilash belgisi deb tushungan va bolamni sog'lig'i uchun qayta yangilayman, bolamga kelgan ziyon menga bo'lsin degan ma'nosida yangilash holati ham bo'lgan. Ba'zi insonlar sog'lig'i yomonlashganligi sabab sog'lig'im uchun ichdim yoki sog'lig'im uchun yangiladim deb niyat qilgan. Dastlab, chiltonni qabul qilishda ham, yangilashda ham qo'y so'yilib qon chiqarilgan, yoki so'yilgan qo'yning yetti muchasidan qiyib olinib joniga jonliq deb niyat qilishgan.

Shomoshi [f-t+o'] – Nikohdan oldin qizning ota-onasidan beriladigan ziyofat. Shuningdek, Sunnat to'yi kuni kechqurun to'y egasining marhum otasi yoki onasi ruhi uchun elga beraladigan ziyofat, xudoyi. Shom vaqtida bajariladigan marosim bo'lganligi sababli shomoshi. Daha kirdi – bu ot tojikcha 'o'n' ma'nosini anglatadigan dah sanoq soniga -a qo'shimchasini (ТЖРС, 543) qo'shib hosil qilingan bo'lib, "mahallalar majmui" ma'nosini anglatadi (O'TIL, I, 216). Shuningdek, bu ot tojikcha 'o'n' ma'nosini anglatadigan dah sanoq soniga (ТЖРС, 124) -a ko'shimchasini (ТЖРС, 543) qo'shib hosil qilingan bo'lib, 'ipak qurtining uyquga kirish pallasini' ma'nosini anglatadi (O'TIL, I, 216). Ipak qurtining birinchi, ikkinchi, uchinchi uyqusini kichik daha, to'rtinchi, beshinchi uyqusini katta daha deyiladi. Bu ot bilan dahaga kir-birikmasi hosil qilishgan. Vohaaholisi tilida daha kirdi ma'nosi Ramazon oyidao'tkaziladigan o'n kunlik ibodat va u bilan bog'liq marosim sifatida ko'p ishlatiladi. Shuningdek, dasturxon yubordi, sharbat yalatti, poyandoz to'shadinomialari ham fors – tojikcha ot va o'zbekcha fe'llarning birikishidan tashkil topgan bo'lib, marosimda bajariladigan harakat jarayoni nomlashga turtki bo'lgan.

3) o'zbekcha so'zning fors-tojikcha so'zga qo'shilishidan tarkib topgan etnografizm nomlanish sabablari:

Chachiniyoz – Qadimgi turkiy tilda ham shunday ma'noni anglatgan bu ot sach tarzida talaffuz qilingan (IDP, 418; Devon, I, 311; DS, 479); o'zbek tilida unli â unlisiga almashgan; sach > sâch. So'zlashuv nutqida bu ot châch tarzida ham talaffuz qilinadi. Chachiniyoz odat ikki xil vaziyatda bajarilib, biri farzand tilab, o'tganlar ziyorotgohiga borib sig'inganligi natijasida farzand ko'rgan vaqtda, ikkinchisi homladorlik vaqtda bilmasdan ziyoratgohlarga ziyorat qilish natijasida, farzand tug'ilgandan keyin birinchi sochi olinib, boshning orqa qismida kokil(soch)qoldiriladi. Bu qoldirilgan kokil aynan o'shaavval borgan qadamjoga borib, bironta qo'y so'yib olinadi. Chachiniyozning niyoz qismi esa fors tilidagi ot so'z turkumigaoid bo'lib, asli [niyaz] shaklida keltirilib, 'muhtojlik', 'iltijo', 'sovg'a' ma'nolarini anglatishi aytilgan; o'zbek tilida nazr-niyoz juft oti tarkibida (O'TIL, I, 493) 'xayr-sadaqa' ma'nosi bilan qatnashadi. Shu tariqa bola uchun xayr-sadaqa chiqarishgan. Keyinchalik ham bola uchun borgan ziyoratgoh doimiy qo'llab yuruvchi pir sifatida borish ham to'xtatilmagan (masalan, Sho'rchi tomonda Bo'tabozor ziyoratjoyi o'sha tomon aholisi uchun shunday

## fors – tojik tilidan o'zlashgan qo'shimchalar etnografizm yasalishida muhim ahamiyatga ega

day maskan). Chach haqi sifatida bir jonliqni hadiya qilishgan. Bu esa nom uchun ham asos bo'lgan. Ya'ni sochini haqi uchun hadiya in'om. Shunday qilib ziyorat joy ziyon – zahmat yetkazmasligi va doimiy qo'llab yuruvchi vosita sifatida namoyon bo'lgan.

Qurtoba - so'zi ikkita komponentdan iborat: o'zbekcha "qurut" – "quritilgan suzma, qurut" va tojikcha "ob" – "suv" birikib, ma'nosi suvi qurutilgan yegulik sifatida xalq shunday nomlagan.

Kuyovsarp, kelinsarp, kuyovjo'ra, qudasarp kabi nomlar o'zbekcha va forsha so'zlarning birikishidan tashkil topib, kelinning sarposi, kuyovning sarposi, kuyovning jo'rasi va qudaning sarposi bir – butun holatga kelgan. Bu keyinchalik o'z ma'noni ifodalab turuvchi nom sifatida atala boshlagan.

4) fors-tojikcha so'zga o'zbekcha affiksning qo'shilishidan yasalgan etnografizmlar: bazm+chi, dastur-xon+chi, payshanba+lik kabi. Po'stak (fors-tojikcha po'st – teri, -ak – kichraytirish qo'shimchasi) – qo'y, yoki echkining terisidan tayyorlangan, to'shash uchun mo'ljallangan to'shamchi bo'lib, xalq tilida nomlashda teridan, po'stdan to'qilgan gilam ma'nosidan ifodalagan.

5) fors – tojik tilidan o'zlashgan qo'shimchalar etnografizm yasalishida muhim ahamiyatga ega. Masalan, Chachvon - Bu ot o'zbekcha boshdagi tuk tolalari ma'nosini anglatadigan soch otiga (O'TIL, II, 71) tojikcha -bon qo'shimchasini (ТЖРС, 542) qo'shib hosil qilingan bo'lib, o'zbek tilida s tovushi ch tovushiga, o (â) tovushi a tovushiga, b tovushi v tovushiga almashtirilgan. Ma'nosi "paranji ostidan yuzga tutiladigan to'r parda" ma'nosini anglatadi. Avvallari chachvon otning dum qilidan to'qilar edi (O'TIL, II, 358). Bunday buyum tojik tilida chashmband oti bilan anglatiladi (ТЖРС, 440), ya'ni chaish — ko'z, band — bog'lash, yopish ma'nosini ifodalaydi.

6) bir qismi arabcha so'zlar bilan birikib, ma'no ifodalaydigan fors – tojikcha so'zlar: Chillayosin – qirq kun davomida kasallikni davolash, mushkulini oson qilish va shu kabi maqsad bilan o'qiladigan yosun duosi. Shu ma'nosi atalishda ham aks etgan. Bunda chilla vayosin birikuvidan tashkil topgan

## Padar fors-tojik tilida ota ma'nosini anglatib, arabcha vakil shakli bilan birikkan

leksema. Joynomoz – Bu ot tojikcha choy (q.) va musulmlarning kuniga besh mahal bajaradigan ibodati ma'nosini anglatadigan namoz otidan (ТЖРС, 454) tuzilgan bo'lib, 'namoz o'qishda oyoq ostiga to'shaladigan maxsus mato ma'nosini anglatadi (O'TIL, I, 286). Atalishida nomoz o'qiladigan joyni ko'rsatish ma'nosi nomlanishga asos bo'lgan.

7) birinchi qismi fors – tojikcha so'zdan iborat bo'lib, keyingi qismi arabcha ma'nodagi etnoleksemlarga: Padarvakil(vakilota) –Padar fors-tojik tilida ota ma'nosini anglatib, arabcha vakil shakli bilan birikkan. Bunda qiz tomondan ota o'rnidan vakil sifatida qatnashgan insonga nisbatan aytiladi. Doka ro'mol – bu ot "yuz" ma'nosini anglatadigan ro' oti bilan (ТЖРС, 331) "bisotdagi narsadar" ma'nosini anglatadigan arabcha mol otidan (APC, 774) tuzilgan bo'lib, ТЖРСda asosiy shakli deb ro'ymol ta'kidlangan (331). Bu ot "ayollar boshiga o'raydigan buyum" ma'nosini anglatadi (O'TIL, b I, 631) Bunda asosan oq rangni ifodalagan doka ham oq rangli mato bo'lganligi shu nomni atalishi uchun asos bo'lgan.

## Xulosa.

Yuqorida voha aholisida qo'llanilgan forsiyzabon qatlamni yetti guruhga ajratilgan qatlamga bo'linganligining guvohi bo'ldik. Bu qatlam etnoleksemlarining nomlanish sabablariga to'xtalib, tarkibiy tuzilishini ko'rib chiqdek. Surxondaryo aholisi madaniyatiga fors-tojik tilidan kirib kelgan etno leksemalar tarkib turli komponentlardan tashkil topib, nomlanish sabablariga esa nomning o'zida aks etgan jarayon-harakat (poyandoz tushamoq), predmetdan (kashkob, piyoba), vaqtga va raqamlarga (bomdot, shomoshi, chilla) bog'liqlik sifatida metanomik hodisadan, belgidan (doka ro'mol - oq rang asos qilingan), o'xshatish asosidan (darvishona), metaforik ko'chimdandan (degi duzzi - o'g'ri qozon, sarponi uloq qilar va sarponi allalatar) kabi lingvistik vositalar nomlarda aks etadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. Т.: Фан, 2013
2. Мирзаев Х. Узун тумани тарихи. - Тошкент: Ноширлик ёғдуси, 2015
3. Мирзаев Х. Узун тумани тарихи. - Тошкент: Ноширлик ёғдуси, 2015
4. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. - Тошкент: Муҳаррир, 2011
5. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. Тошкент.: Ўқитувчи, 1996
6. Раҳимов С. Ўзбек тили Сурхондарё шевалари (фонетика, лексика). - Тошкент: Фан, 1985
7. Омонтурдиев А. Лексикографиянинг тилшунослик тараққиётидаги ўрни // Филологиянинг долзарб муаммолари илмий-амалий анжуманматериаллари (Илмий тезис ва мақолалар тўплами), 2016 йил 18 май,
8. Rahmonov B. Surxondaryo chorvachilik leksikasida etnografizmlar. O'zbek tili va adabiyoti, -Toshkent, 2018, №4, -B108-112.
9. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): фил. фанлари док. дис. автореферати - Тошент, 2009
10. Қўзиев Ҳ. Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда ўзлашма сўзлар: фил.фан.бўйича фалс.док. (PhD) дис. автореферати. - Фарғона, 2018

## Chillayosingin – qirq kun davomida kasallikni davolash, mushkulini oson qilish va shu kabi maqsad bilan o'qiladigan yosun duosi

11. Хусайнова З. Ўзбек тилида тўй маросимлари атамаларининг ономасиологик тадқиқи (Бухоро шевалари материаллари асосида): Фил.фанлари номзоди дис. -Тошкент, 1984;
12. Худойқулова Л. Сурхондарё тўй маросим қўшиқлари. номз. дисс. Тошкент, 2011
13. Амонтурдиев Н.Р. Сурхондарё этнографизмларининг лексикографик хусусиятлари. Фил. фан. бўйича фалс.док. (PhD) дисс. - Гулистон, 2020
14. Н.Курбаназарова «Сурхондарё воҳаси тўй маросими этнографизмларининг семантик табиати ва лингвомаданий тадқиқи».дисс. - Термиз, 2021
15. Muhammad Humayun Nadim. "Shimoliy Afg'oniston o'zbeklari to'y - marosim etnografizmlarining tizimiy va leksikografik xususiyatlari", diss.avtoreferati. Termiz - 2022
16. Бегматов Э. Ўзбекисмлариизоҳи. - Тошкент: Ўзбекистонмиллийэнциклопедияси, 2016.
17. Жанпейсов Е.Н. Қозоқтилинингэтник-маданийлуғати. - Алма-Ата, 1983;
18. Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. - Тошкент: Фан, 1991.
19. Омонтурдиев А.Ж. Чорвачиликка оид сўз ва атамаларнинг қисқача тематик эвфемик луғати. -Тошкент, 2015.
20. Омонтурдиев А. Раҳмонов Б. Сурхондарё диалектал-этнографик мақолларининг изоҳли луғати. -Тошкент: Илм зиё заковат, 2019.
21. Раҳимов, С. Сурхондарё ўзбек шевалари луғати. - Термиз: Термиз давлат университети нашриёти, 1995.
22. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили этимологик луғати.-Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
23. Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. - Т.:Академнашр, 2012.
24. Ўзбек тилининг изоҳли луғати/ З.М.Маъруфов таҳрири остида. 2-томлик, -М.: "Рус тили" нашриёти, 1981.
25. Ўзбек тилининг изоҳли луғати/ Э.Бегматов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов ва б. таҳрири остида. 5-томлик, -Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.
26. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2002, 164 б.
27. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. I қисм. Тошкент.: Университет, 2009.
28. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II қисм. Тошкент.: Университет, 2009.
29. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. III қисм. Тошкент.: Университет, 2009.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

https://lib.tisu.uz  
ISSN 0000-0000

**Eshqurbonova Aziza Bozor qizi,**  
Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti  
E-mail: eshqurbonovaaziza@gmail.com

### DIALOGIK NUTQ TADQIQIGA FUNKSIONAL YONDASHUV

**Аннотация.** Mazkur maqolada dialogik nutq funksional jihatdan tadbiq qilinib, pragmatik funktsionallarning asosiy masalalaridan biri bo'lgan nutqiy aktlar haqida so'z yuritiladi. Nutqiy aktlar nazariyasi haqidagi jahon va o'zbek tilshunos olimlari tomonidan keltirilgan fikrlar bayon etilgan. Muallif tomonidan dialogik matnning pragmatik jihatini o'rganayotganda so'zlovchining kommunikativ niyatiga mos keladigan nutqiy aktlar tahlil qilinib, badiiy matnlardan dialog namunalari keltirilgan hamda illokutiv akt guruhlari nuqtayi nazaridan tadbiq qilingan.  
**Tayanch so'zlar:** nutqiy akt, direktiv, konstativ, komissiv, ekspressiv, emotsional, deklarativ, vokativ, integrativ akt.

### ФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ ПОДХОД К ИЗУЧЕНИЮ ДИАЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ

**Аннотация.** В данной статье диалогическая речь исследуется функционально, а также обсуждаются речевые акты, которые являются одним из основных вопросов прагматической лингвистики. Изложены мнения мировых и узбекских языковедов о теории речевых актов. Изучая прагматический аспект диалогического текста, автор проанализировал речевые акты, соответствующие коммуникативному замыслу говорящего, привел примеры диалогов из художественных текстов и исследовал их с точки зрения групп иллокутивных актов.

**Ключевые слова:** речевой акт, директивный, коммиссивный, констативный, экспрессивный, эмоциональный, декларативный, вокативный, интегративный акт.

### A FUNCTIONAL APPROACH TO THE STUDY OF DIALOGICAL SPEECH

**Annotation.** In this article, dialogic speech is studied functionally, and speech acts, which are one of the main issues of pragmatics, are discussed. The opinions of world and Uzbek linguists about the theory of speech acts are stated. While studying the pragmatic aspect of the dialogic text, the author analyzed the speech acts that correspond to the speaker's communicative intention, presented examples of dialogues from artistic texts, and researched them from the point of view of groups of illocutionary acts.

**Key words:** speech act, directive, constative, commissive, expressive, emotional, declarative, vocative, integrative act.

## Kirish.

Kommunikativ funksionalizm nuqtayi nazaridan, til gaplarning strukturaviy tavsiflarining cheksiz to'plami sifatida emas, balki insoniy muloqot tizimi sifatida qaraladi. Funksional yondashuvda tilning instrumental funksiyasi ustunlik qiladi, ya'ni til odamlarning nutqiy o'zaro ta'siri vositasi sifatida o'rganiladi. Ushbu yondashuv tarafdorining vazifasi ma'lum bir dialog kontekstida semantika, sintaksis va pragmatikaning o'zaro ta'sirini bayon qilishga intilib, tilni nutq faoliyati turlari va unda qo'llaniladigan tuzilmalarning turlari bo'yicha tavsiflashdir.

## Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.

Tilshunoslik va falsafada til va nutqning munosabati masalasi dastlab, V.F.Gum-boldt, F.de Sossyur, L.Vaysgerber, E.Sepir asarlarida aks etgan. Jahon tilshunosligida nutqiy muloqot haqidagi qarashlarning rivojlanishi til va nutq farqlanishi bilan bog'liq. Jahon tilshunosligida nutqiy aktlar nazariyasi dialogik nutqning o'rganilishi bilan yanada boyidi. L.Shcherba, N.Shvedova, L.Yakubinskiy, L.Vigotskiy, P.Grays, J.Ostin, J.Serl, N.Arutyunova, YE.Padu-che-

va, A. Baranov, G. Kreydlin kabi tilshunoslarning ilmiy-nazariy qarashlari dialogik nutqni o'rganishda asosiy manba vazifasini o'taydi. O'zbek tilshunosligida A. Hazratqulov, B. O'rinboyev, N. Mahmudov, A. Boboyeva, O' Lapasov, L. Raupova singari olimlarning tadqiqotlarida dialogik nutqning sintaktik va mazmuniy tomonlari yoritilgan. Shuningdek, dialogik nutqning pragmatik hususiyatlari F. Karimova tadqiqotlarida yoritilgan.

## Tadqiqot metodologiyasi.

Maqola tasniflash, umumlashtirish, tahlil, tavsiflash kabi metodlardan foydalanib, badiiy matnlardagi dialogik nutq tadqiqiga funksional jihatdan yondoshilgan, illokutiv akt guruhlari nuqtayi nazaridan tahlil qilingan.

## Tahlil va natijalar.

Muloqotni funksional jihatdan tahlil qilish nutqning o'zaro ta'sirini ma'ruzachi pozitsiyasidan ham, tinglovchi nuqtayi nazaridan ham o'rganishni o'z ichiga oladi. Muloqot nazariyasi uchun kommunikantning og'zaki o'zaro jarayonida u yoki bu xatti-harakatlarini boshqaradigan va odamlar xatti-harakatlarining tashqaridan kuzatiladigan qonuniyatlarini aks ettiruvchi qoida tushunchasi alohida ahamiyatga ega [1: 72].

Ma'ruzachi nutqi, eng avvalo, uning ma'lum kontekstda bir xil vazifani bajarishga qodir bo'lgan turli tuzilishdagi lingvistik vositalarni to'g'ri qo'llay olishidir. Tinglovchining javobi birinchi navbatda oldingi gap mazmunini idrok etish va baholash natijasidir. Muloqot o'zaro ta'siri sharoitida kommunikantlar tomonidan amalga oshiriladigan tanlash va idrok etish jarayonlari ularning tajribasi, voqelik haqidagi g'oyalari bilan bog'liq. Aloqa bo'yicha sheriklarning asosiy bilimlarining kesishish sohalari ularning umumiy bilimlari fon-

dini tashkil qiladi, ular pragmatik presupozitsiyalar shaklida dialog matni nusxalarining uyg'unligini ta'minlash vositasi bo'lib xizmat qiladi. Levanova va Brayn fikriga ko'ra, bu dialogdagi pragmatik taxminlarning tarkibiy va tashkiliy funksiyasidir [2: 80].

Shunday qilib, dialogik nutq doirasida semantik komponentni kodlash va dekodlash pragmatik jihatdan shartlangan, chunki ular nutq aktining asosiy pragmatik komponentlari sifatida so'zlovchi yoki tinglovchiga, ularning aqliy va ijtimoiy sohalariga murojaat qilishni nazarda tutadi. Muloqotning nutq aktlarida til birliklarining ishlashini tahlil qilish qiziqish uyg'otadi, chunki faqat nutq aktlari nazariyasi doirasida tilning maqsadli sohasi semantikasining yetarlicha tizimli ifodasini topish mumkin. Aynan nutq aktlari nazariyasi pragmatik-vistikaning asosiy muammolaridan biri sifatida qaraladi.

Nutq akti - og'zaki kommunikativ faoliyatning birligi, bitta niyatni, nutqning tugallangan minimal segmentini va erishilgan natijani bog'laydigan nutq ishi. So'zlashuvchilarning nutq vaziyati bilan bog'liq o'zaro aloqa - aralashuv jarayonidagi verbal muloqoti nutqiy aktlarni tashkil qiladi. Nutqiy muloqot jarayonida so'zlovchi, tinglovchi va nutq vaziyati ta'sirida nutqiy akt paydo bo'ladi. [3:125.] Nutq aktining pragmatik funksiyasi uni gapiruvchining atrof-muhitga, o'ziga va yoki qabul qiluvchiga ta'sir qilish harakati sifatida tavsiflaydi [4: 86].

Til pragmatikasiga oid adabiyotlarda nutqiy akt turlari va ularning yuzaga chiqish holatlarini dialogik yoki polilogik tarzda muloqot jarayonisiz tasavvur qilib bo'lmazligi ta'kidlanadi. Nutqiy aktlar mazmunan turli xil bo'lib, ular xabar, so'roq, darak, iltimos, minnatdorlik, va'da, buyruq, masxaralash, mensimaslik kabi turli mazmuniy strukturalardan tashkil topadi. J. Ostin va J. Serl o'zlarining falsafiy va lingvistik kontseptsiyalarida murojaat va ma'no elementlarini o'zida mujassamlashtirgan lokatsion akti, gapning kommunikativ maqsadi bilan belgilanadigan illokatsion akti va nutqdagi o'zgarishlarni aks ettiruvchi perlokatsion akti ajratib ko'rsatadilar. Ma'ruzachining niyatini aniqlashda tinglovchining javobi muhim rol o'ynaydi, shuning uchun muloqot sheriklarining pozitsiyalarini eng aniq aks ettiruvchi dialogik nutq doirasida nutq harakatlarining ishlash shakllarini, ularning kommunikativ maqsadini o'rganish maqsadga muvofiqdir.

Nutqiy akt nazariyasining klassik asoschilaridan biri deya e'tirof etilgan J. Ostin nutqiy aktlarni kommunikativ niyat darajasiga ko'ra besh turga ajratadi. Bularni verdiktiv, ekzersitiv, bexabitiv, kommissiv, ekspozitiv kabi nomlar bilan nomlaydi va har birini alohida tasniflaydi. [5: 12]. J. Serl ham J. Ostin singari nutqiy nutqiy akti mazmuniy struktura sifatida e'tirof etadi va reprezentativ, direktiv, kommissiv, ekspressiv va deklarativ kabi turlarga ajratadi. Borliqda sodir bo'layotgan voqea - hodisalarni ongda idrok qilish, uning so'zlovchi tomonidan lisoniy vositalar yordamida ifodalaniishi va tinglovchi tomonidan anglanishi J. Serl tasnifida reprezentativ yoki xabar nutqiy akti sifatida keltiriladi [6:240]. Bunda nutqiy aloqa aktlariga bayonotlar, tavsiflar, tushuntirishlar, ishontirishlar kabilarni kiritish mumkin. Tilshunoslikka oid adabiyotlarda bu turdagi ifodalar konstativlar deb ham ataladi va tadqiqotchilar tomonidan dialogik nutqda qo'llanadigan eng keng tarqalgan pragmatik turdagi gaplar deb ta'kidlanadi.

Direktiv tipidagi nutqiy aktlar so'zlovchining psixologik holatini, ehtiyojlarini, istaklarini ifodalab, tinglovchini biror narsa qilishga undaydi. Ushbu aktlarda buyruq, topshiriq, ko'rsatma kabi ma'nolar aks etadi. So'zlovchining kelajakdagi xatti-harakatlariga nisbatan ma'lum majburiyatlar bilan bog'lanishi kommissiv aktlarni yuzaga keltiradi va bunda ular qaysidir vazifani bajarishni o'z oldiga maqsad qilib qo'yadilar. Va'dalar, kafolatlar, qasamlar ushbu aktning mazmunini tashkil qiladi. Kommissiv nutq aktining batafsil tahlili J. Serl asarlarida batafsil yoritilgan.

J. Ostin minnatdorlik, kechirim so'rash, tabriklash, hamdardlik bildirish nutq aktlarini ekspressiv guruhga birlashtiradi [5: 159]. Hozirgi vaqtda ekspressiv bilan chambarchas bog'liq bo'lgan emosional (hissiy) nutq aktlari ham tahlil qilinmoqda. D. Vunderlix, L. P. Chaxoyan va G. G. Pocheptsov tasniflarida nutqiy aktlarning yana bir turini ajratadi, ular vokativ yoki appellativ deb ataladi.

## Konstativlar (xabarlar, bayonotlar, tavsiflar, hisobotlar, tushuntirishlar)

Yuqoridagi tasniflardan kelib chiqqan holda, dialogik matnning pragmatik jihatini o'rganayotganda, so'zlovchining kommunikativ niyatlariga mos keladigan illokutiv nutqiy aktlarning quyidagi turlarini ajratib ko'rsatish maqsadga muvofiqdir:

1. Konstativlar (xabarlar, bayonotlar, tavsiflar, hisobotlar, tushuntirishlar).

-Usmonov Yo'ldoshxon! Rayon poliklinikasining zamglavрачи. Terapevt. Kvartira telefoni 24-19. Qoidaga binoan uch yarim yil ilgari uyiga telefon tushirilgan. Vrachning uyida telefon bo'lishi shart. Ekstren holatlar uchun.

-Uzelda bo'sh para yo'qmi?

Olimjon Komilovich! - uzal boshlig'ining ovozi ranjish ohangi sezila boshladi. -Bilasiz-ku, bittayam bo'sh yo'q! Rayon militsiyasi bilan o'n bir frontovnikidan boshqa hammasi blokirovka qilingan. [7: 552.]

2. Direktiv (buyruqlar, ko'rsatmalar, iltimoslar, maslahatlar, ogohlantirishlar, talablar).

...Birodar, sendan ham iltimos, Sarvar bilan A'zamga o'xshash suyagi qotgan bolalardan besh -oltitasini berib turmasang ishimiz chatoq. Nima deysan shunga?

-O'ylashib ko'ramiz.

-Iltimos. Partrog degan qayishib turishi kerak sal mundoq...

-Bir gap bo'lar...

-Yasha, birodar. [9: 197.]

3. Kommissiv (va'dalar, tahdidlar, takliflar, qasamlar).

-Shu gapim qulog'ingda bo'lsin! - Oqsoqol nosini qorga tupurib etigi bilan ezg'iladi. - Agar Zo'ra aytganingni qilmasa, terisiga somon tiqaman.

-Yo'q, Oqsoqol, Zuhra xon unaqa juvonmas-ku...

-Shoshma! - Oqsoqol Bashor opaning gapini kesdi. - Agar Zo'ra erining o'rnini bosolmasa, nima qilishni o'zim bilaman. Lekin Zo'raning boshidan bir tola soch haddorat to'kilsa, seni so'yaman! Uqdingmi?

-Xo'p, Oqsoqol, xo'p! [7:219.]

4. Ekspressiv (uzr so'rash, hamdardlik, minnatdorchilik).

-Xafa bo'lmang, mehmon. Afsuski, shunday iflos odamlar yo'q emas oramizda. "Yomonlik bo'lmay, yaxshilik yo'q" deyishadi. Mana, kechagina siz qahraton qishni ko'rib kelibsiz. O'zingiz atyapsizki, uchgan qushga zor edik, deb. Bugun esa, mana, bahorni ham ko'rib o'tiribsiz, shunday emasmi?

-Shunday, mullaka, shunday. [9:174.]

5. Emotsional (turli xil hissiy aktlar).

-Kutasan-a!- Shunday dedi-yu, hamisha yuvosh, o'ychan boqadigan ko'zlarida olov yarq etdi. -Sen kutsang, men tezroq kelaman. Jang qilishim oson bo'ladi. Robiya...

-Ketadigan bo'ldingizmi?- dedim ovozim titrab.

-Yo'q, avval sen ayt. Kutasanmi? Rostingni ayt. O'krab yig'lab yubordim.

- Nega kutmas ekanman? Sizdan boshqa kimim bor! - dedim kaftim bilan yuzimni to'sib.

- Kimsan aka. Axir men... siz... [7:102.]

6. Deklarativ (nomlar, tayinlashlar, jumlarlar, ayblash, tasdiqlash).

-Zulfiqorovning partiyadan chiqari-lishiga rozi emasdingiz? Umumiy majlisda hech narsa demadingiz, qo'l ko'tarmadingiz-ku!

Qalandarovning yuragi torlik qildi.

-Ie... Kolxozda qoldirish masalasini aytaman!..

Saida chuqur taassuf bilan javob berdi:

- Kolxozda qoldirish, qoldirmaslik masalasini pravleniye hal qiladi-da. Partbyuro hal qilganda, albatta, siz bilan hal qilar edik. Pravleniyening raisi o'zingiz... [8. 116.]

7. Vokativ (murojaat, chaqiriq, da'vat).

-Akmal aka!

Ichkaridan holsizgina:

-Labbay. Kim u? - degan tovush eshitildi.

-Men Sarvarman.

-Sarvar? Sarvarxonmisiz? Keling, o'g'lim. [9: 153.]

8. Integrativ (so'roq).

- O'zingiz yaxshi keldingizmi? - dedi Po'lat amakim. Hamma o'tirdi, amakim gapida davom etdi: -rang ro'yingiz tuzuk, oqsoqol.

- Tuzukmi? - dedi jilmayib Sulton bobo.

- Tuzuk, tuzuk...Doktorlar ham omon bo'lsin-da! [9:195.]

## Aynan nutq aktlari nazariyasi pragmatik-vistikaning asosiy muammolaridan biri sifatida qaraladi

### Xulosa.

Illokutiv aktlarni bu tarzda ajratib ko'rsatish dialogik nutqni tavsiflashga pragmatik yondashuvning mohiyatini aniqlashga imkon beradi: buda tilshunosning qiziqishi ushbu bayonotlarning bir qismi sifatida so'z shakli va iboraning ma'nolariga emas, balki dialogik o'zaro ta'sir ishtirokchilarining bayonotlari mazmuniga qaratiladi. Ma'lum bir nutq kontekstini tahlil qilishda, muloqot joyi va vaqti kabi kommunikativ vaziyatning parametrlarini, shuningdek, adresant va adresat shaxsiy xususiyatlarini, ularning psixologik holatini hisobga olish kerak.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Сухих С.А. Речевые интеракции и стратегии. Калинин. 1987.
2. Леванова А.Е., Брайн О.В. Прагматика пресуппозиций в диалогической речи // Прагматические условия функционирования языка. - Кемерово. 1987.
3. Hakimov M., Gaziyeva M. Pragmatik-vistika asoslari. Toshkent. 2020.
4. Нариньяни А.С. Функциональное представление речевого акта в формальной модели диалога. Новосибирск. 1985.
5. Остин Дж. Слово как действие. 1986.
6. Серль Дж.Р. Классификация иллокутивных актов // Зарубежная лингвистика. 1999.
7. Hoshimov O'. Ikki eshik orasi. -Toshkent: Sharq. 2013.
8. Said Ahmad. Sinchalak. -Toshkent. Ilm -ziyo -zakovat. 2021.
9. Fozilov N. Ko'klam qissalari. -Toshkent. O'zbekiston. 2016.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Акабиров Гулинодира Садуллаевна,**  
преподаватель русского языка и литературы, кафедры социальных и гуманитарных наук Термезского университета экономики и сервиса (Узбекистан)  
E-mail: akabirovanadira@gmail.com

### ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ НАЗВАНИЙ РУССКИХ НАРОДНЫХ МУЗЫКАЛЬНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ

**Аннотация:** Статья посвящена русским народным музыкальным инструментам, а также их лингвистическим аспектам, направлениям, в которых культура отражает определенный уровень развития общества. О том, что музыкальные инструменты имеют своё место в истории культуры народа. В статье исследуется музыкальная терминология и лексико-семантический анализ названий инструментов.

**Ключевые слова:** терминология, единицы языка, словообразовательная характеристика, лексико-семантическое поле, структурные типы моделей, семантическая классификация.

### RUS XALQ MUSIQA ASBOBLARI NOMLARINING LINGVISTIK JIHATLARI

**Аннотация:** мақола рус халқ musiqa asboblariga, shuningdek ularning lingvistik jihatlari, madaniyat jamiyat rivojlanishining ma'lum darajasini aks ettiradigan sohalarga bag'ishlangan. Musiqa asboblarining xalq madaniyati tarixida o'z o'rnini borligi. Maqolada musiqa terminologiyasi va asboblar nomlarining leksik-semantik tahlili o'rganiladi.

**Калит so'zlar:** terminologiya, til birliklari, so'zlarni shakllantirish xususiyatlari, leksik-semantik maydon, modellarning tarkibiy turlari, semantik tasnif.

### LINGUISTIC ASPECTS OF THE NAMES OF RUSSIAN FOLK MUSICAL INSTRUMENTS

**Annotation:** The article is devoted to Russian folk musical instruments, as well as their linguistic aspects, directions in which culture reflects a certain level of development of society. That musical instruments have their place in the history of the culture of the people. The article explores musical terminology and lexico-semantic analysis of the names of instruments.

**Keywords:** terminology, language units, word-formation characteristics, lexico-semantic field, structural types of models, semantic classification.

### Введение.

Лингвистика XXI в. активно разрабатывает направление, в котором язык рассматривается как культурный код нации. Язык – это путь, по которому человек проникает не только в современную ментальность нации, но и воззрения древних людей на мир, общество и самих себя. Язык является средством общения между индивидами, а культура отражает определенный уровень развития общества. Каждое общество имеет национально-своеобразную культуру, общественно-историческое явление, непременное условие развития человеческой культуры. Язык воплощает в себе своеобразие целого народа и представляет знаковую систему, используемую для целей коммуникации и познания. Обычный, или естественный, язык складывается стихийно и постепенно, история языка неотделима от истории народа. В языке сосредоточен опыт многих поколений, особый взгляд целого народа на мир. Язык связан с мышлением людей, при помощи языка люди выражают свои мысли и чувства. Важнейшей функцией языка является передача и хранение

культуры народа, формирование национального характера, этнической общности нации. Вся многовековая культура народа отражается в его языке, каждый язык специфичен и уникален, так как по-разному фиксирует и отражает деятельность человека.

В.А.Маслова пишет: «Отзвуки давно минувших лет, пережив века, сохраняются сегодня в пословицах, поговорках, фразеологизмах, метафорах, символах культуры и т. д.» [5.с. 3].

## Основная часть.

Музыкальные инструменты имеют древнее происхождение. На протяжении многих веков они занимали почетное место в истории культуры любого народа, поэтому роль музыкальных инструментов в жизни людей достаточно велика. Они сопровождают человека в самые разные моменты жизни: радостные и грустные, праздничные и будничные.

В тематической сфере «Музыка» наблюдаются работы многих исследователей, таких как Ш.Д.Са-муши, И.Н.Воробьевой, Ж.В.Назаровой, Джона Ын Джу, И.А.Радченко, Н.Г.Ткаченко, М.А.Шамаевой, И.Эшматовой. Они исследуют музыкальную терминологию как единство трех семиотических систем, лексико-семантический анализ названий музыкальных инструментов, анализ состава и взаимосвязей единиц лексико-семантического поля «музыка», количественно-качественные изменения в лексике тематической сферы «Искусство», а также исторические аспекты музыкальной терминологии.

В исследовании И.Эшматовой «Из истории происхождения названий музыкальных инструментов и музыкальной терминологии в русском языке», рассматривается происхождение названий

народных музыкальных инструментов русской культуры. Например, таких инструментов как сопель, труба, гусли, шарманка, волынка и т.д. Также, говорится о времени появления народных инструментов. Помимо этого, определяется степень популярности инструментов, специфика их бытования и включение в активный или в пассивный запас слов [9, с. 65]. В другой работе И.Эшматовой описывается семантическая классификация музыкальной терминологии по признаку «название музыкальных инструментов в русском и таджикском языках» [9, с. 175].

Немало сведений о названиях музыкальных инструментов дошли до наших дней, которые повествуют о происхождении и истории музыкальной культуры какого-либо народа. В музеях хранятся музыкальные инструменты содержащие конкретные сведения о формировании и развитии народного искусства. Многие в их первобытном виде дошли до нас в крайне ограниченном количестве и встречаются в народном быту, имея небольшую давность, достигающую в отдельных случаях около 200 лет. Важнейшими источниками, из которых

## Щипковые музыкальные инструменты относятся либо к семейству цитры, либо к семейству лютни

можно черпать более полные сведения о народных музыкальных инструментах являются древние письменные памятники – летописи, административно-духовные документы; памятники изобразительного искусства – миниатюры, фрески, иконы; устное народное твор-

чество – былины, песни, сказки, пословицы, а также музыкальные инструменты многие другие.

Два источника – письменные и иконографические, позволяют уточнить относительную датировку происхождения инструментов. Территория распространения определяется по мере популярности инструмента народного творчества. О времени появления названий инструментов не существует однозначных данных, так как указанные в источниках даты иногда не являются точными.

Обилие духовых, струнных и ударных инструментов говорит о культурном богатстве древних русских. Впитывая звуки природы, народ создавал из подручных материалов нехитрые трещотки и свистульки. Каждый ребенок на Руси обладал навыками изготовления и игры на простых музыкальных инструментах. Это было неотъемлемой частью народной культуры и быта со времён Древней Руси. Многие из них используются по сей день в неизменном виде. Иные были усовершенствованы и легли в основу народных оркестров. В общую музыкальную культуру славянских народов вошли такие инструменты как: древнерусские гусли, продольные флейты, свирели, бубны, трещотки, деревянные коробочки, рубели, колотушки, ложки, сопель, дудки, глиняные свистульки, жалейки, волынки, пищалки, погремушки, жужжалки, фурчалки, ревуны, балалайки, домбры.

Струнные щипковые музыкальные инструментами в истории русского языка-это гусли, балалайка домра, гудок (смык), колёсная лира. Щипковые музыкальные инструменты относятся либо к семейству цитры, либо к семейству лютни. Всего струнных щипковых музыкальных инструментов, (согласно музыкальным энциклопедиям) насчитывается более 45-ти.

## Первые исторические свидетельства использования гуслей относятся к V веку

Музыкальная энциклопедия описывает лютню, как «струнный щипковый музыкальный инструмент. Многие щипковые инструменты относятся к семейству лютни, и состоят из резонирующего корпуса и грифа, и к семейству цитры, не имеющие грифа, струны крепятся к корпусу, вдоль (например, гусли) или поперек (арфа). На современном этапе развития русского языка лютня имеет значение «старинный струнный щипковый инструмент» [6, с. 424-425].

В Словаре современного русского литературного языка в 17-ти томах лютня толкуется как «старинный струнный щипковый музыкальный инструмент с короткой шейкой и овальным корпусом» [8, с].

Гусли – струнный народный щипковый инструмент гораздо старше балалайки. Первые исторические свидетельства использования гуслей относятся к V веку. Предок инструмента точно не установлен, но, согласно наиболее распространённой гипотезе они произошли от древнегреческой кифары. Во всех толковых словарях XX-XXI века семантика существительного гусли толкуется как «старинный русский многострунный щипковый музыкальный инструмент».

Словарь русского языка Ушакова дополняет значение и указывает на способ игры на инструменте: «вроде цитры», «на котором играли обеими руками, положив его на колени». Существовало несколько типов гуслей с резонатором различной формы и количеством струн от 5 до 30. Гусли всех типов (крыловидные, шлемо-видные, лирообразные) использо-вались для аккомпанемента голосу солиста, а музыканты назывались гусярами.

Самым знаменитым инструментом является балалайка – музыкальный символ русского народа. Это трёх-струнный щипковый инструмент с треугольной декой. Первые упоминания инструмента датируются XVII в. но массовое распространение инструмент получил только спустя сотню лет. Классическая балалайка произошла от восточнославянской домры с полусферическим корпусом и тремя струнами в русской версии. Статус народного инструмента был присвоен ей неспроста. Корень слова балалайка такой же, как в словах балакать или балаболить, которые означают бессодержательный, ненавязчивый разговор. Слово балалайка имеет несколько производных лексем, образованных суффиксальным способом: балалаечник(-ца) – в значении либо «музыкант», либо «мастер»; уменьшительное балалаечка, прилага-тельное балалаечный. Так и инструмент чаще всего выступал аккомпанементом для досуга русских крестьян.

Гитара – струнный щипковый инструмент, состоящий из корпуса с глубокими выемками по бокам и плоскими деками (из которых верхняя имеет круглое резонаторное отверстие), из шейки с грифом, снабжённым металлическими ладами, и головки с колками. Гитара попала в Россию в

## Гитара попала в Россию в середине XVIII в. вместе с иностранными музыкантами

середине XVIII в. вместе с иностранными музыкантами, искавшими заработка и милости при императорском дворе. «Музыкальной новинкой» в период царствования Елизаветы Петровны (1741-1762 по н. с.) называет гитару в своих записках Яков Штелин, ученый секретарь Российской Академии наук [3].

Современное значение гитары струнный щипковый музыкальный инструмент с корпусом-резонатором в форме восьмерки и с длинным грифом. Имеются разные виды гитар. Большой толковый словарь Кузнецова описывает виды гитар, используя прилагательные, по количеству струн: семиструнная, шестиструнная гитара; указывает разновидность гитары, которая принадлежит определённому региону: гавайская гитара – «особая шестиструнная гитара, на которой играют пальцевыми наконечниками или пластиной. На данном этапе гитара имеет несколько производных слов: гитарист (гитаристка) «играющий на гитаре», гитарщик «делающий гитары», гитарный «принадлежащий или относящийся к гитаре» [4].

Домра – получила широкое распространение в XVI веке, предположительно эволюционировав из монгольских двухструнных щипковых инструментов. В России это трёхструнная домра с квартовым строем – в России, в Беларуси и Украине – четырёхструнная домра с квинтовым строем. Домра считалась инструментом путешествующих скоморохов (игрок на домре – домрачей).

В толковых словарях домра: «русский народный» [2, с. 9], «струнный музыкальный инструмент», «трёхструнный» [9], «с деревянным корпусом овальной формы» [7, 9, 18] (однако в словаре Ушакова «с круглым кузовом»), «похожий на мандолину» [7].

Стоит отметить, что в Словаре русского литературного языка в 17-ти томах домра имеет значение «музыкальный струнный народный инструмент с кузовом закругленно-грушевидной формы». Однако здесь же, в словарной статье, отмечена лексема домбра «то же, что домра», Отдельной словарной статьи для слова домбра нет. с связи с этим отметим, что домра и домбра – это все-таки разные инструменты, принадлежащие разным национальным культурам. Основные отличия – количество струн (домбра – две струны, домра – три) и форма корпуса (домбра – грушевидная форма корпуса, домра – круглая) [8].

Торбан. В Музыкальной энциклопедии торбан – это «украинский и польский струнный щипковый музыкальный инструмент. Разно-видность басовой лютни – теорбы. Торбан в толковых словарях – это «щипковый многострунный музыкаль-ный инструмент, родственник бандуре» [7, 2, 1]. От данной лексемы образовано существительное торбанист – «музыкант, играющий на торбани» тот, кто играет на торбани» [8, т. 15, С. 656].

Развитие музыкальной культуры русского народа привело к появлению новых терминов в словарном составе русского языка, поскольку многие слова народной культуры с течением времени уходили постепенно в пассивный запас слов. Исчезли из употребления наименования – шарманка, пыжатка, било, сопель, волынка, гусли и др.

Дуда – народный великорусский музыкальный духовой инструмент – общее название народных духовых музыкальных инструментов семейства продольных флейт (свирели, сопели и других) дуть в дудку – разг. неодобр. поступать в интересах кого-либо, действовать в зависимости от воли,

желаний кого-либо, дудеть в одну дуду (дудку) – 1) прост. ирон. поступать, действовать одинаково или вместе; 2) настойчиво, надоедливо и тупо повторять одно и то же; дудеть в свою дуду – прост. презр. узко, ограниченно понимая что-либо, поступать по-своему, не считаясь с мнением других; в одну дудку – прост. пренебр. настойчиво, постоянно (твердить, повторять) одно и то же. ни в дудочку, ни в сопелочку – устар. ирон. несообразительный, неспособный, ни на что не годный человек. Филология дуть в дудку – разг. неодобр. поступать в интересах кого-либо, действовать в зависимости от воли, желаний кого-либо.

Волынка – музыкальный духовой инструмент: тянуть волынку – прост. пренебр. медлить с чем-либо, затягивать какое-либо дело; заводит волынку (заводит шарманку) – разг. пренебр. говорить надоедливо, повторяя одно и то же; много раз возобновлять один и тот же разговор; кончать волынку – прост. пренебр. прекращать делать что-либо бесполезное, утомительное, длящееся очень долго.

Труба – медный духовой инструмент: хоть в трубу (в трубы) труби – разг. экспресс как угодно кричи, шуми (это не помешает); в трубу трубить –прост. экспресс. распространять какие-либо слухи, известия, сплетни о ком-либо, о чем-либо. Барабан – семейство ударных музыкальных инструментов: под барабан, по барабану (вставать, ложиться, ходить и т. п.) – под звуки, при звуках такого инструмента; по барабану – неважно, без разницы.

Балалайка – народный музыкальный струнный инструмент: бесструнная балалайка – пренебр. болтун, пустомеля; мартын с балалайкой – прост. о чудаковатом, несуразном человеке.

Скрипка – смычковый струнный инструмент: первая скрипка – книжн. экспресс. о человеке, которому принадлежит в чем-либо ведущая роль; играть вторую скрипку – неодобр. занимать не главное, подчиненное положение в каком-либо деле; играть первую скрипку – экспресс. быть ведущим, главенствующим.

Баян – русский народный музыкальный инструмент с баварскими корнями. Конструктивной основой для него послужила гармоника. Первый инструмент был создан мастером Мирвальдом в 1891 году, а уже в следующем баяны появились и в России. Однако название инструмента впервые упоминается в 1903-м году (до этого он назывался хроматической гармонью). Это сольный концертный или ансамблевый инструмент. Однако нередко он аккомпанирует и народному, досуг на общественных гуляниях или семейных праздниках. Ручная гармонь пришла в русскую музыкальную культуру вместе с нашествием монголо-татар. Её прародителем стал китайский инструмент «шен».

**Ручная гармонь пришла в русскую музыкальную культуру вместе с нашествием монголо-татар**

## Выводы.

Характеризуя процесс и происхождение наименований музы-кальных инструментов как одного из важнейших аспектов терминосистемы русского языка, мы исходим из того, что это явление (происхождение и формирование терминосистемы музы-кальных инструментов) представляет собой многомерный и многоаспектный исторический процесс, детерминируемый множеством языковых и внеязыковых факторов.

### Список использованной литературы

1. Багана Ж. Роль тематической классификации в терминологических исследованиях / Ж. Багана, Е. Н. Таранова // Вестник Рос. Ун-та дружбы народов. Лингвистика. - М., 2010. - №3. - С. 46-49
2. Большой толковый словарь русского языка / Гл. ред. С.А. Кузнецов. - СПб. : Норинт, 1998. - URL: <https://gufo.me/dict/kuznetsov> (дата обращения: 2023).
3. Большая советская энциклопедия: В 30 т. / Гл. ред. А.М. Прохоров. - 3-е изд. - М.: Советская энциклопедия, 1969-1978. - URL: <http://bse.uaio.ru/BSE/bse30.htm> (дата обращения: 2023).
4. Большая российская энциклопедия / Гл. ред. Красавец С.Л. - М., 2005-2019. URL: <https://bigenc.ru/> (дата обращения: 2023).
5. Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка Владимира Даля: подгот. по 2-му печ. изд. 1880-1882 гг. М.: АСТ и др.: 1998. - URL: <http://slovardalja.net/> (дата обращения: 2023).
6. Маслова В.А. Лингвокультурология. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. -- М.: Издательский центр «Академия», 2001. -- 208с.
7. Музыкальная энциклопедия: В 6 т. / Гл. ред. Ю.В. Келдыш. - М.: Советская энциклопедия Советский композитор, 1973-1982. - URL: <https://rus-music enc.slovaronline.com/> (дата обращения: 2023)
8. Словарь русского языка: В 4-х т. // АН СССР, Ин-т рус. яз. / Под ред. А. П. Евгеньевой. - 2-е изд., испр. и доп. - М.: Русский язык, 1981-1984. - URL: <https://gufo.me/dict/mas> (дата обращения: 2023).
9. Словарь современного русского литературного языка: В 17-ти т. - М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1950-1965. - Т. 1-17.
10. Эшматова И.С. Семантическая классификация музыкальной терминологии по признаку «название музыкальных инструментов» // Ученые записки Худжандского гос. ун-та им. Б. Гафурова. Гуманитарные науки. - 2018. - №1 (54). - С. 175-179.
11. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов: 2-е изд., стер. - М.: УРСС: Эдиториал УРСС, 2004. - 571 с.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Имонов Бахтиёр Бердиевич,**  
Термиз давлат педагогика институти "Таълим сифатини назорат қилиш" бўлими бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, доцент

**ТАЪЛИМ СИФАТИГА ТАЪСИР ҚИЛАЁТГАН САЛБИЙ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада таълим тизимидаги муҳим масалалардан бири бўлган мавзу яъни таълим сифатига таъсир қилаётган салбий омиллар ва уларни бартараф қилиш йўллари тўғрисида фикрлар билдирилган. Таълим сифатининг бошқарув жараёнига ҳам боғлиқ эканлиги зарурий материаллар мисолида кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Таълим салбий, компетенция, бошқарув, фаолият, мактаблар, дарс.

**НЕГАТИВНЫЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА КАЧЕСТВО ОБРАЗОВАНИЯ, И ПУТИ ИХ УСТРАНЕНИЯ**

**Аннотация.** В данной статье рассматривается, влияние негативных факторов на качество образования и их пути устранения. Также на примере необходимых материалов показано, что качество образования зависит от процесса управления.

**Ключевые слова:** образование, негатив, компетентность, управление, деятельность, школа, урок.

**NEGATIVE FACTORS AFFECTING THE QUALITY OF EDUCATION AND WAYS TO ELIMINATE THEM**

**Annotation.** This article discusses the impact of negative factors on the quality of education and ways to eliminate them. Also, on the example of the necessary materials, it is shown that the quality of education depends on the management process.

**Key words:** education, negativity, competence, management, activity, school, lesson.

**Кириш.**

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Худудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, янгидан бунёд этилаётган замонавий ўқув бинолари ёшларимизга берилаётган юксак эътиборлардан бири сифатида кўрсатишимиз мумкин. Ўқув хоналари янги замонавий конструкцияларга мувофиқ қайтадан таъмирланиб, ўқув жиҳозлари, ўқув лабораториялари, замонавий АКТ билан таъминланмоқда.

**Ўқув хоналари янги замонавий конструкцияларга мувофиқ қайтадан таъмирланиб, ўқув жиҳозлари, ўқув лабораториялари, замонавий АКТ билан таъминланмоқда**

Муҳтарам Президентимиз ўз мурожаатномасида "Таълим сифатини ошириш–Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир!", -деб таъкидлаб ўтди. Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилиши, ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарурлиги қайд этилди. Бу эса ўз-ўзидан бизга катта бир масъулият юклаши аниқ. Бинобарин, сифатли таълим тизими сифатли кадрларни, сифатли кадрлар эса, ривожланган, қудратли жамиятни барпо қилишини унутмаслигимиз керак.

**Таҳлил ва натижалар.**

Барчамизга маълумки, олий таълим муассасаси фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичи ўқитиш сифати бўлиб хисобланган ва шундай бўлиб қолмоқда. Аммо, афсуски, у ҳар доим ҳам ўқитиш сифати замон талабларига жавоб берарли даражада эмаслиги, шу билан бирга олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг амалга ошишига тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Кўтарилаётган масаланинг долзарблигини Жанубий Африкадаги университетнинг кириш эшигида "Бирор давлатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ масофали ракета қурола-ридан фойдаланиш шарт эмас. Фақатгина таълим сифатини пасайтириб, имтиҳонларда кўчиришга (шпаргалкадан фойдаланишга) имкон бериш етарлидир" ёзувидан ҳам исботини кўрсак бўлади.

**Ҳимоя жараёнининг ўзи эса гўё хўжакурсинга ташкил этилади**

Бинобарин, бу масалага давлатимиз раҳбарияти томонидан жиддий эътибор қаратилаётганлигини кўплаб фармонлари ва қарорларида, жумладан, 2019-йил 16-январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-419-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг сўнгги маърузаларида бу борада бир неча бор тўхталиб, олиб борилаётган ишларнинг сустилигини танқидий баҳолаган. "...Аммо ҳали ҳам сезиларли сифат ўзгаришлари йўқ. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ректорлар таълим сифатини ошириш, ўқув-тарбия ишларини бозор талабидан келиб чиқиб ташкил этиш масалаларига етарлича эътибор қаратмаяпти..." деб таъкидлаган фикрларидан ҳам кўриниб турибди.

Таълим сифатига салбий таъсир қилаётган муаммолардан бири бу Олий ўқув юртларида билим даражаси, кўникма ва малакаси, касбий мутахассислиги бўйича компетенциялари олий таълим, баъзан эса ўрта таълим талабларига ҳам жавоб бермайдиган айрим профессор-ўқитувчиларнинг фаолият олиб бораётганлигидадир. Бу муаммоли масаланинг ижобий ҳал этилиши кўп жиҳатдан масъул раҳбарларга боғлиқ

бўлсада, аммо уларнинг илмий-методик томондан амалий ёрдам беришга, хато ва камчиликларини ўз вақтида кўрсатишга жасорати етишмаётганлигидадир. Шу сабабли муаммо ечимига кўз юмиб, бундай ўқитувчиларнинг дарс олиб боришларига шароит яратиб бериш таълим сифатига салбий таъсир этиши барчамизга сир эмас.

Битирувчи курс талабалари, истеъ- молчилари томонидан қандай қабул қилинаётганликлари, уларнинг педагогик фаолиятида мактаблардаги муаммолар ОТМ ларидаги мутахассис чиқарувчи кафедралар томонидан ўрганилмаётганликлари яна бир таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётган муаммолардандир. Масъул кафедралар томонидан сўровномалар ўтказиб, бевосита истеъмолчилар билан ўзаро мулоқот орқали битирувчиларнинг эгаллаган билим, кўникмаларини амалиётда қандай қўллаётганликларини аниқлаш учун истеъмолчиларнинг фикрларини ўрганишлари, шунингдек, зарур қарор ва хулосалар чиқаришлари муҳим бўлсада, амалда бажарилмаётганлигини кейинги ўқув йилларида тайёрланаётган кадрлар сифатига ижобий таъсири бўлмаслигини ўйлаб кўришимиз керак.

Маълумки, малакавий педагогик амалиёт – малакали педагог кадрлар тайёрлаш ишининг ажралмас қисми бўлиб, талабаларнинг касбий кўникма ва малакаларини ривожлантирувчи жараён бўлсада, айрим кафедраларда ўқув юктамаларини тақсимлашда педагогик амалиёт соатлари баъзан педагогик тажрибага, етарлича кўникма ва малакага эга бўлмаган стажёр - ўқитувчиларга тақсимланиши таълим сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан яна биридир.

Шунингдек, факультет деканлари, кафедра мудирлари томонидан педа-

## Профессор-ўқитувчилар ўз дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва монографияларини тайёрлашда нашрларнинг илмийлиги ва сифатига эътибор беришлари зарур

гогик амалиётларни ташкил этиш ва уни ўтказишга юзаки қарашлари оқибатида талабаларнинг амалиёт ўташи жараёнида зарур билим ва кўникмаларни эгаллашларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётган яна бир муҳим омиллардан бири – таълим жараёнини бошқарув билан боғлиқ бўлиб, айрим факультет раҳбарлиги вазифасига мулоқот маданияти паст, бошқарув қобилиятига эга бўлмаган, ўз зиммасига юклатилган вазифаларнинг аҳамиятини тушунмайдиган ва ўқитувчи ва талабалар орасида обрў-эътиборга эга бўлмаган айрим шахсларнинг фаолият олиб бораётганлигидадир.

Яна бир салбий омил-битирув малакавий ишлари ва магистрик диссертацияларини тайёрлашда. Кўпчилик ўзига хос тарзда, уларнинг мавзулари ва сифати БМИ Низоми ва ОАК талабаларига жавоб бермайди. Ҳимоя жараёнининг ўзи эса гўё хўжақўрсинга ташкил этилади.

Баъзи ҳолларда, битирув малакавий ишлари ва магистрик диссертациялари дастлабки ҳимоясиз ҳақиқий ҳимоядан бир кун олдин ёки ҳатто бир соат олдин яқунланади, кейин дастлабки

ҳимоя олдинги сана билан расмийлаштирилади. Олий ўқув юртларида амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказишда янги педагогик технологияларни жорий этиш даражаси пастлиги, шунингдек, кўплаб факультетларда дарслар сифатини назорат ва таҳлил қилиш комиссиялари фаолиятининг йўқлиги мутахассисларни катта ташвишга солмоқда. Кўпинча кафедра мудирларнинг профессор-ўқитувчилар дарсларини илмий-методик жиҳатдан таҳлил қилмасликлари ёки юзаки таҳлил қилишлари ечимини топиш талаб қилинадиган долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Профессор-ўқитувчилар ўз дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва монографияларини тайёрлашда нашрларнинг илмийлиги ва сифатига эътибор беришлари зарур.

Scopus ва web of science маълумотлар базаларига киритилган нуфузли илмий журналларда мақолалари чоп этилган, шунингдек монография ва дарслик чиқарган ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилишини яна бир муҳим қадам деб биламиз.

Ишончимиз комилки, хорижий олий ўқув юртлари билан илмий алоқаларни мустақамламай туриб, таълим сифатини ошириш мумкин эмас.

Маҳаллий олий ўқув юртлари бу борадаги ишларни фаоллаштириши, бошқа мамлакатлардан юқори малакали ўқитувчиларни жалб этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиши ҳамда яқин ва узоқ хорижнинг етакчи олий таълим муассасалари билан талабалар алмашинувини ташкил этиш тизимли равишда амалга ошириши зарур.

Шунингдек, профессор-ўқитувчиларни хорижий олий ўқув юртларига дарс бериш учун юбориш учун чет тиллари ва ахборот-коммуникация технологиялари курсларини ташкил этиш зарур.

Хорижий магистратура ва таянч докторантурада ўқитувчиларимизнинг иштирокини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш зарурати ҳам аллақачон етилган.

## Хулоса.

Бу ишда хориждаги олий ўқув юртларида ишлаётган ёки ўқиётган республикамиз мутахассислар имкониятидан фойдаланишни фойдали деб ҳисоблаймиз. Иқтидорли талабаларни битирув малакавий ишларини ёзишга тайёрлашни ташкил этишда Республикамининг етакчи олий ўқув юртлари тажрибасидан фойдаланиш, мазкур олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари орасидан илмий раҳбарлар тайинлаш зарур деб ўйлаймиз.

Республикамиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган чет элик талабалар сонини ошириш учун уларнинг веб-сайтларига рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларда ўқитиладиган таълим йўналишлари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, ўқишга қабул қилиш, яшаш шароитлари, шартнома ва бошқалар ҳақида маълумотларни жойлаштиришни тавсия этамиз. Келгусида эса улар учун бир йиллик ўзбек тили курсларини ташкил этиш лозим. Бизнингча, юқорида билдирилган фикрлар олий таълим муассасаларида таълим сифатини қисман бўлсада яхшилаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 05.06.2018 йилдаги ПҚ-3775 сонли қарори.
3. Imanov B.B. Lesson and its analysis as factor of increasing the quality of education. European scholar Journal. Available online at // www.scolazest.com. Vol. №1 January 2021 ISSN: 2660-5562.
4. Imanov B.B. (2020). Specificity Of Student Creative Activity. The American Journal of Social Science and Education Innovations/ 2 (10), 243-249.
5. Иманов Б.Б. Изменение структуры занятия, не влияющее на качество преподавания Eurasian Journal of Academic Research ISSN: 2181-2020.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Saloxitdinova Navro'za Murodulla qizi,**  
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
E-mail: saloxitdinovanavruza@gmail.com

## RAQAMLI DUNYO SHAROITIDA BOSHLANG'ICH TA'LIMDA ANIQ VA TABIIY FANLAR INTEGRATSIYASINING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

**Annotatsiya.** Maqolada boshlang'ich ta'limni integratsiyalash zaruriyati, ta'lim jarayonida fanlararo bog'lanish, o'quvchilarning o'zlashtirgan bilim ko'nikma va malakalarni fanlararo aloqadorlikda amalga oshirish, integratsiyalash texnologiyasi orqali fanlar o'rtasida tarkibiy bog'lanishni mustahkamlash, ularni umumlashtirish, o'quvchi-yoshlarning tabiat va jamiyat o'rtasidagi yaxlit tasavvurlarni yanada boyitish, shuningdek, boshlang'ich ta'limni integratsiyalash mazmuni zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanib bayon qilingan.

**Kalit so'zlar:** integratsiya, ta'lim, fanlararo aloqadorlik, o'quv fanlari, tizim, integrativ yondashuv, o'qitish, integratsiyalash, boshlang'ich sinf, texnologiya.

## ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ИНТЕГРАЦИИ ТОЧНЫХ И ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ В ЦИФРОВОМ МИРЕ

**Аннотация.** В статье с использованием современных образовательных технологий подчеркивается необходимость интеграции начального образования, междисциплинарных связей в образовательный процесс, реализации знаний, навыков и умений учащихся в междисциплинарном общении, усиления структурной связи между дисциплинами посредством технологий интеграции, их обобщения, дальнейшего обогащения целостного восприятия учащимися природы и общества, а также содержания интеграции начального образования.

**Ключевые слова:** интеграция, образование, междисциплинарная связь, предметы, система, интегративный подход, обучение, интеграция, начальный класс, технология.

## PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE INTEGRATION OF EXACT AND NATURAL SCIENCES IN PRIMARY EDUCATION IN THE DIGITAL WORLD

**Annotation.** The article, using modern educational technologies, highlights the need to integrate primary education, interdisciplinary links in the educational process, implementation of pupils' knowledge, skills and abilities in interdisciplinary communication, strengthening the structural connection between the disciplines through integration technology, their generalization, further enrichment of pupils' holistic perceptions of nature and society as well as the content of the integration of primary education.

**Key words:** integration, education, interdisciplinary connection, subjects, system, integrative approach, teaching, integration, primary class, technology.

## Kirish.

Ta'lim tizimidagi global muammolardan biri o'quv fanlarini integratsiyalash va tabaqalashtirish hisoblanadi. Integratsiyalash muammosini hal etish ta'lim muassasalari o'quv jarayonida zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan samarali foydalanish bilan bevosita bog'liq. Mazkur jarayonni to'g'ri tashkil etish o'qitish samaradorligini oshiribgina qolmasdan, o'qitishning loyihaviy yaratuvchanlik modeli asosini ta'minlaydi.

Binobarin, boshlang'ich maktablarda o'qitish va tarbiyalash integratsiyasi muammolari nazariy va amaliy jihatdan hozirgi zamon nuqtai nazardan juda muhim bo'lib, yangi ijtimoiy talablar asosida yanada dolzarflik kasb etadi. Bugungi kunda fan rivoji va ishlab chiqarishdagi ulkan o'zgarishlar tufayli kelib chiqayotgan talablar maktab ta'limi oldiga yangi vazifalarni qo'yimoqda. Hozirgi zamon ilm berish tizimi yuqori darajada fan asoslarini o'rnatishga, tafakkuri rivojlangan, olamni bir butunlikda anglashga va tasavvur etishga, tevarak atrofdan bo'layotgan voqealarni to'g'ri anglashga, ularni mohiyatini anglab oladigan yoshlarni tarbiyalashga yo'naltirilgan.

Axborotlar ko'lamining kun sayin o'sishi, o'quvchilarga beriladigan bilimlar hajmining ko'payishiga, mutaxassisliklar bo'yicha o'qitiladigan fanlar miqdori-

ning oshishiga sabab bo'lmoqda. Bu o'z navbatida o'quvchilarga psixologik jihatdan zo'riqishga, ularning bu fanlarga bo'lgan qiziqishlarini susayishiga hamda bilimlarni o'zlashtirish darajasining pasayishiga olib kelmoqda.

Ta'lim muassasasining maqsad va vazifalaridan kelib chiqqan holda muayyan fanning ichki va tashqi aloqalarini o'rganish, uning boshqa fanlarga tadbirini ta'minlash o'quvchining nafaqat bilish doirasini kengaytiradi, balki unga atrof-muhit haqida to'laroq ma'lumotga ega bo'lishi, dunyoqarashining shakllanishi, shuningdek, mavjud bilimlarini amaliyotga qo'llay olishiga imkoniyat yaratadi.

## Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.

Ta'limni integratsiyalash uning maqsad va vazifalari, mazmuni, shakl va metodlari bilan I.D.Zverev, I.T.Suravegina, R.A.Mavlonova va boshqalar atroflicha o'rganib, unda fanlararo aloqadorlikning tarkibiy qismi, darajalari haqida, A.M.Ryabov, A.M.Novikov, A.G.Ban-nikov va boshqalarning tadqiqot ishlarida tabiiy jarayonlar va ta'limda fanlar integratsiyasi muammolari ko'tarilgan.

Rivojlangan xorijiy davlatlarda fanlar integratsiyasi masalalarini ilmiy va nazariy jihatdan o'rganish A.Blackman, D.Coste, B.North, J.Trim, S.Godman, B.Dodge, L.Masterman, A.Hart, S.Hennessy, K.Ruthven, S.Brindleylar tomonidan amalga oshirilgan.

**Ta'lim jarayonidagi fanlararo aloqadorlik o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyatini faollashtiradi**

## Tadqiqot metodologiyasi.

Maqola uchun o'qitishning samarali metodlari (muammoli, mantiqiy, og'zaki bayon etish, kuzatish, tajriba o'tkazish) asosida boshlang'ich ta'limda aniq va tabiiy fanlar integratsiyasi mazmuni tadqiq qilingan.

## Tahlil va natijalar.

Pedagogik lug'atlarda "Fanlararo aloqalar" tushunchasi o'quv dasturlarining o'zaro mosla-shuvi sifatida ta'riflanadi [3, B. 259]. Ta'lim jarayonidagi fanlararo aloqadorlik o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyatini faollashtiradi. Bunda, o'quvchi o'z faolligini tanish fan bilimlarini mavjud bo'lgan noma'lum munosabatlarni izlashga yoki aniq o'rnatilgan fanlararo aloqalar asosida yangi tushunchalarni shakllantirishga safarbar etadi. Fanlararo aloqalarni o'zlashtirishdagi tajriba natijasida olingan bilimlarga intilish faolligi kuzatiladi. Fanlararo aloqadorlik har bir o'quv fani uchun maxsus bo'lgan bilim va ko'nikmalar orasidagi aloqadorliklarga va turli fanlar uchun umumiy bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalar orasidagi aloqadorliklarga bo'linishi mumkin.

Fanlararo aloqadorlik bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirish sohasida ham, ijodiy faoliyat va borliqdagi o'zlashtiriladigan obyektlarga hissiy-qadriyatli munosabatni shakllantirishda ham o'rnatilishi lozim. Fanlararo aloqadorlik o'quv-tarbiya jarayonining barcha tarkibiy elementlari (mazmun, shakl, usul va vositalari)ni yaxlit bir tizimga birlashtirishga xizmat qiladi. Bundan tashqari, u ta'lim sifati va samaradorligini ta'minlashning muhim omili hisoblanadi. Fanlararo aloqadorlikni amalga oshirish yo'llari quyidagilar:

- turli xil fanlarni o'rganish ketma-ketligi va izchilligini vaqt bo'yicha

## O'qitish jarayonida integratsiyani qo'llash nazariyasi taraqqiyoti ilmiy pedagogik tushunchalar rivoji, asosiy va muhim ahamiyatga ega

shunday tanlash lozimki, ulardan birini o'rganish ikkinchisini o'rganishga ko'maklashsin;

- umumiy tushuncha, ko'nikma va malakalarni shakllantirishga bir xil yondashuvni ta'minlash;
- bilimlarni o'zlashtirish hamda ko'nikma va malakalarni egallashga bo'lgan talablar birligini ta'minlash;
- bir o'quv faniga oid bilim, ko'nikma va malakalarni o'rganishda boshqa fanlarga oid bilim, ko'nikma va malakalardan keng foydalanish [12, B.224].

Ta'lim muassasalarida fanlararo aloqadorlikni amalga oshirish kompyuter va axborot texnologiyalaridan foydalanishni ham taqozo etmoqda. Chunki, o'rgatuvchi, modellashtiruvchi, namoyish etuvchi va nazorat qiluvchi pedagogik dasturiy vositalar o'quvchilarga bilimlarni umumlashtirish va sintezlash, bilish va masalalar yechishning umumlashgan metodlarini o'zlashtirishga imkon beradi [10, B.68]. O'qitish jarayonida integratsiyani qo'llash nazariyasi taraqqiyoti ilmiy pedagogik tushunchalar rivoji, asosiy va muhim ahamiyatga ega. Integratsiya differentsiya bilan uzviy bog'liqdir. Bu uzviylik o'quvchilarda olayotgan bilimlarini anglashga bo'lgan intilishlari tizimini barpo qilishlarida yaqqol namoyon bo'ladi.

Integratsiya -bu fanlarning differensial jarayoni davomida yaqinlashuvi va bog'liqligidir [6, C. 130]. Integratsiya jarayoni fanlar orasidagi aloqani yangi,

yuqori sifatda bir - biriga bog'lash bosqichi bo'lib, o'zini yuqori ko'rinishda namoyon etadi. Shuni alohida qayd etish kerakki, integratsiya jarayoni asoslari uzoq o'tmishdagi xalq pedagogikasi va ilmiy pedagogikaga asoslangan. Integratsiya fanlararo bog'liqlikdir. Fanlararo bog'liqlik asoslari tabiatni to'la holda o'quv darsliklarda ko'rsatish va tushuntirish zaruratidan paydo bo'lgan.

Ulug' didaktik Yan Amos Komenskiy ta'kidlashicha: «Bir - biri bilan bog'liq bo'lgan hamma narsa, xuddi shunday holda o'rganilishi kerak». Fanlararo bog'liqlik g'oyasiga keyinchalik juda ko'p pedagoglar yondashib, uni rivojlanishi va umumlashtirilishiga hissa qo'shdilar. D.Lokk g'oyasiga ko'ra: «Ta'lim mazmunining aniqlanishida bir fan boshqa fanlar elementlari va faktlari bilan to'ldirilishi kerak». I.V.Pestalossi o'quv darsliklaridagi bog'liqlik masalasiga keng to'xtalib o'tar ekan: «Bir-biri bilan bog'liq fanlarni keltirgan, ularni tabiatdagi uzviy bog'liqlik holatida ekanini angla» -deydi. Pestalossi bir fanning boshqa bir fandan uzoqlashuvi hatto xavfliligini ta'kidlaydi.

So'nggi yillarda amalga oshirilgan tadqiqotlarda integratsion ta'limga alohida e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, I.D.Zverev integratsiyani uzviy bog'lanish, yaxlitlikni yaratish, turli o'quv fanlari elementlarini uyg'un-lashtirish asosida yagona sintezlash jarayoni, deb tushuntiriladi [4, B. 50]. A.N.Zaxlebniy va M.V.Reshkovlar fanlarni integratsiya-lashni maktabdagi alohida fanlar mazmunida o'quv dasturi va darsliklardagi bog'lanishlarni hisobga olgan holda amalga oshirish lozimligini ta'kitlaydi. Shunday qilib, o'quv materiallarni integratsiyalash intilish so'zsiz ravishda jahonda ham, milliy pedagogikamizda ham tabiiy va etakchi xarakter kasb etadi [5, B. 170].

I.T. Suravegina biologiya darslarida fanlararo bog'lanishni qo'llash orqali biologiyani o'qitish jarayonini faollashtirish, o'quvchilarning fanlarga bo'lgan qiziqishini orttirishni tadqiq qilgan. Olimaning nuqtai nazarida biologiyani boshqa o'quv fanlari bilan bog'lamasdan o'qitishni tasavvur qilish qiyin. Fanlararo bog'lanishni to'g'ri yo'lga qo'yish va undan mohirlik bilan foydalanish o'quvchilarning tabiat haqidagi bilimlari tizimini shakllantirishga xizmat qiladi deb ta'kidlaydi [9, B. 35].

R.A.Mavlonova ta'lim jarayonidagi integrativ ta'limni quyidagicha sinflarga bo'lgan. Jumladan, ko'p fanlar integratsiyasini universal yoki bir necha asosiy tizim kurslarini almashtiruvchi umumiy deb ham atash mumkin. Masalan, o'qish, ona tili, tabiatshunoslik, rasm darslarini bitta umumiy darsga birlashtirish [7, B. 39]. E.O.Turdiqulovning tadqiqot ishlarida tabiiy fanlarni integratsiyalab o'qitish muammosi ishlab chiqilgan bo'lib, u olam haqidagi bir butunlikni tashkil etishi nazarda tutilishi, ta'lim integratsiyasi fanlararo bog'lanishning yuqori darajasi, bir butun integrallashgan bilimlarni yaratishga imkon beradigan vositasi ekanligi qayd etilgan [11, B. 122].

A.T. G'ofurov tomonidan biologiyani o'qitishda fanlararo bog'lanish, S. S. Fay-zullayev genetika va seleksiya asoslarini o'qitishda fanlararo bog'lanish, R.H. Jo'ra-yev tadqiqot ishlarida ta'limning muhim muammolaridan biri bilimlarni integrallash va tabaqalashtirish masalalari ishlab chiqish. Jumladan, olimning fikricha, integratsiya -turli bilimlar tizimi o'rtasida tarkibiy bog'lanishlarni o'rnatish, ularni umumlashtirish, o'quvchilarning tabiat va jamiyat haqidagi yaxlit tasavvurlarni shakllantirish uchun xizmat qiladi.

N.M.Ahmedova bugungi kunda integratsiya fenomeni ta'limda innovat-siyalarning yetakchi pozitsiyasi sifatida ta'riflanadi. Bu umumilmiiy kategoriyani didaktik realizatsiyalarga moslashtirish imkonini beradigan ilmiy-pedagogik tadqiqotlar olib borilmoqda [2, B. 144]. Odatda, bunday kurslarning mualliflari tabiiy fanlar materiallarini birlashtirib, ularni bir ma'lum tizimga keltirishadi va o'z kurslarini integrativ yoki umumiy deb ataydilar. Ko'rinish turibdiki, boshlang'ich ta'lim tizimidagi tabiiy fanlar materiallarini berishda to'g'ri ketma-ketlikka faqat darslar tuzilishini saqlab qolibgina erishish mumkin. Ba'zi olimlar ta'kidlaydilar, bu an'anaviy maktablarda ham ta-

biy fanlarni ketma-ket o'rganish yo'li bilan ham hal qilinmoqda. Bir qator olimlar boshlang'ich ta'limda ham darslarga ajratib o'qitish an'analari tarqalgan deb hisoblaydilar.

Boshlang'ich sinflarda fanlarni integratsiyalash dars samaradorligini oshiradi, vaqtdan unumli foydalanishga olib keladi, darsni chuqur o'zlashtirishga yordam beradi, bo'sh vaqt orttiriladi va to'garaklarga jalb etiladi [8, B. 65]. Fanlarni integratsiyalash orqali dars o'tilganda quyidagilarga e'tibor berish lozim:

- har bir dars muayyan maqsadga yo'naltirilgan bo'lishi lozim;
- fanlararo aloqadorlikka oid tanlangan qo'shimcha material o'tiladigan mavzu bilan bog'lanishi shart;
- sinf o'quvchilari faolligini oshirish maqsadida ular bilan ishlash yo'llarini aniqlash mumkin;
- dars faqat ta'limiy bo'lib qolmasdan, o'quvchilarni insonparvarlik jihatlarini tarbiyalashga qaratilgan bo'lishi kerak;

- mavzuni mazmunidan kelib chiqqan holda, tabiat, jamiyat, inson tafakkuri, taraqqiyoti haqidagi ilmiy bilimlar, ishonch va e'tiqodni shakllantirishga qaratilgan bo'lishi kerak;

Umuman olganda, integratsiya darsi bir-biriga mos bo'lishi lozim. Boshlang'ich maktablarda o'qitish va tarbiyalash integratsiyasi muammolari nazariy va amaliy jihatdan hozirgi zamon nuqtai nazardan juda muhim bo'lib, yangi ijtimoiy talablar asosida yanada dolzarflik kasb etadi. Bugungi kunda fan rivoji va ishlab chiqarishdagi ulkan o'zgarishlar tufayli kelib chiqayotgan talablar maktab ta'limi oldiga yangi

vazifalarni qo'ymoqda. Hozirgi zamon ilm berish tizimi yuqori darajada fan asoslarini o'rnatishga, tafakkuri rivojlangan, olamni bir butunlikda anglashga va tasavvur etishga, tevarak atrofda bo'layotgan voqealarni to'g'ri anglashga, ularni mohiyatini anglab oladigan yoshlarni tarbiyalashga yo'naltirilgan.

Atrof-muhitga jiddiy munosabatlar poydevori boshlang'ich sinflarda o'rganiladi. Shuning uchun iqtisodiy ta'limning natijasi maktab ta'limining birinchi bosqichiga bog'liq yangi psixologik-pedagogik tadqiqotlar kichik yoshdagi maktab o'quvchilarining bilish faoliyatlari cheklanganligi haqidagi tushunchalarni ko'rib chiqishga imkon beradi. Bu boshlang'ich sinflarda iqtisodiy ta'limning barcha tarkibiy qismlarini o'zlashtirish va yangilashga asos yaratadi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining yosh xususiyatlariga javob beradigan va dars talablariga mos keladigan maqsadni aniqlash bunday yangilanishning asosiy masalasidir.

Bir qator ishlar boshlang'ich ta'limdagi fanlararo va fanlar ichidagi aloqalarga bag'ishlangan. Bu muammolar o'quv fanlarini integratsiyalashga o'tishning yaqin rivojlanish zonasidir. Mazkur ta'lim sohalarini mazmunini o'zlashtirish va egalangan o'zaro aloqador bilim, ko'nikma, malakalarni bilish, amalda qo'llash jarayoni nazariy va amaliy jihatdan tadqiq etilmagan. Boshlang'ich maktab fanlarining integratsiya aloqalari kam ishlab chiqilgan bo'lib, qarama-qarshi ifodalangan. Bu aloqalarning mohiyati haqida olimlar orasida qarama-qarshiliklar ko'p.

Bu borada ikki tushuncha mavjud:

1. Tizim, organizimning alohida tabaqalashtirilgan qism va vazifalarning bog'liqlik holatini bildiruvchi tushuncha va shu holadga olib boruvchi jarayon.
2. Tabaqalashtirish jarayonlari bilan birga amalga oshirilayotgan fanlarni yaqinlashtirish jarayoni.

## Boshlang'ich ta'lim jarayonini integratsiyalash asosida o'quv fanlarini o'zlashtirish samaradorligini oshirishga, ta'lim sifatini yagona maqsad asosida rivojlanishiga zamin yaratadi

Ta'lim mazmunini integratsiyalash - dunyo an'anasi (g'oya, fikr, intilish). Integrativ yondashish turli darajadagi tizimli aloqalarning ob'ektiv yaxlitligini aks ettiradi (tabiat -jamiyat -inson ). Integratsiya ilgari bo'lingan qismlarni bir butunga birlashtirish bilan bog'liq. U tizim element-

larining yaxlitlik va uyushqoqlik darajasini oshirishga olib keladi. Integratsiyalash mobaynida bir-biriga bog'liqlik hajmi oshadi va tartibga tushadi, shu tizim qismlarining ishlashi va o'rganish obyekti tartibga solinadi. Bu umumiy qoidalarni qanday qilib maktab ta'limida qo'llash mumkin? Zamonaviy didaktik va metodikada ta'kidlanishicha, o'quvchilarni o'qitish va tarbiyasining muvaffaqiyatlari ularda dunyo birligi haqida tushunchaning shakllanganligi, o'z faoliyatlari umumiy tabiat qonunlari asosida yo'lga solish zaruratini tushunishlari, tabiatshunoslik kursida fanlararo va fanlar ichidagi aloqalarni echa olishlari bilan bog'liq. Ta'limdagi integratsiya o'quv fanlari mazmunini konustruksiyalashga tizimli yondashish orqali ko'rib chiqiladi.

Tabiat yoki fan haqidagi eng oddiy bilimlarni hosil qiluvchi bog'liqlikning eng soddasi ma'lum bir joy yoki tushuncha bilan chegaralangan lokal tasavvurdir [1, B.50]. Bu bog'liqlik boshqa bilim-

larga nisbatan ajralgan, shuning uchun eng oddiy aqliy faoliyatni ta'minlaydi. Bu kichik maktab yoshiga xos. Biron bir tizimga tegishli bo'lgan tasavvurlar eng soddaga tizimli tasavvurlardir. Ular biron bir mavzu, fan yoki hodisani o'rganishi asosida hosil bo'ladi.

Biron bir fanni bilish yangi dalil va tushunchalarning tanilishi ularni bir bilimlar bilan taqqoslanishi orqali amalga oshiriladi. Bilimlarning eng oddiy umumlashtirilishi sodir bo'ladi, lekin olingan bilim hamma unga yaqin bo'lgan bilimlar bilan bog'lansa ayni muddao bo'lar edi [13, B.200]. Bunda o'quvchilarning tahlil qilish va umumlashtirish faoliyatlari vujudga keladi. Tizim ichidagi tasavvurlar o'quvchilarning butun bir fanlar tizimining bilishini ta'minlaydi, o'rganilayotgan fan doirasida bilimlardan keng foydalanish kuzatiladi. Tizim ichidagi tasavvurlar, vaqt, muhit, son bog'lanishlarini aks ettiradi. Fanlararo tasavvurlar aqliy faoliyatning eng yuqori pog'onasi hisoblanadi. Ular bilimlarning turli tizimlarini birlashtiradi, hodisa yoki jarayonning xilma-xilligini bilishga imkoniyat beradi.

Boshlang'ich ta'lim jarayonini integratsiyalash asosida o'quv fanlarini o'zlashtirish samaradorligini oshirishga, ta'lim sifatini yagona maqsad asosida rivojlanishiga zamin yaratadi. Chunki, bir fanni turli fanlararo aloqadorlikda o'tish o'quvchilarning darsda faolligini oshirishga, qiziqishini yuksaltirishga asos bo'loladi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, boshlang'ich sinflarda integratsiyalashgan ta'limni takomillashtirish o'quvchilarning nazariy bilimi, amaliy ko'nikma, malaka va kompetensiyalarini rivojlantirish, muam-moli vaziyatlarni hal qilish jarayonida shaxsiy intellektual sifatlarni shakllantirishga yo'naltirilgan o'zaro aloqador komponentlarni (tashkiliy, mazmun, faoliyat, baholash, natija) uyg'unlashtirish asosida takomillashtirildi.

**Fanlararo tasavvurlar aqliy faoliyatning eng yuqori pog'onasi hisoblanadi**

## Xulosa.

Shunday qilib, yuqoridagi ma'lumotlar, tahlillar yuzasidan quyidagi xulosalarga kelindi:

1. Boshlang'ich sinflarda aniq va tabiiy fanlar integratsiyasi asosida o'quv-chilarning nazariy bilimi, amaliy ko'nikma, malaka va kompetensiyalarini rivojlantirishda muammoli vaziyatlarni hal qilish jarayonida shaxsiy intellektual sifatlarni shakllantirishga yo'naltirilgan o'zaro aloqador komponentlarni (tashkiliy, faoliyat, mazmun, baholash, natija) uyg'unlashtirish orqali aniqlandi.

2. Integratsiyalashgan yondashuv komponentlari (tashkiliy-faoliyatli, kreativ, aksiologik, kognitiv, reflektiv-baholash) hamda fanlararo aloqadorlikni takomillashtirish darajalari (ehtimollik, optimal, cheklangan) va natijadorligini (o'z-o'zini ijodiy rivojlantirish sur'ati) mujassam-lashtirish asosida takomillashtirildi.

3. Boshlang'ich sinflarda aniq va tabiiy fanlar integratsiyasi o'quvchilarning yoshga xos psixologik xususiyatlari, didaktik prinsiplar, ya'ni, ilmiylik, uzviylik, izchillik, tushunarlik, nazariya va amaliyot birligini o'qituvchining pedagogik mahoratiga bog'liqligiga asoslangan holda, integratsion bilimlar sifati va samaradorligi ta'minlandi.

4. Boshlang'ich sinflarda aniq va tabiiy fanlar integratsiyasini yanada samarali yo'lga qo'yish, o'quvchilarda aniq va tabiiy bilimlarni o'zlashtirishga qiziqish uyg'otishi, ularning ko'nikma, malaka va kompetensiyalarni mustahkamlashga yordam berishi ta'kidlandi.

## Tabiat yoki fan haqidagi eng oddiy bilimlarni hosil qiluvchi bog'liqlikning eng soddasi ma'lum bir joy yoki tushuncha bilan chegaralangan lokal tasavvurdir

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Avazov Sh. Maktabda ekologik tarbiya. -Toshkent: O'qituvchi, 1992. - 62 b.
2. Ahmedova N.M. Integrativyondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy tayyorgarligini takomillashtirish: pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. -Tashkent, 2020. - 161 b.
3. Бухарева Л. Н. «Интеграция учебных занятий в начальной школе на краеведческой основе» (начальная школа 1991г №8). С. 266.
4. Зверев И.Д. Экология в школьном образовании. -М.: Знание, 1988. - 96 с.
5. Захлебный А.Н. Школа и проблема охраны природы. -М.: Педагогика, 1981. -184 с.
6. Колягин Ю.М., Алексеенко О.Ж. «Интеграция школьного обучения». // Нач.школа.-1990, № 9. С.136.
7. Mavlonova R.A., Rahmonqulova N.H. «Boshlang'ich ta'limning integratsiyalashgan pedagogikasi». O'quv qo'llanma. -Toshkent. «Ilm Ziy», 2009. -192 b.
8. Saloxitdinova N.M. "Boshlang'ich sinflarda integratsiyalashgan ta'limni takomillashtirish". O'quv qo'llanma. -Toshkent: "Tamaddun", 2022. -124 b.
9. Суравегина И. Теория и практика формирования ответственного отношения школьников к природе в процессе обучения биологии: Автореф. дисс. докт. пед. наук. - М, 1986. - 35 с.
10. Saloxitdinova N.M. Boshlang'ich sinflarda integratsiyalashgan ta'limni takomillashtirish texnologiyasi "Mugallim ham uzliksiz bilimlendiri" ilmiy metodik jurnali. Nukus. O'zbekiston Pedagogika fanlari ITI Qorqalpog'iston filiali- 2022. 6/7-son. - B.68-73. (13.00.00 №20).
11. Турдикулов Э.А. Экологические образование и воспитание учащихся. - Ташкент. Укитувчи, 1991. -192 с.
12. Tolipova J.O., G'afurov A.T. Biologiya o'qitish metodikasi: bakalavriat ta'lim yo'nalishi talabalari uchun o'quv qo'llanma. Nizomiy nomidagi TDPU. - Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2007. - 224 b.
13. To'xtayev A., Hamidov A. «Ekologiya asoslari va tabiatni muhofaza qilish». - Toshkent: «O'qituvchi», 1994. - B. 260.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Abdusamatov Alisher Sobirovich,**  
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti,  
pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
E-mail: aabdusamatov912gmail.com

### MATNLI MASALALARNI YECHISH USULLARI

**Annotatsiya:** Ushbu metodik tavsiyada, matematika darslari samaradorligini oshirish, boshlang'ich sinfo'quvchilarida matematik tasavvurini oshirish hamda ularning mantiqiy fikrlashga o'rgatish uchun pedagogik texnologiyalarini qo'llash, bu orqali o'quvchilarda nafaqat fan bo'yicha bilimlarini balki kriptiv shakllantirish ham mumkinligi aytib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** ko'nikma, tarbiya, ko'nikma, texnologiyalar, mantiqiy fikrlash, matematik o'yinlar, pedagogika, maktab, boshlang'ich ta'lim.

### МЕТОДЫ РЕШЕНИЯ ТЕКСТОВЫХ ЗАДАЧ

**Аннотация:** В данной методической рекомендации рассмотрено использование педагогических технологий для повышения эффективности уроков математики, для активизации математического воображения учащихся начальных классов и для обучения их логическому мышлению, посредством этого не только знаний по естественным наукам, но и творческое формирование студентов Отмечается, что это возможно.

**Ключевые слова:** умения, образование, навыки, технологии, логическое мышление, математические игры, педагогика, школа, начальное образование.

### METHODS OF SOLVING TEXT PROBLEMS

**Annotation:** This methodological recommendation considers the use of pedagogical technologies to increase the effectiveness of mathematics lessons, to activate the mathematical imagination of primary school students and to teach them logical thinking, through this not only knowledge in the natural sciences, but also the creative formation of students. It is noted that this is possible.

**Keywords:** skills, education, skills, technologies, logical thinking, mathematical games, pedagogy, school, primary education.

## Kirish.

Yurtimizda yoshlar ta'lim-tarbiyasi uchun qo'shimcha sharoitlar yaratishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlarni o'z ichiga olgan beshta tashabbusni amaliyotga tatbiq etish, respublikamizda jadal sur'atlar bilan amalga oshirilayotgan ijtimoiy-siyosiy, sotsial-iqtisodiy va boshqa sohalaridagi islohotlar, ulg'ayib kelayotgan yosh avlodning iqtidorini yanada rivojlantirish, yuqori malakali kadrlarni tayyorlash, yurt ravnaqi yo'lida ularning faol ishtirokini ta'minlashni bugungi kunning ustuvor vazifalaridan biri etib belgilamoqda [1.52-b].

2023 yil mamlakatimizda "Inson e'tibor va sifatli ta'lim" yili deb e'lon qilinib, bu boradagi ustuvor maqsadlar belgilandi. Yurtimizda avvaldan shakllangan ilmiy maktablar salohiyatini hisobga olib, hozirgi bosqichdagi milliy manfaatlarimiz va taraqqiyotimiz yo'nalishlaridan kelib chiqqan holda, bu yil ham ta'lim sohalarini rivojlantirish tanlab olindi. (Sh.M.Mirziyoyev)

## Tahlil va natijalar.

Muammolarni hal qilish, mantiqiy savollarga javob berish, masalalarni yechish, jumboqlarni topish insonga o'zgacha kayfiyat bag'ishlaydi, o'ziga bo'lgan ishonchni orttiradi. Mantiqiy fikrlash bolalikdan shakllanib borishi kerak, zero Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev aytganlaridek, "Matematika hamma aniq fanlarga asos [1.24-b]. Bu fanni yaxshi bilgan bola aqlli, keng tafakkurli bo'lib o'sadi, istalgan sohada muvaffaqiyatli ishlab ketadi". Matema-

tik masalalarni yechishga o'rganish, bolaning matematika faniga bo'lgan qiziqishini orttirib boradi.

Mantiqiy masalalarni yechish bolaning ongini, tafakkurini, dunyo qarashini o'zgarishda omil bo'ladi [2.67-b].

Masala-bu kundalik hayotimizda uchraydigan vaziyatlarning tabiiy tildagi ifodasidir. Masala asosan uch qismdan iborat bo'ladi.

1. Masalaning sharti-o'rganilayotgan vaziyatni xarakterlovchi ma'lum va no'malum miqdoriy qiymatlar hamda ular orasidagi miqdoriy munosabatlar haqidagi ma'lumot demakdir.

2. Masalaning talabi-masala shartidagi miqdoriy munosabatlarga nimani topish kerakligini ifodalash demakdir.

3. Masalaning operatori-masala talabini bajarish uchun shartdagi miqdoriy munosabatlarga nisbatan bajariladigan amallar yig'indisi.

Odatda matematikada matnli masalalar berilishi, mazmuni va mohiyatiga qarab quyidagi turlarga ajratiladi:

- 1) «konsentratsiya» va «prosent» tushunchasi bilan bog'liq bo'lgan;
- 2) harakatga bog'liq;
- 3) noma'lumlar soni tenglamalar sonidan ortib ketuvchi;
- 4) tengsizliklar tuzib yechiladigan;
- 5) butun qiymatli o'zgaruvchili;
- 6) turli masalalar.

Matnli masalalar qaysi turga taalluqli bo'lmasin, ularni yechishning an'anaviy sxemasi to'rt bosqichdan iborat bo'lib, ular quyidagilarni o'z ichiga oladi:

1. Noma'lumni tanlash;
2. Tenglamalar (yoki tengsizliklar) tuzish;
3. Tenglamalarni yechish, ya'ni noma'lumni topish;
4. Masala shartini qanoatlantiruvchi yechimni tanlab olish.

O'quvchi matnli masalalar yechish san'atini puxta egallab olishi uchun har bir bosqich tog'risida alohida to'xtalib o'tamiz.

Tenglama tuzish orqali masala yechish, masala talabida so'ralgan miqdorni imkoniyati boricha biror harf bilan belgilash, masala shartida qatnashayotgan boshqa miqdorlarni belgilangan harf orqali ifodalash, masala shartida ko'rsatilgan miqdoriy munosabatlarni, amallarning mantiqan tog'ri ketma-ketligi orqali ifodalaydigan tenglama tuzish va uni yechish orqali masalaning talabini bajarish demakdir.

Masalalarni tenglama tuzish orqali yechishni quyidagi ketma-ketlik asosida olib borish maqsadga muvofiqdir.

1. Masala talabida so'ralgan miqdorni, ya'ni noma'lum miqdorni harf bilan belgilash. Masalan, "Harakat bilan bog'liq ko'plab masalalarda ko'pincha noma'lum o'rnida tezlik, masofa va vaqt olinadi. Bunday hollarda bu kattaliklarni mos ravishda  $v$ ,  $s$ ,  $t$  va hokazo belgilashlardan qochish kerak. Eng yaxshisi an'anaviy  $x$ ,  $y$ ,  $z$ ,  $u$ ,  $v$  kabi belgilashlarga ko'nikish va ulardan tezlik, masofa va vaqtning mazmun-mohiyatiga shikast yetkazmagan holda foydalanish lozim. Bunday belgilashlar kelajakda hosil bo'lgan tenglamani yechishda ham qulay".

2. Bu harf yordamida boshqa no'malumlarini ifodalash.

3. Masala shartini qanoatlantiruvchi tenglama tuzish.

4. Tenglamani yechish.

5. Tenglama yechimini masala sharti bo'yicha tekshirish.

Noma'lum miqdorni tanlashga qarab tuziladigan tenglama har xil bo'ladi, ammo masalaning yechimi bir xil bo'ladi.

Matnli masalalarni yechish usullari turlicha bo'ladi. Ulardan asosiylari:

- 1) arifmetik usul (masalani savollar tuzib, izohlab, ma'lum mulohazalarga asoslanib yechish);
- 2) algebraik usul (masalani uning mazmuniga mos tenglama tuzib yechish). Masala yechishda chizmalardan, geometrik, fizik tushunchalardan foydalanish ham yechimga tezroq olib kelishi mumkin. Masalani tenglama tuzib yechish allomalarimiz asarlarida „al-jabr val-muqobala» usuli deb atalgan.

2. Matnli masalalarni yechish bosqichlari. Matnli masalani yechish ikkita asosiy bosqichdan iborat bo'ladi:1) masalaning sharti bo'yicha tenglama tuzish;2) hosil bo'lgan tenglamani yechish. Bu bosqichlarni "maydalash", ularni qismlarga bo'lish ham mumkin. Natijada berilgan masalaning matematik modeli tuziladi.

Masalaning matematik modeli — masalada bayon etilgan muammoli holatni, vaziyatni "matematika tili"ga ko'chirish, bu holatni formulalar, tenglama va tengsizliklar orqali ifodalashdir. Masalaning matematik modelini tuzish quyidagicha bo'ladi:1. Masalada topilishi kerak bo'lgan noma'lumni belgilash.

2. Noma'lum kattalik (miqdor) bilan masalada berilgan kattaliklar (miqdorlar, sonlar) orasidagi bog'lanishni o'rnatish, topish. Bu bog'lanish tenglama, tengsizliklar yordamida ifodalanadi.

3. Izlanayotgan noma'lum qanday shartlarni qanoatlantirishi zarurligini aniqlash.

4. 2- badda tuzilgan tenglamani yechib, yechim berilgan masala mazmunini to'la aks ettirishini, unga mos kelishini aniqlash.

Masala mazmuniga mos tenglama tuzish masalaning matematik modelini tuzishda eng asosiy bosqichdir.

Ta'lim tizimi:

davlat ta'lim standartlarini, davlat ta'lim talablarini, o'quv rejaları va o'quv dasturlarini;

davlat ta'lim standartlarini, davlat ta'lim talablari va o'quv dasturlarini amalga oshiruvchi ta'lim tashkilotlarini;

ta'lim sifatini baholashni amalga oshiruvchi tashkilotlarni;

ta'lim tizimining faoliyat ko'rsatishi va rivojlanishini ta'minlash uchun zarur bo'lgan tadqiqot ishlarini bajaruvchi ilmiy-pedagogik muassasalarni;

ta'lim sohasidagi davlat boshqaruvi organlarini, shuningdek ularning tasarrufidagi tashkilotlarni o'z ichiga oladi.

## Javob: Birinchi javonda 70 ta, ikkinchi javonda 110 ta kitob bo'lgan

1- masala. Ikkita javonda 180 ta kitob bor. Birinchi javondan ikkinchisiga 10 ta kitob olib qo'yildi. Shundan so'ng, ikkinchi javondagi kitoblar soni birinchisidagi kitoblar soniga qaraganda ikki baravar ko'p bo'lib qoldi. Dastlab har bir javonda qanchadan kitob bo'lgan?

Yechish.

1) birinchi javondagi kitoblar sonini  $x$  bilan belgilaymiz. U holda ikkinchi javondagi kitoblar soni  $(180 - x)$  ta bo'ladi. Ravshanki,  $x$  – natural son va  $x > 10$  bo'lishi kerak; birinchi javondan 10 ta kitob olingach, unda  $(x - 10)$  ta kitob qoladi; ikkinchi javonga o'sha 10 ta kitob qo'yilgach, undagi kitoblar soni  $(180 - x + 10) = (190 - x)$  ta bo'ladi;

2) masala shartiga ko'ra, ikkinchi javondagi kitoblar soni birinchi javondagidan ikki marta ko'p bo'ladi. Ya'ni  $2(x - 10) = 190 - x$  bo'lishi kerak.

Bu tenglama masala mazmuniga mos tenglamadir. Uni yechib,  $x$  ni topamiz:  $2x - 20 = 190 - x$ , bundan  $3x = 210$ ,  $x = 70$  ta (kitob). U holda ikkinchi javonda  $180 - x = 180 - 70 = 110$  ta (kitob) bo'ladi.

Tekshirish. 1)  $70 + 110 = 180$  (Ikkala javonda birgalikda 180 ta kitob bor edi);  $70 - 10 = 60$  birinchi javondan 10 ta kitob olingach, unda 60 ta kitob qoldi; 3)  $110 + 10 = 120$  — ikkinchi javonga 10 ta kitob qo'yilgach, unda 120 ta kitob bo'ldi; 4)  $60 \cdot 2 = 120$  (yoki  $120 : 60 = 2$ ) – ikkinchi javondagi kitoblar soni birinchi javondagidan ikki baravar ko'p. Demak, masala tog'ri yechilgan.

Javob: Birinchi javonda 70 ta, ikkinchi javonda 110 ta kitob bo'lgan.

Biz bu masalani algebraik usulda yechdik, endi arifmetik usulda yechamiz:

1) birinchi javondan 10 ta kitob olib, ikkinchisiga qo'yilgan bo'lsin. Birinchi javondagi kitoblar sonini 1 bo'lak (qism) deb olsak, u holda ikkinchi javondagi kitoblar soni 2 bo'lakni tashkil etadi. Demak, jami kitoblar  $1 + 2 = 3$  bo'lakni tashkil etadi;

2) 1 ta bo'lakka qancha kitob mos keladi?  $180 : 3 = 60$  ta kitob mos keladi, birinchi javondagi 60 ta kitobga bu javondan olingan 10 ta kitobni qaytarib qo'ysak, birinchi javonda dastlab nechta kitob bo'lganini bilamiz:  $60 + 10 = 70$  (ta kitob). U holda ikkinchi javonda dastlab  $180 - 70 = 110$  (ta kitob) bo'lgan.

Javob: Birinchi javonda 70 ta, ikkinchi javonda 110 ta kitob bo'lgan.

Matnli masalalarni yechishning turli usullari mavjud: arifmetik, algebraik, geometrik, mantiqiy, amaliy, jadval, kombinatsiyalashgan va h.z. Biz aniq masalani yechganda turli yechish usullaridan foydalanamiz.

Arifmetik usul. Masalani arifmetik usulda yechishda masala o'quvchilarini bajarishda sonlar ustida turli arifmetik amallardan foydalaniladi. Bitta masalani turli xil arifmetik usullar bilan yechish mumkin.

Algebraik usul. Masalani algebraik usulda yechishda masala yechimini shartga asosan yoki tenglama yoki tenglamalar sistemasi (yoki tengsizlik) hosil qilib yechish tushuniladi. Bitta masalani turli xil algebraik usullar bilan yechish mumkin [4.37-b].

Geometrik usul. Masalani geometrik usulda yechishda masala yechimini geometrik yasashlardan yoki geometrik figuralarning xossalariidan foydalanib yechish tushuniladi. Mantiqiy usul. Masalani mantiqiy usulda yechishda masala yechimini hisoblashlarni bajarmay mantiqiy mulohazalar yordamida yechish tushuniladi.

Amaliy usul. obyektlar yoki ularning nusxalari (modellar, maketlar) bilan amaliy harakatlarni bajarish orqali masala talablariga javob topishni anglatadi.

Jadval usuli. Masalani tegishli tartibda jadvalga kiritish orqali butun masalaning yechimini ko'rishga imkon beradi.

Kombinatsiyalashgan usul. Masala yechimini sodda tarzda javob olishga imkon beradi. Sinov va xatolar usuli (eng sodda), unda muammoning savoliga taxmin asosida javob topiladi. [3.7-b]

## Jadval usuli. Masalani tegishli tartibda jadvalga kiritish orqali butun masalaning yechimini ko'rishga imkon beradi

### Xulosa.

Ko'rinib turibdiki, ushbu usullarda, masala turiga qarab masalalarga yondashish mumkin. Masaladagi har bir jumlaning sintez qilish, o'quvchida mantiqiy, taxlilviy ko'nikmalarni hosil qiladi.

Matematikada analiz deyilganda asosan, isbotlanayotgan da'vodan rostligi ilgari isbotlangan yoki isbotsiz qabul qilingan da'volarga olib keladigan fikrlashni tushuniladi. Analiz isbotning tuzilishiga emas, balki faqat uning g'oyasiga olib keladi. Sintez, bu topilgan isbotlash g'oyasi asosida rost da'volar shartida berilgan ma'lumotlardan qanday qilib isbotlanayotgan da'vo hosil bo'lishini ko'rsatuvchi fikrlashdir.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti "Xalq ta'limi tizimidagi maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori. Toshkent shahri, 2019 yil 30 sentabr
2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risidagi" Qonuni. Toshkent sh., 2020-yil 23-sentabr, O'RQ-637-son.
3. Merajova Sh.B. Merajov N.I. Xoliqova m.q. matnli masalalarni yechish. - Buxoro: Durdona, 2022.
4. Jumayev M.E. Matematika o'qitish metodikasidan praktikum. - Toshkent: O'qituvchi, 2004.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Xakkulov Yunusjon Abdiravupovich,**  
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti  
E-mail: yunusjon1975@inbox.ru

### ALGEBRADAN FIZIKANING "KINEMATIKA" BO'LIMIGA DOIR MASALALAR YECHISH METODIKASI

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada innovatsion ta'lim muhiti sharoitida umumta'lim maktablari o'quvchilari aqliy qobiliyatlarini rivojlantirishning, mustaqil o'quv faoliyatini tashkil etishning, bilimlarini amalda qo'llashning optimal yechimlari bayon etilgan. Shuningdek, kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan matematika va fizika masalalarini fanlararo bog'lab yechish metodikasining maqbul mexanizmlari tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** fanlararo, algebraik usul, fizik qonuniyat, ta'lim texnologiyalari, tezlik, yo'l, vaqt, hodisa, harakat, harorat, taqqoslash metodi, vaziyat, tenglama, grafik.

### МЕТОДИКА РЕШЕНИЯ ЗАДАЧ СФЕРЫ "КИНЕМАТИКА" ФИЗИКИ ОТ АЛГЕБРЫ

**Аннотация.** В данной статье описаны оптимальные решения для развития умственных способностей, организации самостоятельной учебной деятельности и практического применения знаний учащихся общеобразовательных школ в условиях инновационной образовательной среде. Также проанализированы приемлемые механизмы методики решения междисциплинарных задач математики и физики на основе компетентного подхода.

**Ключевые слова:** междисциплинарный, алгебраический метод, физический закон, образовательные технологии, скорость, путь, время, событие, движение, температура, метод сравнения, ситуация, уравнение, графический.

### METHOD FOR SOLVING PROBLEMS IN THE SPHERE "KINEMATICS" OF PHYSICS FROM ALGEBRA

**Annotation.** This article describes the optimal solutions for the development of mental abilities, the organization of independent educational activities and the practical application of the knowledge of students of secondary schools in an innovative educational environment. Also, acceptable mechanisms of the methodology for solving interdisciplinary problems of mathematics and physics based on the competence-based approach are analyzed.

**Key words:** interdisciplinary, algebraic method, physical law, educational technologies, speed, path, time, event, motion, temperature, comparison method, situation, equation, graphic.

### Kirish.

Bo'lajak matematika o'qituvchilarining matematik tafakkurini fanlararo bog'lanish asosida rivojlantirish muhim ahamiyatga ega, chunki, o'quv predmetlari orqali o'quvchilarga atrofimizdagi tabiat hodisalari o'rgatiladi. Uni tashkil etuvchi narsa va hodisalar bir biri bilan chambarchas bog'liq bo'lganligi sababli tabiat hodisalarini o'rganuvchi predmetlar ham o'zaro bog'liq holda o'qitilishi kerak.

Fizika darslarida olingan bilimlar ko'pincha mashina va mexanizmlarning ishlash tamoyilini tushunib olishga va hayotga tatbiq etishda muhim ahamiyat kasb etadi. Shuning bilan birga fizikaning o'zini muvaffaqiyatli o'rganish uchun matematikani bilish kerak bo'ladi. Demak, fanlararo bog'lanishni amalga oshirish uchun matematika va fizika fanlari o'qituvchilari hamjihatlikda ishlashlari mavzuning dolzarb ekanligini bildiradi.

### Tahlil va natijalar.

Fizikaning kinematika bo'limida masalalarni yechishda matematik tushunchalarning qo'llanilishi son, funksiya, hosila, integral, differensial hisob nazariyalarining samarali tatbiqiga olib keldi.

Shu bois o'quvchilarning matematika darsida egallagan bilimlari quyidagi asosiy bilim, ko'nikma va malakalarini kompetensiyaviy yondashuv asosida fizika darsida keng qo'llaniladi.

Algebradagi fizikaning "Kinematika" bo'limiga doir masalalarni ko'rib chiqamiz.

**1-masala:** Turist paroxodda 72 km suzdi, paraxodda o'tgan yo'lidan 25 foiz ortiq masofani avtomashinida yurdi. Avtomobil tezligi paraxod tezligidan soatiga 21 km ortiq. Turist avtomobilda paraxodda yurganiga qaraganda 1 soat kam yurgan bo'lsa, avtomobilning tezligi qancha?

**Yechish:** 1. Belgilashlar:  $x$  - paraxodning tezligi bo'lsa, u holda  $(x+21)$  - avtomobilning tezligi bo'ladi.  $\frac{72}{x}$  - paraxodda sarf qilingan vaqt,  $\frac{90}{x+21}$  - avtomobilda sarf qilingan vaqt.

2. Taqqoslanuvchi miqdorlar:  $\frac{72}{x}$  va  $\frac{90}{x+21}$ .

3. Tenglama tuzish:  $\frac{72}{x} - \frac{90}{x+21} = 1$ .

4. Tenglamani yechish:  $\frac{72}{x} - \frac{90}{x+21} = 1$ .

$$72 \cdot (x + 21) - 90x = x^2 + 21x;$$

$$x^2 + 21x - 72x + 90x - 1512 = 0;$$

$$x^2 + 39x - 1512 = 0;$$

$$x_{1,2} = \frac{-39 \pm \sqrt{1521 + 4 \cdot 1512}}{2} = \frac{-39 \pm 87}{2};$$

$x = 24$  km/soat - paraxod tezligi,  $x = 45$  km/soat - avtomobil tezligi.

$$\frac{72}{24} - \frac{90}{45} = 1; 72 \cdot 45 - 90 \cdot 24 = 24 \cdot 45$$

Tekshirish:  $24 \cdot 45 = 24 \cdot 45; \Rightarrow 1080 = 1080$ .

**Javob:** Avtomobilning tezligi 45 km/soat.

**2-masala:** Teplovoz ma'lum vaqt ichida 325 km masofani o'tish kerak, shu yo'lning  $\frac{2}{5}$  qismini o'tgandan keyin u 24 min ushlanib qoldi. Keyin muddatida manzilga yetib borish uchun tezligini soatiga 10 km oshirdi. Teplovozning tezligini toping.

**Yechish:** 1. Belgilash. Agar teplovozning dastlabki tezligi  $x$  km/soat desak, u holda  $(x+10)$  km/soat uning keyingi tezligi bo'ladi.

$\frac{195}{x+10}$  - keyingi masofani bosib o'tish uchun ketgan vaqt.

$\frac{130}{x}$  - avvalgi masofani bosib o'tish uchun ketgan vaqt.

2. Taqqoslanuvchi miqdorlar.  $\frac{130}{x}$ ;  $\frac{195}{x+10}$  va  $\frac{325}{x}$ .

3. Tenglama tuzish.  $\frac{130}{x} + \frac{195}{x+10} + \frac{2}{5} = \frac{325}{x}$ .

4. Tenglamani yechish.

$$130 \cdot 5(x+10) + 5 \cdot 195x + 2(x^2+10x) = 5(x+10) \cdot 325,$$

$$350x + 6500 + 975 + 2x^2 + 20x + 1625x - 16250 = 0,$$

$$2x^2 + 20x - 9750 = 0,$$

$$x^2 + 10x - 4875 = 0,$$

$$x_{1,2} = -5 \pm \sqrt{25 + 4875} = -5 \pm \sqrt{4900} = -5 \pm 70,$$

$$x_1 = 65 \text{ km/soat, avvalgi tezlik,}$$

$$x_2 = -75 \text{ km/soat, chet ildiz,}$$

$$x+10 = 75 \text{ km/soat, keyingi tezlik.}$$

Tekshirish:  $\frac{130}{65} + \frac{195}{75} + \frac{2}{5} = \frac{325}{65}; \frac{30+39+6}{15} = 5; \frac{75}{15} = 5; 5 = 5$ .

**Javob:** Teplovozning tezligini 75 km/soat.

**3-masala.** Sayohatchi motorli qayiqda A punktdan oqimga qarshi suzdi. U 4 soat-u 40 minutdan so'ng qaytib kelishi kerak. Qayiqning turg'un suvdagi tezligi soatiga 12 km, oqim tezligi esa soatiga 3 km bo'lsa, sayohatchi A punktdan necha kilometr masofaga borib, 2 soat dam olib, o'z vaqtida qaytib kelishi mumkin?

**Yechish:** 1. Belgilash:  $x$  km - sayohatchining borib qaytishi mumkin bo'lgan masofasi,  $v_1$  km/soat - qayiqning oqim bo'yicha tezligi,  $v_2$  km/soat - qayiqning oqimga qarshi tezligi,  $t_1$  - qayiqning oqim bo'yicha harakatidagi vaqti,  $t_2$  - qayiqning oqimga qarshi harakatidagi vaqti desak, u holda qayiqning oqim bo'yicha tezligi  $v_1 = 12$  km/soat + 3 km/soat, oqimga qarshi tezligi  $v_2 = 12$  km/soat - 3 km/soat bo'ladi. Harakatlanish vaqtlari  $t_1 = \frac{x}{v_1}$ ;  $t_2 = \frac{x}{v_2}$ . Motorli qayiq oqim bo'yicha  $x$  km masofani  $t_1 = \frac{x}{12+3} = \frac{x}{15}$  soatda, oqimga qarshi esa  $t_2 = \frac{x}{12-3} = \frac{x}{9}$  soatda bosib o'tadi.

2. Taqqoslanuvchi miqdorlar:  $\frac{x}{9}$  va  $\frac{x}{15}$ .

3. Tenglama tuzish: Borib qaytishga  $4\frac{2}{3} - 2 = 2\frac{2}{3}$  soat sarf qilgani uchun  $\frac{x}{15} + \frac{x}{9} = 2\frac{2}{3}$  bo'ladi.

4. Tenglamani yechish  $\frac{x}{15} + \frac{x}{9} = 2\frac{2}{3}$ ;  $\Rightarrow 3x + 5x = 120$ ;  $\Rightarrow 8x = 120$ ;

$x = 15$  km - sayohatchi borib qaytishi mumkin bo'lgan masofa.

Tekshirish:  $\frac{15}{15} + \frac{15}{9} = 2\frac{2}{3} \Rightarrow 2\frac{6}{9} = 2\frac{2}{3}; \Rightarrow 2\frac{2}{3} = 2\frac{2}{3}$ .

**Javob:** Sayohatchi A punktdan 15 kilometr masofaga borib, 2 soat dam olib, o'z vaqtida qaytib kelishi mumkin.

**4-masala.** Uzunligi 400 m bo'lgan poezd uzunligi 500 m bo'lgan tunneldan 30 sekndda o'tib ketdi. Poezdning tezligini toping.

**Yechish:** Poezd bosh vagoni bilan tunnelga kira boshlaydi va eng oxirgi vagoni tuneldan chiqishi bilan tunneldan o'tgan hisoblanadi.

Demak, poyezd tunneldan o'tishi uchun tunnel va o'zining uzunliklari yig'indisiga teng bo'lgan masofani bosib o'tishi kerak:  $s = l_1 + l_2$ .

Poyezd to'g'ri chiziqli tekis harakat qilganligi uchun uning tezligi  $v = \frac{s}{t}$  formula orqali aniqlanadi.

$$v = \frac{s}{t} = \frac{l_1 + l_2}{t} = \frac{400 + 500}{30} = \frac{900}{30}$$

**Javob:** Poyezdning tezligi 30 m/s ekan.

**Aylana bo'ylab harakat.** Agar ikki jism  $R$  radiusli aylana bo'ylab  $v_1$  va  $v_2$  o'zgaras tezlik bilan turli yo'nalishlarda harakat qilayotgan bo'lsa, ularning uchrashish vaqti  $\frac{2\pi R}{v_1 + v_2}$  formula bilan topiladi.

Agar ikki jism  $R$  radiusli aylana bo'ylab  $v_1$  va  $v_2$  o'zgaras tezlik bilan bir xil yo'nalishda ( $v_1 > v_2$ ) harakat qilayotgan bo'lsa, u holda ularning uchrashish vaqti  $\frac{2\pi R}{v_1 - v_2}$  formula bilan hisoblanadi.

**5-masala.** Uzunligi 1 m bo'lgan aylana bo'ylab ikki jism turli yo'nalishda doimiy tezliklar bilan harakatlanib har 6 sekunda uchrashadi. Agar bir yo'nalishda harakat qilishsa, birinchi jism har 48 sekunda ikkinchi jismni quvib yetadi. Jismlarning tezliklarini toping.

**Yechish:** Jismlar tezliklarini  $v_1$  va  $v_2$  deb belglaymiz. Masala shartiga ko'ra quyidagi tenglamalar hosil bo'ladi:

$$1\text{-shartdan: } \frac{1}{v_1 + v_2} = 6; v_1 + v_2 = \frac{1}{6};$$

$$2\text{-shartdan: } \frac{1}{v_1 - v_2} = 48; v_1 - v_2 = \frac{1}{48};$$

Tenglamalar sistemasidan  $v_1 = \frac{3}{32}$  m/s,  $v_2 = \frac{7}{96}$  m/s hosil bo'ladi.

Jismlarning tezliklari:  $v_1 = \frac{3}{32}$  m/s,  $v_2 = \frac{7}{96}$  m/s.


## Xulosa.

Tajriba va pedagogik mahoratga ega bo'lgan o'qituvchining masalani to'g'ri talqin etishi va turli xil usullarda yechilishini o'quvchilar ongiga soddalashtirib singdirishi, ularning ikkala fanni ham mukammal o'rganib, bir-biriga bog'lay olishida muhim rol o'ynaydi.

## Bilim, ko'nikma va malakalarini kompetensiyaviy yondashuv asosida fizika darsida keng qo'llaniladi

O'qituvchi butun ta'lim jarayonida o'quvchilarning bilish qobiliyatlarini oshirishi, mustaqil ishlashga o'rgatishi, to'g'ri fikrlashga, tahlil qilishga, nazariy bilimlarni amalda qo'llay bilishga o'rgatib borishi lozim.

Ushbu ilmiy-uslubiy maqoladan maktab o'quvchilari va matematika o'qituvchilari fanlararo bog'lanish asosida algebradagi fizikaga oid masalalarni yechishda amaliyotda keng foydalanishi mumkin.



### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Saxayev M. Algebradan masalalar to'plami, Toshkent: O'qituvchi. 1970. - 10-11 b.
2. Alixonov S. Matematika o'qitish metodikasi. Toshkent. 2011. "Cho'lpon".
3. Kamenskiy S.Ye. Orexov V.P. Fizikadan masalalar yechish metodikasi Toshkent: O'qituvchi. 1989.
4. Mirzaahmedov M.A. va boshq. Algebra. Aniq fanlarga ixtisoslashtirilgan Davlat umumta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. "O'qituvchi", Toshkent. 2019. 14-20 b.
5. Qurbonov N.X. Algebradan masalalar yechish. Toshkent. 2000, "Yangi asr avlodi". B.11-12.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Badalov Kamoliddin Rahmat o'g'li,**  
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti o'qituvchi  
E-mail: badalovkamoliddin443@mail.ru

## BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING IJODIY, MUSTAQIL VA MANTIQUIY FIKRLASHGA O'RGATISHDA GEOMETRIYA ELEMENTLARINING O'RNI

**Annotatsiya.** Boshlang'ich sinflarda geometriya elementlarining o'rni haqida ilmiy fikrlar berilgan bo'lib, oliy talim talabalari, boshlang'ich sinf o'qituvchilariga nazariy yordam beradi. Geometriyaning o'rni va ahamiyati haqida nazariy ma'lumotlar keltirilgan. Ushbu maqolani yozishda boshlang'ich sinf kitoblarining bugungi kundagi nashrlari va oldingi nashrdagi mavzulari taqqoslanildi. Yangi nashr kitoblarning afzalliklari va farqlari yoritib berildi. Maqolada geometriyaga oid tushunchalarning bola psixologiyasiga tasiri aytib o'tildi. Bolalarda mantiqiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish yo'llari yoritishga harakat qilingan.

**Kalit so'zlar:** geometrik tushincha, masala, mustaqil fikr, ijodiy, kreativ, amaliy, fazoviy shakl.

## РОЛЬ ЭЛЕМЕНТОВ ГЕОМЕТРИИ В ОБУЧЕНИИ ТВОРЧЕСКОМУ, САМОСТОЯТЕЛЬНОМУ И ЛОГИЧЕСКОМУ МЫШЛЕНИЮ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ.

**Аннотация.** Приведены научные представления о месте элементов геометрии в начальных классах, а также оказана теоретическая поддержка студентам высших учебных заведений и учителям начальных классов. Представлены теоретические сведения о роли и значении геометрии. При написании этой статьи сравнивались темы сегодняшних изданий учебников для начальной школы и предыдущих изданий. Были отмечены преимущества и отличия книг нового издания. В статье отмечено влияние геометрических представлений на детскую психологию.

**Ключевые слова:** геометрическая концепция, задача, самостоятельное мышление, творческое, творческое, практическое, пространственная форма.

## THE ROLE OF ELEMENTS OF GEOMETRY IN TEACHING CREATIVE, INDEPENDENT AND LOGICAL THINKING OF ELEMENTARY SCHOOL STUDENTS.

**Annotation.** Scientific ideas about the place of elements of geometry in elementary grades are given, and it provides theoretical support to students of higher education and teachers of elementary grades. Theoretical information about the role and importance of geometry is given. In writing this article, the topics of today's editions of elementary school books and previous editions were compared. The advantages and differences of the new edition books were highlighted. The impact of geometry concepts on child psychology was mentioned in the article. An attempt was made to clarify ways of forming logical thinking skills in children.

**Key words:** geometric concept, problem, independent thought, creative, creative, practical, spatial form.

## Kirish.

Bugun biz axborotlar shiddat bilan almashinayotgan fandagi yangiliklar shiddat bilan ko'payib borayotgan bir davrda yashayapmiz. Ushbu vaziyatlarni hisobga olgan holda yoshlarimizni ushbu davr talablari mos kadrlar qilib yetishtirish jamiyatning oliy maqsadi bo'lib qolmoqda. Yoshlarimizni har tomonlama yetuk kadr qilib tarbiyalash, ularning mustaqil fikr yurita oladigan, har qanday masalaga ijodiy yondasha oladigan, komil insonlarni tarbiyalash bugungi kun o'qituvchisining asosiy vazifasi hamdir.

Biz o'z kasbimiz mohiyatidan kelib chiqqan holda yoshlarni erkin fikrga ega, kreativ yondashadigan, axborotlarni taxlil qila oladigan shaxslar qilib tarbiyalashga yordam beradiga bir qancha usul va yo'llar haqida fikr yuritamiz. Xo'sh bu aytganlarimizga qanday erishamiz va nimalar qilsak ushbu sifatlarni rivojlanishiga yordam beradi? Boshlang'ich sinf o'quvchilarining mantiqiy ko'nikmalarini shakllantirish haqida bir qancha olimlar izlanishlar olib borishgan va ular o'z samarasini berib kelmoqda. Har bir davrda maktab yoshlar oldiga o'z vazifalarini turlicha qo'ydi. Masalan: Yaqin-yaqinlarda o'quvchilarning oldiga; o'quv materiallarini o'zlashtirish, uni amaliyotga qo'llay olish kabi vazifalar qo'yilgan bo'lsa, hozirgi zamon talabiga binoan maktab o'zlashtirilgan o'quv materiallari yuzasidan mantiqiy fikr olish vazifasini o'quvchilar oldiga qo'yadi. [13, 22-25b]. Olimlarning aytishicha, insonlarning hayotdan orqada qolmasligi uchun o'quv jarayonini, unga qo'yiladigan talablarni har o'n yil ichida yangilash va jadallashtirish lozim.

## Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.

Inson o'z ustida muttasil ishlashi va bilim darajasini boyitib borishi shart. Mantiqiy

## O'qitish o'quvchilar bilimlarini ongli ravishda egallashlari va yetarlicha yuqori darajada umumlashtirishlarini taminlash zarur

fikrlashni va ko'nikmalarni shakllantirishni ko'pgina olimlar: Masalan; Y.K.Babaniskiy, V.V.Davindov, V.A.Kulko, A.V.Usova, M.N.Mahmutov, I.Y.Lerner, N.F.Talzina, N.V.Fetisova, A.A.Golyar, I.L.Nikolskaya va boshqa ko'pgina pedagog olimlarning ishida qarab chiqilgan.

B.S.Ablovos, L.P.Borisova, E.P.Ma-lanyuk, T.K.Yegorina, V.N.Sohinova, T.K.Kamalova, L.P.Terenteva, N.G.Salminalarning ishida boshlang'ich sinf o'quvchilariga maktabda, dars jarayonida ilmiy bilimlar berish orqali ularni mantiqiy fikrlashga o'rgatish borasida metodik ishlanmalar ishlab chiqilgan. Matematikani o'rganish jarayonida eng avvalo o'quvchilar nazariy bilimlar sistemasini, shuningdek, dastur belgilab bergan bir qator o'quv va malakalarni egallashlari kerak. O'qitish o'quvchilar bilimlarini ongli ravishda egallashlari va yetarlicha yuqori darajada umumlashtirishlarini taminlash zarur.

## Tadqiqot metodologiyasi.

O'quvchilarni mantiqiy fikrlashga o'rgatishga tayyorlashni pedagogik analizi shuni ko'rsatadiki, bushart butun o'quv jarayonida uchraydigan, qo'llaniladigan shartdir. A.K.Artyomov, I.L.Nikolskaya, A.A.Stoeyarning bilimlar berish jarayonida o'quvchilarni mantiqiy fikrlashga o'rgatish mavzulariga bag'ishlangan ilmiy ishlarida bu mualliflar tomonidan "mantiqiy bilimli" termini kiritilgan. [65-72b]. Matematika darslarida mantiqiy fikrlashga o'rgatishning ijobiyligi shundaki, o'quvchilar boshqa fanlarni o'rganish jarayonida ham mantiqiy fikrlashga tayanadi.

Bugungi kunda o'quvchilarning ijodiy mantiqiy fikrlashga o'rgatishda geometrik tushinchalarni o'rni beqiyos. Eski boshlang'ich sinf Matematika darsliklarida geometrik tushinchalarni shakllantirish uchun ko'pi bilan beshta mavzu kiritilgan edi. Bugungi kunga kelib maktab darsliklarida birinchi sinfdan boshlab geometrik tushinchalar uchun bir bob ajratilgan. Har bir bob yigirmata mavzudan ziyod. Bugungi kun Matematika darsliklarining asosiy maqsadi bolalarni erkin va ijodiy fikrlashga qaratilgan. Ushbulardan kelib chiqib qaraydigan bo'lsak ham geometrik materiallarning mustaqil va ijodiy fikrlarni rivojlantirishga yordam berishini tushinishimiz mumkin. Endi masalaga amaliy yondashamiz [15-17b].

### Tahlil, natijalar va mulohaza.

Bola geometriyaga doir masalalarni bajarar ekan unda tasavvur keng bo'ladi negaki undamasala yechish jarayonida masalaga har tomonlama yondashish talab etiladi. Sodda masalalardan biri to'g'ri to'rtburchakning yuzini topishga oid masalani yechish jarayonida ushbu shaklni tasavvur qilib chizadi. Bundan tashqari undan matematik hisob kitob qilish vazifasi ham turadi. Endi bolalarning mustaqil ijodiy fikrlashga yordam beradigan bir nechta boshlang'ich sinf masalalaridan keltiramiz.

## Matematika darslarida mantiqiy fikrlashga o'rgatishning ijobiyligi shundaki, o'quvchilar boshqa fanlarni o'rganish jarayonida ham mantiqiy fikrlashga tayanadi

**Bugungi kunga kelib maktab darsliklarida birinchi sinfdan boshlab geometrik tushinchalar uchun bir bob ajratilgan. Har bir bob yigirmata mavzudan ziyod.**



1-rasm

Ushbu masala orqali bolalar man ijodiy ham mantiqiy ishlaydi. Bu mavzu 2-sinf Matematika darsligi "Geometrik shakllar" bobining 4-mavzusi yassi geometrik shakllar mavzusida berilgan. Endi bolalar masalalarni nazariy bajarib qolmay amaliy tarzda bararishlari ham talab etilgan.




2-rasm


Ikkinchi sinf matematika darsligida Sitrometriya elementlari berilgan bo'lib bolalarda ilk tasavvurlar uyg'otiladi. [19-35b].



3-rasm



4-5-rasm



### Xulosa va takliflar

Ushbu turdagi masalalar ham geometrik tushinchalarga oid bo'lib bolalarda ijodiy fikrlashga undaydigan masalalar hisoblanadi. Bundan tashqari Mental arifmetikani o'rgatishda bolalarni ijodiy ko'nikmalarini shakllantirish va ko'z xotirasini yaxshilash maqsadida quydagi geometrik topshiriqlar ham muntazam berib boriladi grafik diktant, shakllarni izlash shular jumlasidandir.

Ushbu geometrik topshiriqlar ham boshlang'ich sinf o'quvchilarini topqirlikka ijodiylikni o'stirishga yordam beradi. Yuqoridagi manbalardan kelib chiqib shuni xulosa qilishimiz mumkinki geometrik masalalar bolalarga ham mantiqiy, ham erkin fikr yuritishiga yordam beribgina qolmay ularni amaliy hayotiy bilimlarni ham o'zlashtirishga yordam beradi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev.Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Toshkent, O'zbekiston, 2017.
2. O'rinboyeva L., Ismailov Sh., Ruzikulova N., Raxmonov U., Jumayev M., Ismailova N., Usmanova N. Matematika. 2-sinf darslik [19-35b].
3. Jumayev M. Matematika o'qitish metodikasi. Oliy talim talabalari uchun darslik. [15-17b].
4. Khurramov, R. (2022). Educational tasks in the primary class are a tool for developing students'heuristic skills. World Bulletin of Social Sciences, [13, 22-25b].
5. Nasiba Xolmurodova (2022). Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini didaktik-metodik kompetentligini rivojlantirish. 25th Dec. 2022[62-66b].
6. Bikbayeva.N.U. va boshqalar. To'rtinchi sinf matematika darsligi. - T: O'qituvchi, 2005. [65-72b].



### **ЧАСТОТА, НОЗОЛОГИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА И АНАТОМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АНОРЕКТАЛЬНЫХ АНОМАЛИЙ У ДЕВОЧЕК**

**Аннотация.** В работе представлены данные о частоте и анатомических особенностях отдельных нозологических форм аноректальных аномалий у 210 девочек в возрасте от 1 дня до 15 лет наблюдавшихся в клинике в 2010-2021 г. 177 (84,3%) девочкам первичные операции проведены в клинике, 33 (15,7%) – поступили с различными осложнениями после проведенных операций в других стационарах. Преобладали свищевые формы, редкие региональные варианты наблюдались у 50-23,8% больных. Представлена характеристика отдельных нозологических форм. Сочетанные аномалии выявлены у 90 (52%) больных. В большинстве случаев выполнены одномоментные радикальные вмешательства.

**Ключевые слова:** аноректальные аномалии, девочки, диагностика, тактика лечения.

### **ҚИЗ БОЛАЛАРДА АНОРЕКТАЛ АНОМАЛИЯЛАРДА НОЗОЛОГИК БИРЛИКЛАРИ, АНАТОМИК ТУЗИЛИШИ ВА ЧАСТОТАСИ**

**Аннотация.** Ушбу ишда 2010-2021 йиллар мобайнида аноректал нуқсон билан даволанган 210 та 1 кунликдан 15 ёшгача бўлган қиз болада учраш частотаси, ва анатомик турлари келтирилган. 177 (84,3%) бемор бирламчи мурожат қилганлар ва 33 (15,7%) бошқа шифохоналарда жаррохлик муолажаси бажарилган турли хил асоратлар билан келган беморлар. Оқмали турлари асосий қисмини ва кам уч-райдиган маҳаллий тури 50 (23,8) ташкил қилади. Хари бир тури ҳақида маълумот келтирилган. Хамроҳ нуқсонлар 90 (52%) тани ташкил қилдаи. Кўпроқ қисмида бир моментли радикал жаррохлик амалиёти бажарилган.

**Калит сўзлар:** аноректал нуқсонлар, қиз бола, таххисот, даво усули.

### **PREVALENCE, NOSOLOGICAL STRUCTURE AND ANATOMIC CHARACTERISTICS OF THE ANORECTAL MALFORMATIONS IN GIRLS**

**Annotation.** This article presents data about prevalence and anatomic characteristics of some nosological forms of anorectal malformations in 210 girls at the age of 1 day to 15 years who were treated in the clinic from 2010 to 2021. Of them 177 girls (84,3%) underwent primary surgeries in the clinic, 33 (15,7%) - were admitted with various complications after operations being made in the other hospitals. There were prevailed fistulas, rare regional variants were found in 50 (23,8%) patients. There is presented characteristic of some nosological forms. The associated anomalies were revealed in 90 (52%) patients. The one-stage radical technique was preferred by specialists.

**Key words:** anorectal malformations, girls, diagnosis, therapeutic operative technique.

### Актуальность.

Методы диагностики и хирургического лечения аноректальных аномалий (АРА) в последние десятилетия значительно усовершенствованы за счет новых знаний об их происхождении с позиции анатомических и физиологических особенностей аноректальной области [7,8,10]. Однако, несмотря на возможности современных высокоинформативных методов диагностики и новых хирургических технологий, остаются одной из проблем колопроктологии детского возраста [2].

В структуре врождённых аномалий АРА составляют от 20 до 60%. Частота их возникновения в общей популяции колеблется в пределах 1:500 - 1:5000 новорожденных и не имеет тенденции к снижению. Неудовлетворительные результаты лечения, по данным различных клиник, составляет от 10 до 60%. [1,4,5]. Неутешительные результаты зачастую обусловлены сочетанными аномалиями [3,7,9].

АРА представлены широким кругом нозологических форм, а частота широко варьируется в разных регионах мира. Наиболее часто наблюдаются свищевые формы. Урогенитальные свищи при нормально сформированном анусе, ректовагинальный свищ и клоакальная форма аномалии встречаются редко, преимущественно наблюдаются среди жителей в стран Азии. По международной классификации, принятой в Крикенбеке (Германия), указанные формы названы редкими или региональными [6].

**Неудовлетворительные результаты лечения, по данным различных клиник, составляет от 10 до 60%.**

### Цель работы:

определить частоту и нозологическую структуру АРА у девочек; и изучить анатомические особенности, характер сочетанных аномалий, влияющих на выбор тактики лечения при первично установленном диагнозе.

### Материалы и методы исследования.

С 2010 по 2021 г. на клинических базах кафедры детской госпитальной хирургии ТашПМИ находились 210 девочек с аноректальными пороками развития в возрасте от 1 дня до 15 лет. Новорожденных было 16 (7,6%); от 29 дней до 3 мес. – 17 (8,1%), от 3 мес. до 1 года – 113 (53,8%); от 1 года до 3 лет – 27 (12,8%), от 3 до 7 лет – 25 (11,9%), от 7 до 15 лет – 12 (5,7%). Среди 177 (84,3%) – больные с первично установленным диагнозом в клинике; из них 33 (15,7%) поступили после первичных операций по поводу аноректальных аномалий, выполненных в других учреждениях.

У 177 больных, первично поступивших в клинику для уточнения анатомической формы аноректальной мальформации и выявления сопутствующих пороков развития других органов и систем, оценены состояние промежности, анатомия и топография наружных половых органов и свища, выраженность анального рефлекса, состояние сфинктерного аппарата, видимая патология наружных половых органов. Для выявления сопутствующих пороков развития других органов и систем больным проведены ультразвуковые, рентгенологические, КТ исследования.

### Результаты и их обсуждение.

Анализ клинического материала показал, что АРА у девочек - это большой спектр нозологических форм, характеризующихся атрезией, сужением или расширением различной протяженности на уровне дистальных отделов прямой кишки со свищом в половую систему или промежность, либо безсвищевые формы и клоаки с большими анатомическими вариациями (табл.1), сопровождающиеся симптомами низкой кишечной непроходимости или недержанием кала, обусловленные выраженной в той или иной степени гипоплазией нервно-мышечных структур промежности, патологией крестца и/или другими остеоневральными аномалиями позвоночника и спинного мозга.

Важнейшим условием хороших функциональных результатов коррекции аноректальных аномалий является правильное определение формы порока в дооперационном периоде.

Осмотр промежности 80% случаев позволяет установить вид АРА и наметить тактику лечения. Ошибочная диагностика приводит к неадекватной хирургической тактике, последующем различным осложнениям в ближайшем и отдаленном послеоперационном периоде.

Безсвищевые формы встречались у 12 (5,7%) больных. В большинстве случаев их диагностика не составляет затруднений. У 11 (91,7%) новорожденных диагноз установлен при первичном осмотре; у 1 (8,3%) ребенка возрасте 7 месяцев с нормально сформированным анальным отверстием и дистальным отделом прямой кишки, оперированного с подозрением на кишечную непроходимость с наложением стомы, высокая атрезия прямой кишки установлена при повторных исследованиях и на завершающем этапе операции. По результатам комплексного исследования и данным

Нозологические формы АРА в зависимости от возраста девочек (n =210)

Таблица 1

№	Нозологические формы	Возраст больных						Всего
		Новорожденные	от 29 дней до 3 мес.	от 3 мес. до 1 года	от 1 года до 3 лет	от 3 до 7 лет	от 7 до 15 лет	
Основные клинические варианты	Атрезия без свищей	11		/1				11/1
	Атрезия с промежностным свищом	4	8	6	1/1	1/1	20/2	
	Атрезия с вестибулярным свищом	6	73/3	6/3	3/9	/4	88/19	
	Клоака	3	6	5	/1	/1		14/2
	Стеноз ануса			2		1		3
Редкие региональные варианты	Н - форма свищей при нормальном анусе			6/1	2	3/1	2/1	13/3
	Атрезия с вагинальным свищом		10	4/2	/2	/1	14/5	
	Эктопия ануса			4	3	2	2	11
	Смешанные формы	2	/1			1		3/1*
	всего	16	16/1	108/5	21/6	11/14	5/7	177/33

**Примечание:** в числителе - больные, первично поступившие в клинику; в знаменателе - после перенесенных операций в других стационарах, \* стеноз ануса при Н-типе свища, \*\* клоака в сочетании с ректальным мешком - 3.

## Без свищевые формы встречались у 12 (5,7%) больных

проведенных операций у 12 пациенток определена атрезия следующей локализации: высокая - 4 (33,3%), промежуточная - 3(25%), низкая - 5 (41,7%).

Превалировали свищевые формы АРА – 165 (78,6%). Из них 136 (82,4%) пациенткам первичные операции были проведены в нашей клинике; 29 (17,6%) поступили после операций в других стационарах с различными осложнениями, потребовавшими дифференцированной тактики лечения. Среди свищевых форм значительно преобладал ректовестибулярный свищ – 107(65,6%). Свищи в промежность отмечены у 22 (13,5%) девочек, ректовагинальный свищ у 19 (11,6%), ректогениальный Н-тип свищей при нормально сформированном анусе – у 16 (9,2%) и у 1 – Н-тип при стенозе ануса.

При свищевых формах сроки установления диагноза и важным критерием, определяющим тактику лечения, являются локализация и диаметр свищевого хода, от которых зависит степень опорожнения кишечника и риск урогенитального инфицирования кишечным содержимым. При осмотре промежности выявление свища у 128 (94,1%) из 136 больных не представляло особых затруднений. У 8 (5,9%) больных наличие и точное локализация свища при Н-типе (5 больных) и ректовагинального свища (3 больных)

установлены при помощи пуговчатого зонда, введенного через заметное устье свища со стороны преддверия влагалища или в просвете прямой кишки. Диаметр свища был различным: у 33 (24,3%) больных соответствовал размеру бужей Гегара № 2-3. В таких случаях у больных развивалась частичная низкая кишечная непроходимость, требовавшая периодического бужирования свища до проведения оперативного вмешательства. У № 79 (58,1%) больных размер свищевого хода соответствовал бужам Гегара № 4-6. У этих больных затруднения акта дефекации возникли с 2-3 – месячного возраста и усиливались с добавлением прикорма. У № 24 (17,6%) больных свищевой ход свободно пропускал буж Гегара № 7-10. У этих больных длительное затруднение акта дефекации обычно не наблюдалось.

Из первично поступивших в клинику 136 больных со свищевыми формами АРА наличие ректогени-тальной фистулы у 23 (17,9%) больных установлено в раннем неонатальном периоде, у 20 (14,7%) в сроки до 1 месяца, 26 (19,1%) до 3 месячного возраста. Наиболее часто свищи установлены в 3-12 мес – 52 (38,2%), у 15 (11%) девочек значительно позже, в возрасте 1-7 лет. Число проведенных первичных операций в указанные сроки составило: в 1-3 мес - 9 (6,6%); от 3 мес до 12 мес - 99 (72,8%); 1-3 лет – 21(15,4%); 3-7 – 4(3%) и старше 7 лет – 3(2,2%). Данное обстоятельство можно объяснить соблюдением возрастного ценза, сложившегося у практических врачей, об оптимальных сроках проведения оперативного вмешательства при АРА (6-12 месяцев жизни ребенка) и запоздалым выявлением или их неосведомленностью об особенностях локализации и размерах свищевого хода во влагалище, в вестибулярной части или в промежности; невнимательным отношением родителей к ребенку – носителю данной аномалии.

У 11(8,1%) из 136 больных при нормальном или незатруднительном опорожнении кишечника недооценивались нефизиологичное расположение свища или анального отверстия - эктопия. Запоздалое установление диагноза, откладывание оперативного вмешательства на более поздние сроки наблюдались при эктопии ануса и локализации ректовестибулярного свища в дистальном отрезке преддверья влагалища или в пограничной зоне с промежностью вестибуло-перинеальный свищ. Допущенные диагностические ошибки в первичном звене здравоохранения или других медицинских учреждениях были исправлены в нашей клинике в ходе специальных методов исследования (определение индекса анальной позиции, оценка функционального состояния запирающего аппарата прямой кишки).

Из 17 (8,1%) девочек с АРА Н-типом ректогенитального свища 14 были первично госпитализированы в нашу клинику. У 13 (76,5%) из них отмечена изолированная аноректальная мальформация, у 1(5,9%) – в сочетании со стенозом ануса. 13 (76,5%) из них локализация ануса типичное, у 3 (17,6%) имелось переднее смещение ануса. У 12 (70,6%) больных с диаметром свищевого хода более 5 мм было хорошо заметно открытие фистулы в преддверье влагалища. У 3 (17,6%) больных при наличии узкого свищевого хода и у 2(11,8%) при ректовагинальном Н-свище точную локализацию фистулы удалось установить при помощи пуговчатого зонда, введенного через заметное устье свища со стороны преддверья влагалища или в просвете прямой кишки. Устье свища в просвете прямой кишки локализовалось на различных расстояниях от кожно-слизистого перехода прямой кишки: до зубчатой линии- 4 (23,5%),

## Среди больных с АРА было 19 (9%) девочек с ректовагинальными свищами

на уровне - 8(47,1%), выше - 5 (29,4%). У 4 (23,5%) больных локализация соответствовала ановестулярному Н-типу – «промежностный канал»; у 5(29,4%)–ректовестибулярному – промежуточная форма; у одной из них при наличии ректовестибулярного сообщения отмечен также параректальный свищ; у 5 (29,4%) – высокая форма, у 2 из них – ректовагинальный свищ.

Среди больных с АРА было 19 (9%) девочек с ректовагинальными свищами. 14 из них первично были госпитализированы в нашу клинику. Как правило, при ректовагинальном свище требуется раннее оперативное вмешательство для предупреждения инфицирования урогенитального тракта. Из-за широкого диаметра свищевого хода у больных задержка стула не наблюдалась. У 8 (57,1%) прямая кишка со свищом открывалась в дистальную часть влагалища до поступления в нашу клинику. Выделения кишечного содержимого из вульвы ошибочно оценено ректовестибулярным свищом. У 6(42,9%) девочек свищ локализовался в проксимальном отделе вагины, для которого характерно явное выделение кишечного содержимого через девственную плеву. При этом также отмечена ошибочная их трактовка как ректовестибулярный свищ. Поэтому девочки с ректовагинальными свищами в хирургический стационар были направлены начиная с 3- месячного возраста, хотя имелись характерные клинические признаки.

Клоакальная форма - сложный вариант АРА – наблюдалась у 19 (9%) из 210 девочек. У 16 (84,2%) патология представлена в виде изолированной

формы, у 3(15,8%) - в сочетании с ректальным мешком. У 5 (26,3%) правильный диагноз был установлен в неонатальном периоде; остальные 14 (73,7%) больные поступили в клинику в возрасте 1 мес – 7 лет с различными направительными диагнозами без соответствующей коррекции порока. При обследовании установлена длина общего клоакального канала: у 9(47,4%) - до 3 см, у 6 (31,6%) -до 5 см, у 4 (21%) -более 5 см.

Стенозы ануса были самым редким видом: у 3(1,4%) из 210 девочек, что коррелирует с литературными данными. В зависимости от выраженности стеноза клинические проявления в виде затруднения акта дефекации начали настораживать родителей. К врачу родители обратились 2 детей в возрасте до одного года и 1 девочки в 3 лет. При первичном обращении в клинику через анальное отверстие свободно проходил буж Гегара № 3-4.

Эктопия ануса диагностирована у 11 (5,2%) девочек, 10 из них оперированы. Показаниями к оперативному лечению служили значительное переднее смещение ануса – индекс анальной позиции - ниже 0,22 у 4 (36,4%) больных и упорные запоры при сужении анального канала и эктопированного ануса - 6(54,5%). Консервативное лечение при умеренном переднем смещении - 1 (9,1%).

В соответствии с классификации Крикенбека редкие или региональные формы АРА диагностированы у 50 (23,8%) пациенток (ректовагинальный свищ - 19 (38%), Н-типа свищей при нормально сформированном анусе - 16 (32%), эктопия ануса -11( 22%) и сочетание отдельных форм – 4(8%): клоака в сочетании ректальным мешком – 3; стеноз ануса при Н-типе свища – 1).

## Множественные пороки развития обнаружены у 14 (15,6%) больных

Клиническая диагностика при отдельных формах АРА не составляет затруднений, однако нельзя отказываться от специальных методов исследования. Оценка клинического статуса, характера сопутствующей патологии, идентификации анато-мической формы мальформации с оценкой состоянии запирающего аппарата прямой кишки важна для постановки окончательного диагноза, выбора хирургической тактики и способа конкретной оперативной коррекции. У 90 (50,8%) первично поступивших больных выявлены сопутствующие аномалии развития других органов и систем. Множественные пороки развития обнаружены у 14 (15,6%) больных. Следует подчеркнуть, что многие из выявленных ассоциированных аномалий не требуют существенного изменения тактики лечения с точки зрения срока и этапности операции и не являются противопоказанием для ранней коррекции АРА. Установление вида и характера сочетанной патологии при АРА у новорожденных имеет важное значение для определения хирургической тактики (последовательность коррекции при множественных пороках, выбор одно-этапной радикальной или поэтапной паллиативной) табл.2.

## Выводы.

АРА у девочек представлены широким кругом нозологических форм с большими анатомическими вариациями, среди которых преобладают свищевые формы; частота региональных вариантов составила 23,8%. Безсвищевые формы наблюдались в 5,7% случаев и требует проведения экстренной операции в раннем неонатальном периоде.

Нозолог форма	Вид лечения			Характер операций			
	Число больных	Консервативное	Первичные операции	Экстренное		Плановая	
				Радикальная	Паллиативная	Радикальная	Паллиативная
Промежностный	20.фев		20			20.фев	
Ректовестибулярны	88/19	/1	88			87/18	1
Клоака	14.фев		14		4	4	06.фев
Без свишей	11		11	7	4		
Анальный стеноз	3	2	1			1	
Ректальная атрезия	/1					/1	
Ректовагинальный	14.май		14			08.мар	06.фев
Н - фистулы	13.мар		13			11.мар	2
Эктопия ануса	11	1	10			10	
Сочетанные формы	03.январь		3		2	01.январь	
Всего	177/33	03.январь	174	7	10	142/28	15.апр
	210			17		189	

При первичном установленном диагнозе АРА 72,9% девочек в хирургический стационар госпитализируется для планового оперативного лечения в возрасте 1 мес - 1 год, в 20, 9% случаев наблюдается запоздалая диагностика.

При АРА у 90 (52%) девочек выявляются сочетанные и множественные аномалии. Отдельные из них не требуют существенного изменения тактики лечения и не являются противопоказанием для ранней корригирующей, плановой 189-90%(радикальной – 170-89,9%, паллиативной – 19-10,1%) и экстренной 17-8,1%(радикальной – 7- 41,2%, паллиативной – 10-58,8%) операции.

### Литература

- Ионов А.Л., Щербаков О.В., Лука В.А. и др. Хирургическая коррекция врожденных аномалий толстой кишки и аноректальной области. М. Детская хирургия. - 2007. - № 3. - С.13-16.
- Ленюшкин А.И. Хирургическая колопроктология детского возраста/ Руководство для врачей. - М., 1999. - с. 66-68.
- Морозов Д.А., Никитина А.Н., Тихонова И.А. Сочетанная патология у детей с аноректальными пороками развития. Саратовский научно-медицинский Журнал «Хирургия новорожденных» 2007 № 2 С. 26-28.
- Савина В.А. и др. «Результаты проктологических операций у детей по материалам хирургического отделения педиатрического центра Якутска». - М., Детская хирургия. - 2010. - № 6. - С.15 - 18.
- Тараканов В.А., Нестерова И.В., Стрюковский А.Е. Современные подходы к обследованию, лечению и реабилитации детей с различными формами аноректальных аномалий. М.Детская хирургия. 2009.№1, с19-21

**Плановой 189-90% экстренной 17-8,1%**

- Holschneider A., Hutson J., Pena A., et al. Preliminary report on the International Conference for the Development of Standards for the Treatment of Anorectal Malformations. J Pediatr Surg. 2005. 40:1521-1526.
- Holschneider A., Hutson J. Anorectal Malformations in Children. Embryology, diagnosis, surgical treatment, follow-up. - Heidelberg: Springer, 2006. P 251
- Levitt M.A. and Peña A. Anorectal malformations// Orphanet Journal of Rare Diseases 2007, 2:33doi:10.1186/1750-1172-2-33
- Mittal A, Airon R, Magu S, et al. Associated anomalies with anorectal malformation (ARM) The Indian Journal of Pediatrics. 2004. №6. P.509-514.
- Pena A, Levitt M: Anorectal malformations. In Pediatric Surgery and Urology: Long term outcomes 2nd edition. Edited by: Stringer M., Oldham K., Mouriquand PDE. Cambridge: Cambridge University Press; 2006. p. 401-415.



"TISU ilmiy  
tadqiqotlari  
xabarnomasi"  
ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Eshkarayev Sadridin Choriyevich,**

Termiz iqtisodiyot va servis universiteti kafedra mudiri,  
Kimyo fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)  
E-mail: esadir74@rambler.ru

### "QUR'ONI KARIM"DAGI KIMYOVIY MO'JIZALAR

*Annotatsiya. Maqolada ilohiy kitob Qur'oni karimdagi kimyo faniga taa'luqli oyatlar tahlil qilingan. Jumladan, Qur'oni karimda keltirilgan suv, neft, havo, atmosfera, tuproq va boshqa unsurlar haqida ilohiy so'zlar muallif tomonidan kimyoviy tushunchalar, qonunlar va ta'riflar bilan izohlangan. Qur'oni karimdagi kimyoviy mo'jizalar bo'yicha so'nggi yillarda nashr etilgan ilmiy maqolalar tahlil qilingan. Agar bu ilohiy kitobni kimyoviy tadqiqotlar asosida tahlil qilinsa, olamshumul kashfiyotlar qilish mumkinligiga urg'u berilgan.*

**Kalit so'zlar:** Qur'on, hadis, sura, oyat, suv, neft, havo, tuproq, atmosfera, kimyoviy mo'jizalar, al-kimyo.

### ХИМИЧЕСКИЕ ЧУДЕСА В «КОРАНЕ»

*Аннотация. В статье анализируются аяты, относящиеся к науке химии в священной книге Коран. В частности, упомянутые в Священном Коране божественные слова о воде, нефти, воздухе, атмосфере, почве и других элементах объясняются автором химическими понятиями, законами и определениями. Проанализированы опубликованные в последние годы научные статьи о химических чудесах в Священном Коране. Если эту божественную книгу проанализировать на основе химических исследований, то будет подчеркнута, что могут быть сделаны универсальные открытия.*

**Ключевые слова:** Коран, хадис, сура, аят, вода, нефть, воздух, почва, атмосфера, химические чудеса, ал-химия.

### CHEMICAL MIRACLES IN THE QUR'AN

*Annotation. The article analyzes the verses related to the science of chemistry in the holy book Qur'an. In particular, the divine words about water, oil, air, atmosphere, soil and other elements mentioned in the Holy Qur'an are explained by the author with chemical concepts, laws and definitions. Scientific articles published in recent years on the chemical miracles in the Holy Qur'an have been analyzed. If this divine book is analyzed on the basis of chemical research, it is emphasized that universal discoveries can be made.*

**Kalit so'zlar:** Qur'on, hadis, sura, oyat, suv, neft, havo, tuproq, atmosfera, kimyoviy mo'jizalar, al-kimyo.

## Kirish.

Qur'oni karim Islom dinining asosi hisoblanib, inson hayotini, fikrini, zikrini, sa'yi-harakatini yagona va to'g'ri yo'lga solib turadigan, insonga qiyomatgacha dasturi amal vazifasini bajaradigan ilohiy kitob-Olloh taoloning hikmatidir [1]. Qur'oni karim butun borliq va koinot haqidagi buyuk asar, bir tomondan, ohangiga ko'ra komil san'at, ikkinchi tomondan, aniq va tabiiy fanlarning buyuk kashfiyoti hisoblanadi. Matematika va fizikaning barcha muhim qoidalari Qur'oni karimda bor [2].

Qur'oni karimning Nur surasi 35-oyatida: "Alloh osmonlar va Yerning "Nuri"dir. Nurining misoli xuddi bir tokcha ichidagi chiroq, bu chiroq bir shisha ichida, u shisha go'yo durdan yaralgan yulduzga o'xshaydi. U (chiroq) na sharqiy va na g'arbiy ham bo'lma-gan muborak zaytun daraxti (moyi)dan yoqilur. Uning moyi (musaffoligi) dan garchi unga olov tegmasa-da, (atrofni) yoritib yuborgu-dekdir. (Mazkurilar qo'shilganda esa), nur ustiga nur (bo'lur). Alloh o'zining (bu) nuriga o'zi xohlagan kishilarni hidoyat qilur. Alloh odamlarga (ibrat ol-ishlari) uchun (mana shunday) masallarni keltirur. Alloh barcha narsani biluvchidir". (oliq Nurbo-qiyning tafsiriga ko'ra, U shunday

bir narsaki, o'tsiz yonadi va yulduz kabi porlab nur taratadi. "O't tegmasa ham yoritib yuboray deydi" mazmunidagi oyatning abjad hisobi hijriy 1284 (melodiy 1867) sanaga teng bo'lib, elektr energiyasi kashf etilgan va undan foydalanish ommaviylashgan yillarga to'g'ri keladi. Fikr yuritilsa oyatdagi yashirin sirning qachon kashf qilinishi ham Oloh tomonidan (taqdiri azalda) belgilab qo'yilgan [3].

Umuman bunga o'xshash misollar Qur'oni Karimda juda ko'p va xo'p bayon etilgan. Lekin Qur'oni Karimning kimyoviy mo'jizalar haqida tadqiqotlar juda kam olib borilgan.

Tadqiqot maqsadi – Qur'oni Karimdagi muqaddas suralaridagi kimyo faniga taalluqli fikrlar va mulohazalarni tahlil qilish, Bu borada dunyo miqyosida olib borilgan kam sonli tadqiqotlarni ilmiy jihatdan tahlil qilishdan iborat.

Adabiyotlar tahlili. 2002 yilda turk olimi va onkolog shifokori Xoliq Nurboqiyning "Qur'oni Karimdagi ilmiy mo'jizalar" asarida fizika, matematika, tibbiyot va san'atga aloqador bo'lgan suralar g'oyatda qiziqarli tarzda bayon qilingan. Jumladan, kitobning III bo'limi Qur'ondagi matematik mo'jizalarga bag'ishlangan bo'lib, unda matematikadagi ba'zi qoida va tushunchalar qaysi surada kelganligi hamda necha marotaba takrorlanganligi izohlangan. Masalan,

Bismilloning 19 siri:

Bismillo 19 harfligini aytdik, bismillodagi to'rt kalima Qur'onda 19 ning karralarida ko'rinadi: ISM 19 marta o'tadi, OLLOH  $19 \times 142 = 2698$ , RAHMON  $19 \times 3 = 57$ , RAHIM  $19 \times 6 = 114$  marta o'tadi.

Qur'onda Bismillo  $6 \times 19 = 114$  marta o'tadi, faqat 9-suraning Bismillosi yo'q. Yo'qolgan bu Bismillo 19 sura o'tgandan keyin "Naml"-da (27-sura 29-oyat) o'tadi.

Bu yetishmagan Bismillo ham bizga Olohning Qur'on matematikasi ichida 19 raqamiga bergan e'tiborini bayon qilish

## 19-surada muqatta'a harflar: "Qof", "Ho", "Yo", "Ayn-Sod"

uchundir.

Qur'onda 7 surada "Alif-Lom-Mim" shifri bor. Bu yetti surada uchragan "Alif", "Lom", "Mim" harflarining yig'indisi  $26676 = 1404 \times 19$  dir.

Qur'onda 7 "Ho-Mim" shifri bor. Bu shifrlar uchragan suralardagi "Ho" va "Mim" harflarining yig'indisi  $2147 = 113 \times 19$  dir.

"Sho'ro" surasida 5 muqatta'a bor va ular ikki oyat holidadir: a) "HO-MIM": b) "AYN-SIN-QOF".

Surada bu besh harfning yig'indisi:  $570 = 30 \times 19$ , shu jumladan, "Ayn", "Sin", "Qof" yig'indisi:  $209 = 11 \times 19$ , "Qof" yig'indisi:  $57 = 3 \times 19$  dir. 7-sura "Alif—Lom— Mim—Sod" bilan boshlanadi, bu harflar yig'indisi:  $5358 = 282 \times 19$  dir. 19-surada muqatta'a harflar: "Qof", "Ho", "Yo", "Ayn-Sod". Bu harflar yig'indisi  $798 = 42 \times 19$  dir. «Sod» shifriga ega bo'lgan 7-, 19-, 38-suralarda uchragan "Sod" yig'indisi:  $152 = 8 \times 19$  dir.

Bunaqangi keskin bir matematik nazokatni ko'rmaslikka olish, bularni aql bovar qilmas mo'jiza sifatida ilg'amaslik, haqiqatan "Fotiha" surasida amr etilganday, faqat benasiblikdir [4].

Ushbi kitobning IV bo'limi Fizikaga oid mo'jizalarga bag'ishlangan. Jumladan, Modern fizikaning tamal haqiqatlaridan biri "Parite" (frantsuzcha) yoki "Pariti" (inglizcha)dir. Jamiki borliqlar zid juftlar holida yaxlit yaratilishini ifoda etgan bu qonun barcha fizik qonunlarning negizida yotgan bir haqiqatdir. Kundalik hayotimizda "Parite"ni qo'pol ravishda elektrning musbat-manfiysida, magnitning shimol-janub qutblarida deb tushunamiz.

Hozirgi fizika olimlari Karl David Andersonning pozitron (musbat elektron) ni kashf etganini fizika taraqqiyotining eng yuksak nuqtasi deb hisoblaydilar. Zero, shu kashfiyot tufayli davrimizning eng buyuk besh fizik olimidan biri Dirak parite haqiqatini topgan. U deydi: Bir kvant quvvat ma'lum bir yo'nalishda makon bilan aloqaga kirishadi, bir spin harakati, ya'ni yo'ldosh harakat yuz bersa, zid yo'nalishda xuddi shu sifatga ega bo'lgan boshqa bir kvant tug'iladi [4].

Tadqiqot usuli. Ilmiy adabiyotlar tahlil va mantiqiy fikrlash. So'nggi yillarda chop etilgan ilmiy maqolalar tahlil qilingan va ulardagi xulosalar taqqoslash orqali jamlangan. Krichkov A. va boshqalarning 2016 yilda chop etilgan "Physical Phenomena as Presented in Quran" asarida tabiat fanlariga taalluqli qator fikrlar keltirilgan. Jumladan, Qur'onda keltirilgan jismoniy hodisalar Homo sapiens paydo bo'lgan vaqtdan to hozirgi kungacha odamlarni shartli ravishda ikki toifaga bo'lish mumkin. Birinchisiga iymon keltirganlar, ikkinchisiga esa iymonsizlar kiradi. Dindorlar ichki e'tiqodlari tufayli diniy manbalarga ishonadilar. Imonsizlar diniy manbalarga ishonmaydilar va Xudoning borligi yoki yo'qligiga dalil talab qiladilar. Qadim zamonlarda fan shunday paydo bo'lgan. Ba'zi odamlar Xudo borligining dalillarini izladilar, boshqalari odamlar hayotida Xudo yo'q degan tushunchaning dalillarini qidirdilar. Ilmiy bilimlar o'sdi; ko'plab ilmiy bilimlar insonning kundalik hayotiga integratsiya qilindi. Muayyan bosqichda odamga deyarli hamma narsa ma'lum, amalda hamma narsa tushuntirilgan, tekshirilgan va isbotlangandek tuyuldi. Bu odamni Xudoning mavjudligining dalillar bazasi zaif bo'lganligi sababli, Xudo mavjud emas degan xulosaga keldi. Lekin insoniyat o'z rivojlanish daomida shunday ilmiy muammolarga duch keldiki, ularni ilmiy jihatda yechimini hozirgacha aniqlay olishmayapti [5].

Tadqiqot natijalari tahlili. Umuman Qur'oni karimdagi fizika, biologiya va tibbiyot sohasidagi mo'jizalar ko'pchilik olimlar tomonidan tadqiq qilingan. Lekin kimyoviy mo'jizalar borasida juda kam olimlar tadqiqotlar olib borishgan. Ularni sizning e'tiboringizga havola etamiz:

## Dindorlar ichki e'tiqodlari tufayli diniy manbalarga ishonadila

Xoshimin universiteti professori Zayd Al-Gazzaviy Qur'oni karimdagi kimyoviy mo'jizalar bo'yicha tadqiqotlar olib borib, kimyoviy elementlar davriy jadvalidagi 114 ta elementni Qur'onning 114 surasining joylashuvi bilan bog'lashga harakat qilgan. Hoshimiylar universiteti tibbiyot muhandisligi kafedrasini mudiri, doktor Zayd Al-Gazzaviyning aytishicha, Qur'oni Karimning oyatlari va suralari haqida o'ylash va mulohaza yuritish orqali u insonning bilim qobiliyatini ko'rsatadigan ilmiy dalillarni keltira olgan hamda Iordaniya va Buyuk Britaniyada bir nechta laboratoriya tajribalarini o'tkazgandan so'ng, bu faktlar orasida o'zaro bo'g'liqlik bor, degan xulosaga kelgan. "Al-Naml" surasida aytilishicha: "Ey chumolilar, Sulaymon va uning jangchilari sizni ko'rmasguncha yo'q qilmasliklari uchun uylaringizga kiring", bu oyatda chumolilar yo'q qilinganligi haqida eslatib o'tilgan. Olimlar yaqinda chumolilarning tanalari Oynani tashkil etuvchi asosiy material bo'lgan kremniydan iborat ekanligini aniqladilar. Bundan tashqari, al-Hadid surasi Qur'onda 57-raqamga ega, bu kimyoviy jadvaldagi 57-element. Uning ta'kidlashicha, yangi ochilgan 114 ta elementdan tashqari qolgan elementlar to'satdan paydo bo'lishi va yo'q bo'lib ketishi mumkin bo'lgan gibrid elementlar, doimiy elementlar esa kimyo fanida ma'lum bo'lgan 114 ta elementdir. Al-Gazaviyning aytishicha, Britaniyada o'qish paytida va doktorlik dissertatsiyasini olishdan oldin Ilmiy va laboratoriya tajribalari natijasida loy materialining cho'zilishi va egilishi zaif ekanligi aniqlandi. va u bosim holatida bo'lganida eng katta kuchga ega va bu inson suyagining shakliga mos kelishini aytib o'tgan [6].

Tunis Milliy amaliy Fanlar va texnologiyalar instituti (INSAT) professori Aymen Labidining "Qur'oni Karimning vahiysi: mis va insoniyat uchun hayratlanarli foyda: kimyoviy istiqbol" nomli ilmiy maqolasida quyidagi fikrlar ilgari surilgan. Qudratli

## Xudodan boshqa va uning shirinliklarini tatib ko'rmagan odamning yuragi, xuddi osmonga ko'tarilib ko'tarilgandek, hayotidagi achchiq va ruhiy azoblardan aziyat chekadi

Xudoning insoniyatga bergan eng muhim grantlaridan biri bu temir va mis kabi boshqa metallardir. Bu haqiqat Qur'oni Karimda mis (Cu) haqida so'z yuritilishi uning inson hayoti uchun katta ahamiyatga ega ekanligining belgisi sifatida qaralishi mumkin. Misning sof shaklda yoki temir bilan qotishma ostida bir necha bor eslatib o'tilganligi buning belgisi bo'lishi mumkin. Metall biz uchun juda foydali va u holda insoniyat tsivilizatsiyasi rivojlanmaydi. Qur'oni Karimning oyatlari tushunish uchun chuqur boshqarilishi va tekshirilishi kerak bo'lgan ma'no va so'zlarga boy. Ming yillar davomida bu ma'no va so'zlarni tushunish qiyin bo'ldi. Biroq Qur'onning kimyoviy mo'jizalari juda ko'p sirlarni ochishga imkon bermoqda. Zamonaviy ilmiy kashfiyotlarni hisobga olgan holda, Qur'oni Karim ushbu so'zlarning maqsadini tushunishda foydali bo'lgan talqinning potentsial jihatlariga ega. Shuning uchun ko'pchilik olimlar Qur'on oyatlarining talqinini tushuntiruvchi ko'plab ilmiy g'oyalar va atamalarga ega. Jumladan, Qodir Tangri aytdi (shunday qilib, Xudo kimni yo'naltirmoqchi bo'lsa, u ko'kragini Islomga ochadi va kimni yo'ldan ozdirmoqchi bo'lsa, u xuddi osmonga ko'tarilgandek ko'kragini tor va siqadi. Biz Boyl qonunini ko'rib chiqdik:

"Ideal gaz namunasi egallagan hajm ma'lum bir haroratda unga qo'llaniladigan bosimga teskari proporsionaldir". U ko'payadi, ya'ni atmosferaning bir massasi kamayadi. Bino-barin, o'zgarishi uning bosimidagi o'zgarishlarga mos keladigan atmosferaning zichligi pasayadi, bu atmosferaning yuqori qatlamlarida havo etishmasligi va osmonga ko'tarilishda nafas olish muammolarini tushuntiradi Kosmonavtlar, masalan, havo etishmasligi tufayli nafas olish silindrlaridan foydalanadilar. Va 1400 yildan ko'proq vaqt oldin olijanob oyat bizga shunday deydi (u osmonga ko'tarilgandek ko'kragini tor va noqulay qiladi).

Xudodan uzoq bo'lgan va xudosiz nurlanmagan, Xudodan boshqa va uning shirinliklarini tatib ko'rmagan odamning yuragi, xuddi osmonga ko'tarilib ko'tarilgandek, hayotidagi achchiq va ruhiy azoblardan aziyat chekadi va olim Robert Boyl tomonidan qilingan bu kashfiyot Qur'onda uzoq vaqtdan beri mavjud. bu qudratli Xudo bizning sevimli Muhammad (sav) ga yuborgan ajoyib kitob bo'lgani uchun, Xudo unga baraka bersin va unga tinchlik bersin [7].

Shunday qilib, Ilmiy jurnallarda chop etilgan Qur'oni karimning kimyoviy mo'jizalari kam bayon etilgan bo'lsa-da, olimlar tomonidan ilgari surilgan mulohazalar tahsinga sazovor. Olimlarning tadqiqotlaridan ilhomlanib, Qur'oni karimdagi suralarning har biri alohoda kimyoviy elementga taa'luqli bo'lishi mumkin, deb o'ylayman. Bu boradagi fikrlarimni bayon qilmoqchiman.

Daraxtlar, butalar va o'simliklarni mutaxassislar ikki toifaga: doim yashil o'simliklar va barglari qishda tushadigan daraxtlarga ajratishadi. Qur'ondagi olov so'zi ko'p ma'nolarga ega, jumladan: olov gapiradi...

1. Olmos oldida paydo bo'lgan alanga haqida qodir Tangri shunday dedi: "Siz yashiringan olovni ko'rdingizmi?" Voqeya Surasi 71-oyat.

2-do'zaxning toza issiqligi va oloviga qodir Olloh aytdi:


(Ollohga ishonmaydiganlarga olov va'da qilinadi va bu qanday ayanchli yakun) Haj Surasi 72-oyat.

3-Qodir Tangri dedi: (va Agar siz buni qilmasangiz va buni qilmasangiz, unda olov yoqishdan qo'rqing, bu kofirlar uchun tayyorlangan olov o'tini gunohkor odamlar va toshlardir) Baqara surasi 24-oyat

4-Qodir Tangri aytdi: (Ollohning olovi yoqilgan) Hamza surasi 6-oyat

Bu yerda kimyoviy mo'jiza: shundaki: yashil daraxtlarni olov uchun ishlatish orqali Ollohning buyukligiga yana bir bor tahsin aytsak bo'ladi. Chunki doimiy yashil daraxtlarda olovni o'chiradigan suv bo'lsa ham, u

yuqori haroratda yonish xususiyatiga ega. Ba'zi daraxtlar nafaqat yerda, balki okean tubida ham o'sadi. Shuningdek, neftni daraxtlar qoldig'idan hosil bo'lishi ularning bitmas-tuganmas energiya manbasini anglatishiga shubha yo'q. Lekin bu energiya manbai cheklangan va muqarrar ravishda yaqin kelajakda yoki undan tashqarida quriydi. Yashil daraxtlar uglevodlarning asosiy manbai (uglerod, vodorod yoki kislorod birikmalari), chunki yashil o'simlik fotosintez jarayoni hisobiga uning xom ashyosidan uglevodlarni hosil qilish orqali, havoda va yerda mavjud bo'lgan suv va karbonat angidridi (H<sub>2</sub>O, CO<sub>2</sub>) aylanishini yuzaga keltiradi. Quyosh nuri va xlorofill mavjud bo'lganda quyosh nuri va energiyani o'zlashtiradigan barglar ishlab chiqarilgan oziq-ovqat, ya'ni uglevodlardan so'riladi va bu energiyani ular bilan oziqlanganda boshqa organizmlarga o'tkazadi. Biz odamlar va hayvonlar o'simliklarni yeyayotganini va kislorod bilan nafas olayotganini ko'ramiz, shuning uchun ular o'simlik to'qimasini kislorod bilan birlashtirib, yana karbonat angidrid va suv hosil qiladi, ya'ni glyukoza-shakar organizmda yana kislorod bilan birikib, CO<sub>2</sub> va suvni quyidagicha beradi:



Shuning uchun biz quyidagi xulosani chiqaramiz:

Quyosh nuri va xlorofill ishtirokida karbonat angidridni suv bilan birlashtirish orqali shakar moddasini hosil qilish qudratli Olloh tomonidan buyurilgan. Shakarni o'zini yoqilsa, ko'mirga aylanadi. Uni yana glukozaga aylantirish imkoni yo'q. Lekin Olloh buni imkoni borligini tushuntirib bergan. Daraxtlar chirib, tuproqqa uglerod sifatida o'g'it bo'ladi. Unda yana o'simlik urug'i unadi va daraxt bo'ladi va yana karbonat angidridi suv bilan xlorofill zarralari yordamida glyukoza aylanadi. Agar siz karbonat angidrid va suvdan shakar glyu-

kozasini yaratgan oldingi oyatdagi qodir Tangrining so'zlari haqida o'ylab ko'rsangiz, u yoqilgandan keyin uni qanday tikladi, ya'ni tirik organizmning tanasida CO<sub>2</sub> va suvga oksidlanadi. Chunki CO<sub>2</sub> atmosfera-ga suv bug'i orqali chiqariladi, qolgan suv esa siydik yo'llari orqali chiqariladi. Olloh odamni yoqib, kulgaga aylantirgan bo'lsa ham, uni jonlantirishga qodir emasmi? Yassin surasidagi 77-80 oyatdagi ketma-ketlikni ko'rib chiqing va Alloh taolo biz bilan har kuni takrorlanadigan hodisani eslatib o'tadi. Va har lahzada tanamizda va atrofimizda, Olloh taoloning so'zlariga ko'ra," kim siz uchun daraxtlardan yashil olov yasab, keyin undan alanga oladi" degani suyaklarga hayot baxsh etuvchi degan ma'noni anglatadi.

## Xulosa.

Qur'oni karimda kimyoviy mo'jizalar juda ko'p, uni o'rganish natijasida kimyoni chuqurroq bilishimiz va bu sohada ulkan kashfiyotlar qilish mumkin. Ushbu tadqiqotlarni amalga oshirishda ko'maklashgan va maslahatlarini berganligi uchun O'zbekiston musulmonlari diniy idorasi raisi, muftiy Nuriddin Xoliqnazarovga o'z minnatdorchiligimizni bildiramiz. Qur'oni karimdagi kimyoviy mo'jizalar bo'yicha olib borayotgan tadqiqotlarimiz boshlan-g'ich bosqichda bo'lganligi bois, ushbu yo'nalishga qiziqqan tadqiqotchilarni hamkorlikda tadqiqotlar olib borishga taklif qilamiz.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Xoluq Nurboqiy. Qur'oni karimning ilmiy mo'jizalari. Toshkent. Adolat. 2002.
2. Krichkov A., Snailbel O. Physical Phenomena as Presented in Quran. - M.: Publishing House «Sputnik», 2016.
3. Aymen Labidi. The Holy Quran Revelation: Copper and it's Astonishing benefits for Humankind from a Chemical Perspective. AfricArXiv Preprints Journal INSAT, 2021,1-3.
4. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf "Tafsiri Hilol". 6-juzlik to'plam. 3-juz. Toshkent. Hilol. 2020 y.
5. Abdulmalik ibn Hishom al-Maofriy. As-siyra an-nabaviyya. Toshkent. Hilol. 2019 y.
6. Zahid Ikram. Chemistry in the Quran. Arabian journal of chemistry. Scopus. № 3. 2019.
7. The chemical elements indicated in the qur'an based on the works of harun yahya www.harunyahay.com and others prepared by fereidoun. dejahang@ntlworld.com Dr. F.Dejahang, BSc Ceng, BSc (Hons) Construction Mgmt, MSc, MCI0B, .MCM1, PhD.



### ТАЪЛИМДА БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Аннотация:** Мақолада таълим соҳасида булут технологияларидан фойдаланиш кўриб чиқилади, таълимда булут технологияларидан фойдаланиш мисоллари келтирилган. Дунё жамиятида ва Ўзбекистон таълимида булутли технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланишнинг аҳамияти таҳлил қилинди. Таълимдаги булутли технологиялар ўқитиш шакллари ва усулларининг кенг доирасига имкон бериши ва ўқув жараёнини жадаллаштириш ва оптималлаштиришнинг замонавий усулларида бири эканлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** булутли технологиялар, таълим тизими, янги таълим технологиялари, булут.

### ОБЛАЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ

**Аннотация:** В статье рассматривается использование облачных технологий в сфере образования, приводятся примеры использования облачных технологий в образовании. Проанализирована важность внедрения и использования облачных технологий в мировом обществе и в образовании Узбекистана. Выявлено, что облачные технологии в образовании позволяют использовать широкий спектр форм и методов обучения и являются одним из современных способов ускорения и оптимизации учебного процесса.

**Ключевые слова:** облачные технологии, образовательная система, новые образовательные технологии, облако.

### CLOUD TECHNOLOGIES IN EDUCATION

**Annotation:** The article examines the use of cloud technologies in the field of education, examples of the use of cloud technologies in education are given. The importance of the introduction and use of cloud technologies in the world society and in the education of Uzbekistan was analyzed. It was found that cloud technologies in education enable a wide range of teaching forms and methods and are one of the modern ways to accelerate and optimize the learning process.

**Key words:** cloud technologies, educational system, new educational technologies, cloud.

## Кириш.

XXI аср – юқори технологиялар ва оммавий алоқа асри. Энди ҳаётимизни электрон қурилмаларсиз тасаввур қилиш қийин. Компютер, ноутбук, планшет ёки ҳатто уяли телефон. Ушбу қурилмалар кўплаб одамларнинг ҳаётини ўзгартирди. Бугунги кунда “булутли” технологиялар барча ривожланган мамлакатларда фаол қўлланилмоқда. Улар бизнес, менежмент, таълим ва илмий тадқиқотлар учун тубдан янги, тежамкор имкониятларни тақдим этади. Ҳозирги вақтда ахборот ва билимларнинг жуда тез ўсиши ўз-

## Оммавий булут. 2. Оммавий булут, (инг. публис- слоуд) - кенг жамоатчилик фойдаланадиган инфратузилма

ўзидан мақсад бўлиб қолмайди, улар шахсни, унинг касбий фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш учун шартдир.

## Таҳлил ва натижалар.

Бурутли технологияларни ўрганиш ҳозирда алоҳида аҳамиятга эга:

– бир одамда бир нечта компютерларнинг мавжудлиги: ишда, уйда, ноутбукда, планшетда, улар орасида сиз доимий равишда файлларни узатишингиз, ҳужжатларни очишингиз ва таҳрирлашингиз, дастурий таъминотнинг мувофиқлиги ҳақида ўйлашингиз керак;

- компютернинг қаттиқ дискининг ёки флешкартанинг чекланган ҳажми;
- дастурий таъминот лицензиясига эга бўлиш зарурати;

Бурутли технологиялар - бу компютер ресурслари Интернет фойдаланувчисига онлайн хизмат сифатида тақдим этиладиган маълумотларни қайта ишлаш технологиялари. Бу эрда "бурут" сўзи барча техник тафсилотларни яширадиган мураккаб инфратузилмани ифодаловчи метафора сифатида мавжуд.

Ҳозирги вақтда "бурутлар" нинг қуйидаги тоифалари ажратилган:

- Хусусий (хусусий)
- Оммавий (оммавий)
- Гибрид
- Клан

## Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим уларнинг мақсадларини қайта кўриб чиқиш зарурати билан дуч келмоқда

**Шахсий бурут.** 1. Хусусий бурут, (инглиз. privatesload) - бир нечта истеъмолчиларни ўз ичига олган битта ташкилот фойдаланадиган инфратузилма.


Хусусий бурут ташкилотнинг ўзига ҳам, учинчи шахсга ҳам (ёки уларнинг ҳар қандай комбинатсиясига) эгаллик қилиши, бошқариши ва эксплуатация қилиши мумкин ва у эгасининг юрисдикциясида ҳам, ташқарисида ҳам жисмонан мавжуд бўлиши мумкин.

**Оммавий бурут.** 2. Оммавий бурут, (инг. публицслоуд) - кенг жамоатчилик фойдаланадиган инфратузилма.

Оммавий бурут тижорат, илмий ва ҳукумат ташкилотларига (ёки уларнинг ҳар қандай комбинатсиясига) эгаллик қилиши, бошқариши ва ишлатиши мумкин.

**Гибрид бурут.** 4. Гибрид бурут, (инг. ҳйбридслоуд) - бу икки ёки ундан ортиқ турли хил бурутли инфратузилмаларнинг

(хусусий, жамоат ёки жамоат) комбинатсияси бўлиб, улар ноёб объектлар бўлиб қолади, лекин стандартлаштирилган ёки хусусий маълумотлар ва иловалар технологиялари билан ўзаро богълиқ (масалан, бурутлар орасидаги юкни мувозанатлаш учун оммавий бурут ресурсларидан қисқа муддатли фойдаланиш).



**Клан бурут ёки жамоат бурут.** 5, 3. Жамият бурут - бу умумий вазифаларга эга бўлган ташкилотларнинг истеъмолчилари томонидан маълум бир жамоа (клан) томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган инфратузилма тури. Жамоат бурут бир ёки бир нечта жамоат ёки учинчи томон ташкилотларининг (ёки уларнинг ҳар қандай комбинатсиясининг) кооператив (қўшма) мулки, бошқаруви ва эксплуатациясида бўлиши мумкин ва у эгасининг юрисдикциясида ҳам, ташқарисида ҳам жисмонан мавжуд бўлиши мумкин. Шундай қилиб, бурутли технологиялар-бу компютер ресурслари Интернет фойдаланувчисига онлайн хизмат сифатида тақдим этиладиган маълумотларни қайта ишлаш технологиялари.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим уларнинг мақсадларини қайта кўриб чиқиш зарурати билан дуч келмоқда. Яъни, ўқув жараёнида замонавий инсон билим ва кўникмаларнинг юкини тўплаш билан эмас, балки мустақил равишда ва бошқа одамлар билан биргаликда мазмунли мақсадлар қўйиш, ўз-ўзини тарбиялаш ҳолатларини яратиш,

муаммоларни ҳал қилиш воситалари ва усулларини излаш ва ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлиши керак.


Албатта, бу эрда бурутли технологиялар жуда мос келади, бу эрда болалар биргаликда чизиш ва ёзиб олишлари мумкин бўлган оддий онлайн воситалардан тортиб, лойиҳалар устида ишлашнинг мураккаб технологияларигача. Ўқитувчилар ва талабалар, бу эрда фаол иштирокчилар. Саас технологиялари бу эрда энг мос келади(иловаларни ижарага олиш ва бурутли веб-хизматлар, чунки улар орасида мутлақо бепул).

Таълимда бурутли технологиялардан фойдаланишга мисол сифатида қуйидагиларни номлаш мумкин:

- электрон кундалиқлар, журналлар
- талабалар ва ўқитувчилар учун шахсий кабинетлар
- интерактив қабулхона
- талабалар маълумот алмашишлари мумкин бўлган тематик форумлар
- талабалар ўқитувчи йўқлигида ёки унинг раҳбарлиги остида ҳам муайян ўқув муаммоларини ҳал қилишлари мумкин бўлган маълумотларни қидириш - бурутли маълумотлар омборлари.

Таълим фаолиятида бурутли технологиялардан фойдаланиш соҳаларига қуйидагилар киради:

**Ҳужжатлар бўйича ходимларнинг биргаликдаги иши.** 6. Масалан, таълим дастури ёки йиллик режа. Ушбу ҳужжат ҳар қандай йўналиш учун масъул бўлган маъмурият ва ўқитувчилар ходимлари томонидан яратилган, масалан, таълим психология, ижтимоий ўқитувчи ёки соғлиқни сақлаш учун масъул жамғармаларда. Ҳар бир



инсон ҳужжатнинг ўз қисми учун жавобгардир ва бошқа блокларга ўзгартириш кирита олмайди. Булутли технологияларда ҳамкорлик қилиш учун ҳужжатни булутли хотирага яратиш ёки жойлаштириш ва ҳаволаси ёки электрон почта манзилларига эга бўлганларга кириш ҳуқуқини бериш керак.

**Талабаларнинг биргаликдаги лойиҳа ишлари.** 7. Талабалар лойиҳалар учун мавзуларни олишади. Кейин улар 2 гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳнинг ўз вазифалари бор. Раҳбар ҳужжат яратади ва кириш ҳуқуқини беради. Бу ҳаволалар ёки электрон почта манзиллари бўлиши мумкин. Талабалар уйда ёки мактабда лойиҳа устида ишлайдилар, ҳужжатларни тартиб билан тўлдирдилар. Иш тугагач, ўқитувчига кириш ҳуқуқи берилади. Агар керак бўлса, ўқитувчи ўқувчилар тузатишларни амалга ошириши учун шарҳлар қолдиради.

Масалан, Google Docsдан фойдаланиш, унинг асосий афзаллиги ҳужжатларни (матнлар, расмлар, тақдимотлар, жадваллар) биргаликда таҳрирлаш имкониятидир.

**Масофавий таълим.** 8. Ўқитувчи электрон кундалик ёрдамида талабаларга топшириқ беради. Масалан, ёзма топшириқлар. Талабаларга ҳужжат яратади ёки ҳужжат билан ишлайди. Ўқитувчи ўзгартирилган ҳужжатни кўриши мумкин, чунки у унга кириш ҳуқуқига эга. Булутли технологияларни қабул қилиш, бу ўз йўналишини давом эттирадиган қайтарилмас жараён. Яқин вақт ичида" булутлар " Ўзбекистонда Фарбда бўлгани каби кенг тарқалган технологияга айланади.

## Хулоса.

Бугунги кунда булутли технология деярли ҳар куни ҳамма фойдаланадиган нарсадир. Булутли технологияларнинг тез тарқалиши бизга булут хизматларини таълим муассасаси тизимига интегралсиз қилиш вазифасини қўяди. Булутли ҳисоблаш таълим, илмий тадқиқотлар ва амалий ишланмалар, шунингдек масофавий ўқитиш соҳаларида кенг кўламли дастурларга эга.

Ўқув жараёнида булутли технологиялардан фойдаланиш таълим майдонини очиқ қилиш имконини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Sultan N. (2010), "Ta'lim uchun bulutli hisoblash: yangi davr?", Internat. J. of Informat. Manag., Volume 30, Issue 2, pp.109-116, DOI:10.1016/j.ijinfomgt.2009.09.004.
2. Ercan T. (2010), "Ta'lim muassasalarida bulutli hisoblashlardan samarali foydalanish", Proced. Soc. and Behav. Sci., Volume 2, Issue 2, pp. 938-942, DOI:10.1016/j.sbspro.2010.03.130.
3. Katz et al. (2009), "Oliy ta'lim uchun bulutli hisoblashning sirini yo'qotish", ECAR Res.Bull. Web.
4. Sunita Manro, Jagmohan Singh, Rajan Maro (2011), "Ta'limda bulutli hisoblash: Rivojlanayotgan tendentsiyalar bilan", High Perform. Archit. and Grid Comput. Commun. in Comp. and Informat. Sci., Volume 169, pp. 131-139.
5. Gaurav Bhatia, Mohnish Anand, Priya Shrivastava (2012), "Ta'lim tizimida bulutli hisoblash texnologiyasi", Internat. J. of Adv. Tech. & Eng. Res. (IJATER), Volume 2, Issue 2.
6. Buyya R. et al. (2009), "Bulutli hisoblash va rivojlanayotgan IT platformalari: 5-chi yordamchi dastursifatida hisoblashni taqdim etish uchun ko'rish, shov-shuv va haqiqat", Fut. Generat. Comp. Sys., Volume 25, Issue 6, pp. 599-616, DOI: 10.1016/j.future.2008.12.001.
7. Mladen A. Vouk (23-26 June, 2008), "Bulutli hisoblash - Muammolar, tadqiqotlar va amalga oshirishlar", 30th International Conference on Information Technology Interfaces, Dubrovnik, Croatia.
8. Oq qog'oz bulutli hisoblash, biznes AKT uchun muqobil manba strategiyasi, Published by: T-Systems Enterprise Services GmbH Mainzer Landstrasse, Frankfurt, Germany.

**Масалан, Google Docsдан фойдаланиш, унинг асосий афзаллиги ҳужжатларни (матнлар, расмлар, тақдимотлар, жадваллар) биргаликда таҳрирлаш имкониятидир**



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Қодиров Умарали Дўстқобилевич,** Сурхондарё вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор;

**Қаршиев Жамшид Муроталиевич,** Сурхондарё вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази "Аниқ ва табиий фанлар методикаси" кафедраси катта ўқитувчиси

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада сунъий интеллект тизимларини таълимда тизимида қўллашнинг афзалликлари ҳамда бу бўйича ривожланган давлатлар тажрибалари, уларни мамлакатимиз таълимига татбиқ этиш масалалари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** сунъий интеллект, интеллект, компьютер, ақлли мактаб, робот, фантастика, робот-ўқитувчилар.

ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются преимущества использования систем искусственного интеллекта в системе образования, а также опыт развитых стран и их внедрение в образование нашей страны.

**Ключевые слова:** искусственный интеллект, интеллект, компьютер, умная школа, робот, художественная литература, роботы-учителя.

SPECIFIC ASPECTS OF USING ARTIFICIAL INTELLIGENCE SYSTEMS IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION

**Annotation.** This article examines the advantages of using artificial intelligence systems in the education system, as well as the experiences of developed countries and their implementation in the education of our country.

**Key words and concepts:** artificial intelligence, intelligence, computer, smart school, robot, fiction, robot-teachers.

**Key words:** artificial intelligence, intellect, computer, smart school, robot, science fiction, robot teachers.

## Кириш.

Сунъий интеллект бугунги кунда глобаллашган дунёнинг энг муҳим технологиялардан бирига айланиб улгурди. БМТ томонидан келтирилган маълумотларга кўра, 2022 йилга келиб, дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг қарийб чорак қисми рақамли технологияларга боғлиқ бўлиб қолиши тахмин қилинаётган ҳозирги шароитда бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш энг тўғри стратегик йўналиш ҳисобланади.

## Сунъий интеллект атамаси муаллифи Жон Маккартининг ўзи томонидан сунъий интеллектга бир қанча таърифлар билдирилган

Инсоният сунъий интеллект орқали XXI аср глобал муаммоларига илм-фанда янги имкониятларни кашф этиши орқали ижобий ечимлар топиши билан бир қаторда ҳаёт тарзининг тиббиёт, таълим, энергетика, қишлоқ хўжалиги, шахарсозлик ва бошқа барча соҳаларида сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларига эришади.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида Канада, Сингапур, Бирлашган Араб Амириклари, Финляндия, Япония, Хитой, Италия, Тунис, Буюк Британия, АҚШ, Швеция, Мексика, Европа Иттифоқи, Кения, Дания, Франция, Австралия, Корея Республикаси, Ҳиндистон ва Германия каби давлатлар [1] сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияларини эълон қилган.

## Таҳлил ва натижалар.

Сунъий интеллект технологияларининг дунё амалиётида жадал ва кенг қўлланилиши ҳамда шу каби рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини мамлакатимиз ҳаётида фойдаланишнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бугунги куннинг талабидир.

Сунъий интеллект тушунчаси ҳақида яқдил, аниқ бир таъриф ҳозирги кунгача мавжуд эмас. Бунга турли фан соҳаларида ижод қилувчи олимларнинг талқинлари турличалиги ҳам асосий сабаблардан биридир.

Сунъий интеллект атамаси муаллифи Жон Маккартининг ўзи томонидан сунъий интеллектга бир қанча таърифлар билдирилган. У сунъий интеллектга "одамга ўхшаш ақлли машиналар, айниқса, ақлли компьютер дастурларини яратиш фанлари ва муҳандислиги" деб таъриф берган. Шунга кўра, компьютер фикр юритиш, муаммоларни ҳал қилиш,

## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ФАҚАТ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ, ДЕГАН ХУЛОСАГА ОЛИБ КЕЛМАСЛИГИ КЕРАК

маъно яратиш ва умумлаштириш каби инсоний хатти-ҳаракатларни намойиш қилса, яъни юқори даражадаги билим қобилиятларидан фойдалана олса, компьютерни сунъий интеллект деб таърифлаш мумкин [2,-С.21.]. Яна бир буюк олим, сунъий интеллектга оид тадқиқотлари ва шу соҳа бўйича кўплаб илмий адабиётлар муаллифи Нилс Нилссонг[3.]. нинг фикрига кўра, "сунъий интеллект - бу табиий ақлга тақлид қилишни яратишга қаратилган назария[4,-С.20.].". Буни қуйидагича, яъни сунъий интеллектга - инсон ақлига тақлид қилинган алгоритмлар кетма-кетлиги сифатида ҳам таърифлаш мумкин.

Сунъий интеллект атамасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, умумлаштирган ҳолда, уни инсоннинг мантиқий ва ижодий функцияларини бажарувчи интеллектуал сунъий тизим деб аташ мумкин.

Юқоридагилардан шуни тушунсак бўладики, сунъий интеллект бўйича олиб борилган тадқиқотларда таъкидланишича оламда ҳамма нарса муайян алгоритм доирасида ишлайди. Шунга кўра, онг математик жиҳатдан жуда мураккаб алгоритм натижасидир. Бугунги кунда сунъий интеллектнинг аксарият муаллифлари учун мия – бу, ўз функцияларини ташқи дунё қонунларидан келиб чиқиб амалга оширадиган тузилмадир. Ушбу ҳолат сунъий интеллектнинг рационал хусусиятга эга эканлигини англатади.

Сунъий интеллектнинг ривожланиши ва ўзгариши жараёни компьютерларнинг, яъни транзисторларнинг ривожланиши билан параллел. Бироқ, ушбу фикр сунъий интеллект фақат компьютер технологиялари билан боғлиқ, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Аксинча, бу сунъий интеллект тиббиёт, муҳандислик ва саноат соҳаларидан психологияга қадар кўплаб фанларга бевосита боғлиқ бўлган ҳамда уларнинг барчаси эҳтиёжларига мувофиқ равишда тузилган соҳа эканлигидан далолат беради.

Ҳозирда сунъий интеллектни турли илмий адабиётлар таҳлилига кўра имкониятларига асосланган ҳолда уч турга ажратишимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти глобал пандемия шароитида тармоқларнинг ўзгариши, бу жараённинг рақамлашуви, мобиллашуви, барча соҳаларга сунъий интеллектнинг жорий этилиши билан боғлиқ муҳим даврни бошдан кечирмоқда.

Шу каби соҳалардан бири бу таълим тизимидир, кўпчилик сунъий интеллектнинг таълимда қўлланилишини "робот ўқитувчилар" сифатида тушунишади, бу ҳақиқатдан биров фарқ қилади. Сунъий интеллектни шахсийлаштирилган таълим тизимларида, маълумотларни излаш, чат-ботлар, болалар учун махсус таълим тизимларида, инклюзив таълим тизимларида, ўқув жараёнининг назорат тизимларида, ўқувчилар билимини баҳолаш тизимларида учра-

## Фарғона шаҳрининг 10 та мактабида, жумладан 13 мактабда «Ақлли мактаб» дастури орқали кириб келганлиги барчамиз учун қувонарли ҳолатдир

тишимиз мумкин. Бундай тизимлардан фойдаланиб, нафақат ўқувчиларнинг билимларини ошириш балки, ўқитувчиларнинг юқини камайтириши ҳам мумкин.

Сунъий интеллект ёрдамида замонавий таълимни ташкил этишга қўйилган муҳим талаблардан бири ортиқча рўхий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Маълум вақт ичида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш. Улар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат талаб этади. Бу муҳим вазифани амалга ошириш умумтаълим муассасаларида ўқитишнинг анъанавий методларини илғор педагогик ва ахборот технологиялар билан қўшиб олиб боришни тақозо этади.

Бу соҳада олиб борилаётган ишлар юзасидан дунё таълимига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия Таълим вазирлигининг маълумотига кўра мактабларда "Сунъий интеллект" ўқув модулларини синовдан ўтказишни бошланган. Тажриба синов натижаларига қараб 2024 йилдан одатдаги ўқув дастури

доирасидаги барча мактабларда сунъий интеллект дарслари ўқитилиши режалаштирилган.

Корея давлати мактабларида ҳам сунъий интеллект дарслари жорий этилган бўлиб, ўрта мактабнинг 2 ва 3 синфлари ўқувчилари бу сунъий интеллект математикаси сабоқларини олишлари мумкин.

Хитой ва Америка Қўшма Штатлари сунъий интеллект соҳасидаги илмий тадқиқот ва таълим соҳаларида етакчилик қилмоқда. Бу давлатларда дунёнинг машҳур олий таълим ва илмий тадқиқот даргоҳлари жойлашиши билан бир қаторда давлатлар инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи механизмларни ҳам тўлиқ тартибга солган ва муассаларга катта ҳажмдаги молиявий кўмак кўрсатиб келмоқда. Натижада Хитой ва АҚШ дунё мамлакатларидан кўплаб билимли мутахассисларни ўзига кенг жалб этмоқда.

Мамлакатимизда илм фанни ривожлантириш мақсадида жуда катта қадамлар ташланиб, ҳар бир соҳада рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали ижтимоий иқтисодий соҳаларда катта натижаларга эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан парламентга йўлланган Мурожаатномада таъкидланганидек, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш Ўзбекистон учун келгуси йилларда энг долзарб ва устувор йўналишлардан биридир.

Шу устувор вазифаларнинг яна бир тасдиғи сифатида, Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясида келтирилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда "2021-2022 йилларда Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси[5.]"га оид Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси муҳокамага қўйилди.



Фармоннинг мақсади – сунъий интеллект соҳасида миллий илмий тадқиқот ва ривожлантириш фаолиятларини тизимли тарзда йўлга қўйиш ҳамда таълимни самарали ислоҳ этишдан иборат.

Стратегиянинг асосий вазифаси – 2021-2022 йилларда сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясида белгиланган мақсадни амалга оширишда инсон ресурсларини рационал сафарбар этиш ва рақамли маҳсулотларни яратиш ҳамда қўлланилишини рағбатлантиришдан иборатдир.

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» Стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида [6.]” ги ПҚ-4996-сон қарори қабул қилинди. Бу қарорда мамлакатимиздаги иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда ягона талаблар, жавобгарлик, хавфсизлик ва шаффофликни белгилловчи норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинган.

Таъкидлаш лозимки сунъий интеллект тизимлари асосида ишлаб чиқилган «Ақлли мактаб [7.]» дастурининг таълим тизимида жорий этилиши бир қанча афзалликларни беради

«Ақлли мактаб» дастури айнан ўқувчиларнинг ўзлаштириши жараёнида ҳосил бўлган бўшлиқларни, ўзлашти-

## Бундан ташқари, сунъий интеллектнинг таълим жараёнига тадбиқ этилиши, аралашуви ўқитувчиларнинг ҳам ўзгаришига мажбур қилади

ришида мавзулар кесимида узилишларни, ўзлаштириш даражаси паст ўқувчилар ва фанлардан қобилиятли ўқувчиларни график ва бошқа кўринишларда чиқариб бериши орқали айнан қайси ўқувчи билан ва қайси мавзулар бўйича индивидуал тарзда шуғулланиш лозимлигини аниқлаб беради.

Билим сифатини автоматик тарзда баҳолаш. Сунъий интеллект бу борада бир қанча усулларни таклиф эта олади. Гарчи инсонлар томонидан баҳолашнинг ўрнини тўлиқ боса олмасда, сифат жиҳатидан унга яқинроқ бўла олади.

Сунъий интеллект тизимларига асосланган «Ақлли мактаб» дастурий таъминоти ҳам мактабларда ўқитувчиларнинг вақтларини тежаш; қисқа фурсатда ўқувчилар, фанлар, мавзулар, синфлар кесимида таълимдаги бўшлиқларни аниқлаш; ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишларини таҳлил қилиб бориш ва бошқа бир қанча имкониятларни яратиб мактаб бошқарувида энгилликлар бермоқда.

Инсон хотираси мукамал эмас ва дастур ўқитувчилар, ота-оналарга ўқувчиларнинг таълимига оид маълумотларни эслатиб туради ва ҳатто дарсларда фаол иштирок этмаётган, ўзлаштириши пасайган ҳолатлар бўйича алоҳида огоҳлантиришлар беради.

Ўқувчиларнинг хулқ-атворини кузатиб бориш. Сунъий интеллект тизимлари асосида турли таҳлиллар ўтказилиб ўқувчиларнинг маънавий, руҳий, ахлоқий жараёнларини ҳамда билимларни ўзлаштириши билан бир вақтда кузатиб бориш имконини беради. Бунинг натижасида дастур асосида ўқувчилар нафақат ақлан ва жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам ривожланиб боришига ўз ҳиссасини қўшади.

Бундан ташқари, сунъий интеллектнинг таълим жараёнига тадбиқ этилиши, аралашуви ўқитувчиларнинг ҳам ўзгаришига мажбур қилади. Жумладан, ўқитувчиларнинг «Ақлли мактаб» дастури билан ҳамкорлиги натижасида мактабларда ўқувчиларни тезкор, самарали ва яхшироқ ўқитишга кўмаклашади. Бу ўқитувчиларнинг ўз устларида ишлашларига ва таълим бериш сифатини оширишларига олиб келади.

Сунъий интеллект тизимларининг мактабларга жорий этилиши ўқитувчиларнинг кўплаб ишларини оптималлаштиради ва автоматлаштиради. Бу эса ўқитувчиларга ўзининг ўқувчилари билан ишлаш ва таълим сифатини ошириш учун кўпроқ вақт ажратишларига олиб келади.

## Хулоса.

Сунъий интеллект ҳозирги кунда қуйидаги жараёнлар кўринишида таълимни ўзгартиришни давом эттирмоқда:

- глобаллашув ва фан-техника тараққиёти жараёнида сунъий интеллектнинг таълим тизимидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда;
- тест ва баҳолаш тизимлари орқали талабалар ва ўқувчилар учун сунъий интеллект ёрдамида янги ўлчовлар ва мезонлар яратиш мумкин;
- табақалаштирилган ва индивидуал таълимдан янада самарали ва кенг фойдаланиш имкониятлари яратилди;
- таълимда жуда муҳим ўрин тутадиган тескари алоқа сунъий интеллектга эга талабалар эҳтиёжларига мос равишда автоматлаштирилиши мумкин.

XX аср ўзининг илм-фан ютуқлари натижаларида иккинчи саноат инқи-

лобининг юксалиш нуқталари ҳамда ҳисоблаш машиналари ва интернет билимларига асосланган учинчи саноат инқилоби юзага келган давр бўлди.

Учинчи саноат инқилоби бу биринчи ахборот инқилобининг юзага келишидир. Шунингдек, тўртинчи саноат инқилобига XXI аср бошларидан қўйилган илк қадамлар ўз навбатида ахборот технологиялари ва сунъий интеллект билимлари асосидаги иккинчи ахборот инқилобининг натижасидир. XXI аср ахборот технологиялари ва сунъий интеллект илм-фани ютуқларидан инсоният манфаатлари йўлида тезкор ва самарали фойдаланиш ахборотлашган жамиятни талаб қилади. Ахборотлашган жамият мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлида инновацияларни барча мавжуд соҳаларга муваффақиятли жорий этилишининг гаровидир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://regulation.gov.uz/ru/document/19838>.
2. Маккарти, Дж. "Эпистемологические проблемы искусственного интеллекта". 1977. -С. 21.
3. [https://en.wikipedia.org/wiki/Nils\\_John\\_Nilsson](https://en.wikipedia.org/wiki/Nils_John_Nilsson).
4. Nils J. Nilsson. "The quest for artificial intelligence a history of ideas and achievements" Stanford University, 2010. -С 20.
5. <https://regulation.gov.uz/ru/document/19838>
6. [https://en.wikipedia.org/wiki/John\\_McCarthy\\_\(computer\\_scientist\)](https://en.wikipedia.org/wiki/John_McCarthy_(computer_scientist))
7. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Intellekt>



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Qodirov Obid Safarovich,**  
psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

**Kuchiboyev Shavkat Avazovich;**  
**Shukrullayev Hamidullo Nurillo o'g'li,**  
Samarqand davlat universiteti

## OILALARDA DEVIANT XULQ-ATVOR BILAN BOG'LIQ IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MUAMMOLARNI BARTARAF ETISH SHART-SHAROITLARI

**Annotatsiya.** Maqolada oilalarda deviant xulq-atvor bilan bog'liq ijtimoiy psixologik muammolarni bartaraf etish shart-sharoitlari, ijtimoiy darajada shaxsning o'zini namoyon qilishi (boshqalarni hurmat-e'tiboriga erishish) ijtimoiy mavqega ega bo'lishga intilish muammolari haqida fikr yuritilgan. Shuningdek, bugungi kundagi inson jinoiy xatti-harakatlarning elementlari to'g'risida mulohazalar bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** delinkvent, motiv, motivatsiya, ehtiyojlar, o'jarlik, agressivlik, tajovuzkorlik, nizoli vaziyatlar, ijtimoiy xulq-atvor, sog'lom avlod, milliy qadriyatlar, ijtimoiy muhit, oila va urf-odatlar.

## УСЛОВИЯ УСТРАНЕНИЯ СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В СЕМЬЯХ С ДЕВИАНТНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ

**Аннотация.** В статье рассматриваются условия устранения социально-психологических проблем, связанных с девиантным поведением в семье, проблемы самовыражения личности на социальном уровне (достижение уважения окружающих), проблемы стремления к социальному статусу. Также представлены комментарии к элементам преступного поведения человека на сегодняшний день.

**Ключевые слова:** делинквент, мотив, мотивация, потребности, упрямство, агрессивность, агрессия, конфликтные ситуации, социальное поведение, здоровое поколение, национальные ценности, социальная среда, семья и традиции.

## THE CONDITIONS TO SOLVE SOCIAL-PSYCHOLOGICAL PROBLEMS RELATED TO DEVIANT BEHAVIORS IN FAMILIES

**Annotation.** The article discusses the conditions for eliminating social psychological problems related to deviant behavior in families, the problems of self-expression of a person at the social level (achieving the respect of others), and the problems of striving for social status. Also, comments on the elements of human criminal behavior today are presented.

**Key words:** delinquent, motive, motivation, necessity, assertiveness, aggressiveness, aggression, conflict situations, social behavior, healthy generation, national values, social environment, family and traditions.

## Kirish.

Insonlar qadimdan farzandlari ko'pligi, ularning yordamlari va og'irlarini yengil qilishlari bilan faxrlanib kelganlar. Farzandlarning atrofidagi insonlar uyda bo'lsin, xoh ko'chada, xoh maktabda unga namuna vazifasini bajaradilar.

Ota-ona bolaning vaqtini to'la qamrab oladigan zarur va manfaatli mashg'ulotlarni tayyorlashi kerak va ana o'sha mashg'ulotlar bolaning ongini rivojlantiruvchi bo'lishi shart. Bolaning tarbiyasida jamiyat nasihat qiluvchi, to'g'ri yo'l ko'rsatuvchi va taraqqiy ettiruvchi vazifasini egallab kelgan.

Bugunki kunda kim bilan o'tirib gaplashsangiz, darrov farzandiga buzg'unchi g'oyalarni ta'sir etayotganidan shikoyat qiladi. Aksar xonadonlarda esa farzand tarbiyasi global muammoga aylanib, ulguragan.

Internet va axborot tizimlari orqali yoshlarga qilinayotgan hujumlardan saqlanish va ehtiyot choralarini izlanmoqda. Lekin bildirilayotgan aksar choralar faqat nazariy, amalda qo'llab

bo'lmaydigan ko'rsatmalardan iborat. Shuning uchun farzand tarbiyasi bugun ko'pgina xonadonlarda dolzarb muammoga aylangan.

Sir emaski, insonning xulq - atvori o'zgaruvchan va rang-barang bo'lib, uning individual xususiyatlari, o'ziga xos «uslublari» ning mavjudligi hech qachon va hech kimda hech qanday shubha tug'dirmaydi. Shubhasiz, ta'lim-tarbiya ongning mahsuli va ongning darajasi bo'lish bilan birga ongning rivojini kam belgilaydigan omildir.

## Tahlil va natijalar.

Deviant xulq muammosi nazariy tahlilining ko'rsatishi-cha, xulq buzilishlarining asosini ijtimoiy va psixologik dezadaptatsiyaga olib keluvchi «og'ish»lar tashkil etadi. Hozirda turli yosh davrlariga xos xulq og'ishlarining psixo profilaktikasi va korrektsiyasi xususidagi masalaga oydinlik kiritishga e'tibor xaddan ziyod ortgan. Bu esa mazkur shaxs strukturasi tashkil etuvchi barcha komponentlar, jumladan, markaziy negiz tarzidagi shaxsning motivatsion-eh-tiyoy jabxasi, shuningdek, xulq og'ishlarining o'zaro uzviy, organik, integral bog'liqlikdagi o'zgarishlarini o'rganishdek vazifani yuklaydi. Zero, milliy psixologiyamizda deviant xulq psixologiyasi umumpsixologik nazariy va amaliy jihatdan har tamonlama chuqur izlanishlarga muhtoj, nihoyatda dolzarb muammolardan biri sanaladi.

Jinoiy harakatlar (delinkvent, lotin. Delinquens - jinoyatchilik, huquqbuzarlik) deb, xuddi shunday xulq-atvor turiga mansub, subyekt ehtiyojlar, istaklarni qondirish uchun jarohat yoki o'limga olib kelish maqsadida jismoniy kuch yoki qurol ishlatish bilan jarohat yetkazish, ruhiy zo'riqishlarni yengish maqsadida o'zining ehtiyojlari, istaklarini qondirishning noqonuniy yo'lini tanlaganiga aytiladi. Bunday holatda jinoyatning maqsadi tajovuzkor hatti-harakatlarni amalga oshirishga qaratiladi.

## Internet va axborot tizimlari orqali yoshlarga qilinayotgan hujumlardan saqlanish va ehtiyot choralarini izlanmoqda

Jinoiy harakatlarning motivatsiyasi nafaqat tajovuzkorlikni, balki boshqa noqonuniy harakatlarni ham keltirishi mumkin: pora olish, ta'magirlik, o'g'irlik va h.k. Shuning uchun jinoiy xulq so'nggi yillarda huquqshunoslarning e'tiborini tortadigan o'ziga xos ahamiyatga ega. Buning isboti sifatida ("Jinoyat motivatsiyasi") shaklida tuzilgan monografiyalar huquqshunoslarning va psixologlarning birgalikdagi ish olib borishlariga sabab bo'lmoqda. Bu ish ikkilamchi taassurot qoldiradi. Bir tomondan jinoyatning sabablarini aniqlashtirishga qodir bo'lgan kriminalist psixologlar uchun aql-idrok va hatto ilg'or fikrlarni ifoda etadilar (aniqrog'i, ular haqiqiy hayotga nisbatan mutlaq, mustaqil ravishda niyatlarni aks ettirgani uchun haqiqiy hayotga yaqin) va boshqa tarafdin ular orasida psixologlarning ishiga tayanadigan bo'lsak, ular orasida motivatsiya va motivlar haqida umumiy tushuncha mavjud emas.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, yetakchi kriminalistlardan biri, akademik V.N.Kudryavtsev (1978) jinoiy hatti-harakatining sababini, jinoyatning sababini, uning rivojlanish va dizaynini yaratish jarayoni, keyinchalik uning haqiqiy jinoiy harakatlarda amalga oshirilishi deb tushunadi. U ushbu tushunchalar doirasi va tarkibi jihatidan motivatsiyani jinoiy harakatlar mexanizmidan ajralib turishi kerak, deb hisoblaydi.

Motivatsiya uning nuqtai nazaridan mexanizmni o'z ichiga olmaydi, chunki u qabul qilingan qarorni va o'z-o'zini nazorat qilishni amalga oshiradi (bu tushunchani tan olmaslik qiyin). Ammo V.N.Kudryavtsevning fikriga ko'ra bu masalada vaziyatni motivatsiya va baholashni, shuningdek, uning harakatlarining natijalarini kutish va qarorlarni qabul qilishni o'z ichiga olmaydi. Shunda jinoyat sodir etgan shaxs ko'r-ko'rona harakat qiladi.

V.N.Kudryavtsev jinoyat sodir etilishining sababini ichki harakatlantiruvchi quvvat deb ataydigan bo'lsa, ayni paytda jinoyatning sababi faqat jinoyat sodir etilishining ob'ektlari yoki ta'sir ob'ekti, maqsad yoki jinoiy natijaga erishish vositasi sifatida qaraladi. Aniq qo'yilgan haqiqiy maqsad va uni bajarish vositasi haqidagi savolga javob beradimi? Agar u haqiqatan ham to'g'ri bo'lsa (va V.N.Kudryavtsevning quyidagi iborasi bu tushunmovchilikka aniqlik kiritadi: "...jinoiy hatti-harakat qilmagan insonning salbiy ehtiyojlari yoki qiziqishlari, qarashlari yoki his-tuyg'ularida jinoyat qilishi uchun hech qanday sabab yo'q, haqiqiy jinoiy harakatgacha juda katta masofa bo'lishi mumkin"), unda faqat bitta xulosa bor: jinoyat hech qanday jinoiy rejani amalga oshirishiga sabab yo'q. Biroq, bajarilmagan hat-

ti-harakat bu mativ yo'qligini anglatmaydi. Shubhasiz, muallifning ta'kidlashicha, -ixtiyoriy ravishda yoki ixtiyorsiz ravishda xarakterdagi jinoiy harakati jinoyat sababi bilan aniqlanadi, bu esa kechikish yoki muvaffaqiyatsizlikka uchragan taqdirda, motivatsion ustanovkaga aylanadi. Inson jinoyatchi emas (va hech qachon bo'lmasligi mumkin), lekin u ijtimoiy jihatdan xavfli bo'lishi mumkin, chunki u jinoyatni sodir etishga moyilligi bor. Shuning uchun, tanqidchi I.Karpets (1969) G'arb jinoyatchilarining "xavfli vaziyat" haqida gapiradigan qarashlari juda ishonarli ko'rinmasligini aytadi.

Bu haqdagi tushunchalar jinoyatlarning oldini olishda muhim ahamiyatga ega bo'lib, ularning sodir etilish shart-sharoitlarini bartaraf etishdan tashqari, shaxsning qarashlari va shaxs ustanovkasini o'zgartirishi, ya'ni, ularni tarbiyalash va qayta tarbiyalashdan iborat bo'lishi kerak. V.N.Kudryavtsev bunga e'tiroz bildirmadi, chunki u jinoyat sodir etilishining sabablarini bilish shaxsiy himoya choralarini rejalashtirish va sub'ektning kelajakdagi xatti-harakatlarini bashorat qilishga ko'maklashadi, jamiyat qarashlariga teskari mazmuni, chuqurligi va barqarorligi haqida fikr yuritadi; bir qator hollarda, kelib chiqish sabablarini bilish shaxsni shakllantirish sharoitlarini, shuningdek, jinoiy maqsadlar yuzaga kelgan vaziyatni baholashga imkon beradi.

Shunday qilib, agar jinoyat qonunchiligida jinoyat sodir etganmi yoki yo'qmi, faqatgina bitta jinoyat alomati bo'lsa, unda huquqni muhofaza qilish organlari va pedagoglar uchun bunday tarbiya jarayoni yetarli emas: jinoyat xatti-harakatlarining sabablari va motivatsion xulq-atvorga olib kelishi mumkin bo'lgan maqsadlarni, shaxsiy xususiyatlarni aniqlash kerak.

Jinoyatlar ta'sirini jinoyatlar motivatsiyasi davrida aks ettiradigan muddatlar muayyan vaziyat doirasi bilan chegaralan-

**Jinoyatlar ta'sirini jinoyatlar motivatsiyasi davrida aks ettiradigan muddatlar muayyan vaziyat doirasi bilan chegaralanishi mumkin emas**

## Motiv asosida shakllangan maqsadga ko'ra, odam har doim o'z ehtiyojlarini qondirish uchun biror-bir ob'ektga yoki manbaga yo'nalgan bo'ladi

ishi mumkin emas. Bu yerda V.V.Luneev niyatning strukturasi o'rganish orqali biz shu bilan shaxsiyatning tuzilish tarixi, uning tuzilishini o'rganamiz degan fikrni aniq ifoda etdi. Jinoyatchining asosiy motivlari va ijtimoiy rollari, aloqalari va shuning uchun shaxsiyat xususiyatlarining o'rtasida 70-75% hollarda jinoiy harakatlarning sabablari xususida mashhur paralelizm mavjud.

V.B.Golitsin (1985), jinoyatchilar uchun tavakkalchilik uchun zarur bo'lgan ehtiyojning ustunligi va rivojlanish, bilim, mehnat, shaxslararo muloqot ehtiyojlarini yetarli darajada shakllantirmasligini aniqladi.

### Xulosa.

Jinoyat motivi - insonni aynan shu jinoyatni sodir etishga undagan va jinoiy xatti-harakatlarni amalga oshirishida jismoniy va aqliy yo'nalganlikning uyg'un ifodasini boshqarib turadigan kuch manbai sifatida namoyon bo'ladi. Motivatsiya - insonning qoniqish manbaiga intilishi sifatida uning atrof-muhitga bo'lgan munosabatini belgilaydi. Motiv asosida shakllangan maqsadga ko'ra, odam har doim o'z ehtiyojlarini qondirish uchun biror-bir ob'ektga yoki manbaga yo'nalgan bo'ladi.

Oilada delinkvent xulq-atvor bilan bog'liq ijtimoiy psixologik muammolarni bartaraf etish shart-sharoitlari, ijtimoiy darajada shaxsning o'zini namoyon qilishi (boshqalarni hurmat-e'tiboriga erishish) ijtimoiy mavqega ega bo'lishga intilish muammolari bilan shug'ullanish eng dolzarb muammolardan biri bo'lib qolmoqda.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. - Toshkent: O'zbekiston, 2018. - 80 b.
2. O'zbekiston Respublikasining "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonuni, 2016 yil 14 sentyabr. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 37-son, 426-modda.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. 2017. - 6 (766)-son.
4. G'oziev E.G., Jabborov A.M. Faoliyat va xulq-atvor motivatsiyasi. T.: 2003, -124 b.
5. Karimova V.M. Yoshlarda o'zbek oilasi to'g'risidagi ijtimoiy tasavvurlar. Psix. fan. dok. diss. - T.: ToshDU, 1994. - B.309.
6. Qodirov O.S. "O'smirlarda (11-15 yosh) jinoyat motivlari shakllanishining psixodiagnostikasi va psixokorreksiyasi" // Psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan dissertatsiya. T.: 2020, - 155 b.
7. Abdurasulova Q. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligiga uning oldini olish muammolari. // Qonun himoyasida. 2001, 1-son, 23-26-b.
8. Фельдштейн Д.И. "Общие вопросы образования" Образование и наука. 2013. № 9 (108).



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Алимарданова Раъно Нарбаевна,**  
Термиз иқтисодиёт ва сервис университети  
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### ЁШ КЕЛИН-КУЁВЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИНИ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ

**Аннотация.** Оила инсон туғилиб, вояга етадиган, унинг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган ижтимоий институтлардан бири ҳисобланади.

Оилавий муносабатларни барқарорлаштиришда шарқ мутафаккирларининг нодир асарлари, оилага оид қарашлари бугунги ёш оилаларга оила муқаддас эканлигини сингдириш, қадриятларимиз, анъаналаримизда ажримли ҳолатлар қоралаганини кўриш мумкин.

**Калит сўзлар:** Оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлашга қаратилган фикрлар, тавсиялар, асори атиқа, муқаддас, келин қайнона муносабатлари, оилада келинни бўйсинувчан бўлиши, қайнопа-қайн-сингиллари билан бўладиган муносабатлар.

### ТОЛКОВАНИЕ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА ОБ ОСОБЕННОСТЯХ СИСТЕМЫ ЗАИМООТНОШЕНИЙ НОВОБРАЧНЫХ

**Аннотация.** Семья является одним из социальных институтов, играющих важную роль в формировании человека, в котором он рождается и растет. Можно увидеть (встретить) уникальные работы восточных мыслителей, касающиеся стабилизации семейных отношений, в которых отражены их взгляды на семью, прививающие молодым семьям понятия о том, что семья священна и осуждающие любую дискриминацию в семейных отношениях.

**Ключевые слова:** Суждения о здоровых психологических семейных отношениях, рекомендации, священная, отношения между невесткой и свекровью, покорность невестки в семье, отношения между невесткой и золовкой.

### INTERPRETATION OF THE SYSTEM OF RELATIONS BETWEEN NEWLY MARRIED COUPLES BY EASTERN SCIENTISTS OF THEIR OWN CHARACTERISTICS

**Annotation.** The family is one of the social institutions in which a person is born and raised, who plays an important role in its formation. In the stabilization of family relations, you can see unusual works of Eastern the scientists, family views, instilling in today's young families the sacredness of the family, condemnation of our values and excellent conditions in our traditions.

**Key words:** Thoughts, recommendations, actions aimed at ensuring healthy psychological relations in the family, intimate relations, kinship relations between the bride and groom.

## Кириш.

Оила халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган гоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оиланинг ўзига хос қатор вазифалари мавжуд бўлиб, фарзанд кўриш, аждодлар давомийлигини, ер юзида инсоният тарихий-тараққиётини таъминлаш қаторида иқтисодий-молиявий хўжалиги фаолиятини тўғри юритиш яна бир вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказида бўлганида вилоятдаги 600 мингга яқин оилаларнинг 149 мингдан зиёди ёш оилалар эканлиги ҳақида гапириб, «Соғлом оила — соғлом жамият» концептуал гоясини ҳаётга татбиқ этиш, оила қадриятларини ўғил-қизларга ёшлик чоғидан тўғри тушун-

тириш, ажримларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш, оилавий муносабатлар ва муаммолар бўйича илмий ишлар қилиб, ҳаётга татбиқ этиш, хотин-қизлар билан ишлайдиган мутахассисларнинг билимини ошириш зарурлигини таъкидлади. Асл миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёт гоя ва расм-русумлар пайдо бўлиши сабабларини тушунтириб, ёшлар онгини улардан ҳимоя қилиш юзасидан тавсиялар берди.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ислон динининг муқаддас китоби Қуръони Каримнинг кўпгина сура ва оятларида эр-хотиннинг турмушдаги ўрни, вазифалари ва мажбуриятлари ёритилган. Эр киши учун муҳим ҳислат ҳисобланадиган оғир-босиқлик, кенг мушоҳадалилик, узоқни кўра билишлик, дадиллик, ҳалоллик ва оила рўзгорни бошқаришдаги удабуронлик каби зарур сифатлари учун у оила боши деб ҳисобланган. Юсуф хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» (бахт саодатга йўлловчи билим) асарида балоғатга етган ёшлар куёв ёки келин сифатида бир-бирини танлашида қандай инсоний сифатларига қараш кераклиги, ахлоқий фазилатларнинг соғлом оилавий ҳаётни барпо этишдаги ўрни, эркак ва аёл шахсий муносабатларидаги ўлчовлар, яхши яшашнинг энг керакли шартлари тўғрисида беқиёс фикрлар билдирилганки, улар бугунги ёш оилалар турмуш тарзини ва эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларни тизимли йўлга қўйиш учун аҳамияти юқори. Мамлакатимизнинг етакчи психолог олимларидан бири Э.Ҳозиевнинг «Оила этикаси ва психологияси» китобида, — моддий-иқтисодий, ҳиссий-иродавий, ахлоқий-ақлий, қариндош-уруғчилик,

## Қуръоннинг бир қатор оятларида эр билан хотиннинг оиладаги ўрни белгилаб берилган

яқинлик ва дўстлик-биродарлик каби негизлар асосида оила ҳаёти ва эр-хотин муносабатлари барпо этилади. Таниқли психолог олим Ғ.Б.Шоумаровнинг «Оила энциклопедияси» да, «Баъзи ҳолларда хулқ-атворнинг баъзи жиҳатлари билан келин-куёвлар мос келмаса-да, лекин улар муносабатидаги ҳиссиёт кучи, психологик ва тарбияланганлик савияси, оилавий ҳаётни мустаҳкамлашга интилиш, тарбия ва маданий савия даражаси, ўзаро муносабат тартиблар уларнинг ўзаро қовушишини, яъни, оиладаги соғлом психологик муҳитни таъминлай олади деб таъкидлайди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги вазиятда «оилаларни илмий тадқиқ этишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одатлари ва қадриятларини эътиборга олиш, илмий ишларни ҳаётий мисолларга асосланиб олиб бориш зарурлигини таъкидлаб, оиланинг муқаддас қўрғон эканини кенг тарғиб қилишда олимлар, ёзувчи-шоирлар, умуман, зиёли қатламни жалб этиш ва бу ҳаракатдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» [1],—деди давлатимиз раҳбари.

Ана шу нуқтаи-назардан буюк мутафаккир ва маърифатпарвар боболаримиз Форобий, Беруний, ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фахруддин, Аҳмад Дониш, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида Марказий осийда яшаб келаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оила ҳаёти, оила-никоҳ муносабатлари, айниқса, оиладаги эр-хотин муносабатларининг этно-психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи, тарбиявий муҳити ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳақидаги қимматли фикрларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Оиланинг муқаддаслиги ва ундаги эр-хотин муносабатлари белгилайдиган соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ жиҳатлар буюк муҳаддислар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, имом Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафаси намояндаларидан Аҳмад Яссавий, Баховуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Абу Муйин Насафий тариқатларида ҳам кенг ёритилганлигини кўрамиз.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи оғзаки ижоди ва эпосларида (достонлар, эртақлар, мақоллар, ҳикматлар ва ривоятларда) севгига-садоқат, мардлик, ҳалоллик, камтарлик, ишонч, дўстлик, адолатлик, меҳнатсеварлик, ҳамфиқрлик, орасталик, гўзаллик, оқиллик, эътиқод, ҳурмат-эҳтиром, оила шаъни ва гурурини ҳимоя қилиш, туғилган жойига муҳаббат, эзгуликка интилиш, ҳалол ва пок яшаш улуғланган. Уларда аёллар

билан эркеклар тенг ижтимоий мавқега эга шахслар сифатида гавдаланади, аёллар эрларидан қолишмайдиган жасоратли, садоқатли қилиб тасвирланган [3].

Бизга маълумки, ислом динининг асосий манбалари ҳисобланган «Қуръони Карим» ва Ҳадисларда ҳам оилавий турмуш ва эр-хотин муносабатларининг барча қирралари ҳақида зарур маълумотлар ва шаръий қонунлар ёритилган. Энг аввало, бўлажак оиланинг юзагага келишига жиддий эътибор берилган. Шариат бўйича никоҳдан ўтиш учун

қуйидаги қоидаларга амал қилинган. 1.Никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги. 2.Никоҳ ёшига тўлиш. 3.Никоҳни гувоҳлар иштирокида тузиш. 4.Келин учун қалин ва маҳр тўлаш. 5. Диний эътиқод ва маслакнинг бирлиги. 6.Никоҳланувчилар яқин қариндош бўлмаслиги. 7.Табақа бўйича тенглик. 8.Никоҳдан ўтувчиларнинг руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши [3]. Белгиланган шартларга риоя қилиниб тузилган никоҳгина қонуний ҳисобланган ҳамда тарафлар тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминланган [3].

Қуръоннинг бир қатор оятларида эр билан хотиннинг оиладаги ўрни белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган ҳар қандай таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилади. Эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир-босиқлик, кенг мушоҳадалик, узоқни кўра билишлик, дадиллик, ҳалоллик ва оила-рўзгорни бошқаришдаги тadbиркорлик каби сифатлар мавжудлиги сабабли у оиланинг бошлиғи деб белгиланган. Яхши хотин эса диёнатли, ҳаёли, иболи, одобли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир. Муқаддас Қуръондан эр-хотин ёхуд уларнинг ўзаро муносабатларга хос ибратли мисолларни кўплаб изоҳлаш мумкин.

Жумладан, буюк аллома Абу Наср Фаробий жамиятнинг тараққиёт қонунларига таяниб, инсон камолоти босқичларини ва инсонлар яшаш жараёнида бахт-саодатга эришув йўлларини ўзининг нодир асари «Фозил одамлар шаҳри»да баён этади. Фаробий фозил одамлар ҳақида гапириб, уларни: «Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар» деб баҳолайди. Аллома оқиллар бор жойда ҳеч қачон

## «Яхши хулқ яхшилик аломатидир» «Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди»

муаммолар ва келишмовчиликлар бўлмаслигини айтиб ўтади. Унинг қарашларида оиланинг тўлиқлиги, унда қарор топган соғлом маънавий-психологик муҳитнинг аҳамиятини акс эттирадиган фикрлар ҳам мавжуд. «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради». Аслида ўйлаб кўрганимизда, жамиятда бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар (бизнингча, оила) фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси (бизнингча, оила жамоаси) фазилатли жамоадир.

Абу Наср Фаробийнинг инсон камолоти, унинг жамиятдаги ва оиладаги ўрни, фарзандларни вояга етишига таъсир этаётган муҳим омиллар ҳақидаги фикрлари, инсонлар жамоасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, ёрдам ҳақидаги ҳикматлари ҳозирги ёш оилалар турмушига дахлдор масалаларни ечишда, ундаги ўзаро соғлом психологик муносабатларни йўлга қўйиб, оқилона ҳаёт кечириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний оила ҳаёти ва эр-хотин муносабатларига ўзининг нуқтаи назарини кўпгина нодир асарларида баён этишга ёки улар юзасидан танқидий фикрлар айтишга жазм этган. Унинг муайян қарашларида оила ҳаёти, оила ва никоҳ, ёш оилада келин ва куёв, оилавий кадриятлар ва унинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар акс этган. Шу каби панд-насиҳатлар Беруний ҳикматларида ҳам учрайди. «Яхши хулқ яхшилик алома-

тидир» «Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди» «Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди. Кўриниб турганидек, ёш келин ва куёв ана шундай ҳикматларга амал қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Беруний қарашларида ёш келин-куёвнинг бурч ва вазифалари ҳақида ҳам қимматли фикрлар мавжуд. «Муайян вазифаларни бажариш зарури-яти инсон фаолиятининг бир умрга яшаш қоидасидир. Инсоннинг кадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришидан, шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади. Зеро, инсон ўз ҳоҳишига меҳнат туфайли эришган».

Шарқ халқларининг нодир ҳикматларидан Кайковус қаламига мансуб Қобуснома асари (1082-1083 йилларда ёзилган) дунё халқлари орасида маълум ва машҳурдир. Қобусномада ибратли ва ҳаётий панд-насиҳатлар билан биргаликда «ишқ ва унинг одатлари зикрида», «хотин олмоқ зикрида» ҳам қимматли маълумотлар берилган. «Эй фарзанд, то кишининг таъби латиф бўлмагунча ошиқ бўлмағусидир, нединким ишқ бешак таъби латиflikдан пайдо бўлур. Ҳар нарсаки таъби латиflikдан пайдо бўлса, ул бешак латиф бўлур». Бу ерда инсоннинг қалби тоза, пок ва ахлоқан юксак бўлса, унинг кўнгли, сифат ва фазилатлари ҳам, ҳиссий кечинмалари ҳам соф ва чиройли бўлишига ишора қилинган. «Бас, агар ошиқ бўлсанг шундоқ кишига бўлгилки, ул маъшуқаликка лойиқ бўлсин». Бунда бўлғуси келин-куёвнинг никоҳгача даврда бир-бирини кўриб-билиб, синаб маъшуқанинг оқила, ораста, тежамкор, саранжом-сарийшта, ҳаёли, иболи, бола тарбиясини, уй-рўзгор ишларини ўрнига қўядиган камтарин ва эрига садоқатли бўлиши назарда тутилади.

**Аллома оқиллар бор жойда ҳеч қачон муаммолар ва келишмовчиликлар бўлмаслигини айтиб ўтади**

Юсуф хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» (бахт саодатга йўлловчи билим) асарида балоғатга етган ёшлар куёв ёки келин танлашда унинг қайси сифат ва фазилатларига эътибор бериш зарурлиги, инсон шахсига хос сифат ва фазилатларнинг оилавий ҳаётни бошқаришдаги роли, ўрни ва аҳамияти, эр-хотин ўзаро муносабатларининг меъёрлари, фаровон турмуш кечиришнинг муҳим шартлари ҳақида қимматли фикрлар айтилганки, улар ҳозирги оила турмуши ва эр-хотин муносабатларини тўғри йўлга қўйиш учун ҳам аҳамиятлидир. Асарда «Сен хотин олсанг, ўзингдан қуйисини ол, зоти олийсига боқма, сен қул бўлиб қоласан». Асли, уруғи ҳамда зоти яхши бўлсин, уятли, андишали, покизасини истагин [3].

Чиройли юзлисини истама, хулқи яхшисини иста, феълу-атвори яхши бўлса, сенинг юзингни ёритади. Феълу-атвори яхши бўлса, у тўқис бўлади. Феълу-атвори тўғри бўлса, жуда муносиб бўлади, хотин чиройи хулқдир, буни билган билади.

Сен агар яхши андишали аёл топишга муяссар бўлсанг, бой берма (дарҳол олгин) эй эзгу киши андишали, покиза бўлса, ундай киши асл бўлади. Сен хотиннинг андишали-ақлсисини иста, эй доно, андишали ақлли хотин топилса - фаросат, андиша, бойлик, чирой, насл-насаб жам бўлади «Сен хотинни кадрли тут, нима сўраса муҳайё эт».

Ушбу асарда хотин билан бир қаторда эр ҳам билимдон, фаросатли, ақл-идрокли, зукко бўлиши, оила тартибини сақлаши ва уни юритишда интизомли (интизом ўрнатувчи), уни кузатиб бориши кераклиги, оиланинг иқтисодий жиҳатдан тўқислигини таъминловчи, хотинига ва фарзандларига меҳрибон, хушмуомалали, тўғри сўз бўлиши оила фаровонлиги ва соғдом турмуш тарзини таъминловчи муҳим омиллар эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

## Фитратнинг фикрича, уйланиш учун яна тўрт нарсага алоҳида эътибор бериш лозим: мол (моддий таъминланганлик), насаб, ҳусн ва имону-эътиқод

Инсон учун оилавий ҳаёт ва ундаги муносабатлар бобида Аҳмад Донишнинг қарашлари алоҳида эътиборга лойиқ. У ўзининг «Нодир воқеалар» асарида оилавий ҳаётнинг турли жабҳалари, яъни никоҳ одоблари, уйланиш шартлари, ишқ-муҳаббат ва севишганларнинг одоби, қайнона-келин низолари, фарзандларга васият, касб-ҳунарларнинг фойдаси ҳақида қимматли фикрларни баён этган. Унинг фикрича, ҳар бир инсон муайян ёшга етгандан кейингина унда уйланиш ва оила қуришга зарурат ҳосил бўлади. Бу даврга келиб инсон оила никоҳ муносабатлари, оилавий ҳаёт қувончлари ва ташвишларидан бохабар, оилавий бахт, фарзанд тарбияси, эр-хотинлик ва ота-оналик бурчларини тушуниб етгандирлар. Аҳмад Дониш уйланиш шартларига ўша давр учун хос бўлган хислатларни-турмуш қурувчиларнинг бирон-бир касб соҳиби эканлигини, уй-жой соҳиби бўлишини, оила ва оилавий ҳаёт масалаларини эгаллаб олганликларини назарда тутди. Ўша даврга хос уйланиш шартлари (қиз томонидан қўйилган) янги оиланинг фаровонлиги, тўқислигини таъминлайдиган омиллардан ҳисобланган. Ушбу шартлар бугунги кун учун ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Маърифатпарвар шоир Аҳмад Дониш ўша даврдаги уйланишнинг мақсади ва мотиви ўзига

хослигини, шунга қарамай, хотинларнинг ҳам эркаклардай иззат нафси борлиги, улар ўзларини эркаклардан кам тутмаслиги, шунинг учун уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини айтиб ўтади. Унинг қарашларида ҳам оиланинг бахти, оила фаровонлиги, унинг мустақкам ва барқарорлиги хотинга, унинг ахлоқий ва маънавий камолотига боғлиқлиги алоҳида эътироф этилган.

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг улкан намояндalarидан бири Абдурауф Фитрат «Оила» номли асарида фарзандлар тарбияси, қизлар ҳам илм олиш кераклиги ва бу соҳада ота-онанинг вазифалари, уйланиш ва уйланишмаслик, уйланишда қандай хотин танлаш лозим, бўлажак эр-хотин биринчи марта нима-ларга эътибор бериши лозимлиги, эр-хотиннинг қандай яшамоқлари ҳусусида оиланинг маишати ва идораси, эр хотинга хос сифат ва фазилатлар тўғрисида ҳаётий маълумотларга таяниб илғор гоёларни илгари сурган. У «миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир, қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади», деб ёзади.

У ўзига муносиб қиз танлаш мавзусида фикр билдириб, «эр хотин мушкулотдан иборат бўлган ҳаёт сафарига бирга бўлиб, жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний вазифаларни бажаришда дастёр, қайғу ва умидсизлик дамларида ғамхўр ва сабрли, саодат ва бахтиёрлик чоғлари бир-бирларига ҳамдам бўлишлари лозим. Шундай экан, улар албатта, энг аввало, бир-бирларини камоли диққат ва тажриба юзасидан имтиҳон қилишлари зарур. Қиз йигит ҳолидан ва йигит қиз аҳволидан яхшигина хабардор бўлиб, кейин турмуш қуришлари лозим», деб огоҳлантиради. Фитратнинг фикрича, уйланиш учун яна тўрт нарсага алоҳида эътибор бериш лозим: мол (моддий таъминланганлик), насаб, ҳусн ва имону-эътиқод. «Уйланиш орзусида бўлган йигит билан қизнинг мол (бойлик)лари ва насаблари тақрибан бир хил бўлиши лозим. Акс ҳолда эр билан хотин бир-бирларига тенг бўлмай, ҳаётини мудом азобга қўяди» [6].

## Хулоса.

Гувоҳи бўлганимиздек, шарқ мутафаккирлари ва маърифат-парвар зиёлилар асарларида оиланинг муқаддаслиги, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, оила муқаддаслигини белгиловчи муҳим миллий-маданий ва миллий-психологик омиллар алоҳида таъкидлаб ўтилган. Энг муҳими, оиланинг асосини ташкил этувчи эр ва хотинга хос сифат ва фазилатларнинг ёш келин-куёвда шаклланган бўлиши, улар оилавий бурч ва вазифаларни садоқат билан адо этишлари, бир-бирига меҳрибон ва кечиримлилиги энг зарур қадрият сифатида эъзозланади.

Ёш оилада соғлом психологик муносабатларни таъминловчи келин ва куёвга хос сифат ва фазилатлар талқинига доир қимматли маълумотлар ҳозирги оилавий турмуш ва унинг истиқболи учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Куръони Карим / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. - Тошкент: Чўлпон, 1992. - 544 б.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. -Т., 1993. - 224 б.
3. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. -Тошкент, 1973. -174 б.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. -Тошкент, 2020. -560 б.
5. Шоумаров Ф.Б., Расулова З.А. Оила энциклопедияси. -Тошкент: «Ilm-Ziyo-Zakovat», 2016. - 416 б.
6. Фозиев Э., Узоқов Х., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. -Т.: Ўқитувчи. 1992.-128 б.
7. Шоумаров Ф.Б., Расулова З.А. Оила энциклопедияси. -Тошкент: «Ilm-Ziyo-Zakovat», 2016. - 416 б.



"TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi" ilmiy-uslubiy jurnali

<https://lib.tisu.uz>  
ISSN 0000-0000

**Jo'rayev Atham Qoraqulovich,**  
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti o'qituvchisi.  
E-mail: [ustozjurayev@gmail.com](mailto:ustozjurayev@gmail.com)

**ETNIK MUNOSABATLAR VA SHAXSNING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada shaxsdagi etnik munosabatlar, urfodatlar, etnik qadriyatlar, va millatlararo munosabatlarni tarkib topishida va nomoyon etishda, shaxsning individual xususiyatlarining o'rni, hamda shaxsning psixologik xususiyatlari haqida

**Kalit so'z:** Etnik qadriyatlar, millat, milliy taraqqiyot, shaxs, shaxsning etnik taraqqiy etishi, individual xususiyatlar.

**ЭТНИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ И ИНДИВИДУАЛЬНО ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЧЕЛОВЕКА**

**Аннотация.** В данной статье раскрывается роль индивидуальных особенностей человека, а также психологических особенностей личности в формировании и развитии межэтнических отношений, традиций, национальных ценностей и межэтнических отношений.

**Ключевые слова:** Этнические ценности, нация, национальное развитие, личность, этническое развитие личности, индивидуальные особенности.

**ETHNIC RELATIONS AND INDIVIDUAL PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF A HUMAN**

**Annotation.** This article reveals the role of individual characteristics of a person, as well as the psychological characteristics of a person in the formation and development of interethnic relations, traditions, national values and interethnic relations.

**Key words:** Ethnic values, nation, national development, personality, ethnic development of personality, individual characteristics.

**Kirish**

Ma'lumki, bola yorug' olamga kelar ekan, avvalo, o'ziga, Vatanni va qolaversa, ota-onasini o'zi tanlab tug'ilmaydi. Millat va milliy taraqqiyot bilan bog'liq bo'lgan ko'plab masalalar, ularni tarkib toptiruvchi va rivojlantiruvchi omillar ijtimoiy va siyosiy hayotda muhim rol o'ynab kelgan va bundan keyin ham uzoq davrgacha o'z ahamiyatini yo'qotmaydi. O'tmishni, milliy qadriyatlarni bilish, donishmand xalqimizning asriy an'ana va udumlarini o'rganish ma'naviy, ma'rifiy, tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi. Zero, har bir xalqning, millatning o'z milliy an'analari, udumlari, bebaho qadriyatlari mavjudki, ularni asrab-avaylash, hurmat qilish, kelgusi avlodlarga yetkazish orqali ularda milliy g'urur va iftixor his-

**Bola faqat milliy muhitda yashab ko'rgandagina shu millat va elatga xos bo'lgan xususiyatlarni ongi va xulqiga singdirib, ijtimoiy tajribani egallab, ayni millat vakili bo'la oladi**

larini rivojlantirish, qadriyatlarni ulug'lash bilan bog'liq fazilatlarini shakllantirish har bir davrlarda har bir millatning ham eng dolzarb masalalardan bo'lib kelgan. Xalqning milliy urf odatlari, etnik qadriyatlarini, va millatlararo munosabatlar haqida, birinchi prezidentimiz I.Karimov mamlakatimiz mustaqilligining ostona-sidayoq fuqarolarga murojaat etib, "Xalqimizning haqiqiy ma'naviy boyliklari bo'lmish imon, insof, mehr-oqibat, andisha, or-nomus, kattaqa hurmat, kichikka izzat, mehmondo'stlik, yurtga va xalqqa sadoqat kabi fazilatlarini asrab-avaylab, farzandlariimizning qon-qoniga singdiraylik, jamiyatimizning kundalik hayotida doimo ustivor qilaylik" deb ta'kidlagan edilar. [1, c. 416].

Bu bilan mamlakatimiz rahbari yoshlar tarbiyasining nechog'lik jamiyat taraqqiyoti uchun ahamiyatli ekanligiga e'tibor qaratdilar. Ularning fikricha, "Ma'naviy va ahloqiy poklanish, imon, insof, diyanat, or-nomus, mehr-oqibat va shu kabi chinakam insoniy fazilatlar o'z-o'zidan kelmaydi. Hammasining zaminida tarbiya yotadi" Yurtboshimizning ziyolilar va millatimiz fidoiylar oldiga qo'ygan bu vazifalari yurtimizda psixologiyaning bir tarmog'i hisoblanmish etnopsixologiyaning rivojlanishi uchun turtki bo'ldi. Mustaqillik yillarida uzluksiz ta'lim tizimini sifat jihatdan takomillashtirish muammosi doirasida yoshlar ongiga milliy istiqloq g'oyalarini singdirishda etnopsixologik bilimlarning o'rni mavjudligi e'tirof etildi. [2, c. 9]. Garchi har bir inson ma'lum darajada mustaqil yashash va faollik ko'rsatish imkoniyatiga ega bo'lsa ham, lekin hayotda u faqat o'z hoxishi va tushunchasi bilan yashab qolmay, shuning bilan birgalikda o'zi yashab to'rgan ijtimoiy muhit va o'zi mansub bo'lgan xalqning tajriba, bilim va e'tiqodlarini ham o'zlashtirib boradi. Chunki odam o'zi yashab turgan ijtimoiy muhitni inkor etib yoki undan butunlay chiqib ketib yashay olmaydi.

**O'zbeklar milliy muhitida tug'ilib voyaga yetgan bolalar o'zbekcha gaplashishga o'rganganlaridan keyin ham, ruscha fikrlab, o'zbekcha gapirishga harakat qiladi**

Bola faqat milliy muhitda yashab ko'rgandagina shu millat va elatga xos bo'lgan xususiyatlarni ongi va xulqiga singdirib, ijtimoiy tajribani egallab, ayni millat vakili bo'la oladi. Bolaning ontogenetik taraqqiyoti davrida tashqi xatti harakatlarni botiniy ya'ni, "aqliy" xususiyatlarga aylanishi davrida unda milliy psixologik qiyofa asoslari shakllana boshlaydi. Individning ijtimoiylashishi, milliylikni o'zlashtirish bilan boshlanadi. Milliy tilni bilmaslik etnik muhitdagi jarayonlarni, tilda ifodalana-yotgan holat va hodisalarning mohiyatlarini anglab olishga to'sqinlik qiladi. [2, c. 11]. Chunki fikr ifodasi uchun ishlatiladigan so'zlarda milliy o'ziga xoslik bo'ladi. Tafakkur bilan til va nutq o'zaro bog'liq bo'lganligi uchun, ruscha tili chiqqan bolalarning fikrlash malakasi ham ruscha bo'lib o'zbeklarnikidan farqlanadi. Chunki insonning tafakkur tarzi nutqida, tilda reallashadi, moddiylashadi. O'zbeklar milliy muhitida tug'ilib voyaga yetgan bolalar o'zbekcha gaplashishga o'rganganlaridan keyin ham, ruscha fikrlab, o'zbekcha gapirishga harakat qiladi. Ruscha tafakkur tarzi bilan o'zbekcha gapirish juda qiyin. Boshqa millat vakili voqelikni o'zbekning ko'zi bilan ko'rib o'zbekona tafakkur tarzi bilan idrok yeta olgandagina, u chinakamiga o'zbekcha fikr yuritib, o'zbekcha gapira boshlaydi. Yuqorida aytib ta'kidlaganimizdek, ko'rgan narsalarni idrok etish va mazmunini tushunib etish miyaning tug'ma xususiyati bo'lmay, bu xususiyatni u turmush tajribasi asosida xosil qiladi. Shuning uchun ham turli tabiiy sharoitlarda va ijtimoiy muhitda yashab voyaga etgan kishilar, turli hodisa va voqealarni idrok etishda o'ziga xos ijtimoiy psixologik xususiyatlarga ega bo'lishadi. Jamiyat bu insonlar majmuidir. Uning taraqqiyoti va

ma'naviy salohiyati ko'p jihatdan ana shu insonlar o'rtasida yuzaga keladigan o'zaro munosabatlarning tabiatiga, ular amalga oshiradigan murakkab sotsial hamkorlik faoliyatining mazmuniga bog'liq. Har bir inson jamiyatda yashar ekan, u unda o'ziga xos o'rin va mustaqil mavqe egallashga intiladi, binobarin, u o'ziga xos intilish, layoqat va faollik namunalari namoyish qiladi. Insonlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni hamda har bir shaxsning jamiyatdagi o'rnini va uning turlicha sotsial munosabatlari tabiatini o'rganuvchi qator sotsial fanlar mavjud bo'lib, ularning orasida sotsial psixologiya alohida o'rin egallaydi.

Sotsial psixologiya juda qadimiy va shu bilan birga u o'ta navqiron fandır. Uning qadimiyligi insoniyat tarixi, madaniyati va ma'naviyatining qadimiy ildizlari bilan belgilanadi. Ular aslini olib qaraganda, u yoki bu jamiyatda yashagan kishilar o'rtasidagi, sotsial munosabatlarning va tafakkurning

xosilasi bilan e'tirof etilsa, u o'z uslubiyoti, predmeti va fanlar tizimida tutgan o'rnining yangiligi insoniyat taraqqiyotining eng yangi davrida shakllanganligi va rivojiga turtki berganligi bilan tavsiflanadi. [3, c. 122]. Etnopsixologiya – bu psixologiyaning shunday tarmog'iki, u ayrim olingan millatlar psixologiyasidan tashqari, turli xalqlar psixologiyasini, kichik milliy guruhlarni ham o'rganadi. Jamiyatda millatlararo totuvlik va bag'rikenglikni ta'minlash, do'stlik muhitini va ko'p millatli katta yagona oila tuyg'usini mustahkamlash, yoshlarni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida, milliy va umuminsoniy

**Milliy va irqiy birlik doimo insoniyat jamiyatining ravnaqiga katta ta'sir ko'rsatib kelgan**

qadriyatlarga hurmat bilan qarash ruhi-da tarbiyalash, xorijiy mamlakatlar bilan madaniy-ma'rifiy aloqalarni kengaytirishga yo'naltirilgan keng miqyosdagi ishlar davlatimiz siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Ayni paytda O'zbekiston Respublikasi davlat siyosatining barcha jabhalarida. [4, c. 124]. O'zbekistonda istiqomat qilayotgan xalqlar va ularning manfaatlari bilan bog'liq masalalar birinchi navbatda turadi. Milliy jarayonlarning asosiy xarakterli tomoni shundaki insonning aql-zakovati yuksalib borgan sari ushbu munosabatlarning ahamiyati ortib bormoqda. Insoniyat tarixi shuni ko'rsatdiki jahondagi mavjud bo'lgan birorta millat yoki elat, ular kam sonli bo'lgan taqdirda ham ixtiyoriy ravishda boshqa millatlar bilan qo'shilib ketmagan, har bir millatga xos bo'lgan xususiyatlar rivojlanib borgan sari boshqa millatlar bilan munosabatlarni takomillashtirib borgan.

Milliy va irqiy birlik doimo insoniyat jamiyatining ravnaqiga katta ta'sir ko'rsatib kelgan. Yuqorida ta'kidlaganimizdek, A.R.Luriyaning asosiy maqsadi milliy psixologik xususiyatlarni o'rganishda tarixiy tayanish lozimligini isbotlash hamda milliy psixologiyaning hayot tarziga, shaxsning jamiyatda kishilar munosabatlari tizimida tutgan o'rniga bevosita bog'liqligini isbot qilish edi. Lekin tadqiqotning ahamiyati shunda ediki, unda birinchi marta milliy psixologiyani o'rganishga yordam beruvchi metodlar va metodologik prinsiplar sanab ko'rildi. To'g'ri, bu tadqiqotda to'plangan ma'lumotlar va ilmiy xulosalar bilan bugungi kunda kelishib bo'lmaydi. Qolaversa, bu konsepsiyaning o'zi necha bor qayta ishlovni talab qildi, lekin milliy psixologiya bo'yicha o'tkazilgan kross tadqiqot sifatida uning ahamiyati kattadir.

Shaxsning eng muhim xususiyatli jihatlardan biri bu uning individualligi, ya'ni yakkaholligidir. Individuallik deganda, insonning shaxsiy psixologik xususiyatlar-

## Temperament- insonning turli vaziyatlarda narsa, holatlar va insonlarning xatti-harakatlariga nisbatan reaksiyasini tushuntirib beruvchi xususiyatlari majmuidir

ining betakror birikmasi tushuniladi. Individuallik tarkibiga xarakter, temperament, psixik jarayonlar, holatlar, hodisalar, hukmron xususiyatlar yig'indisi, iroda, faoliyatlar motivlari, inson maslagi, dunyoqarashi, iqtidori, har xil shakldagi reaksiyalar, qobiliyatlari va shu kabilar kiradi. Psixik xususiyatlar birikmasini aynan o'xshash tarzda aks ettiruvchi inson mavjud emas. Masalan, yaqin odamdan ayrilganligi, qayg'u-alam, uning bilan birga esa hayotda tiklab bo'lmaydigan, ammo boshqalarda takrorlanuvchi fazilatlarini murakkab voqelikning mangukka yo'nalishi bilan izohlash mumkin. Shaxs o'zining qadr-qimmatini va nuqsonlari bilan ijtimoiy turmushda faol ishtirok qilishi, ta'lim va tarbiya yordamida yuzaga kelgan o'zining kuchli va kuchsiz jihatlari bilan yaqqol, betakror oliy zotdir. [4, c.136]. Jahon psixologiya fanining ilg'or, taraqqiyparvar, gumanistik tadqiqotchilarining tajribasi ko'rsatishicha, shaxsning psixologik tuzilishi, psixologik xususiyatlari (xarakter xislati, temperament xususiyatlari, irodaviy sifatleri, aqliy qobiliyatlari, iste'dod darajalari, barqaror qiziqishlari, hukmron motivlari, hissiyoti va shu kabilar ning majmuasi har bir yaqqol, alohida odamda betakror, barqaror, turg'un birlikni tashkil etadi.

Bu esa, o'z navbatida, shaxsni psixologik tuzilishi ning nisbiyligi, qat'iyligi, stereotipligi to'g'risidagi fikrni qat'iy tasdiqlash imkonini yaratadi. Psixik holatlar, hodisalar, hissiyot, xohish, orzu, tafakkur va shu kabilar uzluksiz ravishda o'zgarib turishi, ijtimoiy guruhlarda, hayotiy vaziyatlarda odam o'z zimmasiga olgan rollariga aloqador xulq-atvorning o'zgarishi, yoshi ulg'ayib borishi ham shaxsning psixologik qiyofasi (milliylik, etnik ta'sir asosida) muayyan darajada barqarorlikni saqlaydi. Mazkur nisbiy barqarorlik odamning yashash

sharoitlari, jismoniy xususiyatlarining ko'rinishi bilan uyg'inlikda shakllantiruvchi ijtimoiy munosabatlar yig'indisining doimiyligi bilan uzviy bog'liqdir. [5, c. 3] Biroq biz qayd qilib o'tgan doimiylik nisbiy xususiyatga ega. Chunki, shaxsni psixik tuzilishi ning o'zgarishi jahon psixologlarning birqator tadqiqotlarida o'rganilgan. Bu o'zgarishlar odamning yashash muhiti, amalga oshiradigan faoliyatida namoyon bo'ladi va ular ijtimoiy ta'sir, tarbiya sharoitiga bevosita aloqadordir. Demak, shaxsning nisbatan barqaror va o'zgaruvchan xususiyatlari inson xislatlarining yaxlitligi va o'zaro bog'liqligidan tarkib topuvchi murakkab birlikdan iboratdir. Avval ta'kidlaganimizdek xar bir shaxs o'ziga xos-xususiyatlar bilan takrorlanmaydigan bir dunyo, tashqi ko'rinishi bilan o'xshash insonlarni uchratish mumkin, ammo fe'li, mijoz va shaxs sifatleri bilan bir-biriga o'xshash shaxslarni topish xayotda juda mushkil. Shaxs-qaytarilmas, u o'z sifatleri va borligi bilan noyobdir.

Bu borada biz «Individ» va «Individuallik» tushunchalarini ko'rib chiqamiz. «Individ»- bu «odam» degan tushunchani tuldirdi va uning ijtimoiy-biologik mavjudod sifatida mavjudligini tasdiklaydi. Ya'ni Individ- insonga aloqadorlik faktini tasdiklovchi ilmiy katigoriyadir. «Individuallik»-bu torroq tushuncha bo'lib konkret odamni boshqa bir konkret odamdan farqlovchi barcha o'ziga xos-xususiyatlar majmuini o'z ichiga oladi. Shaxs individualligiga uning qobiliyatlari, temperamenti, xakteri, irodaviy sifatleri, emotsiyalari, xulkiga xos motivatsiya va ijtimoiy utsonovkalari kiradi. Ana shu katigoriyalar individuallikni ta'minlovchi katigoriyalardir: Qobiliyatlar-shaxsdagi shunday individual, turg'un sifatlerki, ular odamning turli xil faoliyatdagi ko'rsatkichlari, yutuqlari va qiyinchiliklari sabablarini tushuntirib beradi. Temperament- insonning turli vaziyatlarda narsa, xolatlar va inson-

## Xarakter tug'ma bo'lmaydi. Faqat layoqat nishonalari tug'ma bo'lishi mumkin, ular nerv tizimining xususiyatlariga bog'lik bo'ladi

larning xatti-harakatlariga nisbatan reaksiyasini tushuntirib beruvchi xususiyatlari majmuidir.

Xarakter-shaxsning alohida insonlar va insonlar guruhi, o'z-o'ziga, vaziyatlarga, narsalar va hodisalarga nisbatan munosabatlardan ortiradigan sifatlarini o'z ichiga oladi.

Irodaviy sifatlar har birimiz o'z oldimizga maqsad qo'yib, unga e'rishish yo'lidagi qiyinchiliklarni engishimizni ta'minlovchi ma'lum sifatlarimiz majmuini o'z ichiga oladi. Emotsiyalar va motivatsiya-bu atrofimizda sodir bo'layotgan hodisalar, bizni o'rab turgan odamlar va ularning xatti-harakatlari ruhan qanday qabul qilib, ularga bildiradigan xissiy munosabatlarimiz xisoblanadi. Demak individuallik sifatlar bizning ongli xayotimizning ajralmas qismi, idrokimiz, xotiramiz va fikrlarimiz yo'naltirilgan muhim predmet sanaladi. Chunki bular buning faoliyatlarini amalga oshirish va ishlarni bajarishdagi individual uslubimiz bevosita aloqador. Misol uchun kimdir ishni tez va chala qiladi, aksincha kimdir sekin, ammo sifatli qilib bajaradi.

Temperament va layoqatlar individning dinamik o'zgaruvchan psixik faoliyati jarayonini ta'minlovchi sifatlarini o'z ichiga

oladi. Odam temperamentiga aloqador sifatlarining o'ziga xosligi shundaki, ular odam bir faoliyatdan, emotsional xolatdan, malakadan (kasbdan) boshqasiga o'tgan paytlarida reaksiyalarning egiluvchan va dinamikligini ta'minlaydi. Individga xos dinamik fazilatlar o'zaro ichki bog'lanishga ega bo'lib, o'ziga xos tuzilishini tashkil etadi.

Psixologiyada xarakter deganda, mazkur shaxs uchun tipik hisoblangan faoliyat usullaridan namoyon bo'ladigan, tipik sharoitlarda yuzaga chiqadigan va shaxsning bu sharoitlarga munosabati bilan belgilanadigan individual psixik xususiyatlar yig'indisi tushuniladi. Boshqacha qilib aytganda, xarakterning har bir xislati tegishli tipik sharoitlardagina nomoyon bo'ladi. Buni shuning bilan tushuntirish mumkin, xarakterning har bir xislatida odamning ma'lum sharoitlarga, voqealarning ma'lum tomonlariga bo'lgan munosabati ifodalanadi. Shu sababli bir o'quvchining o'zi-o'zini turli sharoitlarda turlicha tutishi mumkin. Maktabda qo'rqqoq, ikkilanuvchi, uyda chakkon, dilkash, g'ayratli, mehmonda vazmin, o'ychan va boshqa xolatdagi ko'rinishlari bilan farqlanadi.

Xarakter tug'ma bo'lmaydi. Faqat layoqat nishonalari tug'ma bo'lishi mumkin, ular nerv tizimining xususiyatlariga bog'lik bo'ladi. Xarakter esa muayyan jamiyat a'zosi bo'lgan kishining hayoti va faoliyati jarayonida tarkib topadi. Xarakter shaxsning individual xususiyatidir. Xarakterlari mutlaqo bir xil bo'lgan ikki kishini topib bo'lmaydi, lekin ayrim kishining xarakteridagi ko'p narsalar bir guruh kishilar uchun yoki hatto butun jamiyat uchun tipik bo'lishi mumkin.[6, c. 317-320.]. Jamiyat a'zosi bo'lgan kishining voqelikka bo'lgan munosabatida vujudga keladigan va uning xulq-atvori hamda xatti-harakatida ta'sir koldiradigan muhim, baqaror psixik xususiyatlarning majmui xarakter deyiladi. Shaxsning muayyan faoliyatini muvaffaq-

qiyatli egallashi, shuningdek uni ijodiy ravishda amalga oshirishning shartlari xisoblangan xususiyatlariga qobiliyat deb ataladi. Har bir inson takrorlanmaydigan individ bo'lib, uni muayyan faoliyat turiga layoqatli qiluvchi omil kishining o'z xususiyatidir. Ishdagi muvaffaqiyat ko'p jihhatdan uning qobiliyati bilan belgilanadi. Demak, qobiliyat shaxsning muayyan faoliyat turini yuqori darajada bajarishga bo'lgan layokat darajasini ifodalaydigan, turmush jarayonida xosil qilingan individual xususiyatlar yig'indisi xisoblanadi.

## Xulosa qilib shuni aytamizki,

psixologiyada shaxsiyatning xususiyatlari, o'zlarini muntazam ravishda namoyon etadigan asosiy xususiyatlarning barcha turlarini qamrab oladi. Masalan, har bir kishi tasodifiy kerakli ma'lumotlarni unutishi mumkin, ammo umuman olganda hammasi unutilmaydi. Yagona holatlar belgilar xususiyatining mavjudligini ko'rsatmaydi. Qarama-qarshilikka uchragan shaxslarning xarakteristikalarini odat va bezovtalik kabi xususiyatlarni o'z ichiga olishi mumkin, lekin bu boshqalarga g'azablanishga qodir bo'lgan har bir kishi ziddiyatli shaxs bo'lishini anglatmaydi. Shuni aytib o'tish joizki, inson hayot tajribasini yig'ib oladigan barcha fazilatlar oladi. Doimiy ravishda emas, balki umr bo'yi o'zgarishi mumkin. Qobiliyatlar, qiziqishlar va xarakterlar-bularning barchasi hayot tarzida o'zgarishi mumkin. Shaxs ekan, rivojlanadi va o'zgaradi. Shaxsiyatning hech qaysi belgisi tug'ma bo'lishi mumkin emas, deb ishoniladi - ularning barchasi hayot davomida qo'lga kiritilgan. Tug'lganda, insonga his-tuyg'ular organlari, asab tizimi va miya ishlarini o'z ichiga olgan fiziologik xususiyatlar beriladi va ularning xususiyatlari xarakterning rivojlanishi hisoblanadi.

## Shaxsiyatning hech qaysi belgisi tug'ma bo'lishi mumkin emas, deb ishoniladi - ularning barchasi hayot davomida qo'lga kiritilgan

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. -T.: O'zbekiston, 2011.
2. Karimova V.M., Shomurotova N. Shaxslararo munosabatlar etnopsixologiyasi. - T., 2012.
3. Ahrorov V.Yu. Sotsial psixologiya. - Samarqand, 2020.
4. G'oziyev E.G'. Psixologiya. - T.: O'qituvchi, 2012.
5. Karakulovich, J. A., & Sharofovna, R. Z. (2022). Socio-psychological features of changes in the emotional state of the person in the process of formation. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(3)
6. Qushoqovich, A. O. (2021). The role of family and education in the formation of environmental education of the younger generation. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(6), 317-320.

## “TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi” ilmiy-uslubiy jurnali ilmiy maqolalariga qo‘yiladigan talablar

Termiz iqtisodiyot va servis universitetining “TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi” ilmiy-uslubiy jurnali O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligining 2023-yil 1-martdagi № 066379-raqamli guvohnomasi bilan ro‘yxatga olingan.

Jurnalga *iqtisodiyot, tarix, pedagogika, psixologiya, fizika-matematika, filologiya* fan sohalarini (ruknlari) bo‘yicha maqolalar qabul qilinadi. Nashrga original, ilgari nashr qilinmagan maqolalar va jurnal rukniga mos keladigan maqolalar qabul qilinadi. Original maqolaning hajmi (annotatsiya, kalit so‘z va so‘z birikmalari hamda foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati bundan mustasno) 1,15 intervalda 7-10 bet tavsiya etiladi (15 betdan oshmasligi kerak). Matn – Microsoft Word. Format – A4. Matnning ikki yonidan qoldiriladigan o‘lcham – 2 sm. Shrift – Times New Roman. Shriftning kattaligi – 14. Qatorlar oralig‘i – 1,15. Xat boshi (abzats) – 1,25. Maqolalar o‘zbek (lotin imlosida), rus, yoki ingliz tillarida taqdim etilishi mumkin.

**Maqolaning tuzilishi quyidagicha tavsiya etiladi:**

**Muallif(lar):** mualliflarning to‘liq nomlari quyidagi tartibda qayd etilishi kerak: familiyasi, ismi, otasining ismi, ikki yoki undan ortiq mualliflar bo‘lsa, vergul bilan ajratiladi.

Muallif(lar)ning ish joyi: Ushbu ma‘lumot quyidagi tartibda taqdim etilishi kerak: kafedra, OTM yoki ilmiy-tadqiqot instituti, shahar va mamlakat, elektron pochta manzili, telefon raqami keltirilgan bo‘lishi kerak.

**Maqolaning nomi:** maqola va boshqa materiallar sarlavhasi qisqa, mazmunga muvofiq va 12 so‘zdan oshmasligi kerak (bosh harflarda). U o‘zbek, rus hamda ingliz tillarida taqdim etilishi kerak.

**Annotatsiya:** Maqolalarning qisqacha annotatsiyasi 10-12 qatordan oshmagan holda o‘zbek, rus va ingliz tillarida beriladi. Unda tadqiqot muammosi, uning dolzarbligi, tadqiqot muammosini ochib berish uchun qo‘llanilgan metodologiya, tadqiqot natijalari, maqolaning to‘la mazmunidan kelib chiqqan holda muallifning ilmiy va

amaliy hissasining qisqacha bayoni yoritiladi.

Annotatsiyada maqolaning asosiy jihatlari bayon etishda quyidagilarga e‘tibor beriladi:

- tadqiqotning asosiy ma‘lumotlarini qamrab olishi va ishda mavjud bo‘lmagan faktlar bo‘lmasligi lozim;
- maqolaning tuzilishi annotatsiyada takrorlanadi: kirish, maqsad va vazifa, usullar, natija/muhokama, xulosa/mulohaza;
- natijalar aniq va lo‘nda bo‘lib, uzviylikda beriladi;
- annotatsiyada maqola sarlavhasi takrorlanmaydi, keraksiz izohlar, “kirish jumalari” (muallif maqolada shuni nazarda tutadiki...) bo‘lmasligi lozim;
- annotatsiyada iqtibos keltirilmaydi;
- annotatsiya matnining hajmi 150-200 so‘zdan iborat bo‘lishi tavsiya etiladi.

**Kalit so‘zlar:** maqola mazmuni va maqsadini eng qisqa mazmunda ochib beruvchi kalit so‘zlar hisoblanadi. Annotatsiya ostida «Kalit so‘zlar» (8-10 ta) yozuvi joylashtiriladi. Kalit so‘zlar maqolaning asosiy mazmunini ifodalab, asosan, sohaga doir muhim tushunchalardan tashkil topgan bo‘lishi lozim. [scholar.google.com](https://scholar.google.com) yoki [google.com](https://google.com) qidiruv tizimida maqola oson va eng birinchi sahifalarda topilishi uchun tayanch so‘zlarning har biri asosiy matn tarkibida o‘rtacha 6-8 marta takrorlanishi tavsiya etiladi.

**Matn – Microsoft Word. Format – A4. Matnning ikki yonidan qoldiriladigan o‘lcham – 2 sm**

### Kirish:

maqolada tadqiqotning maqsadi va maqola yozilish vaqtida ilmiy muammoning holati aks etishi kerak. Kirish qismida asosan tadqiqot muammosi, uning maqsad va vazifalari yoritiladi. Mazkur qism tadqiqot mavzusining tanlanish asosi, uning dolzarbligi va ilmiy ahamiyatini tushuntirib beradi (ushbu qismda Prezident asarlari va ma‘ruzalariga murojaat qilinishi tavsiya etiladi).

### Mavzuga oid adabiyotlar tahlili:

mavzuga oid adabiyotlar tahlili tadqiqot etilayotgan muammo yuzasidan muallifning bilim va tasavvurlarga ega ekanini namoyon etuvchi qism hisoblanadi. Adabiyotlar tahlili mavjud intellektual hudud doirasini baholash va shu asosda ma‘lum xarita yaratishni anglatadi. Adabiyotlarning tanqidiy tahlilidagi urinishlar mazkur mavzu doirasidagi bilimlarni kuchaytiradi va tadqiqot savollarini yanada oydinlashtirishga yordam beradi. O‘z mazmuniga ko‘ra har qanday tadqiqot ayni shu sohada yaratilgan avvalgi bilimlar negiziga quriladi. Adabiyotlar bo‘yicha tahlil asosan sohadagi eng yangi jurnal maqolalari va boshqa turdagi ma‘lumot manbalari asosida amalga oshadi.

### Tadqiqot metodologiyasi:

tadqiqot metodologiyasi tadqiqotning eng muhim qismlaridan biri bo‘lib, u o‘tkazilayotgan tadqiqotning umumiy xaritasi, tadqiqot yo‘li va manzilga (natijaga) olib boruvchi xaritaviy chizgilari hisoblanadi. Maqola metodologiyasi tadqiqot falsafasi va yo‘nalishini (deduksion yoki induksion) belgilash, tadqiqot dizayni, ya‘ni tadqiqot muammosining yechimiga olib boruvchi bosh rejasini tuzish, tadqiqot uchun zarur axborotni olish yo‘llari va tadqiqot etikasini belgilash, tadqiqot ob‘ektining tanlovi (sampling), birlamchi yoki ikkilamchi ma‘lumot manbalaridan foydalanish to‘g‘risidagi qarorlar, tadqiqot strategiyasini (kuzatish, eksperiment, keys-stadi, savolnoma, etnografik, arxiv tadqiqot va h.k.) aniqlash bo‘yicha ratsional qaror qabul qilish asosida qo‘yilgan muammoning aniq yechimiga olib chiquvchi yo‘lni belgilashni anglatadi. Metodologiya qismining mukammalligi tadqiqot uchun belgilangan yo‘lning ishonchliligi (reliability) va aniqliligini (validity) asoslash orqali namoyon bo‘ladi.

## Tahlil, natijalar va mulohaza:

maqolaning tahlil qismi tadqiqot metodologiyasida avvaldan belgilab olingan tahlil usullari (matematik modellar va boshqalar) orqali yig'ilgan ma'lumotlarning tahlilini amalga oshiradi. Bunda faqatgina tahlil usulining natijalari ifoda etiladi; topilgan natijalar bo'yicha muhokama maqolaning keyingi qismining vazifasi hisoblanadi.

## Xulosa va takliflar:

kirish qismida qo'yilgan savollarga javoblar xulosalarda aniq ko'rsatilishi kerak. Shu bilan birga, takliflar va ayni tadqiqotdan kelib chiqqan holda kelajak tadqiqot ishi yo'nalishlari maqola xulosa va takliflari qismining asosini tashkil etishi lozim.

### Foydalanilgan adabiyotlarning berilish tartibi:

Maqolada foydalanilgan barcha adabiyotlarning ro'yxati maqolaning oxirida matnda foydalanilganlik ketma-ketligi bo'yicha beriladi (1. ... 2. ...). Maqola iqtiboslari esa matn ichida foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati ketma-ketligida adabiyotning foydalanilgan sahifasi bilan yoziladi ( [1, B.72-73] yoki [2, C. 153], [3, P. 25] ).

Jurnal maqolalarining berilishi:

Дульзон А.П. Этнолингвистическая дифференциация тюрков Сибири // Структура и история тюркских языков. – Москва: Наука, 1971. – С. 198 – 208.

Elektron jurnaldagi maqolalarning berilishi:

Allamuratov Sh.A. Markaziy Osiyo xalqlari madaniy-diniy aloqalarida Amudaryo suv yo'lining o'rni // O'tmishga nazar. №24. 2019. – B. 23-29. URL: <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24> [murojaat qilingan sana: 15.02.2023]

Konferensiya materiallarining berilishi:

Allamuratov Sh.A. Amudaryo bo'ylab Bux-

oro amirligi qishloq xo'jalik mahsulotlarining tashilishi // "Buxoro tarixi masalalari" (eng qadimgi zamonlardan hozirgi davrgacha). Respublika ilmiy-amaliy (onlayn) konferensiyasi materiallari. – Buxoro, 2021. – B. 72-76.

Kitoblar (monografiya, to'plam)larning berilishi (adabiyotning umumiy beti shu joyda yoziladi):

Бўриев О. Теурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тарихий-географик лавҳалар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 186 б.

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – Москва – Ленинград: АН СССР, 1951. – 451 с.

Tarjima kitoblarning berilishi:

Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Яхё ал-Балозурий. Футуҳ ал-булдон (Хуросоннинг фатҳ этилиши) / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолiddин. – Тошкент: ТошДШИ, 2017. – 440 б.

Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей или Четыре беседы / Пер. с перс. С.И.Баевского и З.Н.Ворожейкиной под ред. А.Н.Болдырева. М.: ИВЛ, 1963. – 174 с.

## kirish qismida qo'yilgan savollarga javoblar xulosalarda aniq ko'rsatilishi kerak

Internet-resurslarning berilishi:

Лапин Р.В. Флотилии в Туркестане периода гражданской войны (Прислала В.Лаврова) // <https://mytashkent.uz/2018/01/24/flotilii-v-turkestanepериода-grazhdanskoj-vojny/> [murojaat qilingan sana: 15.03.2022]

Амударьинская военная флотилия (Материал из Википедии — свободной энциклопедии)[элект.рес.]//<https://ru.wiki>